

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЛАКАВИЙ  
ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



**ҚАРШИ – 2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС**

**ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**А.СОХИБОВ**

**УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЛАКАВИЙ  
ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**Қарши-2019.**

Ушбу ўқув-услугий қўлланма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Давлат Таълим Стандартлари талаблари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрь 305- сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу методик қўлланма бакалаврият даражасини олувчи таълим йўналишлари талабаларининг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида амалиёт ўтадиган талабаларга методик кўрсатма сифатида мўлжалланган.

Мазкур методик кўрсатмалар Қарши Давлат университети Илмий Кенгашининг 2016 йил ..... баённомасига кўра нашрга тавсия этилган.

Тузувчи: доцент А.Сохибов

Масъул муҳаррирлар: доцентлар, Ш. Нуруллаева, Н. Джумаева

Такризчилар: доцентлар, Н. Орипова, Н. Очилова

## КИРИШ

Республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришлар жараёни кечмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим тизими жумладан, олий педагогик таълим муассасалари олдида педагогик кадрларни тайёрлашни тубдан яхшилаш вазифасини қуймоқда.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг муҳим босқичларидан бири педагогик амалиёт саналади. Олий таълим муассасаси аудиториясида эгалланган назарий билимлар, малака ва кўникмалар умум таълим мактабларида амалиёт давомида синовдан ўтади, ривожлантирилади.

Педагогик амалиёт талабаларни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув тарбиявий ишларга касбий педагогик ва психологик тайёрлаш, ижодий фикрлаш, касбий маҳорат ва қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Педагогик амалиётнинг асосий мақсади талабаларни ўқитувчи ва синф раҳбари вазифасини бажаришга тайёрлашдир. Айнан шу амалиёт жараёнида ёзги педагогик амалиёт даврида талабалар умумтаълим мактаб ўқувчиларининг соғломлаштириш, меҳнат ва истироҳат оромгоҳларидан иштирок этадилар. Улар (шаҳар ичидаги ва ташқарисидаги) соғломлаштириш оромгоҳларида етакчи ва тарбиячи сифатида хизмат қиладилар. Талабалар ўқувчиларни тарбиялашга, ўқув ва тарбиявий жараёнларни узвий бирликда амалга оширишга, болаларни ғоявий-сиёсий, ақлий, ахлоқий, меҳнат, жисмоний ҳамда эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг бирлигини таъминлашга ўрганадилар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрь 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## 1. Умумий қоидалар.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос равишда ишлаб чиқилган. Унда олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ўтказиш шакллари, тартиби ва услублари белгиланган.

Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган талабалар амалиёти-илғор корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади.

Талабалар амалиёти бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари фанларининг назарий қисмини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ўқиш жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитлари ўтказиладиган давомидир.

Малакавий амалиётлар бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари давлат таълим стандартларида (ДТС) кўзда тутилган турли шаклларда ташкил қилинади.

Олий таълим муассасаси йўналишларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, кадрлар буютмачилари талабларига биноан, илмий кенгаш қарорига мувофиқ амалиётнинг бошқа турларини киритиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир амалиётнинг мақсади, муддати ва мазмуни ДТС, ўқув режалари ва амалиёт дастурларида белгиланган.

Амалиёт дастурлари танланган йўналиш (ихтисослик) нинг малакавий талаблари корхона, муассаса, ташкилотларнинг (бундан буён-амалиёт объектлари) тавсифи ҳисобга олинган ҳолда тегишли ўқув

муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва уларни олий ўқув юртлари ректорлари тасдиқлайди.

## **2. Амалиётни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик.**

2.1. Талабалар амалиёти олий таълим муассасаларининг давлат ва акциядорлик корхоналари, муассаса, ташкилот, фирма, қўшма корхоналар ва бошқалар билан тузган шартномалари асосида ташкил қилинади.

2.2. Юридик шахслар билан тузилган контракт асосида ўқийдиган талабалар амалиёт ўтиш учун тегишли амалиёт объектларига юбориладилар.

2.3. Амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш учун жавобгарлик олий ўқув юртининг ректори зиммасига юкланади.

2.4. Амалиёт жойлари, талабаларнинг катта гуруҳлари ўтишини ҳисобга олиб, олий таълим муассасаси яқинида жойлашган амалиёт объектларидан танланади.

Мазкур таянч жойда талабалар амалиёт ўтадиган корхона йўқ бўлса, амалиёт объектлари сифатида олий таълим муассасасига яқин жойлашган корхоналардан фойдаланилади.

Икки томонлама битимлар асосида амалиётни хорижий давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ўтиш мумкин.

2.5. Олий ўқув юртлари:

- ҳар йили, 1 декабрдан кечикмаган ҳолда, навбатдаги календарь йили учун амалиёт объектлари билан шартномалар тузади. Амалиёт бошланишидан икки ой олдин талабалар амалиётини ўтказиш дастури ва календарь жадвалини амалиёт объектлари билан келишиб олади;

- амалиёт раҳбари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайинланади;

- фан, техника ва маданиятнинг энг янги ютуқлари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, уни илмий ташкил этиш, бошқариш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича амалиёт объектлари маъмурияти билан биргаликда мутахассисларнинг маърузаларини ташкил этади;

- талабалар ва амалиёт объектларини амалиёт дастурлари билан таъминлайди;

Объектларидаги талабалар амалиётининг ташкил этиш тартиби ва ўтказилишини ҳамда амалиёт муддати ва мазмунига риоя қилишини назорат этади.

#### 2.6. Олий ўқув юрти тайинлаган амалиёт раҳбари:

- талабалар келишига зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун объектларга амалиёт бошланишидан олдин боради;

- талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирлар (амалиёт ўтказиш тартиблари, хавфсизлик техникаси ҳақида кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.) ни ўтказишни таъминлайди;

- талабаларнинг кафедра топшириқларида кўзда тутилган илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади;

- амалиёт объектлари талабаларнинг меҳнат ва маиший хизмат шароитлари меъёрадагидек таъминланганлигини назорат қилади;

- талабаларнинг ички меҳнат тартиб-қоидалари риоя қилишларини назорат қилади;

- амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижаларини баҳоловчи комиссия ишида иштирок этади;

- талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботини кўриб чиқади, уларнинг иши ҳақида тавсиянома беради. Талабалар амалиёт ўтганлиги, уларнинг амалиёт тайёргарлигидаги камчиликлар кўрсатилган амалиётни такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритилган ёзма ҳисоботни кафедра мудирига тақдим этади.;

- барча ишларни амалиёт объекти томонидан бириктирилган раҳбар билан биргаликда ўтказилади.

2.7. Талабалар амалиётининг умумий раҳбарлиги амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан масъул ходимларнинг бирига юклатилади.

Цех, бўлим, лаборатория кабиларда талабалар амалиётининг бевосита раҳбарлиги амалиёт объекти бошлиғи билан кўрсатилган таркибий бўлимнинг юқори малакали мутахассисси зиммасига юкланади.

## 2.8. Шартнома мажбуриятларига мувофиқ амалиёт объектлари:

- талабалар амалиёт дастури ва мазкур Низомга мувофиқ ташкил қилади ва ўтказади;

- дастурга мувофиқ талабалар амалиёт ўтказишнинг самарадорлигини таъминловчи иш жойлари билан таъминлайди;

- талабалар таълим йўналишлари бўйича бўш иш жойлари мавжудлигида, амалиётчиларни тегишли иш ҳақи билан лавозимларга қабул қилади;

- амалиётни ўтишда олий таълим муассасаси билан келишилган ой-кунлик ва иш жадвалига амал қилади;

- талабаларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа хужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради;

- курс иши ва малакавий битирув ишлари учун мавзулар танлашда ёрдам кўрсатади;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мажбурий кўрсатмалар беради, зарур бўлган ҳолларда талабаларни меҳнатнинг хавфсиз усулларига ўргатади ва бу ҳақда хужжатлар расмийлаштирилади;

- амалиётчи талабаларнинг мазкур амалиёт объектида жорий қилинган ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини таъминлайди ва назорат қилади;

- яқин атрофда жойлашган бошқа корхона, муассаса, ташкилотларга биргаликда ташрифлар ўтказилади;

- талабаларнинг амалиёт ўтиш вақтида мазкур амалиёт объектининг тегишли ишчилари учун жорий қилинган шахсий ҳимоя воситалари ва махсус овқат, пойафзал, ҳимоя кийимлари билан таъминлайди;



- шартнома асосида талабалар яшаши учун қулай шароитли ётоқхоналар билан таъминлайди. Зарур бўлганда уларни жойлаштириш учун тураржойларни ижарага олади;

- зарур бўлган ҳолларда, ички меҳнат интизомини бузган амалиётчи талабаларга амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан жазо чоралари кўради ва бу ҳақда олий таълим муассасаси ректорига хабар қилади;

- амалиёт ўтаётган талабалар бахтсиз ходимларга учраган ҳолда тўла жавобгарликни олади.

### 2.9. Талаба амалиёт ўтишда:

- амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши;

- амалиёт объектининг ички меҳнат тартиб қоидаларига бўйсунуши;

- меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини ўрнатиши ва қатъий риоя қилиши;

- бажарилган иш ва унинг натижалари учун шу корхона ишчилари катори жавобгарлик олиши;

- кундалик дафтар юритиши, чизмалар, тасвирлар ва бошқаларни бажариши;

- амалиёт раҳбарига барча топшириқлар бажарилгани ҳақида ёзма равишда ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича синов топшириши шарт.

### **3. Амалиёт натижаларини якунлаш.**

Амалиёт якунида талаба ёзма равишда ҳисобот тайёрлаш ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган раҳбар имзолаган кундалик дафтар билан бирга олий таълим муассасасидан тайинланган раҳбарга топширади. Ҳисобот талабаланинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисидаги маълумотлар, амалиёт объекти бўлимларининг қисқача изоҳи (цех, бўлим, лаборатория ва бошқалар), улар фаолиятининг ташкил қилиниши, ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги тўғрисидаги масалалар, амалиёт натижалари бўйича хулоса ва таклифларни ўз ичига олиши лозим.

Амалиёт якунида талаба ўз ҳисоботини олий таълим муассасаси томонидан тайинланган комиссия олдида ҳимоя қилади.

Комиссия таркибига ўтирилган амалиёт фанини олиб борувчи ўқитувчи, олий таълим муассасаси томонидан бириктирилган раҳбар ва имкони бўлса, амалиёт объектдан тайинланган раҳбар ҳам киритилади.

Амалиёт натижаси баҳоси талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгилашда ҳисобга олинади.

Амалиёт якуни олий таълим муассасасининг илмий-услубий анжумани ва амалиёт объектнинг ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинади.

Олий таълим муассасаси ва факультет илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига якун ясалади.

Амалиёт дастўрини бажармаган, иши ҳақида қониқарсиз тақриз ёки ҳисобот ҳимоясида қониқарсиз баҳо олган талаба таътил вақтида ўз ҳисобидан қайта амалиёт ўтишга жўнатилади.

Айрим ҳолларда, бундай талабанинг келгусида олий таълим муассасасида ўқиши мумкинлиги масаласи ректор томонидан кўриб чиқилади.

#### **4. Моддий таъминот.**

4.1. Амалиёт объекти ходимларига амалиётга раҳбарлик қилгани учун иш ҳақи олий таълим муассасаси билан тузилган шартномада кўзда тутилган маблағлар ҳисобига тўланади. Бунинг учун бутун муддат давомида тегишли талабалар гуруҳига битта раҳбар ҳисобидан қуйидаги меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳақ тўланади (асосий иш жойининг ўртача ишҳақидан фоиз ҳисобида);

а) амалиётчи талабаларнинг сонига қараб умумий раҳбарлик қилувчи амалиёт раҳбарига:

11 дан 20 кишигача	-25%
21 дан 30 кишигача	-35%
31 дан 40 кишигача	-45%
41 дан 50 кишигача	-50%

б) амалиётчи талабаларнинг сонига қараб амалиётга бевосита раҳбарлик қилувчи раҳбарлик;

4 кишигача - 20%

5 дан 7 кишигача -35%

8 дан 10 кишигача -50%

Фермер хўжалигидаги амалиёт раҳбари, ҳамда педагогик амалиёт учун раҳбарлик қилган мактаб ходимининг иш ҳақи олий таълим муассасасининг амалиёт учун кўзда тутган маблағлар ҳисобидан берилади. Уларнинг иш ҳақи меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Сув ва қишлоқ хўжалиги ва Халқ таълими вазирликлари бирганликда тузган махсус кўрсатмалари асосида Молия, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан келишилган ҳолда жорий қилинади.

Талабалар амалиётга раҳбар бўлмаган мутахассислар томонидан амалиёт объектида ўтказилган маъруза, маслаҳат ва ташрифлар учун тўловлар, олий таълим муассасаларининг амалдаги тартибда кўрсатилган, соатбай тўлов маоши бўйича, ишлаб чиқариш амалиёти учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан олий таълим муассасаси амалга оширади.

4.2. Талаба амалиёт даврида амалиёт ўтиш жойидан иш ҳақи олиш-олмаслигидан қабтӣ назар, унинг умумий қоидалар асосида стипендия олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

4.3. Сиртдан ўқийдиган охириги босқичдаги талабаларга, танланган йўналиш (ихтисослик) бўйи ча бевосита ишлаб чиқаришда иш билан танишиш ва битирув иши(лойиҳа) га зарур маълумотларни тайёрлаш учун, тегишли ўқув юртининг тавсиясига кўра, муассаса раҳбарлари иш ҳақи сақланмаган ҳолда бир ойлик қўшимча таътил берадилар.

Ушбу талабаларга кўрсатилан таътил даврида умумий қоидалар асосида стипендия берилади.

4.4. Олий таълим муассасаси ҳудудидан кетиш билан боғлиқ амалиётга жўнатилган кундузги талабаларга олий ўқув юртининг сарф-ҳаражатлар

жадвали ҳисобидан бутун амалиёт даври учун кунбай-сафар пули тўланади. Сафар пули тўлаш амалиётчи талабаларнинг объектга бориш ва қайтириш вақти ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Амалиёт даврида экспедиция ва геологик гуруҳларнинг мансаб лавозимларига қабул қилинган ва иш ҳақи, дала таъминоти ёки текин овқат бериладиган талабаларга сафар пули тўланмайди.

4.5. Кундузги ўқувчи талабаларнинг амалиёт объекти жойлашган жойга бориш ва келиши учун йўлқира ҳаққи олий ўқув юрти маблағи ҳисобидан тўланади.

4.6. Амалиёт даврида маош оладиган лавозимларда ишлайдиган талабаларга шу мутахассис учун тегишли меъёрда навбатдаги таътил товони тўланади. Аввал ишламаган талабаларга лавозими, ишнинг бошланиши ва тугалланишини кўрсатувчи бўйруқ нусхаси ва меҳнат шартномаси тузилганлиги ва тўхтатилганлиги ҳақида саналари кўрсатилган маълумотнома берилади.

Талабалар амалиёт даврида тўловли иш жойи ва лавозимга қабул қилинган вақтдан бошлаб, амалиёт объектидаги умумий меҳнат қонунлари, меҳнат хавфсизлиги ва ички меҳнат тартиб қоидаларига амал қилади. Иш жойига қабул қилинмаган талабаларга ҳам меҳнат ва иш кунининг тартиб-қоидалари тааллуқлидир.

4.7. Амалиётга раҳбарлик қилишга кетган ўқитувчи хизмат сафарининг тўлов хизмат сафарида бўлган бутун давр учун хизмат сафари тўлови ҳақидаги қоида асосида олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

4.8. Амалиётни ўтиш давридаги талабалар бошқа корхоналарга ташрифларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар олий таълим муассасаларининг амалиётни ўтказиш учун харажатлар рўйхатида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4.9. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси билан келишилган ҳолда ўз тасарруфига олий таълим муассасаларининг талабалари амалиёт ўтиши учун йўл-йўриқларни мазкур низом асосида ишлаб чиқарадилар ва тасдиқлайдилар.

## **Оромгоҳларда мавсумий "Камалак" болалар**

### **ташкilotини ташкил қилиш**

#### **НИЗОМИ**

Мазкур Низомга асосан ёзги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг кўнгилли дам олишлари, соғлиқларини мустаҳкамлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ҳамда "Камалак" болалар ташкilotи фаолиятини мувофиқлаштириш, болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида мавсумий "Камалак" болалар ташкilotини ташкил қилиш кўзда тутилади.

#### **Мақсад ва вазифалари**

Асосий мақсади болаларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш. Жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштиришдан иборат.

#### **Оромгоҳда мавсумий "Камалак" болалар ташкilotини ташкил қилиш тартиби**

Оромгоҳдаги мавсумий "Камалак" болалар ташкilotи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги "Камалак" болалар ташкilotининг етти йўналиши бўйича фаолият юритади.

**1."Соғлом авлод":** Жисмоний тарбия билан шуғулланиб, танани чиниқтириш, кучли, ғайратли, соғлом турмуш тарзи тарафдорлари бўлиб етишиш. (Спорт секциялари фаолияти, оромгоҳ ичидаги ва оромгоҳлараро спорт мусобақалари, машҳур спортчилар ва тиббиёт ходимлари билан учрашувлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мавзусидаги семинар-тренинглари.)

**2. "Олтин мерос":** Ўзбекистоннинг ўтмиш тарихи ва маданий меросини ўрганиш. Болаларни Ватан ўтмиши, урф-одатлари, буюк аждодларга ҳурмат ва қадрлаш руҳида тарбиялаш. (Халқ ҳунармандчилиги тўғараклари, фолкълор жамоалари, тарихий мавзудаги фильмлар ва мултфильмлар намоёйиши.

**3. "Маънавиит ва маърифат":** Турли соҳалар бўйича эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, маърифатли бўлиш, шахсий дунёқарашни бойитишга интилиш ("Ёш қаламкашлар" тўғараги, "Маънавият ва маърифат" хонаси ва кутубхоналар фаолияти, машҳур болалар адиблари ва санъаткорлар билан учрашувлар).

**4. "Экосан":** Атроф-муҳитни асраш ва яхшилашга амалий хисса қўшиш. ("Ёш ўлкашунослар" тўғараклари, меҳнат десантлари, хашарлар, экологик ўйинлар ва тарғибот-ташвиқот гуруҳлари, саёҳатлар)

**5. "Умид":** Ўқувчилар илмий жамияти, билимли, зукко бўлишга интилиш, истеъдодли болаларга ўз иқтидорини намоён қилишга шароит яратиб бериш. (Чет тилларни ўргатувчи тўғараклар, рассомчилик, шахмат-шашка, касб-ҳунарга ўргатувчи тўғараклар, болаларнинг ишларидан ташкил топган кўрғазмалар, интеллектуал ўйинлар, "Заковат" клуби, "Зулфия" мукофоти ҳамда бошқа давлат мукофотларига сазовор бўлган ёшлар билан учрашувлар).

**6. "Меҳр-шафқат":** Инсонпарварлик ёрдамига, меҳрга зориққанларга, ёрдамга, қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганларга ёрдам бериш. ("Меҳр-шафқат" клублари, "Меҳр худуди" акциялари).

**"Ватанпарвар":** Ватан ҳимоячиси бўлишга тайёрлаш, биринчи тиббий ёрдам бериш маҳоратини эгаллаш ("Ёш ҳамшира", "Автопатрул", ҳарбий спорт тўғараклари, ҳарбий-спорт ўйинлари.)

### **Ёзги педагогик амалиёт.**

Ёзги педагогик амалиёт даврида талабалар умумтаълим мактаб ўқувчиларининг соғломлаштириш, меҳнат ва истироҳат оромгоҳларидан

иштирок этадилар. Улар (шаҳар ичидаги ва ташқарисидаги) соғломлаштириш оромгоҳларида етакчи ва тарбиячи сифатида хизмат қиладилар. Шунингдек, меҳнат ва ҳордиқ чиқариш ўқув-тажриба хўжаликларида ёшлар спорт ва туристик оромгоҳлари, болалар соғломлаштириш майдонлари, мактабдан ташқари муассасалари (болалар спорт мактаблари, техник ижодкорлик, ёш техниклар, ёш табиатшунослар станциялари)да педагогик амалиётни ўтказишлари мумкин.

Бу амалиёт жараёнида талабалар ёзги таътил даврида болалар ва ўсмирлар ҳаёти ва фаолиятини мустақил ташкил этиш бўйича тажриба орттирадилар.

### **Ёзги педагогик амалиётнинг вазифалари.**

1. Ижодий таътил даврида эгалланган педагогик мутахассислари бўйича олинган билимларни янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;

2. Мутахассислик бўйича педагогик ўқув ва малакаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш. Болаларнинг индивидуал шахсий хусусиятларини ўрганиш, болалар билан алоҳида, махсус тарбиявий ишлар, тадбирларни ривожлантириш ва ўтказиш, тарбиячилар иш тажрибасини таҳлил этиш ва бошқариш.

3. Ёз фасли шароитида болалар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича педагогик мутахассислигига оид малакаларни, кўникмаларни такомиллаштириш. (вақтинчалик болалар жамоасини ташкил этиш, ёзда болалар билан тарбиявий ишларни ривожлантириш ва ўтказиш, соғломлаштириш бўйича ижтимоий-фойдали меҳнат болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ишларини ташкил этиши).

4. Бўлажак ўқитувчи шахсини ижтимоий фаол педагогик мутахассислигига йўналтирилган сифатларни шакллантириш.

### **Ёзги педагогик амалиёт даврида талабалар фаолиятининг мазмуни.**

- Ёз фасли шароитида болалар билан махсус тарбиявий ишлар билан танишиш.

- Болалар ва вақтинчалик жамоа хусусиятларини ўрганиш, ёз фасли шароитида тарбиявий ишларни режалаштириш.

- Талабаларнинг педагогик амалиёт даврида етакчи сифатида (тарбиячи методист, тўғарак раҳбари) мустақил фаолият олиб бориш.

- Психологик педагогик муаммоларга оид илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш.

Ўқув режасига мувофиқ, педагогик йўналишда факультетларнинг 2 курс талабалари 2 ҳафталик ёзги педагогик амалиётида бўладилар.

Педагогик амалиётга корхона ва муассасалар касаба уюшмасининг аризасига асосан, йўлланма берилади. Ушбу корхона муассасалар билан шартнома тузади. Талабаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ва мактабдан ташқари муассасаларга ишга тақсимлаш режаси университет педагогик амалият раҳбари ва педагогика кафедраси билан келишилган ҳолда тузилади. Педагогик амалиётда талабалар етакчи тарбиячи, тўғарак раҳбарлари сифатида ишлайдилар. Ўқув режасига биноан педагогик амалиётга йўналтирилган талабалар методик тайёргарликдан ўтадилар. Педагогика кафедраси талабаларини ушбу машғулотларни ўташларини таъминловчи дастур тузади.

Методик машғулотлар дастурига талабарнинг техник хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича тайёрлаш вазифалари келтирилган.

Ёзга соғломлаштириш оромгоҳларида талабалар оромгоҳ бошлиқлари, катта етакчилар, тарбиявий муассасалар раҳбарлари ва бошқалар қўл остида педагогик амалиётни ўтайдилар.

Талабаларга оромгоҳларда педагогик амалиёт ўтказиш муддатлари кўрсатилган йўлланма берилади.



Амалиёт тугаши билан талабалар ёзги амалиёт бўйича ҳисобот тайёрлайдилар ҳамда оромгоҳ бошлиғи, етакчиси ёки тарбиявий муассаса раҳбарининг тақризини оладилар.

Тақриз ва тавсифномаси ҳамда бирор бир тарбиявий тадбир сценарийси баҳоланади.

Салбий тақриз олинган тақдирда талабага деканат рухсати билан педагогик амалиётни қайта ўтказиш мумкин.


Педагогик амалиётни ўтказиш даврида раҳбарлик ва назоратни университет педагогик амалиёт раҳбари, педагогика кафедраси билан биргаликда олиб боради.

**Ёзги оромгоҳда гуруҳда амалга ошириладиган  
тадбирларнинг тахминий дастури.**


<b>Оромгоҳ гуруҳида мўлжалланган қизиқарли ишлар мазмуни</b>	<b>Масъул шахс</b>
<p style="text-align: center;">1-кун.</p> <p>Болаларни кутиб олиш ва жойлаштириш. Оромгоҳ бўйлаб саёҳат. Саришталик кўригини ўтказиш. Гуруҳни номлаш. “Ўз ҳақингда сўзлаб бер” мавзусида танишув оқшоми.</p>	<p>Оромгоҳ раҳбари, оромгоҳнинг бош етакчиси, гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари</p>
<p style="text-align: center;">2-кун.</p> <p>Эрталабги йиғилиш. Гуруҳда оромгоҳнинг тантанали очилишига тайёргарлик кўриш. Гуруҳнинг номи, кўшиғи, шиорини танлаш. Оромгоҳда ташкил этилган тўгараклар фаолияти билан танишиш.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари</p>
<p style="text-align: center;">3-кун.</p> <p>Эрталабги йиғилиш. Ёзги оромгоҳ мавсумининг тантанали очилиш маросими. Гуруҳ бурчагини жиҳозлаш. Болалар кўшиқлари, ўйинларини ўрганиш.</p>	<p>Оромгоҳ раҳбари, оромгоҳнинг бош етакчиси, гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p style="text-align: center;">4-кун.</p> <p>Эрталабги йиғилиш. Спартакиада мусобақалари “Салом, менинг оромгоҳим, жонажон масканим” сайида иштирок этиш. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p style="text-align: center;">5-кун.</p> <p>Эрталабги йиғилиш. Болалар ёзувчилари ва шоирлари ҳақида суҳбат. Оромгоҳ кутубхоначисининг суҳбати. Кичкинтойлар учун бадиий асарлар ўқишни ташкил қилиш. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, оромгоҳ кутубхоначиси, гуруҳ садори</p>
<p style="text-align: center;">6-кун.</p> <p>Эрталабги йиғилиш. “Тулла, яшна хур Ўзбекистон!” мавзусида ўтказиладиган гуруҳлараро деворий газеталар кўрик-танловда иштирок этиш. Республика вилоятлари ҳақида ҳикоялар. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p style="text-align: center;">7-кун.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи</p>

<p>Эрталабги йиғилиш. Табиат куни, Қувнок саёҳат, Оромгоҳ атрофида саёҳатга чиқиш. Доривор ўсимликлар тўплаш. “Энг саришта хона” кўригини ўтказиш. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p>8-кун. Эрталабги йиғилиш. “Ўйла, изла, топ” топқирлар ва билимдонлар мусобақасини ўтказиш. Буюк алломаларимиз ҳақида суҳбат. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p>9-кун. Эрталабги йиғилиш. Оромгоҳда ўтказиладиган спорт мусобақаларида иштирок этиш. “Сен аъзо бўлган ташкилот ҳақида нималар биласан?”, “Камалак” болалар ташкилоти ҳақида суҳбат. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p>10-кун. Эрталабги йиғилиш. Оромгоҳда эртақлар куни. “Ёш Робинзонлар” куни. Саҳналаштирилган эртақлар эрталигини ўтказиш. Кичкинтойлар билан болалар кўшиқларини ўрганиш. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p>11-кун. Эрталабги йиғилиш. “Ёзги ўтлоқда соз” мавзусида суҳбат. Ёзги оромгоҳ мавсумининг тантанали ёпилиш маросимига тайёргарлик кўриш. Гуруҳнинг кечки йиғини.</p>	<p>Гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p>12-кун. Эрталабги йиғилиш. “Дўстлигимиз абадий” номли тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш. (болалар бир-бирлари ҳақида яшаш жойлари ва мактаблари ҳақида маълумотга эга бўлишади) Ёзги оромгоҳ мавсумининг тантанали ёпилиш маросими.</p>	<p>Оромгоҳ раҳбари, оромгоҳнинг бош етакчиси, гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари, гуруҳ садори</p>
<p>13-кун. Хайр оромгоҳ. Болаларни кузатиш.</p>	<p>Оромгоҳ раҳбари, оромгоҳнинг бош етакчиси, гуруҳ етакчиси, тарбиячи методист, тўгарак раҳбари</p>

**Оромгоҳдаги мавсумий “Камалак” болалар ташкилотининг бошқарув тузулмаси**



**Мавсумий оромгоҳларда “Камалак” болалар ташкилоти Сардорлар Кенгаши тизими**



## **САРДОРЛАР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ИШ ТАҚСИМОТИ.**

### **1. Сардорлар Кенгаши раиси - "Камалак" сардори:**

Гуруҳ аъзоларининг қизиқарли ҳаёти гуруҳ сардорларининг ташкилотчилик ва ижодий қобилиятига боғлиқдир. Чунки, у ўзидаги мана шундай ижодий фазилатлари билан гуруҳ аъзоларини аҳил, дўст ва иноқ жамоага бирлаштира олади. Гуруҳ сардорлари гуруҳнинг ташкилий йиғилишида сайланади. У қўйидаги вазифаларни бажаради:

-Оромгоҳдаги мавсумий "Камалак" болалар ташкилотининг ишини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

- гуруҳ аъзолари билан биргаликда гуруҳнинг мавсумий иш режасини ишлаб чиқади;

- гуруҳ йиғилишлари, оммавий тадбирларининг ўз вақтида ўтказилишини таъминлайди;

- гуруҳ етакчиси билан биргаликда гуруҳ аъзоларининг "Камалак" болалар ташкилотининг барча йўналишлари бўйича фаолиятини ташкил этади;

- "Камалак" болалар ташкилотининг йўналишлари бўйича ишларни белгилайди ва уларни амалга оширилишини таъминлайди;

- гуруҳ аъзоларининг "Камалак" болалар ташкилоти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳақидаги билимларини ошириш мақсадида давра суҳбатлари уюштиради, викториналар ўтказади;

- болалар ташкилоти йўналишлари бўйича бурчак ташкил этади;

- етакчи ва тарбиячи билан биргаликда гуруҳ деворий стендини мунтазам чиқишини таъминлайди;

-оромгоҳдаги сардорлар Кенгаши гуруҳ сардорларининг ҳисоботларини тақдим этади;

-кичик ёшдаги кичкинтой дўстлари учун гуруҳ аъзолари билан биргаликда театрлаштирилган байрам томошаларини намоишларини ташкил этади;

- гуруҳ фаолиятида иштирок этган болаларни рағбатлантириш учун таклифлар тайёрлайди;

- гуруҳнинг якуний йиғилишига тайёргарлик кўради ва етакчи, тарбиячи билан биргаликда ўтказди.

## **2. Ахборот-таҳлил бўлими сардори:**

- Ўқув бўлими сардори билан бирга оромгоҳдаги "Камалак" бурчакларининг ахволи ва мунтазам равишда бойитиб борилишига жавоб беради;

- оромгоҳ ва ташкилот ҳаётида бўлаётган янгиликлар ва воқеаларни ахборот стендида ёки оромгоҳ газетасида мунтазам равишда ёритиб боради;

- оромгоҳ бош етакчиси билан бирга олиб борилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида ёритилиб боришига жавоб беради;

-бўлиб ўтаётган тадбирлар давомида зал ва майдончаларни безашга гуруҳ матбуот бўлими сардорларини ва тўғарақлар раҳбарларини жалб қилади;

-Сардорлар Кенгаши штабида олиб борилаётган ишлар ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боради.

## **3. "Ватанпарвар" йўналиши Сардори:**

-болалар ташкилотининг бошқарув органи билан биргаликда турли байрам кўрик-танловлар, викториналар, мусобақалар ва қизиқарли учрашувларни ташкиллаштиради;

-оромгоҳда ўтаётган барча тадбирларнинг қизиқарли ва юқори савияда ўтказиш мақсадида барча гуруҳлардаги етакчилар ва ташкилий бўлим сардорларини жалб қилади;

-Сардорлар Кенгаши штабида олиб борилаётган ишлар ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боради.

## **4. "Маънавий-маърифий" йўналиши Сардори:**

- Ахборот-таҳлил бўлими сардори билан бирга оромгоҳдаги "Камалак" бурчакларининг ахволи ва мунтазам равишда бойитиб борилишига жавоб

беради;

- Оромгоҳ бош етакчиси билан биргаликда "Заковат" клуби фаолиятини, интеллектуал ўйинларни ва "Зулфия" мукофоти ҳамда бошқа давлат мукофотларига сазовор бўлган ёшлар билан учрашувларни ташкиллаштиради;

-Сардорлар Кенгаши штабида олиб борилаётган ишлар ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боради.

#### **5. "Экосан" йўналиши Сардори:**

-оромгоҳда меҳнат десантлари, хашарлар уюштиради;

-матбуот ва ташкилий бўлим сардори билан "Супер хона" танловини ўтказди;

- мавсум давомида ҳар куни гуруҳлар хоналари ва бириктирилган майдончаларни озодалик мониторингини ўтказиб боради;

-чиқинди маҳсулотлардан буюмлар ясаш кўрик-танловини ўтказди ва уларни кўргазмасини ташкил қилади;

-Сардорлар Кенгаши штабида олиб борилаётган ишлар ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боради.

#### **6. "Олтин мерос" йўналиши Сардори:**

-Оромгоҳда бўлиб ўтаётган барча тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда кичик ёшли гуруҳлар етакчиларига ёрдам беради;

-Сардорлар Кенгаши штабида олиб борилаётган ишлар ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боради.

#### **7. "Меҳр-шафқат" йўналиши Сардори:**

-Ахборот-таҳлил бўлими сардори билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил қилади ва ўтказди;

- "Меҳр худуди" акцияларини ўтказди;

-Сардорлар Кенгаши штабида олиб борилаётган ишлар ҳақида мунтазам ҳисобот бериб боради;

-гуруҳлардаги Сардорлар Кенгаши гуруҳ ичида бажаралиши лозим бўлган ишларни йўлга қўяди ва оромгоҳ бўйича олиб борилаётган ишларни амалга оширишда оромгоҳ Сардорлар Кенгашига амалий ёрдам кўрсатадилар.

### **Оромгоҳдаги мавсумий "Камалак" болалар ташкилотининг ахборот стенди**

1. "Камалак" болалар ташкилотининг тўлиқ номи, шиори, эмблемаси.
2. Йўналишлар ҳақида ахборот.
3. Болалар ташкилотининг бошқарув тизими ва сардорлар Кенгаши тизими.
4. Оромгоҳда фаолият юритаётган тўғараклар ва секцияларнинг иш тартиби.
5. Бўлиб ўтаётган тадбирлар ва уларнинг натижалари ҳақида маълумот.
6. Эълон ва янгиликлар.
7. Табриклар.

### **Ташкилотчига ёрдам:**

Оромгоҳ фаолиятининг биринчи куни болаларни ёшига кўра гуруҳларга бўлиб чиқиб, ҳар бир гуруҳнинг ушбу сменада фаолият юритадиган Сардорлар Кенгашини сайлаб олиш керак. Болалар ўзаро яхшироқ танишиб олишлари учун танишув ўйинлари ўтказилади.

### **ОРОМГОҲ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.**

2011 йил "Кичик бизнес ва хусуий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинган ҳамда шу йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланади. Шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, Давлат дастўрининг мазмун-моҳияти ва йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Оромгоҳнинг иш режаси Давлат дастуридаги йўналишларни инобатга олган ҳолда, болаларнинг ёши, қизиқишлари ва ўзига хос жиҳатларига мослаштирилган тарзда тузилиши лозим.



Оромгоҳ фаолиятини режалаштиришда барча педагогик жамоа иштирок этади. Чунки ушбу жараёнда оромгоҳнинг иш режаси тузилади. Тузилган режа мураббийлар кенгашида муҳокама этилади ва тасдиқланади. Оромгоҳдаги муҳим ва умумий ишларнинг асосий йўналишларини аниқлаб берувчи фаолият дастури бўлганлиги сабабли, уни тузаётганда "Таълим туғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси 1- Президентининг Қарори, Халқ таълими вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмаларига асосланиш лозим. Шунингдек, режа оромгоҳ анъаналари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда турли байрамлар, саналар билан тўлдирилади. Бундан ташқари, оромгоҳда бош етакчи ва тарбиячи гуруҳ етакчилари ва тарбиячиларининг, тўғарак раҳбарларининг шахсий иш режалари, оромгоҳ болалар жамоаси ва гуруҳларнинг бир мавсумга мўлжалланган иш режалари тузилади.

Болалар жамоасининг иш режаси гуруҳлардан тушган таклифлар асосида тузилиб, оромгоҳ иш режасидан ўрин олган тадбирлар, байрамлар билан тўлдирилади. Режалаштириладиган ишлар хаддан ташқари кўп бўлмай, айнан, ёз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай ишлар кўлами 5 ёки 6 тадан ошмаслиги керак. Қолган ишлар эса болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларда ўтказилади. Гуруҳларнинг мавсумий иш режалари унинг аъзолари, етакчилари ва ташкилотчилари ҳамкорлигида тузилади.

Режа тузишга киришиш болалар оромгоҳга қадам қўйган илк дақиқалардан бошланади. Етакчи ва тарбиячилар болаларни ётоқхонага жойлаштириш, тушликка чиқиш, улар билан ўзаро мулоқот ва суҳбатлар жараёнида ҳам тарбияланувчиларнинг фикр - мулоҳазалари, интилишларини билиб олишга ҳаракат қилишлари лозим.

Агар сиз ҳар бир боланинг режалаштириш ишларида фаол иштирок этишига эришмоқчи бўлсангиз, у ҳолда 2-3 кун давомида болалар учун

қизикарли ишларни ташкил этишга ҳаракат қилинг. Масалан: кўшиқ кечаси, мушоира, ёш мусаввирлар, спортчилар мусобақаларини уюштириш, иқтисодий ва ҳуқуқий мавзуларга бағишланган мунозаралар ташкил этиш, китоблар ва эртақлар оламига саёҳат. кино ва театр санъати бўйича суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундай усулларни фақат 20-30 дақиқа давомида қўллаш лозим. Чунки, шу дақиқалар ичида, етакчи, тарбиячилар болаларнинг нималарга қизиқишларини англаб етадилар. Иш режасини тузаётганда интилувчан, қизиқувчан болаларнинг фикрларидан тўла фойдаланилади. Бундай тарзда тузилган иш режа эса болалар вақтининг мазмунли ўтишида муҳим ўрин тутди

Тузилган иш режаси чиройли, ёрқин буёқлар орқали ифодалаш ва кўринарли жойда, болалар ўқишига қулай тарзда жойлаштириш ҳам унинг ҳаётга тадбиқ этилишига ёрдам беради. Уни чиройли номлаш ҳам лозим. Масалан: "Кувноқлар шаҳрига саёҳат", "12 кунлик саёҳат харитаси" кабилардир. Режани қуёш тасвир, барг, мажнунтол дарахти, мусаффо осмон, саёҳат харитаси тасвирида жойлаштириш ҳам етакчи ва тарбиячилардан ижодий маҳорат талаб этади.

### **ОРОМГОҲ КУНЛИК ИШ ТАРТИБИ.**

Оромгоҳ кун тартиби болалар уйғонадиган вақтдан тортиб улар уйкуга ётгунгача бўлган пайт учун ишлаб чиқилган. Одатда ҳар бир оромгоҳ ўз кун тартибига эга ва турлича бўлиши мумкин. Кун давомида бош етакчи оромгоҳ фаолиятининг барча қирраларини қамраб олишга ҳаракат қилиши ва унинг иш куни маълум вазифалар орқали тақсимланиши лозим.

7-00 Эрталабки уйқудан туриш

7.10-7.30 Бадантарбия

7.30-8.00 Ювиниш ва ўринларни тўзатиш

8.00-9.30 Эрталабки нонушта

9.30-10.30 Саришталик соати

10.30-12.00 Гуруҳлар иши

- 12.00-13.00 Бассейн, душ
- 13.00-14.30 Тушлик
- 14.30-16.30 Кундузги уйқу
- 16.30-17.00 2-тушлик
- 17.00-19.30 Кечки тадбирлар
- 19.30-20.30 Кечки овқат
- 20.30-21.00 Умуморомгоҳ йиғини
- 21.00-22.00 Маданий дам олиш соати (кино, дискотека, концерт)
- 22.00-22.30 2-кечки овқат (сут, қатик)
- 22.30 Тунги уйқу

### **ОРОМГОҲЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ.**

1-кун Болаларни кутиб олига ва жойлаштириш, гуруҳларга бўлиш, танишув ўйинлари, гуруҳларни номлаш. «Сардорлар танлови».

2-кун «Истеъдодларни излаймиз» гуруҳлар тақдимоти. Гуруҳларда оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимига тайёргарлик кўриш.

3-кун Ёзги оромгоҳ мавсумининг тантанали очилиш маросими.

4-5-кун Спартакиада мусобақалари. Бешкураш. Пирамидалар танлови.

6-кун Гиннес-шоу. «Соғломлаштириш куни». Энг саришта хона танлови.

7-кун Оромгоҳда эртақлар куни. «Ёш Робинзонлар» куни. Аппачи ва х.

8-кун Ўзбекистон куни. Оромгоҳ шахзодаси ва маликаси танлови.

9-кун Камалак экспресс. Қувноқ саёҳат. Табиат куни.

10-кун «Ёз ўтмоқда соз». Шарқ бозори.

11-кун Ёзги оромгоҳ мавсумининг тантанали ёпилиш маросимига тайёргарлик кўриш. «Туғилган кун»: етакчилар концерти.

12-кун Ёзги оромгоҳ мавсумининг тантанали ёпилиш маросими

13-кун Хайр оромгоҳ. Болаларни кузатиш.

## **ЁШЛАРГА ОИД ШИОРЛАРДАН НАМУНАЛАР:**

"Эр йигит номи билан, меҳнатда шони билан!

"Ёмон фарзанд ота-онани ерга қаратар, яхши фарзанд ота-онани элга оролатар"

"Илм бахт келтирар, билим тахт келтирар!"

"Илм - ақл булоғи, ақл яшаш чироғи!"

"Одобли ўғил - кўкдаги юлдуз, одобли қиз ёқадаги кундуз!"

"Ёшликнинг ели кучли, кексаликнинг ақли"

"Қариликни донолик безар, ёшликни - камтарлик!"

"Ёшликнинг кадрили қаримасдан бурун бил".

"Ёшликда ўргангани - тошга ёзгани,

## **ГУРУҲНОМИ, ШИОРИ, ШАВҚИЯСИ.**

### **Гуруҳ номи Шиори**

"Ўзбекистон" Ўзбекистон - нурли бўстон

"Юлдузлар" Биз кўкдаги юлдузлар, ердаги ойдин юзлар

"Соғлом авлод" Соғлом танда соғ ақл

"Кичкинтой" Кичкина деманг бизни, лол қолдирамиз сизни

"Алтаир Алтаирга учамиз, юлдузларни кучамиз

"Омад Омад бизга ёр бўлсин, Оллох мадаккор бўлсин

"Ёшлик" Оромгоҳда сардоримиз, ҳар бир ишда фаолимиз

"Келажак" Бизга ёрдир саодат, бизникидир "КЕЛАЖАК"

"Билимдонлар" Ёз ўтмоқда соз, билим чуққиларига қиламиз парвоз

"Парвоз" Осмонда қушлар қилганда парвоз, оромгоҳда дам оламиз соз!

Оромгоҳда дам оламиз соз, бизнинг жамоа "ПАРВОЗ"

**ЮПИ** Юношеских Похотей Избегай.

Ромашки мы - ромашки-очаровашки, Разноцветные рубашки

Звёзды Светить всегда, светить везде,

И помогать друзьям в беде

Юность Нам никогда не будет 60, А лишь 4 раза по 15.

Крикали Кем бы в жизни ты не стал, Всегда будь чистым, как кристалл

Фуфики Мы не "пуфики", мы просто классные "фуфики".

Наша цель - "Всех Перевесь", и для этого мы здесь!  
911 Мы группа: Девять. Один. Один Мы на помощь к вам спешим  
Лучик света Светить всегда, светить везде, На пользу людям и себе!

Цветочки Мы цветочки - ангелочки любим Бога и людей,

И служить мы будем вместе, чтобы все было Оке

**БЭМС** Боевые - Энергичные, Молодые - Симпатичные

Маленькие Держатся вместе, чтоб не сдуло Маленькие пчелки,  
пчелки! Мы маленькие пчелки, Нам нравится летать,

И мед в свои кармашки, Для деток собирать!

Божьи коровки Мы Божьи коровки, но мы не толстячки,

Мы самые прикольные, не знаем мы тоски

Облака Плывут по небу тучи,огромны и могучи.

Маленькие мы пока, мы зовёмся "Облака".

**ОРОМГОҲЛАРДА ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ (ЁПИЛИШ)**

**МАРОСИМИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ СЦЕНАРИЙ.**

Оромгоҳдаги барча гуруҳлар очилиш тантанаси ўтказилиш кунига қадар ўз гуруҳларига ном бериши ва шиор танлаши, гуруҳ сардорини сайлаб олиши керак.

Оромгоҳдаги барча болалар байрамона либосларда тадбир ўтказиладиган очиқ майдонда гуруҳларга ажратилган жойларда "П" шаклида сафланадилар.

Оромгоҳ сардори: Гуруҳлар текисланинг ва ростланинг! Гуруҳ сардорлари, гуруҳларнинг оромгоҳ очилиш (ёпилиш) маросимига тайёргарлиги бўйича ахборот беришга тайёрланинг ва топширинг!

Барча гуруҳ сардорлари бир қаторга сафланиб, тартиб билан ахборот топширадилар: Ҳурматли, оромгоҳ сардори!

Бизнинг (гуруҳ номи) номли гуруҳимиз аъзолари оромгоҳ очилиш (ёпилиш) маросимига тайёр!

Бизнинг шиор: (шиор гуруҳнинг барча аъзолари томонидан айтилади).

Худди шунингдек, барча гуруҳлар сардорлари ахборот топширишади.

Сўнгра оромгоҳ сардори оромгоҳ бош етакчиси ахборот топширади:

Гуруҳлар текисланинг ва ростланинг!

Ҳурматли оромгоҳ етакчиси! Барча гуруҳлар оромгоҳ очилиш (ёпилиш) маросимига тайёр!

Бизнинг шиор: (оромгоҳ шиори барча гуруҳлар томонидан айтилади).

Бош етакчининг оромгоҳ бошлиғига гуруҳларнинг тадбирга тайёргарлиги бўйича ахборотидан сўнг оромгоҳ бошлиғи тадбирни очик деб эълон қилади.

Сўнг Ўзбекистон Давлат мадҳияси ижро этилиб, Республика Давлат байроғи кўтарилади.

Шавқия:

<b>Очилиш маросими</b>	
<i>Сардор:</i>	<i>Болалар:</i>
Бугун бизнинг барчамиз	- Шодон ва хуррам
Кулиб тўрган чехрамиз	- хандон ва кўркам
Оромгоҳ бағри бу	- кенгдир бир олам
Кел энди бирга бўл!	- меҳрибон даргоҳ!
Кучга тўлиб борамиз	- кундан кунларга.
Қувончимиз айтамиз	- ўртоқжонларга,
Мароқ билан ўйнаймиз	- очик хавода!
Кел энди, бирга бўл	- кадрдон даргоҳ!
Жонажон табиат	- бизларга муҳтож,

Мазза қилиб ўйнаймиз	- билмайин чарчоқ.
Кел энди бирга бўл!	- бизнинг оромгоҳ?
Ёпилиш маросими	
<i>Сардор:</i>	<i>Болалар:</i>
Бугун бизнинг барчамиз	- Шодон ва хуррам
Кулиб тўрган чехрамиз	- хандон ва кўркем
Чунки оромгоҳ бағрида	- яхши дам олдик
Хайр энди яхши қол!	- хайр оромгоҳ!
Кучга тўлиб борамиз	- хонадонларга,
Соғинчимиз айтамиз	- онажонларга,
Мароқ билан сўйлаймиз	- ўртоқжонларга!
Хайр энди, яхши қол	- хайр оромгоҳ!

Болалар ижросида турли қўшиқ ва куйлар ижро этилади.

## **ОРОМГОҲЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СУҲБАТЛАР МАВЗУЛАРИ.**

Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда турли мавзуларда уюштириладиган суҳбатларнинг ҳам ўз ўрни бор. Суҳбатлар қайси мавзуда ўтказилишидан қатъий назар, унда халқ маталлари, мақоллари, афсона ва ривоятлар, шеър ва қўшиқлардан фойдаланиш ўринлидир. Ўтказиладиган суҳбатлар мазмуни болаларнинг ёшига мос ҳолда танланиши жуда муҳимдир. Суҳбат мавзулари тахминан қуйидагича танланиши ҳам мумкин:

1. Ўзбекистон фаҳрим менинг!
2. Ўзбекистон жаннатмакон диёр.
3. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.
4. Ватан юракдаги жавохир.
5. Ватанни севмоқ иймондандир.
6. Ватан остонадан бошланади.
7. Ватан тарихини билмай туриб, уни туд севиб бўлмайд.
8. Давлатимиз рамзларн фаҳримиз.
9. Тил дил кўзгуси.
10. Она тилим, жон тилим.

11. Тилга эътибор - элга тътибор.
12. Амир Тсмур - буюк саркарда ва давлат арбоби.
13. Камолиддин Бехзод миниатюра мактабининг асосчиси.
14. Навоий - ғазал мулкининг султони.
15. Дўстлик билан гўзалдир олам.
16. Истиқлолим истиқболим.
17. Санъатимиз дарғалари.
18. Кино ва театр санъати арбоблари.
19. Китоб бизнинг дўстимиз.
20. Табиат олами.
21. Ажойиботлар олами.
22. Сув ҳаёт манбаи.
23. Экология ва табиат.
24. Меҳнат - меҳнатнинг таги роҳат.
25. Илм - баҳт калити.
26. Қадимий обидалар - тарихимиздан сўзлайди.
27. Спорт - тинчлик элчиси.
28. Соғлиғим - бойлигим.
29. Мен меҳр ва мурувватни қандай тушунаман?
30. Миллий кадриятларимиз ва анъаналаримизга содиқ бўлайлик
31. Буюк алломаларимиз мероси.

Албатта, хавола этилаётган ушбу мавзулар тахминий бўлиб, Сиз уларнинг айримларини оромгоҳингиз шарт-шароити. хусусияти, шунингдек, ўз имкониятингизни ҳисобга олган ҳолда ўтказишингиз мумкин. Биз эса, уларнинг айримларини ўтказишда Сизга йўлланма берувчи баъзи манбалар ҳақида маслаҳат бермоқчимиз.

Оромгоҳда давлат рамзлари, яъни давлат байроғи, герби, мадҳияси ҳақида болалар билан суҳбатлар ўтказиш зарур. Чунки. оромгоҳда ўтказиладиган катта маросимларда, спорт байрамларида давлат байроғи



кўтарилади. мадҳия куйланади. Бундай дамларда болаларнинг рамзларга бўлган меҳр ва садоқатларини оширишда Сиз томонингиздан ўтказиладиган суҳбатлар муҳим ўрин тутаяди. Агар суҳбатларда Сиз Эркин Маликовнинг "Байроқ, герб ва мадҳия ҳақида жажжигина эртақ" асаридан фойдалансангиз айни муддао бўларми. Чунки, адиб ўз эртагида "Агар Сиз байроғимиз билан сирлашмоқчи бўлсангиз ундаги рангларни табиатдан изланг", деб мурожаат қилади. Дарҳақиқат, эртақда байроқдаги ҳар бир ранг куйидагича ҳикоя қилинади

-Мен мовий ранг бўламан - мусаффо осмоннинг бир парчаси. Бу юртим осмони тинч бўлсин, деганим бўлади. Яна мен тип-тиник сувниям эслатаман. Бу ҳаёт оқин дарё, лойқаланмасин, тиниқ оқсин деганим бўлади...

-Мен қизил рангман. Шунчаки ранг эмас, томирларда оққан тоза қонман. Каттаю-кичикни Ватан байроғи остида яшашга, меҳнат қилишга, курашишга чақираман.

-Мен оқ ранг бўламан. Ўзим ҳам оқ. кўнглим ҳам оқ, ишим ҳам пок. Шунгами мақтовим кўпроқ. Халқнинг юрган йўли оппоқ бўлсин, покиза бўлсин. равон бўлсин деб байроқдан муносиб жой олдим.

-Яшиллик нима дегани? Яшиллик - яшариш. эртанги кунга ишонч дегани. Нону-насиба, соф хаво, соғлиқ-саломатлик дегани. Мен юртим кишиларига доимо ана шундай эзгулик тилайман. Юрт ҳамиша яшнаб турсин дейман.

Шундай қилиб, байроғимиздаги ранглар ўз рамзий сифатларини айтиб бўлишади. Улардан кейин Оймомо ва Юлдузлар тилга кирадилар:

-Оймомоман, оймомо, эртақларга бой момо. Кўринишим уч ёки тўрт кунликдир, ниятларим одамларга тўқинликдир. Уй сурсалар уйларига сирдошдирман, йул юрсалар, ёнларда йўлдошдирман. Тинч кунларни тинч кунларга улайман, Ўзбекистон шарафини юртлар аро сўзлайман.

-Бизлар 12 юлдуз, 12 оймиз. Жамласангиз бир йилга жоймиз. Ким қандоқ яшади, яхшими, ёмон, икқиланмай баҳолаймиз. Яна биз 12 юлдуз - 12

буржмиз. Ой-куёш билан бирга доимо ҳаракатдамиз. Фасллар ўзгаради. янги кун, янги одамлар туғилади. Бариди иштирокимиз бор. Биз кунган юрт байроғи ҳам, ўзи ҳам дунё тургунча турсин деймиз.

Суҳбат жараёнида Тулан Низомнинг кўйидаги шеърдан ҳам фойдаланишингиз мумкин:

Байроқ хилпирайди нилий самода,  
Уни зркалайди майин шаббода.  
Унга термулади хар ўткир нигоҳ.  
Киприklar найзаси намланур гох-гоҳ.  
Юрак дук-дук урар, калба зхтирос,  
Озод Ватан ўғлин нигоҳи олмос.  
Лабиди табассум, аъло кайфият,  
Унга насиб этмиш энг Олий Ният.  
Юртбоши тикилди юксак Байроққа,  
Хурсинди, хаёли кетди йироққа.  
Байроқ хилпирайди, еллар уйнатар,  
Эркин, қувнар гуё мовий кабулар.  
Мовий ранг тириклик, хаёт. тарзидир,  
Беғубор, оппоқ ранг поклик рамзидир.  
Яшил ранг ҳамиша умид тимсоли,  
Хар қизил чизиклар қондир мисоли.  
Ярим ой тасвири - истиқлол шони,  
Ўн икки юлдузда миллат иймони.  
У уйлар, хилпирар, хилпирар байроқ,  
Киприklarда пирпирар, хислари булоқ.  
Юртбоши кўзида Ўзбекистони!  
Жисмида яратган ўз Онажони!  
Эркин Маликов ўз эртагида Герб ҳақида ҳикоя қилади:

- Ассалом. эй, чиройли қуш, қанотлари кумуш.
- Ваалайкум ассалом, эй, мустақил юрт боласи,
- Исминг нима, эй қўш, қанотлари кумуш?
- Мен Вахт қуши - Хумоман.
- Э, хд... Танидим, сенинг хакингда эртақларда укиганман.
- Ўқиб уйга толганман.
- Рост айтасанми?
- Ха.

Кадимда бир юрт бўлган экан. Унинг зўравон подшоси бошқа юртни босиб олиб, бойлигини тор-мор келтирибди. Одамларини зиндон, олимларини гумдон қилибди. Охири ўзининг ҳам паймонаси тўлибди. Юрт подшосиз қолибди. Ўшанда одамлар энди кимни подшо қиламиз деб уйлаб тўрганларида, юрт осмонида Хумо қуши пайдо бўлибди. Донолар кенгашиб, шу қуш кимнинг бошига қўнса ўша подшо бўлади", дейишибди. Жарчилар жар солибди:

- Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар, эшитганлар тўринглар, майдон сари юринглар, осмонда бахт қуши чарх уради. Шу қуш кимнинг бошига қўнса, ўша подшо бўлади...

Буни эшитганлар шошиб қолибди. Қанчадан - қанча пулдору, амалдорлар тахт учун тишини кайрабди. Бахт қушини овлабди. Аммо қуш энг камбағал, энг сахий ва одил, тўғрисиўз ва доно йигитнинг бошига қўнибди. Мамлакатда адолат ҳукмрон бўлибди.

- Сен уша қушсан - а, Хуможон!

- Янглишмадинг, эй, мустақил юрт боласи. Куп юртларни кездим. Ёлтиз сенинг Ватанинг эртақлардаги мамлакатга ухшаркан. Шу боис у сари талпиниб учдим.

- Рахмат, Хуможон!

- Хумо қушнинг айтганлари тўғри, бу юртнинг одамлари қадоқ қўлли, бағри чўғли, - дея бугдой бошоқлари чайқалиб кетибди.

- Биз гербдаги нон-насиба, қут-барака тимсолимиз, дейишибди яна улар.

- Бизлар Ватаннинг ишонч ёрлигимиз, - дейишибди чаноқлардаги пахталар. Офтоб эса, лов-лов ёниб, заррин сўзларини тизибди:

Бу юрт - куёшли юрт. Бахти ҳам, тахти ҳам туқис ва бут.

Гербимиз ўзра икки даре - Аму билан Сир буй кўрсатибди.

Гербимиз ўзра ой боқади,

Осойиш деб осмонингиз,

Зухро юлдуз пирпирайди,

адашмас деб карвонингиз.

Ушбу суҳбатда қуйидаги шеърлардан фойдаланишингиз мумкин:

Учиб келган Хумо қуш,

Кучиб келган Хумо қуш.

Бошинг тилломи, кумуш,

Қушим хуш келибсан, хуш.

Қанотларинг зангори,

Тилингда тақдир тори,

Сенга қалбимда бори,

Сенга шоир диёри!

Кўзларинг чакнок экан

Доимо уйғоқ экан

Гам сендан ўзоқ экан,

Бахт сенга ўртоқ экан.

Тирноқларинг қиличми,

Думинг олтин хивичми,

Парвозинг улуғ бурчми,

Сен шунга қудрат, кучми?

Сенда ҳеч армон борми,

Сенсиз Хон, султон борми

Сени демас жон борми,  
Сенсиз ҳам жаҳон борми?  
Кел, мангу боғларда қол.  
Гул очур тоғларда қол,  
Улкамга ошиён сол,  
Қуеш мисол, ой мисол,  
Кел, сени кўз-кўзлайин,  
Шеър тулпорим тезлайин,  
Айтар гапни чўзмайин,  
Кел, бир дoston сўзлайин?

### **ХУМО ҚУШИМ**

Бошга кундинг, парвоз айлаб,  
Юрту, халқим эъзоз айлаб,

*Нақорат:*

Само кушим,  
Зиё кушим,  
Аъло кушим,  
Хумо кушим,

Истиқлолдан нишонасан,  
Ярқираган пешонамсан.

*Нақорат:*

Само кушим,  
Зиё кушим,  
Аъло кушим,  
Хумо кушим,

Бошлаб бердинг янги даврон,  
Яшнар она Ўзбекистон,

*Нақорат:*

Само кушим,

Зиё кушим,

Аъло кушим.

Хумо кушим.

Мадҳия - бу халқимизни олға боришга, эзгу ишларни қилишга даъват этишга қудратли куч. Шунинг учун ҳам болаларга хорижий давлатларда Юртбошимиз шарафига қабул маросимида Ўзбекистан Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши ёхуд республикамиз спортчилари ғалабага эришганларида, олий анжуманларда мадҳиянинг ижро этилиши ҳақида батафсил маълумот бериш муҳим.

Дарҳақиқат, истиқлол билан мадҳия бизга доимо катта куч бағишлайди. Бу ўринда Тулан Низомнинг қуйидаги мисраларини эслаш кифоядир:

Мухташам кошона, хал фарзандлари.

Заковат кўрсатур, Олий анжуман.

Унга зур вакиллар-ўз дилбандларин,

Юбормиш хар битта вилоят, туман.

Мадҳия куйланур: унинг садоси,

Муаззам бинога сигмай кетади.

Ватан болаларин жушкин навоси,

Ўзоқ-ўзоқларга бориб етади.

Пойтахт қулоқ тутур баланд авжиги,

Бахтлар водийсини қоплайди оханг.

Сир, Амир чулғонур нурли мавжиги,

Қулоқлар остида сўзлари жаранг.

Баралла эшитур далада деҳқон,

Ишчи юрагида хаяжон, хавас

Қўшилиб куйлайди қирларда чупон.

Менгачи, бу қўшиқ, менга муқаддас,

Ахир, эрк нимадир, озодлик нима?  
Унинг ғуруридан бебахра эдим.  
Мустақил бўлмаган юрт сувда кема,  
Унинг замзамига мен ҳам ғарк тушдим.  
Шеъримнинг мазмуни, шакли ўзгарди,  
Ёлғон туйғуларга бўлдим-а, асир...  
Хатто, ўз дилимдан руҳим гўзганди,  
Аммо, виждонимга қилмади таъсир.  
Хеч учмас ходисот: Миллий истиқлол!  
Унинг кушиғини куйлайман жондан.  
Юрагим ёнганда куёши мисол,  
Қаёққа кетаман Ўзбекистондан,  
Бутун халқ куйлайди, унга жур бўлиб,  
Оташин Юртбоши куйлар мардона.  
Миллат ўз кушигин айтади тўлиб,  
Уни тинглар энди Замин, зам она.  
Мен куйлаб, қувониб битаман дoston,  
Тилимда умрбод шу бўлур такрор:  
"Улуғ халқ қудрати жуш ўрган замон,  
Оламни махлиё айлаган диёр".

### **ОРОМГОҲЛАРДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ.**

"Спартакиада". Бу мусобақа 2 кун давомида хар бир куннинг биринчи ярмига қўйилиши тавсия этилади. Ушбу мусобақа болаларнинг ёшига қараб катта гуруҳ ва кичик гуруҳлар ўртасида алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Мусобақада имкон қадар барча болалар қатнаши учун шароит яратиш мақсадида спорт турларини купайтириш яхши самара беради. Биринчи босқичда миллий спорт: кураш, арқон тортиш, армрестлинг, "ким эпчилу ким чаққон" ва бошқа турлари бўйича мусобақалар бўлади.


Спартакиаданинг иккинчи босқичида қувноқ стартлар ўтказилади: маълум масофада тўрган стаканни қошиқда сув ташиб тўлдириш, қошиқда тўрган тухумни белгиланган масофагача **тишда тишлаб** югуриб олиб бориш, белгиланган масофани орқада эмаклаб босиб ўтиш, оёқ орасига коптокни қистириб сакраб бориш каби машқлар берилади. Учинчи босқичда спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика каби турлари бўйича беллашувлар ўтказилади. Спартакиада якунида қувноқ футбол ўйинини икки жамоа: дам олувчи болалар жамоаси ва оромгоҳ ходимлари жамоаси орасида ташкил қилиш мумкин. Дам олувчи болалар жамоаси спорт кийимида ва ўйиннинг барча қоидаларига амал қилишлари шарт бўлади. Оромгоҳ ходимлари жамоаси эса эртақ қаҳрамонлари кийимларини кийиб олишади ва ўйин қоидаларига амал қилмасдан ўйнашади.

**"Пирамида" танлови.** Пирамида болаларнинг бир-бирининг устига чиқиб яратган шаклдир. Пирамидага қўйиладиган талаблар: хавфсизлиги, дизайн, иштирокчилар сони кўплиги, болалар формаси (бир хил кийинганлиги), жозибадорлиги. Гуруҳлар тушликгача тайёргарлик кўришади ва тушликдан сўнг пирамидани спорт мураббийсига намоёиш қилишади. Спорт мураббийси керакли кўрсатмалар беради. Таклиф этилган шакллар:

1-шакл: учбурчак шаклида қизлар туради. Доираларда кучли ўсмир болалар, уларнинг оёқларида кичикроқ болалар жойлашади.

2 шакл: бу шаклда барча гуруҳ аъзолари иштирок этадилар. Дойра иложи борича қизлардан шакллантирилади. Лаб қисмида қизил кийимли гуруҳ аъзолари жойлашган бўлиб, улар ўтирган ҳолда бўладилар. Кухдари паст бўйли болалардан шакллантирилади. Бу шаклда рангли қоғозларни ишлатиш мумкин.






**“Қотмачоқ”.** Бу ўйин спорт майдончасида ўтказилади. Спорт майдончаси иккига бўлинади. Иштирокчилар ҳам икки гуруҳга бўлинади. Хар бир гуруҳнинг ўз байроғи бўлади. Ўйин шарти: гуруҳлар рақиблар майдониغا кириб, уларнинг байроғини олиб чиқишлари керак. Қоида бўйича рақиб майдонида ҳаракат қилаётган иштирокчига рақиблардан кимдир қўли билан тегса, у дарҳол тўрган жойида "котиб" қолиши керак бўлади. Уни қайта "жонлан,тириб", ҳаракатга келтириш учун ўз жамоасидаги биронтаси унга қўли билан тегиши керак бўлади.

**"Улоқ" ўйини-** Болалар икки гуруҳга бўлиниб, диаметри 6-8 метрли доира чизигининг ташқарисида турадилар. Доира ўртасида тўрган бошловчи доира ичига тўпни ташлайди. Ўйинчилар тўпга югуриши, уни тутиб олишга ҳаракат қилиши ва доира ташқарисига олиб чиқишга ҳаракат қилиши керак бўлади. Бунда болалар бир-бирларининг қўлларидан тўпни юлқиб олишлари мумкин.

**"Тортишмачоқ" ўйини.** Ўйинда беш-ун боладан иборат икки гуруҳ қатнашиши мумкин. Майдон ўртасидан икки параллел чизик ўтказилади. Чизикдан беш-олти қадам масофада яна икки параллел чизик ўтказилади. Ўйин қатнашчилари икки гуруҳга бўлиниб, икки ёндаги чизик буйлаб саф тортадилар. Бу чизиклар уларнинг чегараси ҳисобланади. Ўйин бошловчининг кўрсатмаси билан хар икки гуруҳ аъзолари ўртасидаги чизик олдига келиб бир бирларининг қўлларидан ушлаб тортишадилар. Бунда фақат оёқ билан тиралиб туришга рухсат этилади. Болалар бир бирларини ён чизикдан тортиб ўтгач бошловчи «асир»ларни ҳисоблайди. Қайси гуруҳда асир кўп бўлса, шу гуруҳ голиб деб топилади.

## ГУРУХЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ЎЙИНЛАР.

Гуруҳда ташкил этиладиган ўйинларда гуруҳ аъзоларини доира ёки ярим доира шаклида ўтказиш тавсия этилади. Чунки етакчи ўзи болалар билан бирга ўтирса дўстона психологик муҳит яратиш осонлашади.



**"Исм + сифат"**. Ушбу ўйинни биринчи кун **хали** болалар бир-бири билан танишиб улгурмаган вақтда амалга ошириш лозим. Хамма иштирокчилар доира шаклида туриб олишади. Сўнгра бошловчи уларга ўйин шартларини тушунтиради. Ҳар бир иштирокчи ўз исмининг биринчи ҳарфига бирон-бир сифат ўйлаб топиши керак (мисол, Ахмад - ақлли). Бошловчи ўз исмини ва ўзи танлаган сифатни айтиб ўтади. Ундан сўнг ёнидаги иштирокчи худди шуни қайтаради ва унга ўз исми ва танлаган сифатни қўшади. Ўйин қор уюми тарзида барча иштирокчилар айтиб бўлмагунча давом эттирилади. Агар иштирокчилар сони 20 дан кўп бўлса, у ҳолда қор уюми сифатида эмас, балки ҳар бир иштирокчи фақат ўз исми ва сифатини айтиб ўтиш билан кифояланса бўлади.

**"Соатлар"**. Ушбу ўйин барча иштирокчилар бир-бирини яхшироқ таниб **олиши** учун ўтказилади. Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинади: масалан, «ўнг» ва «чап». Иккала гуруҳ алоҳида доира шаклида тузилади ва қарама-қарши айлана ҳаракатни амалга оширишади. Бошловчи икки гуруҳ ўртасида туриб бир вақтнинг ўзида иккала гуруҳдан биттадан иштирокчини қўлидан ушлайди. Бошловчи қўлидан тутган иштирокчилар бир бирларининг исmlарини тез айтиши керак бўлади. Кеч айтган иштирокчи ютқазган бўлади ва рақиб гуруҳига ўтиши лозим. Ўйин иштирокчиларнинг аксарияти бир гуруҳда йиғилгунча давом этади.

**"Комплимент"**. Иштирокчилар даврага турадилар. Имкон қадар ёнма-ён бир бирини яхши танимаган иштирокчиларни қўйиш орадаги бегоналикни йўқотишга ёрдам беради. Биринчи бўлиб бошловчи ўзининг ўнг тарафида тўрган иштирокчига мақтов сўзларини айтади. Ушбу иштирокчи унга ўз миннатдорчилигини билдириб, сўнгра ёнидаги иштирокчига мақтов сўзи айтилади. Шу тарзда барча иштирокчилар мақтов сўзини айтиб бўлмагунча ўйин давом этаверади. Бошловчи ўйин сўнгида мақтов сўзини айтиш инсонлар учун нимага керак ва унинг лаганбардорликдан фарқи нимадалигини тушунтириб беради. Ўйин якунида энг яхши комплимент аниқланади.

**"Мевали салат"**. Барча иштирокчилар доира қилиб қуйилган стулларга ўтирадилар. Бошловчи иштирокчиларни санаб чиқади ва 4 ёки 5 гуруҳга ажратиш учун иштирокчиларга қайси меваларни билишини сўрайди. Сўнгра бирма бир иштирокчиларга мевалар номини қуйиб чиқади, масалан: олма, нок, анор ва олча. Бошловчи тўрган жойдан команда беради: масалан, ноклар. Иштирокчилар жой алмашаётган вақтда бошловчи бўш жойни эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Жой топиб ўтира олмаган иштирокчи бошловчи ролини бажаради. Ўйин шундай тарзда давом эттирилади.

**"Пол-бурун-потолок"**. Бошловчи кўрсаткич бармоғи билан полни, бурунни ёки потолок (шифт)ни кўрсатиб, овоз билан қайтаради. Иштирокчилар унинг овозига қараб ҳаракат қилиши лозим бўлади. Бошловчи иштирокчиларни адаштириш учун сўз билан бир ҳаракатни айтади, бармоқ билан бошқа ҳаракатни кўрсатади. Масалан. сўз билан пол деб, бармоқ билан бурунни кўрсатади. Иштирокчилардан кимки адашса, ўйиндан чиқади.

**"Ер-сув-осмон"**. Иштирокчилар даврага кирадилар. Бошловчи ўртага копток билан туради. Бошловчи "Ер", "Сув", "Осмон" сўзларидан бирини айтади ва коптокни бирортасига отади. Коптокни илиб олган иштирокчи айтилган сўзга мос бирор жониворни айтади (Ер - от, сув дельфин, осмон -

лайлак ва ҳ.к.). Ўйин шартини бўзган иштирокчи коптокни тушириб юборса ёки мос бўлмаган жониворнинг номини айтса) жарима баҳо олади.

**"Ннгоҳ билан чорлаш"**. Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинади: бириси стулларга доира шаклида ўтириб олишади, иккинчилари эса стуллар орқасига ўтиб, қўлларини ўтирганлар елкаси устида ушлаб туришади. Бошловчининг стули бўш бўлади. Ўйин шарти бўйича бўш стул эгасининг кўз ишораси натижасида ўтирган иштирокчилардан бири ўрнидан туриб бўш стулга ўтириб олиши керак бўлади. Ўйин шу тарзда давом эттирилади.

**"Кўприк"**. Майдончага 30 см. энида узунлиги 5 метр икки чизик чизилади. Иштирокчилар икки гуруҳга ажратилиб, бири чизикларнинг бир бош тарафига, иккинчиси бошқа бош тарафига сафлантирилади. Икки иштирокчи икки тарафдан бир бирига қарама-қарши ҳолатда юриб боришади. Ўйин шарти бўйича улар чизик ташқарисига чиқмасдан бир бирига ёрдам бериб ўтиб кетишлари керак. Ким-ки чизикдан ташқарига чиқиб кетса ёки қайтиб кетса, қондани бўзган ҳисобланади. Ўтиб кетишнинг турли усуллари мавжуд бўлгани учун усуллар қайтарилмаслиги шарт.

**"Одам-механизм"**. Иштирокчилар 4-5 та гуруҳга бўлинишади. Ҳар бир гуруҳ ўзи учун бир механизмни танлаб олишлари шарт (трактор, самолёт ва ҳ.к.). Иштирокчилар 10-15 дақиқа давомида ушбу механизмни ифодалаш учун тайёргарлик кўришади. Шарт шундан иборатки, гуруҳдаги барча иштирокчилар ушбу механизмнинг бир детали функциясини (вазифасини) бажариши лозим бўлади (тракторнинг рули, гилдираги ва ҳ.к.). Гуруҳлар тайёр бўлгандан сўнг ҳар бир гуруҳ ўз тақдимотини ўтказди. Бошқа гуруҳлар тақдимотда нима намоёиш этилаётганини топишлари керак бўлади.

**"Топқир терговчи"**. Иштирокчилар даврага киришади. Улардан бир ўз ихтиёрига кўра аудиториядан ташқарига чиқариб юборилади. У терговчи вазифасини бажаради. Ўйин шарти бўйича иштирокчилардан бири маълум бир ҳаракатни қилади ва бошқалар унинг ҳаракатини қайтаришади. Машқлар бир неча марта қайтариб олингандан сўнг терговчи хонага чақирилади.

Унинг вазифаси ким ҳаракатни бошлаб бераётганини топишдан иборат бўлади.

**"Светофор"**. Зал ўртасида шартли светофор ўрнатилади. Болалар икки гуруҳга бўлинадилар. Бошловчи яшил чироқни ёққанда болалар худди юраётгандек оёқларини ҳаракатга келтирадилар. Сарик чироқ ёнганда қарсақ чалишлари керак. Қизил чироқда эса залда жимжитлик чуқиши керак. Ўйин бошланишидан аввал унинг шартлари тушунтирилади. Ўйин давомида болалар ҳушёр бўлишни ўрганишади.

### **САЁҲАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

Саёҳатга гуруҳларни тайёрлаш масалалари:

1. Саёҳатга масъул шахслар: Бош етакчи. спорт мураббийси, ички ишлар ходими, тез тиббий ёрдам ходими, етакчи ёки тарбиячи.

2. Саёҳатга чиқишдан камида бир кун олдин гуруҳ етакчиси ёки тарбиячиси оромгоҳ бош тарбиячиси, бош етакчисини хабардор қилиши ва расмий равишда оромгоҳ директори ариза билан мурожаат қилиши лозим. Аризада саёҳатга чиқишга рухсат берилиши сўралади.

3. Оромгоҳ директори саёҳат маршрутини белгилаб бериши лозим. Белгиланган маршрут бўйича спорт мураббийси йўл бошлаши тавсия этилади.

4. Гуруҳларни жуфт қилиб олиб чиқиш тавсия қилади, яъни:

Катта ёшдагилар гуруҳи:

1-гуруҳ билан 2-гуруҳ

3-гуруҳ билан 4-гуруҳ

5-гуруҳ билан 6-гуруҳ

Кичик ёшдагилар гуруҳлари:

7-гуруҳ билан 8-гуруҳ

9-гуруҳ билан 10-гуруҳ

5. Гуруҳ етакчиси саёҳатга чиқишда тайёргарлик кўришда болаларнинг спорт кийими, бош кийими, оёқ кийими, тиббий ходим рухсати, ичимлик сувини етарли миқдорда олинганлигини текшириб кўриши лозим.

6. Саёҳат маршрутларининг масофаси болаларнинг ёшига қараб

белгиланиши лозим:

- Катта ёшдагилар учун 2,0 соатлик
- Кичик ёшдагилар учун 1,5 соатлик

7. Саёҳатга чиқишдан аввал спорт мураббийси ва бош етакчи болаларга кўрсатмалар беради.

## **БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЛАКА ТАСНИФИ.**

**1. Оромгоҳ бошлиғи.** Болалар соғломлаштириш оромгоҳига умумий раҳбарлик қилади, барча бўлинмалар ва хизматлар фаолиятини ташкилий, тиббий-педагогик ва маданий-оммавий ишда юксак самарадорликка эришишга йўналтиради.

Касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда педагогик кадрлар ва маъмурий-хужалик ходимларини танлаш ҳамда уларни жой-жойига қўйишга раҳбарлик қилади. Меҳнат Конунига мувофиқ ходимлар вазифаларини белгилаб беради.

Оромгоҳ иш режасини, тадбирларини тузади, уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилади. Педагогик кенгаш ишини бошқаради. Болаларнинг дам олишини ташкил этишда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини, бўлинмалар раҳбарлари ишини, меҳнат муҳофазаси ва санитария ахволини мунтазам назорат қилиб боради.

Иш юритишни тўғри олиб борилишини, маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлайди. Ўзига берилган ҳуқуқ доираси асосида оромгоҳ ишига оид масалаларни ҳал этади.

Озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма тузишда бевосита иштирок этади, уларнинг ўз вақтида етказиб берилиши ва тўғри сакланишига эришади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг омбордан бериш тартиби, уларнинг тўғри жойлаштирилишини назорат қилади. Таомномани тузишда бевосита иштирок

этади, болаларнинг овқатланишини, унинг туйимлилигини, сифатини мунтазам назорат қилиб боради.

Болалар ўртасида олиб бориладиган ишларда, тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда, сафланиш ва йиғилишларда иштирок этади. Имконият даражасида гуруҳлар байрамларида қатнашади, айрим болаларнинг оналари билан суҳбатлар ўтказади. Пиёда сайёҳлик ва саёҳатлар уюштирилганда оромгоҳ бўйича тегишли буйруқ чиқаради, раҳбар тайинлайди, манзил варағини тасдиқлайди, барча хизматларга тегишли ишларни бажаришни буюради (озик-овқат маҳсулотларини бериш, тиббиёт ходимларини иштироки ва ҳоказо).

Оромгоҳни моддий-техника базасини таъминлаш, унинг умумий ахволи, дори-дармонлар, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, технологик асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишига жавоб беради. Бу масалаларни оромгоҳ балансида бўлган корхона раҳбари ва касаба уюшмаси кўмитаси олдида ўз вақтида кўяди ва биргаликда ҳал этади.

Оромгоҳ бошлиғи қўйидагиларни билиши керак: Хукуматнинг болалар тарбиясига оид қарор ва фармойишлари, юқори касаба уюшмалари органларининг қарорлари, фармойишлари, инструкциялари ва бошқа норматив ҳужжатлар, халқ таълими органларининг болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришга оид ҳужжатлари, меҳнат конуни асрлари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоида ҳамда нормалари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига тегишли санитария норма ва қоидалари.

Малакасига оид талаблар: Олий маълумот, камида беш йиллик педагогик иш стажи, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида камида икки йилик иш стажи. Аёллар учун ёш 55, эркаклар учун 60 гача.

**2. Катта тарбиячи.** Оромгоҳда тарбиявий ишларнинг барқарор ва бир тизимда бўлишини ташкилий жиҳатдан таъминлайди. Оромгоҳ педагогика кенгаши фаолиятига раҳбарлик қилади, мажлислар баёнларини олиб боради,

барча педагогика бўғинлари: гуруҳлар, тўғараклар, кутубхоналар, спорт секциялари ишини биргаликда режалаштиради, қилинган ишларни ҳисоб-китоб қилиб боради. Тўғараклар, секциялар ишини режалаштириш ва ташкил этишда иштирок этади ва уларга методик жиҳатдан раҳбарлик қилади,.

Оромгоҳ иш тартибининг бажарилишини таъминлайди ва назорат қилади. Хар бир гуруҳ тарбиячиси, педжамоа аъзосига лавозим вазифаларини эгаллашларига ёрдам беради, уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Катта етакчи билан биргаликда йиғилишлар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиши, гуруҳ тадбирларини ўтказилишига ёрдам беради ва назорат қилади. тарбиячиларнинг семинар-кенгашларини ўтказиши.

Гуруҳларда фойдаланиш учун методик хужжатларни расмийлаштиради, тарбиячиларнинг ишини ўрганади, таҳлил этади, ижобий тажрибани умумлаштириб оммалаштиради.

Оромгоҳ хужжатларини (иш режалар, ҳисоботлар, пед.кенгаш баёнлари) расмийлаштириб боради, оромгоҳ бўйича навбатчи журналининг юритилишини кузатиб боради.

Оромгоҳ бўйича навбатчилик, ходимлар дам олиш кунларининг жадвалларини тузади.

Малакага оид талаблар: олий ёки ўрта махсус-педагогик маълумот. Камида беш йиллик педагогик иш стажи. Болалар соғломлаштириш оромгоҳида камида 2 йиллик иш стажи. Ёши 55 гача. Оромгоҳда болалар билан тарбиявий ишларни ташкил этишнинг методикаси ва амалиётини билиши.

**3.Катта етакчи.** Оромгоҳдаги болалар жамоаси, ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлайди, олиб борилаётган ишларнинг тарбиявий, ғоявий-ахлоқий, мазмун-мақсадларга мувофиқ бўлишини назорат қилиб боради. Бажарилган ишларни ҳисобга олиб боради. Гуруҳлар, тўғараклар ва бошқа ижодий бирлашма ҳамда спорт секцияларида



болаларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Кенгаш, штаб билан биргаликда оромгоҳда йиғилишлар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказди, гуруҳ йиғилишларини ўтишини назорат қилади ва уларга ёрдам беради, етакчилар учун семинар-кенгашлар ўтказди. Етакчига вазифаларини амалга оширишида ёрдам беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Гуруҳларда фойдаланиш учун методик хужжатларни расмийлаштиради, етакчилар ишини ўрганади, таҳлил қилади, ижобий иш тажрибаларини умумлаштиради ва оммалаштиради.

Оммавий ахборот воситалар иши, оромгоҳ гуруҳлар, болаларни ўз-ўзини бошқариш органлари ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар билан безатиш учун жавоб беради. Хужжатларни юритади (иш режалари, ҳисоботлар, кундаликлар). Саёҳатлар, пиёда сайёҳлик жадвалини тузади.

Малакасига оид талаблар: Олий ёки ўрта махсус-педагогик маълумот. Камида беш йиллик педагогик иш стажи. Ёши 40 ёшгача. Оромгоҳда болалар билан тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг методикаси ва амалиётини билиши.

**4. Гуруҳ гарбиячиси.** Ўзига топширилган гуруҳ болаларининг ҳаёти ва соғлиғи учун юридик ва ахлоқий жиҳатдан жавоб беради.

Гуруҳ мулки учун моддий-масъул шахс ҳисобланади.

Оромгоҳ кун тартибининг болалар томонидан бажарилишини таъминлайди. Гуруҳнинг ҳар кунги иш режасини амалга оширади, унда гуруҳ ва болалар билан боғлиқ барча тарбиявий тадбирларни (уйғониш, эрталабки машқлар, хоналарни тозалаш, болалар билан тарбия мавзуида турли суҳбатлар ўтказиш, нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат, ётиш) ўтказди.

Тарбиячи ва етакчи ҳар куни эрталаб болалардан 30 дақиқа олдин уйғонади. Ўзига қарайди ва "Турилсин" сигнали берилиши билан гуруҳни

уйғотадилар. Болаларнинг ҳаммаси соғ-соғлом эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилгач, гуруҳ етакчиси уларни жисмоний тарбия машғулотиغا олиб боради. Машғулотдан қайтгандан кейин барча болаларни ювиниб-тараниб олишларини ўринларини йиғиштиришларини кузатади. Кичкинтойлар гуруҳларига бу вақтда юқори гуруҳлардан оталиқ сифатида ёрдам кўрсатилади.

Жисмоний тарбия машғулотларидан қайтгандан сўнг тарбиячи навбатчи звено билан ошхонага бориб, гуруҳнинг овқатланиши учун столларни тайёрлайди. Бу вақтда етакчилар болаларни эрталабки хожатни ўтказишга тайёрлайди, сўнг эрталабки сафланишни ўтказиб кунлик вазифаларни тақсимлайди, кундузги иш режалари муҳокама қилинади.

Гуруҳ зарур маълумотлар билан таништирилади.

"Нонуштага" деб чақирилиши билан етакчилар болаларни ошхонага олиб боради. Овқатланиш даврида тарбиячи ҳар бир болага овқат, тегишли анжомлар берилган-берилмаганлигини кузатади. Етакчилар болалар билан бирга нонушта қилади. Ошхонада барча хавфсизлик чоралари кўрилиши ва унга амал қилиниши керак, болаларни овқатланиш ва ахлоқ-одоб маданиятига ўргатилади. овқатланиб бўлингач етакчилар болалар билан павильонга бориб кундалик ишларни ташкил этадилар: гуруҳда навбатчилик, умуморомгоҳ меҳнат ишларида иштирок этиш ва ҳоказо. Тарбиячи овқатланиб бўлиб ошхонани йиғиштириш учун навбатчи звено ташкил этади, кейин болалар билан биргаликда гуруҳга қайтиб келади.

Агар гуруҳ ўз жойида турли ўйинлар билан банд бўлса: Олдиндан ҳамма хавфсизлик чора-тадбирларини кўриб қўйиш, ўша жойда ўткир кесадиган буюмлар, тик сохиллар, сочилувчан жисмлар, нишаб жойлар, паст ўсадиган ёки ўткир шох-бутоқларнинг бор-йўқлигини текшириб кўриш лозим.

Агар гуруҳ пиёда сайёҳатга отланса: Кетаётган болалар сонини оромгоҳ бўйича навбатчига ҳабар бериш. Сафнинг бошида ва охирида битта болага байроқча ҳамда хуштак бериб уни кузатувчи қилиб тайинланади;

- дори-дармонлар солинган сафар дорихоначасига эга бўлиш керак, болалар билан пиёда сайёҳлик даврида унинг қоидаларига риоя этиш. Бош кийим ва тегишли оёқ кийими бўлиши тўғрисида болалар билан олдиндан суҳбат ўтказиш лозим.

- сувдан кечиб ўтишда унинг чуқурлигини ўлчаб кўриш;

- тоққа яққа холда қўйишга рухсат бермаслик;

- сувни факат рухсат берилган, манзили кўрсатилган манбаалардан ичиш;

- гулхан ёқилганда ўша жойни тўсиб қўйиш. алангани рухсат этилган даражадан ошмаслигини кузатиб туриш, сўнг яхшилаб, охиригача ўчириш;

- тунашга тўғри келган тақдирда ётиш жойини яхшилаб текшириш, ортиқча нарсалардан тозалаш, гулхан томонга оёқ узатилган чоғида керакли даражадан ошмаслигига эътибор бериш;

- пиёда сайёҳликдан қайтилгандан сўнг оромгоҳ бўйича навбатчини ҳабардор қилиш лозим болаларнинг ўз жойида эканлигини текшириб кўриш;

- шикастланмаганлиги, тилинмаганлиги, лат емаганлигини текшириб кўриш;

- болаларнинг кундузги дам олишини ташкил қилиш.

Севган машғулотлари билан шуғулланиш соатларида:

- Болаларнинг турли тўғаракларда, спорт секцияларида, кутубхонада қанчалик иштирок қилаётганликларини текшириб кўриш;

- барча болаларнинг ўз кўнглига ёққан машғулот билан шуғулланишларига ёрдам бериш.

Оромгоҳда умумий тадбирларни ўтказиш вақтида:

- ҳар қандай тадбир олдида болаларни тадбирга руҳан тайёрлаш;

- гуруҳни барча ишларга фаол иштирок этишга тайёрлаш ва сафарбар этиш;

- хар бир боланинг фаол жало этишга и нтилиш; гуруҳ болаларининг ташқи кўринишига эътибор бериш, кун салқин бўлса иссиқрок кийинишни таклиф қилиш;

- хавфсизлик тадбир-чораларини кўриш, болаларни жамоат жойларида ўзини тута билиш маданиятига ўргатиш;

- ота-оналар билан хушмуомалада бўлиш, уларнинг истак ва таклифларини эътибор билан эшитиш.

- болаларни ўз кийимларини ювиш ва дазмоллашга ўргатиш, уларда доимо тоза, саранжом-саришта бўлиш ҳиссини тарбиялаш (буни курук панд-насихатсиз, одоб билан. хар хил ўйинлар орқали бажариш).

- гуруҳ болаларининг ташқи кўринишини кузатиб бориш.

- мажлис ва педагогика кенгашларида оромгоҳ фаолиятига оид масалалар муҳокамасида фаол қатнашиш, таклифлар билан чиқиш ва тажриба алмашиш.

Малакага оид талаблар: Маълумоти олий ёки ўрта-махсус, иложи борича педагогик маълумот, педагогик стажи камида беш йил, болалар соғломлаштириш оромгоҳида иш стажи камида 2 йил. Оромгоҳда болалар билан тарбиявий ишни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини билиши.

**5. Гуруҳ етакчиси.** Тарбиячи билан бирга гуруҳ болаларининг ҳаёти ва соғлиғи учун ҳам юридик, ҳам ахлоқий жиҳатдан жавоб беради.

-Соғломлаштириш мавсумида оромгоҳ олдида турган тарбиявий мақсадларни амалга ошириш учун гуруҳда болалар жамоасини ташкил этади;

-гуруҳда болаларнинг ўзини ўзи бошқаришни ташкил этади, уларга педагогик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

-болаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирга гуруҳнинг кундалик иш режасини тузиб чиқади ва унинг бажарилишини назорат қилади, гуруҳ бурчагини кўргазмали куруллар билан безайди, жиҳозлайди,

гуруҳ ҳаётига оид маълумотларни тўплайди, болалар жамоаси, гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосининг кундалик ишдаги иштирокига яқун ясайди;

- ҳар бир тадбир олдидан (гуруҳдаги ёки умум оромгоҳ бўйича) болаларни унга руҳан тайёрлайди;

- гуруҳни фаол ишлашга руҳлантиради ва сафарбар этади;

- ҳар бир болани ишга фаол жалб этишга интилади;

- тадбир тугаганидан сўнг кунга яқун ясайди, илғорларни тақдирлайди,

- ютуқлар ва камчиликларни кўплашиб муҳокама қилади.

Болаларни хавфсизлик тадбирларига риоя қилишларини кузатади. Барча соҳада болаларга ўрнатилган бўлади, болалар ўртасидаги муомалада майда-чуйда, икир-чикирлар бўлмаслигини ҳисобга олиб боради.

Мажлис ва педагогика кенгашларида оромгоҳ фаолиятига доир барча масалалар муҳокамасида фаол қатнашади, таклифлар билан чиқади, тажриба алмашади.

Малакага оид талаблар: Олий ёки ўрта-маҳсус, ўрта, иложи борича, педагогик маълумот, оромгоҳда болалар билан ишлаш стажига камида бир йил. Оромгоҳда болалар билан тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикасини билиши.

**6. Тиббиёт ходимлари.** Болаларни оромгоҳга қабул қилишдан олдин оромгоҳни қабул қилишда албатта иштирок этадилар.

Болалар ва барча хизмат кўрсатувчи ходимлар соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қиладилар. Мавсум, смена бошида болаларни тиббий кўрикдан ўтказадилар. Зарурият туғилса, етакчи мутахассисларнинг маслаҳатини ташкил этадилар, тегишли даволашни талаб этувчи: оғиз бўшлиғини даволаш санатория туридаги оромгоҳларда физиотерапевтик даволаш, ЛФК ва бошқа тур гуруҳларини тузадилар, сўнгра жадвал асосида болаларни ўз вақтида даволанишини кузатадилар.

Тиббиёт пунктида зарур дори-дармонларнинг бўлиши учун жавоб берадилар.

Даволаш-профилактика ишларини амалга оширади:

Болаларнинг, айниқса соғлиғига шикоят қилувчи болаларнинг ахволини мунтазам кузатиб борадилар.

Болаларни жисмоний тайёргарлигига қараб гуруҳларга ажратадилар;

болаларнинг соғлиғи, улар учун тавсия этилган кун тартиби, соғлиғига шикоят қилувчи болалар тўғрисида оромгоҳ бошлиғи, тарбиячи жисмоний тарбия ва спорт бўйича инструкторларни хабардор қиладилар.

Касалга дучор бўлган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида хар куни амбулатория қабулини уюштирадилар;

касалга чалинган болаларни аниқлайдилар, уларни ўз вақтида соғлом болалардан ажратиб қўйиш чораларини кўрадилар, изолятордаги болаларни даволайдилар ва уларнинг соғлиғини кузатиб борадилар;

юкумли касалликлар пайдо бўлган тақдирда бу ҳақида соғликни сақлаш вазирлигининг тегишли бўлимлари ва Давлат санитария эпидемиология назорати Марказларига маълум қиладилар, болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи билан биргаликда беморни касалхонага етказадилар;

оромгоҳ ошхонаси ишини муттасил назорат қилиб борадилар:

болаларни овқатлантиришни ташкил этилишини кузатадилар;

таомномани тузишда иштирок этадилар;

овқатларнинг тўғриликлигини ҳисоб-китоб қилиб борадилар, тартибга соладилар;

овқатларни "С" витамини билан витаминлаштирадилар:

озик-овқат маҳсулотларининг тўғри сақланиши ва уларнинг сифатини кузатиб борадилар;

хар сафар болаларга таом бериш олдидан бир сутка давомида синаб кўриш учун ундан намуналар оладилар, таомни мазалилигини назорат қилиб

борадилар, таомнинг сифати тўғрисидаги қайд қилинадиган брокераж журналига ёзиб борадилар;

маҳсулотни қозонга солиш ва ундан тайёр маҳсулот чиқиш нормаларини кузатиб борадилар;

барча бинолар, ошхона асбоб-ускунлари, анжомларининг санитария ҳолатини кузатиб борадилар;

идиш-товоқ ва технологик жиҳозларни ювишда давлат санитария назорат органлари талабларининг бузилишига йўл қўймайдилар;

ошхона ходимлари ва навбатчи болаларни йирингли касалликлар бўйича ҳар куни кўриқдан ўтказадилар;

барча бинолар ва оромгоҳ атрофи, сув манбааларининг санитария ҳолатини, болалар ва ходимларнинг шахсий гигиена қоидаларига амал қилишларини мунтазам кузатиб борадилар;

санитария-эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этадилар ва ўтказадилар;

ходимлар ва болалар билан санитария-маърифий ишларни ўтказадилар;

турли хил ўйинлар, викториналар, саломатлик кунлари, савол-жавоб кечалари ўтказишни, санитария постларини ташкил этадилар, уларнинг ишларига раҳбарлик қиладилар;

болаларни жисмоний чиниқтириш, жисмоний тарбия машқлари ўтказиладиган жойнинг ахволи устидан тиббий назорат қиладилар, болаларнинг жинси, ёши, соғлиғига қараб жисмоний тарбия тадбирларининг (эрталабки гимнастика, сувда чўмилиш, мусобақа, спорт ўйинлари, спорт секцияларида машқлар, саёҳат ва ҳоказо) тўғри ўтказилишини кузатиб борадилар.

Болаларнинг чўмилишини ташкил этилишини назорат қиладилар, турли ёшдаги болаларнинг қанча вақт чўмилишини белгилайдилар.

Соғломлаштириш тадбирлари, шу жумладан бадан чиниқтириш муложааларининг ўтказилишини кузатиб борадилар.

Сайёҳат, пиёда сайёҳлик ва сайлларни тайёрлашда (болаларни кузатиб бориш, манзил, дам олиш жойи билан танишиш, кийим-бошлари, бош кийими, санитария сумкасининг борлигини текшириш) қатнашадилар, болалар билан пиёда сайёҳлик тартиби ҳақида суҳбатлар уюштирадилар.

Хар куни кечкурун гуруҳларни айланиб чиқадилар, тарбиячилар ва болалар билан суҳбатлашадилар, уларнинг жисмоний аҳволи билан қизиқадилар;

давлат санитария назорат органларининг талабига биноан тиббий кўриқдан ўтмаган ходимларни ишга мутлақо қўймайдилар.

Тиббий ҳужжатларни юритадилар, болаларнинг оромгоҳда бўлиши ва уларнинг дам олдириш самарадорлигининг таҳлили тўғрисида ҳисобот тузадилар.

Малакага оид талаблар: шифокор - олий тиббий маълумотли, иложи борича болалар шифокори, тиббиёт бўйича иш стажи камида уч йил. Ҳамшира - ўрта махсус маълумот, тиббиётда ишлаш кўникмаси. Болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги иш стажи камида 2 йил.

**7. Жисмоний тарбия инструктори.** Жисмоний тарбия фаоллари билан биргаликда жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар режасини тўзиб чиқади, уни амалга оширади. Хар куни эрталабки бадан тарбия машғулотини ўтказади.

Спорт майдончалари, спорт анжомларининг аҳволини кузатиб боради. Спорт секциялари ишини ташкил этади, болаларни бу машғулотларга жалб этади. Тасдиқланган иш режасига асосан оромгоҳ спартакиадасини, оромгоҳлараро турнирлар, учрашувлар ўтказади.

Радио эшиттиришлар ва газеталар орқали спорт тўғрисидаги маълумотларни мунтазам ёритиб борилишини кузатиб боради.

Бош етакчи ва фаоллар билан ҳамкорликда харбий-спорт ўйинлар Низомини ишлаб чиқади ва уни ўтказишни уюштиради.



Болаларга сайёҳлик асосларини ўргатади, етакчи ва тарбиячилар билан биргаликда бир кунлик пиёда-сайёҳ, туристик саёҳатлар ташкил қилади.

Болалар ҳаётининг хавфсизлигини таъминланишига амал қилиниши бўйича мунтазам ғамхўрлик қилади.

Оромгоҳда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол қатнашади.

Малакага оид талаблар: маълумоти олий, ўрта махсус. Спортнинг бирор тури бўйича разрядга эга бўлиши. Педагогик стажи камида уч йил. Болалар соғломлаштириш оромгоҳида иш стажи камида бир йил.

**8. Сузиш бўйича инструктор.** Спорт тадбирларини, пиёда саёҳликни ташкил қилишда жисмоний тарбия бўйича инструкторга доимо амалий ёрдам беради.

Ховўзнинг санитария ахволини, болалар ва катталар томонидан навбатчилик қилинишини назоратга олади.

Ховўзда болаларни катталарсиз чўмилишига йўл қўймайди.

Болаларни жадвалда кўрсатилмаган вақтда чўмилишларига мутлақо йўл қўймайди. Болаларни сўзишга маълум ажратилган соатларда ўргатади. Болалар чўмилаётганда ёки ховўзда машқ ва оммавий тадбирлар ўтказиладиганда қўйидаги талабларга амал қилинишини кузатиб боради:

тиббий ходим, фармацевт бўлиши;

катталардан бирининг албатта ховўзда бўлиши ва бошқаларнинг киргокдан назорат қилиб туриши;

болаларни ховўзга иккитадан тушиши, ҳаммаси бўлиб ховўзда Ютадан ошмаслиги;

болаларни ховўздан чикиб кетиши катъий команда асосида бўлиши;

чўмилишни офтобда чиниқиш билан алмаштириб туриш. болаларни офтоб нуридан сақлаш.

Оромгоҳда ўтказиладиган барча тадбирларда фаол қатнашади.

Малакага оид талаблар: Олий маълумот, педагогик иш стажы камида икки йил, сўзиш бўйича спорт разрядига эга бўлиши. Болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги иш стажы камида бир йил.

**9. Тўгарак раҳбари.** Тегишли йўналишдаги тўгарак аъзолари билан машғулоти юқори методик савияда ўтказди. Тўгаракнинг бутун мавсум (смена) давридаги ва хар кунги иш режасига эга бўлишини ва ўқув дастўрининг бажарилишини таъминлайди.

Болаларнинг якка қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлаштириш. севган иши билан шуғулланиши, ўз кучларини техник моделлаштириш конструкциялашда синаб кўриш учун шарт-шароит яратиб беришда етакчи ва тарбиячиларга ёрдам қилади.

Тўгарак таркибини танлайди ва тўзади. Тўгарак аъзоларининг мусобақалар, кўргазмалар, концертлар ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этишини таъминлайди.

Тўгарак аъзоларининг ўқув интизомига риоя қилишларини назорат қилади, уларнинг машғулотларга қатнашишини кайд этиб боради. Техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиниши ва бажарилишини таъминлайди. Тўгарак биносининг ҳамиша тоза бўлишини талаб қилади.

Асбоб-ускуна, анжомларнинг сақланиши учун моддий жавоб беради ва тўгарак учун олинган хомашёдан оқилона фойдаланишни кузатиб боради.

Тўгарак аъзоларини рағбатлантириш чораларидан унумли фойдаланади.

Оромгоҳда ўтказиладиган барча тадбирларда шах сан иштирок этади.

Малакага оид талаблар: Олий ва ўрта махсус маълумот. Болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги иш стажы камида-бир йил.

**10. Кутубхоначи.** Тўгарак раҳбарларига юклатиладиган вазифалардан ташқари у гуруҳларда болалар билан китобга оид тадбирларни ташкил этиш учун ҳам масъулдир.

Кутубхонада кенгаш ташкил этади ва кенгаш билан бирга конференциялар, мунозаралар, адабий кечалар ўтказиш, кўрғазмалар ташкил қилиш, адабий, радио ва деворий газеталар чиқариш бўйича режалар тўзади. Методик ишларни олиб боради, педагогларга, етакчи ва болаларга маслаҳатлар беради. Кутубхона қошида китобларни таъмирлаш бўйича болалар устахонасини ташкил этади.

Малакага оид талаблар: Олий маълумот, педагогик иш стажи ёки кутубхонадаги иш стажи камида бир йил.

**11. Мусиқа раҳбари.** Тўғарак раҳбарлари зиммасига юклатилган вазифалардан ташқари қўйидагиларни бажаради:

болаларни эстетик руҳда тарбиялаш ва етакчиларга ёрдам беради;  
бадий хаваскорлик тугараги дастўрини танлашда ёрдамлашади;  
гуруҳ тадбирларини ўтказишда қатнашади, бунда мусиқа асбобларидан фойдаланади;

Мусиқа кечалари, мусиқа мухлислари тўғаракларини ташкил этади.

Оромгоҳ хори ва жанрлар бўйича жамоаларни барпо этади.

Гуруҳлар ўртасида ашула фестивалларини, хаваскорлик кўрикларини ўтказиши.

Малакага оид талаблар: Олий ёки ўрта махсус (мусиқа) маълумот, иш стажи камида бир йил.

**12. Бош ошпаз, ошпаз, ошхона ходимлари.** Овқат сифати, унинг тўйимлилиги, давлат санитария назорат органлари талабларига мувофиқ келиши учун ҳам юридик ҳам ахлоқий жавоб берадилар.

Ошхонанинг давлат санитария назорат органлари талабларига мувофиқ беками-куст бўлишини таъминлайдилар.

Унинг ташқи кўринишини кузатиб борадилар, бегоналарнинг ошхонада бўлишларига йўл қўймайдилар.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қоидаларига, барча овқатларни тайёрлаш технологиясига қатъий риоя қиладилар.

Овқатни таркатишдан олдин шифокор ёки пархезли таомлар бўйича ҳамширанинг, навбатчи тарбиячининг албатта рухсатини олишлари керак. Махсус ажратилган жойга овқатлар намуналарини қуйиб чиқадилар.

Бош ошпаз таомномани тузишда ҳамда шифокор билан бирга унинг тўйимлилигини анақлашда иштирок этади.

Болаларни ошхонада ишлашга ёки ёрдам беришга, нон кесишга қўймайдилар. Болаларнинг овқат сифати сони, хилма-хиллиги хусусидаги танқидий фикр-мулоҳазалари илтимосларига диққат-эътибор билан қарайдилар.

Иш бошлашдан олдин техника хавфсизлиги бўйича инструктор оладилар, бу ҳақда журналга имзо чекадилар.

Малакага оид талаблар: Бош ошпаз-ўрта махсус маълумотга эга, тўртинчи разряддан паст бўлмаслиги керак. иш стажи камида беш йил. Ошпаз-ўрта махсус маълумот, учинчи разряддан паст бўлмаслиги керак, иш стажи камида икки йил. Болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги иш стажи камида 1 йил.

**13. Оромгоҳ бўйича масъул навбатчи.** Кун тартиби, оромгоҳ қоида ва интизомига қатъий риоя қилиншини кузатиб боради.

Барча ўзгаришлар ва камчиликлар тўғрисида оромгоҳ бошлиғини ўз вақтида хабардор қилади, у бўлмаганида ўзи чора кўради.

Агар навбатчилик ота-оналар кунига тўғри келиб қолса:

жамоа навбатчилигини ташкил этади;

навбатчи болалар орқали ота-оналарни болалари билан тезда учраштиради;

тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда санитария интизомига ва болаларни кўргани келган ота-оналар билан тиббиёт талабларига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида суҳбат ўтказади:

навбатчи болалар билан бирга оромгоҳ худудига бегона кишиларнинг кирмаслигини кузатиб боради.

Оромгоҳда юз бсрадиган барча ходиса ва воқеалардан хабардор бўлади:  
гуруҳларнинг оромгоҳдан чикиб кетиши ва қайтиб келиши:

бошқа оромгоҳ болаларининг келиши:

у ёки бу тадбирни ўтказиш вақтининг ўзгариши.

Оромгоҳ бўйича масъул навбатчи ваколатини фақат оромгоҳ бошлиғи ёки катта тарбиячи бекор қилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда унинг топшириғи ёки қарори барча томондан беистисно, сўзсиз бажарилиши керак.

Гуруҳни ва етакчини навбатчиликка тайёрлаш.

Навбатчиликка тайёрланиш иши анча илгари бошланиши мумкин. Агар навбатчилик куни умуморомгоҳ тадбирлар билан банд бўлмаса, гуруҳ тематик кунни бутунлай бошқача тарзда яъни эрталабки уйғотишни ҳам, таомномани ҳам ўзгача. кутилмаган янгиликлар билан тайёрлаши мумкин.

Агар навбатчилик вақтида умуморомгоҳ тадбирлари тўғри келиб қолса, етакчи уларнинг ўтказилиши қанчалик муҳимлигини олдиндан аниқлаши, уларнинг бажарилишини таъминлаши керак, бу ҳақда хизматчи ходимларга ва гуруҳларга (жадвал бўйича саёҳат, гуруҳ ва умум оромгоҳ ишлари, дискотека, автомат-ўйинлар, чўмилиш ва хоказо) эслатиб қўяди.

Вазифалар болалар ўртасида олдиндан тақсимлаб чиқилиши. улардан ҳар бирини тегишли постларда бажарадиган вазифалари билан таништириш керак. Навбатчиликнинг ютуғи аввалом бор гуруҳнинг ва етакчининг унга қандай тайёргарлик кўрганига, уларнинг умумий кайфиятига боғлиқ.

Болаларни навбатчилик жойлари бўйича тақсимлаш чек ташлаш ёки ўринларини алмаштириш йули билан амалга оширилиши мумкин.

Навбатчи гуруҳ етакчиси олдинги навбатчи гуруҳдан кечки сафланиш даврида навбатчиликни қабул қилгандан сўнг гуруҳ болаларидан ким қаерда навбатчилик қилишини эълон қилади.

Навбатчи етакчининг ҳуқуқ ва вазифалари:

Навбатчи етакчи смена кунларининг бирини ташкил этувчи масъул шахс ҳисобланади. Куннинг ҳамма ташкилий масалаларини навбатчи етакчи ҳал қилади, жанжалли ёки ноаниқ масалалар туғилиб қолгудек бўлса, у ёрдам сўраб катта етакчига ёки оромгоҳ бошлиғига мурожаат қилади.

Навбатчи етакчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

оромгоҳда белгиланган барча тартиб-қоидаларнинг бажарилишини талаб қилиш, бажарилмаган тақдирда бундан оромгоҳ раҳбариятини хабардор қилиши.

Агар гуруҳ ишлари, гуруҳлар сайри, саёҳатлар болалар ҳаёти ва соғлиғи, табиатни муҳофаза қилиш низомига зид бўлса, уларни бекор қилиш.

Навбатчи етакчинининг буйруғи, кўрсатмаси ҳамма учун мажбурийдир.

Навбатчи етакчи қўйидагиларни бажариши керак:

Оромгоҳда доимо бўлши: Оромгоҳдан факат оромгоҳ бошлиғи ёки катта етакчи руҳсати билан чиқиши мумкин.

Навбатчиликни белгиланган жадвал бўйича қабул қилиш ва тугагандан сўнг бошқа навбатчига топшириш.

Гуруҳни навбатчиликка тайёрлаш: Бунинг учун гуруҳни бошқа гуруҳ болаларидан кўра 30 дақиқа олдин уйқудан уйғотиш, байроқ илинадиган ерда гуруҳнинг эрталабки сарфланишини ўтказиш, Давлат байроғини кўтариш. болаларни постларга жойлаштириш. Гуруҳ етакчиларининг ишини зрталаб, кечкурун ва кун давомида назорат қилиб бориш.

Оромгоҳнинг бир кунга белгиланган режасининг бажарилишини таъминлаш.

Бутун оромгоҳ ҳудудида тозалик, тартиб бўлишини кузатиб бориш.

## **ЕТАКЧИНИНГ КОДЕКСИ**

### **Етакчининг мажбуриятлари:**

- Болалар учун жавобгардир
- Болаларнинг зиддиятларини ҳал этиш

- Хар доим болалари қаердалигини билиши шарт
- Гигиена қоидаларига риоя қилиши лозим
- Болаларни жипслаштириш
- Доимо мулоқотга очиқ бўлиши
- Кун тартибига риоя этиш
- Болаларнинг бўш вақтини ташкил этиш
- Тарбиячилар билан тил топишиш
- Болаларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш
- Болаларнинг саломатлигига жавоб бериш

#### **Етакчига маън этилади:**

- Болалар олдида ичиш, чекиш, (гиёхванд моддаларни ҳам) ва сукиниш.
- Болалар олдида тарбиячилар билан жанжаллашиш.
- Болалар олдида уларга келган озик-овқатларни истеъмол қилиш.
- Болаларни жисмоний жазолаш.
- Болаларни ёлғиз ҳолда оромгоҳдан ташқарига чиқариб юбориш.

#### **Етакчи:**

- Болалар олдида обруга эга бўлиши;
- Болаларнинг исмини билиши;
- Намуна бўлиши;
- Гуруҳдаги болаларнинг ўзаро муносабатларини билиши;
- Болаларнинг оиласи, ота-онаси ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши;
- Овқатланишини назорат қилиши;
- Қисман тарбиялаш;
- Ўз саломатлигини кузатиб бориши:
- "Б" режасига эга бўлиши;
- Низолар ечимини вербал рағбатлантириш;
- Амалга ошириш имкони мавжуд бўлмаган ваъдаларни бермаслиги;
- Ижобий хусусиятларини кўрсата олиши лозим.

#### **Етакчи:**

- Болаларга бакирмаслиги;
- Болаларни ажратиш ва алоҳида муносабатда бўлиш;
- Уйқу пайтида болаларни безовта қилиши;
- Болалардан пул ёки бошқа буюмларни сураш;
- Гуруҳни янгилар ва эскиларга ажратиш;
- Болаларга ортиқча ишониш;
- Болаларни "жазолаш";
- Ўзининг салбий жиҳатларини намоён этиши мумкин эмас.

## **КОДЕКС ВОЖАТОГО**

### **Вожатый обязан:**

- Нести ответственность за детей
- Решать детские конфликты
- Знать, где находятся ВСЕ его дети в ЛЮБОЙ .
- Следить за гигиеной
- Сплотить детей
- ВСЕГДА быть в доступе
- Соблюдать режим дня
- Организовывать досуг детей
- Находить общий язык с воспитателем
- Знать об индивидуальных особенностях детей
- Отвечать за здоровье детей

### **Вожатому категорически запрещено:**

- Курить, пить, ругаться матом, употреблять наркотики, и т.д. ПРИ детях
- Ссориться с воспитателем ПРИ детях
- Есть детские гостинцы ПРИ детях
- Наказывать детей физически
- Отпускать детей одних за территорию лагеря

### **Вожатому следует:**



- Быть авторитетом для детей
- Знать детей по именам
- Подавать положительный пример
- Знать межличностные отношения в гурuxe
- Знать о семье, родителях ребенка
- Следить за приемом пищи
- Частично воспитывать
- Следить за своим здоровьем
- Иметь план Б
- Поощрять решение конфликтов вербально
- Не давать невыполнимых обещаний
- Нести позитив

**Вожатому не следует:**

- Кричать на детей
- Выделять любимчиков или отщепенцев
- Нарушать покой детей во время сна
- Клянчить у детей деньги или другие вещи
- Делить гурух на стареньких и новеньких
- Излишне доверять детям
- Наказывать детей
- Показывать свои негативные эмоции

## СУҲБАТНИ ИНТЕРФАОЛ УСУЛДА ЎТКАЗИШНИНГ НАМУНАСИ.

**Мавзу :** «Таҳлилий ва ижодий тафаккурни ривожлантириш  
учун муҳит яратиш».

**Машғулот сценарийси.**

**Мақсади:** Иштирокчиларнинг коммуникатив қобилиятларини ва жамоада ишлаш кўникмасини ривожлантириш орқали уларнинг таҳлилий тафаккури ва ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш, жамоа орасида психологик бирликни ўрнатиш.

**1-қадам:** Етакчи "инсон ҳаётида онг қандай ўрин тутади?" ва "Онгсиз мавжудотни инсон деб атаса бўладими?" каби саволлар билан мурожаат қилади.

*Донишманд: "Тана - бу онгни кўтариб юривчи мослама " деган экан.*

**2-қадам:** Мени сизларга бир таклифим бор, агар қабул қилсангизлар, албатта. Келинг, сизлар билан бир ҳафта давомида юқоридаги фикрнинг тескарисини амалга оширамиз. Яъни "Онг - бу танани кўтариб юривчи мослама", деб атаймиз".

"Биз ташқи оламни ўз онгимизда қандай тасаввур қилсак, уни шундай қабул қиламиз, шундайми?". Масалан: илдизсиз дарахт ёки фундаментсиз уй.

**3- қадам:** Хар бирингизга топширик: ўзларингиз ҳаракат қилиб кўпи билан бешта ҳаётда учрамайдиган ходиса ҳақида ёзинг.

**4-қадам:** Галерея бўйлаб саёҳат орқали жавоблар олинадилар ва флипга ёзилади. Якунида энг ижодий иш аниқланилади.

**5-қадам:** Мавзу эълон қилинадилар ва жамоани жуфтликларга бўлиб чиқилади (ёнидаги ўтирган билан).

**6-қадам:** Жуфтликларга топширик: "Жамоада ижодий ва эркин фикрлаш муҳитини яратиш учун нималар зарур? Иккитадан омил келтиринг. Ҳаракат қилинг ноёб ечимини топишга" (5 дақиқа вақт давомида рангли коғозга ёзишди).

**7-қадам:** Барча ёзувлар олиниб, доскага илинади етакчи барчасини бирма-бир ўқиб эшиттиради ва қайтарилмаганларни белгилаб боради. Мавхумроқларига муаллифлари томонидан изоҳ берилишини сўрайди.

**8-қадам:** Иштирокчиларга тарқатма материал берилади ва унинг асосида етакчи умумлаштиради.

### **«Ҳамкорликдаги изланиш». Мунозара.**

Мунозара тури. Муҳокама қилинадиган мавзу олдиндан ўқитувчи томонидан тайёрланиб борилади, мақсад ўртага ташланаётган мавзунини чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш. Алоҳида бир мавзу ёки матндаги муаммолар асосида ёки бадиий ва шунга ўхшаш матн турларида ўтказилади.

1. Матндаги тасвирланган воқеалар занжири асосини ташкил қилувчи саволлар.

2. Матннинг мазмуни ва тасвирий тизими асосидаги саволлар.

3. Таркибий қисмдаги кескин фарқлари асосидаги саволлар

4. Саволлар-таклифлар (қарама-қарши томонини ўқиш)

5. Маълум муаммога турли хил ёндашувдаги икки матнни биргаликда бирлаштиришга ундайдиган саволлар

6. Одоб-ахлоқ бўйича саволлар

7. Фалсафий (метафизик) саволлар

8. Муаллиф томонидан бериладиган баҳо ва хулосага эргашган, мустақил фикрга эга бўлмаган ўқувчиларни саволлар орқали ошқора қилиш.

### **"Бурчаклар" бахс-мунозараси**

Бахс-мунозара тури.

1. Муаммони ёки матнни таклиф қилиш.

2. Ақлий хужум орқали муаммони хал қилиш ёки хал қилиш йўлини аниқлаш.

3. Таклиф қилинган йулларнинг тоифали шарҳи.

4. Карашларни аниқлаш. Иштирокчилар асослаган ечим йулини танлагаш.

5. Кичик гуруҳларга бўлиниш.
6. Кичик гуруҳларда муҳокама қилиш.
7. Бахс-мунозара. Карашлар тақдимоти ва уларни асослаш.

### **КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ.**

Кичик гуруҳларни шакллантириш (етакчи ёки фасалитатор ижодкорлиги асосида) турли хил ҳаракатли, ривожлантирувчи ўйинлар асосида амалга оширилади. Бунда, кичик гуруҳлар сони 4 ёки 6 нафар иштирокчидан ошиб кетмаслиги талаб этилади. Гуруҳда иштирокчилар сонининг талаб этиладиган миқдордан ортиб кетиши фаол ишлашда ҳалақит беради. Доимий равишда маълум вақт ўтгандан сўнг, янги гуруҳни шакллантириб туриш тавсия этилади. Берилган топшириқнинг ечимини топишдаги гуруҳ ишида ҳар-бир аъзонинг фикри ёки ғояси диққат билан тингланиши, эътиборга олинishi, ҳар-бир фикр ёки ғоянинг мунозарадан ўтказилишиши ва гуруҳнинг ягона фикрга кела олиши, бир-бирини тўлдириши ва ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамкорлик талаб этилади. Ушбу мақсадда гуруҳий иш учун қоидалар ишлаб чиқилади. Кичик гуруҳлар аъзолари ўзларининг қобилиятларини инобатга олган ҳолда гуруҳ ичида, мустақил равишда ўзаро келишув асосида вазифаларни тақсимлаб оладилар. Бунда, гуруҳнинг ҳар-бир аъзоси у ёки бу вазифа билан таъминланиши талаб этилади. Масалан:

- етакчи;
- котиб ёки котиба;
- вақт назоратчиси
- йўналиш кўрсатувчи;
- турли хил чизмалар яратувчи;
- тақдимот уюштирувчи ва бошқалар.

**Гуруҳларда ишлаш тамойиллари**

-Ўзаро ҳурмат

- Ҳамжиҳатлик
- Бир-бирини эшитиш
- Бир мақсадга интилиш
- Ғолибликка интилиш
- Меҳнат тақсимоти
- Сардорнинг аниқланиши
- Тақдимотчининг тайинланиши
- Ҳамкорлик

### **Қайта алоқа мазмуни**

У ўқув фаолиятининг ҳар бир тадбири бўйича ўқув жараёнини бошқаришнинг даврий ташкил этиш тизимини талаб қилади. Бунда аввало тўғри алоқа ўрнатилади зарурий ҳаракат образи тўғрисидаги ахборот бошқарувчидан бошқарилувчига узатилади. Қайта алоқа педагог учунгина эмас, балки таълим олувчига ҳам зарур; биринчисига тузатиш (коррекция) учун зарур, иккинчисига эса ўқув материални тушуниш учун. Ички ва ташқи қайта алоқалар мавжуд. Ички қайта алоқа таълим олувчиларнинг ўз натижаларини ва ўзининг ақлий фаолияти характерини мустақил тузатиш (коррекция) учун хизмат қилади.

Ташқи қайта алоқа таълим олувчига бевосита педагог томонидан таъсир этишда амалга оширилади.

### **Гуруҳий фаолиятга нима тусқинлик қилиши мумкин?**

Ҳамкорлик ва самара бир-бири билан узвий боғлиқ. Жамоа бўлиб фаолият кўрсатиш яқка тартибдаги фаолиятга нисбатан катта самара бериши керак. Аммо бу аниқ самара беради дегани эмас. Маълум шароитда гуруҳлар яхши натижа кўрсатиши мумкин, бошқа шароитда эса йўқ. Гуруҳий фаолиятнинг самара беришига тўсиқлик қилувчи бир неча омил бўлиши мумкин:

**1. Тажриба етишмаслиги.** Гуруҳ ўзидаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олиши учун унинг аъзолари ҳамкорликда ишлаш

кўникмаларини шакллантириб олишлари керак. Апил-тапил қисқа вақтга тузилган гуруҳ аъзолари бир-бири билан "киришиб" кетишга улгурмайдилар. Шу сабабли улар гуруҳий фаолият имкониятларини тўла намойиш эта олмайдилар.

**2. Гуруҳ аъзоларининг маълум бир фикрга таяниб қолиш, унга танқидий ёндашмаслик.** Гуруҳий фаолиятга тўсиқлик қилувчи энг муҳим омиллардан-бу фикрларга танқидий ёндашмаслик. Гуруҳий фаолиятда аъзолар имкон қадар турли фикрларни билдириши ва улар орасидан энг оқилонаси танлаши лозим бўлади.

**3. Ижтимоий боқимандалик-тўда орасида беркиниб олишга интилиш.** Гуруҳ олдида турган вазифани бажаришда ҳаммадан катта куч ва кўп меҳнат талаб қилинган вақтда айрим аъзолар ҳеч ким сезмайди деган фикрда ўзига "енгилликни" хохлаб қоладилар. Бундай ижтимоий боқимандалик мақсадга эришиш учун кўпчилик меҳнати талаб қилинади.

**4. Баҳс-мунозардан қочиш.** Гуруҳ аъзолари жамоадаги муҳитнинг осойишталишга кўникиб қолиши уларнинг фаолиятидаги вужудга келган ҳар қандай тушунмовчиликни зиддиятга айланиб қолишини олдини олиш учун баҳс-мунозарани бўлмаслигига интилиш.

**5. Бир хилдаги таркиб.** Қанчалик гуруҳ таркиби бир хил бўлса, шунчалик ҳар бир аъзонинг умумий ишга қўшган ҳиссаси кам бўлади. Сиз факат хужумчилар ёки ҳимоячилардан иборат футбол жамоасини учратганмисиз? Гуруҳий фаолиятнинг самарадорлиги - бу таркибнинг ҳар хиллиги.

**6. Гуруҳ аъзоларининг жамоа бўлиб ишлашга қобилияти йўқлиги.** Кўпинча якка тартибда юқори кўрсаткичлар кўрсатганлар гуруҳда яхши натижа беришмайди, чунки улар шахсий мулоқот сирларини билмайдилар.

## Болалар билан ишлаш бўйича етакчига

### МАСЛАҲАТЛАР

<ul style="list-style-type: none"><li>- Ўзига жалб қила олиш;</li><li>- Ҳамкорликда ишлай олиш;</li><li>- Тинглай олиш</li><li>- Юқори маданиятли бўлиш;</li><li>- Кисқа, аниқ фикрни баён қила олиш;</li><li>- Гуруҳда ижобий кайфиятни ярата олиш;</li><li>- Ижодкорликка доим интилиш;</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Иштирокчиларга нисбатан сабр тоқатли бўлиш;</li><li>- Хар бир болага - Болаларнинг исмини айтиб мурожаат қилиш;</li><li>- Баҳолаш жараёнида болалар фикрини инобатга олиш;</li><li>- Болаларнинг соғлиғи тўғрисида</li><li>- Улар учун қулайликлар ярата олиш;</li><li>- Хазил - мутойибани тушуна олиш;</li><li>- Доимо ижобий кайфиятда бўлиш.</li></ul>
---	--

### ТАНИШИШ ВА ЖАМОАНИ ЖИПСЛАШТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ЎЙИНЛАР:

#### ***"Тўп ўйини"***

(Биринчи кун яқунлашда ишлатиш тавсия этилади).

Иштирокчилар доира шаклида туриб олишади. Етакчи бир иштирокчига тўпни отади. У ўз навбатида тўпни олиб бошқа иштирокчига отади ва ўз исмини айтади. Ўйин барча иштирокчилар бир-бирлари тўпни отмагунча давом этади. Хар ким ўзи отган инсон исмини эслаб қолиши шарт бўлади. Сўнг етакчи "ушбу машқни яна ҳам тезроқ бажариш мумкинми?" деб мурожаат қилади. Ва ўйин янгидан бошланади, бироқ бу сафар доира бироз тораяди. Учинчи марта ўйин ўтказилганда иштирокчилар бир-бирларига яқин келиб олишган бўлади.

#### ***"Гуруҳларараро зиддиятлар"***

Жамоа икки гуруҳга бўлиниш ва улар орасида зиддиятлар ҳам вужудга қолиш ҳолатлари ҳам бўлади. Ушбу машғулот ушбу зиддиятлар сабабини аниқлаш ва уни бартараф этиш йўлларини белгилашда ёрдам беради.

Етакчи гуруҳларни бирига қўшни хонага чиқишни, иккинчисига аудитория қолишни таклиф этади (ушбу машғулот табиат қўйнида ҳам

ўтказилиши мумкин). Икки жамоа қўйидаги саволларга жавоб беришлари керак бўлади:

- бошқа гуруҳ аъзоларининг қайси сўзлари, хатти-ҳаракатлари сизга ёқмайди?

-муваффақиятли ишлаши учун бизнинг томондан нималар тўсиқлик қилади?

Сўнг иккала гуруҳ аудиторияга йиғилади. Жавоблар билан танишиб чиқиш учун ёзилган варақ доскага илинади. Сўнг тренер зиддиятларни бартараф этиш бўйича мунозара ўтказилади. Асосий муаммолар белгилангани сабабли уларни ҳар бирини алоҳида қоғозга ёзиб олинади ва ҳар бир масала бўйича икки гуруҳ вакилларидан иборат кичик гуруҳлар шакллантирилади. Улар нафақат муаммони бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилайди, балки вазифалар тақсимотини ва муддатларни белгилаб олишади. Натижа албатта самарали бўлиши керак.

### **ВИКТОРИНАЛАР УЧУН САВОЛЛАР НАМУНАСИ.**

<b>№</b>	<b>Савол</b>	<b>Жавоб</b>
1	Сомонийлар давлатининг пойтахтини айтинг	Бухоро
2	1753-1920 йилларда Бухорони қайси авлод вакиллари бошқарган?	Манғитлар
3	Бухоро хонлигининг қайси авлоди шайбонийлар сулоласи ўрнига келган?	Аштархонийлар
4	Бухоро тарихини ёзган машҳур шарқ тарихчиси ким бўлган?	Муҳаммад Наршахий
5	"Камалак" болалар ташкилот фаолиятининг асосий мақсади нима?	Болаларни миллий ғоя асосида Ватаннинг содиқ ва комил инсон этиб тарбиялаш. уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя этиш, истеъдод ва қобилиятларини намоён



		қилишларн учун шарт-шароитлар яратиб бериш
6	"Камалак" Болалар ташкилоти нечта йўналишда иш олиб боради?	Камалак Болалар ташкилоти 7 та йўналиш бўйича иш олиб боради: 1.Олтин мерос; 2.Соғлом авлод; 3.Маънавият-маърифат; 4.Ватанпарварлик; 5.Умид ; 6.Экосан; 7.Меҳр-шафқат:
7	Сардорлар Кенгаши таркиби неча кишидан иборат?	9-киши
8	Терроризм сўзининг маъноси нима?	кўрқув, дахшат
9	Миллий кадрият нималар билан боғлиқ?	миллий урф-одат ва анъаналар;
10	Қўйида келтирилган цитата кимнинг қаламига мансуб? <i>Агар Алишер Навоийни авлиё десак, у - авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак –шоирларнинг султонидир.</i>	И.А.Каримов
11	"Туркистон" газетаси қачондан нашр қилина бошлаган?	1925 йил, февраль
12	Ўзбекистон фуқаролари неча ёшдан бошлаб олий мажлисга сайланиш ҳуқуқига эга?	25 ёшдан
13	Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни қачон қабул қилинган ва неча моддадан иборат?	1989 йил 21 октябрь, 24 моддадан иборат
14	Қайси ўрта осийлик олим алгебра фани асосчиси саналади?	Ал-Хоразмий
15	Мамлакатимизда "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" қачондан бошлаб	1996 йил 1 октябрдан;

	нишонланади?	
16	Ўзбекистоннинг майдони қанча?	447.4 км квадрат;
17	"Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни ёмонликларга топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса кадрини унутмадим ва унга муруват, эҳсон, иззату-икром кўрсатдим". ушбу сатрлар қайси асардан олинган?	"Темур тузуклари":
18	1193 йилда унинг асарлари европада лотин тилига таржима қилинди ва "биринчи араб астрономи" деган ном олишга асос бўлди, у ким?	Ал Фарғоний
19	Таълим тарбия. Ахлоқ-одобга оид ҳадислар мажмуаси "суннан" китобининг муаллифи ким?	Ат Термизий.
20	Қандай жаҳон динлари мавжуд?	Ислоҳ; Христианлик; Буддизм. -1 январь - Янги йил байрами; - 8 март - Хотин-кизлар байрами; - 21 март - Наврўз байрами; - 9 май - Хотира ва кадрлаш куни;
21	Мамлакатимизда Давлат микёсида нишонландиган байрамларни санаб ўтинг.	- 1 сентябрь - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни; - 1 октябрь - Укитувчилар ва - 1 сентябрь - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни; - 1 октябрь - Ўкитувчилар ва мураббийлар куни; - 8 декабрь - Конституция куни; - Рамазон хайити; - Қурбон хайити.

## Педагогик амалиёт ҳақида тушунча.

Республикамиз олий таълим муассасасида ўтказиладиган педагогик амалиётнинг бош мақсадларидан бири талабаларни амалиёт ўтказиладиган ўқув муассасаларидаги ўқув жараёни ҳамда тарбиявий ишлар тизимини ҳар томонлама ўрганишга, ўқувчилар билан синф раҳбари, гуруҳ мураббийси сифатида дарс ва дарсдан ташқари фаолият даврида тарбиявий ишлар олиб боришга тайёрлашдан иборатдир.

Талабаларнинг педагогик амалиёт жараёнида касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, мактабларда ўқув-тарбиявий ишларга касбий-педагогик ва психологик тайёргарлик, ижодий фикрлаш ва маҳорат, касбий қобилиятларини ривожлантиришни шакллантиришга асосланган.

Педагогик амалиёт ўтказиш даври 3 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич бажариши лозим бўлган ўз вазифасига эгадир (2-§га қаралсин).

Педагогик амалиётнинг биринчи ҳафтасида талабалар мактаб маъмурияти, педагогик жамоаси билан танишадилар ва мактаб шароитига мослашадилар. Синф (гуруҳ) ва синф (гуруҳ) раҳбари, ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти, маҳоратини кузатадилар, ўрганадилар. Мактаб, синф ҳаёти билан танишиб чиқадилар ва ҳоказо.

Шу билан бир вақтда талабалар ўзларининг педагогик амалиётга тайёрликларини сарҳисоб қиладилар (билим ва кўникмалар, педагогик англаш, педагогик рефлекс, педагогик – психологик тайёргарлик ва бошқалар).

Педагогик амалиёт пайтида асосий касбий малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёни кечади. Педагогик амалиёт талабаларнинг педагогик фаолиятга кўникишига имкон туғдиради. Шу билан бирга талабаларнинг назарий тайёргарлигини бойитиш ва тўлдириш, олган билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, амалий топшириқларни бажаришда ўрганиладиган фаннинг назарий жиҳатларидан фойдаланиш учун шароитлар яратди. Педагогик амалиёт пайтида асосий касбий малака ва кўникмаларни шакллантириш жараёни кечади.

Педагогик амалиёт бўлажак ўқитувчининг ўз ҳаётини келажак авлод таълим ва тарбияси каби жиддий, масъулиятли ишга бағишлашига, талабаларнинг меҳнатга шайлигини амалга оширишга тайёрлигини текширувни биринчи жиддий синовдир.

## 1.1 Педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳоти «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўзининг илмий-назарий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-юридик ифодасини топди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади-таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир»<sup>1</sup>

Бу вазифани бажариш таълим-тарбия жараёнига, унинг мазмун, шакл ва методларини, ўқув юртларида тарбиявий жараёни тубдан ўзгартиришни талаб қилади. Ўқув юртларидаги таълим жараёнини ташкил қилишда тарбиявий ишларга алоҳида эътибор бериб, уларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ўз касбини мукамал ўрганиши билан бирга юксак ахлоқий сифатларга эга булган шахс сифатида уларни шакллантириш ниҳоятда муҳимдир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳалқаро миқёсида эътироф этилиб, ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Бунинг оқибатида республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши анча тезлашди. Аммо унинг келгуси тараққиётининг омилларини инобатга олиб мутахассислар тайёрлашни жаҳон андозаларига мослаштириш, уларни ўз мутахассисликлари ва ижтимоий-сиёсий билимларини шахсий эътиқодига айлантиришни тақозо қилади. Янги тарихий шароитда инсонни ўзини такомиллаштирмасдан туриб, жамият олдида турган мураккаб иқтисодий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммоларини ҳал қилиш мумкин эмас. Чунки уларни ечишда инсон онгли, ақл-заковати, ижтимоий фаоллиги ҳалқ, миллат олдидаги масъулиятини ҳис қилиш муҳимдир. Инсон ва унинг онгини,

---

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш миллий дастури./ «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» тўпламда – Тошкент, 1998 йил.,39-бет.

тафаккурини ўзгартириш билан мустақил давлатни қуриш бир-бирига диалектик боғлиқ жараёндир.

Инсонларнинг фан, таълимот, ғояларни эгаллаб олиш жараёнларини таҳлил қилар эканмиз, ҳақиқатдан ҳам ҳар қандай ғоя, қарор, қонун инсонлар онги, ҳаракати, хулқ- атворига сингиши, билими-маънавий дунёси орқали амалий фаолиятга татбиқ қилинишининг гувоҳи бўламиз. Инсон ғоя, қарор, қонунларни ўзлаштириб олиб, ўз маънавий мулкига айтантиригач, жамиятни, кишиларни ўзгартириш қуролига айланади. Шунинг учун мустақил давлатимиз олдида янги, эркин озод, мустақил фикрловчи инсонни тарбиялаш ҳаёт-мамонт масаласи сифатида кўндаланг бўлиб қолади. Бу ижтимоий зарурият бутун таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини янги, ғоявий асосда ислоҳ қилишни талаб қилар эди.

Чунки бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тараққиёт, юқори касбий тайёргарлик билан бирга кадрлардан ташаббускорлик ва тадбиркорлик, сўз ва амалий иш бирлиги, мустақил фикрлаш, истиқболли мақсадга интилиш, Ватан, халқ, миллат равнақи йулида фидоий бўлишини ҳам талаб қилади. Бўлажак мутахассисларда бу сифатларни шакллантириш таълим-тарбия тизимининг иштирокисиз амалга ошмайди.

Жаҳоннинг кўп ривожланган мамлакатлари тажрибаси давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланиши таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш тизими билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Чунки таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий объекти инсон шахси, унинг маънавий ва ахлоқий қиёфаси, билими ва касбий камолотидир. Шунинг учун мамлакатда бирон-бир масалани инсон иштирокисиз, кадрлар савияси, малакасисиз амалга ошириб бўлмайди. Мустақиллик шароитида таълим-тарбия, энг аввало, мустақил фикрловчи инсонни тарбиялашга хизмат қилиши ижтимоий жиҳатидан муҳим бўлиб қолади.

Шу билан бирга унинг марказида фақат давлат манфаати эмас, энг аввало, шахс эҳтиёжига хизмат қилиш устувор йўналиш сифатида қўйилади.

Янги тарихий шароитда мамлакат тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш эканлиги ҳар томонлама асосланади. «Тарбия соҳаси ислоҳоти бугунги энг долзарб, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммо»<sup>1</sup> -эканлиги ҳаётий бўлиб қолади.

Кўряпмизки, инсон тарбияси, унинг тарбияланганлик даражаси фақат жамият тараққиётининг ҳозирги куни учун эмас, балки келажаги учун ҳам муҳимдир. Шундай қилиб, миллий мустақиллик шароитида бўлажак мутахассисларда юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш ўқув-тарбия жараёнининг муҳим ажралмас вазифасига айланди. Чунки маъмурий-буйруқбозлик шароитида шахсга, асосан, ташқи маъмурий таъсир орқали муносабатда бўлиш, уни эз хоҳиши, истаги ва мустақил қарор қабул қилишдан маҳрум қилиб, маъмурий тайзиқ қулига айлантириб, автоматик равишда кўрсатма ва буйруқларни бажарувчи роботга айлантирган эди. Бозор муносабатлари шароитида мутахассис маъмурий тайзиқдан ҳалос бўлиб, ижодий, мустақил фикрлаши, юксак касбий тайёргарлик билан бирга умумий маънавияти, пок ахлоқи, ижтимоий фаоллиги ҳаёт талаби бўлиб қолади. Ишлаб чиқариш жараёнида вазиятдан келиб чиқиб тўғри қарор қабул қилиши унинг шахсий сифатлари инсоний ва касбий маданиятининг ажралмас хусусиятидир. Айнан шундай сифатлар мутахассисни яратувчиликка ундаб ўз навбатида касби орқали-жамият иқтисодий-ижтимоий ва маданий тараққиётига улкан ҳисса қўша олишига олиб келади.

Бу сифатлар мутахассисларни онгли ривожлантириш ва ўзлигини англаши орқали унинг халқ, ватан, манфаатларига шахс ва касб соҳиби сифатида ҳисса қўшишга тайёрлашни тақозо қилади. Бу зарурият мутахассиснинг ўз фаолиятини ҳолисона баҳолаш ва назорат қилиш, ўзининг инсоний шаъни, шахсий ғурури асосида тартибга солиш механизмларини ўзида шакллантиришда олий ўқув юртидаги таълим-тарбия жараёни асосий

---

<sup>1</sup> Баркамол авлод орзуси. Тушам. Тузувчилар Ш.Курбонов, Р.Ахмеддинов, Х.Саидов.-Тошкент.:Шарк,1999, 39-бет

рол ўйнаши лозим. Мутахассис шакллантиришга бундай ёндашишнинг боиси шуки, инсоннинг ички маънавий дунёси хулқ-атвор нормаларини ички мотивга айлантириб, мотив эса йўналтирувчилик ролини бажаради. Бундай талабанинг таълим жараёнидаги фаоллиги ошиб, ўзини шахс сифатида шакллантиришини, касбини чуқур эгаллаш билан яхлитликда, ички англанган мотив таъсири остида амалга оширади.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш фақат касб соҳибини эмас, балки унинг шахсий сифатларини ўзаро мутаносибликда шакллантириш ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Таълим билан тарбия яхлитлигида тарбия инсоннинг ўз моҳиятини тушуниш, касбий фаолиятини эзгулик, кишиларга яхшилик қилишга йўналтиради. Шунинг учун И.Каримов «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинаккам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади»<sup>1</sup> деб таъкидлаши бежиз эмас.

Шундан келиб чиқиб, мустақил Ватанимизда мажбурий ўн икки йиллик таълим жорий қилиниб ҳар бир дунёга келган бола мактаб таълимидан ўқитувчи таълим-тарбиясидан ўтиши ижтимоий зарурият қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳар бир инсон шахс ва касб соҳиби бўлиб етишишида мактаб ва ўқитувчи муҳим роль уйнайди. Маълум маънода болаларимиз халқимизнинг келажаги ўқитувчи қўлида.

Шунинг учун буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) қуёш остида ўқитувчи касбидан буюк касб-йўк деган эди. Чунки ўқитувчи қалб кўри, юксак ахлоқий фазилатлари билан ҳар бир инсонни ва жамият ҳамма жабҳаларини маънавий ва моддий мустаҳкамлигини таъминлайди.

---

<sup>1</sup> Уша жой, 53-бет

Бундан кўринадики, ўқитувчи юқорида келтирилган сифатларга эга бўлиши учун уни тайёрлаш зарур. Унинг шахсида яхлит, ички ва бошқа характерловчи хусусият унинг ғоявий-сиёсий етуклиги. Бу ўз навбатида унинг ички эътиқоди ҳамда шахсий ва ижтимоий жиҳатидан ўз шахси ва касбини қадрлай олишида намоён бўлади.

Мустақил Ватанимиз ўқитувчисининг маънавий ва касбий моҳияти ҳамда ижтимоий ҳаётига муносабати асосини Миллий истиқлол ғояси ташкил этади. Унинг касбий йўналишининг моҳияти болаларга муҳаббат, педагогик фаолиятга қизиқиш педагогик-психологик кузатувчанлик ва назарий педагогик одоб, педагогик тасаввур, ташкилотчилик, ҳақгўйлик, ҳалоллик, сўзамоллик, талабчанлик, мақсадга қаратилганлик, хотиржамлик, ўз ҳатти-ҳаракати руҳиятига баҳо бера олиш, ишчанлик, маънавий баркамоллик, билимга, янгиликка ташналик, янгиликни сеза ва қадрлай олиш, ўз билимини мажбурий такомиллаштиришга интилиш ташкил этади.

Мустақиллик шароитида инсон омилининг ошиши уни энг юксак кадрият деб эълон қилиниши педагогика билимларига эҳтиёжни ҳар қачондагидан оширди. Бундай шароитда педагогика фанининг мазмуни бойиб унинг жамият ҳаётидаги вазифаси ошади. Чунки истиқлол шароитида жамият иқтисодий ижтимоий-сиёсий ривожланишининг яқин ва истиқболли режаларини амалга оширишда инсоннинг фаол ҳаётий позицияси, маънавияти юксак ахлоқий сифатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Инсонда бу сифатларни шакллантириш эса педагогика фанининг иштирокисиз амалга ошиши мушкул.

Олий ўқув юртини тугатаётган мустақил педагогик фаолиятга тайёрланаётган бўлажак ўқитувчининг вазифаси энг аввало ғоявий сиёсий етукликни эгаллашдир.

Шу асосда ўқув тарбия жараёнини чуқур ғоявий асосда ташкил қила олиш, Миллий истиқлол ғояси талаблари асосида ҳар бир дарс, тарбиявий тадбирни юксак ғоявий-сиёсий асосда амалга ошириши лозим. Ҳар бир дарс,



тарбиявий тадбирни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, демократик ўзгаришлар билан уйғун ташкил қила олиш зарур.

Педагогика, психология, ўқитиш методикасини билиш асосида ўз фаолиятига педагогик ва ахборот технологияларини қўллай олиш маҳоротини эгаллаши керак.

Ўз фанини чуқур билиши асосида ўқувчиларга пухта билим бериш ва уларни келажак ҳаётга, турмушга, касб танлашга тайёрлаш ижтимоий зарурият ҳисобланади.

Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг ҳамма бўғинлари чуқур ислохотларни ўз бошидан кечирмоқда. Таълим ислохотини назарий методологик жиҳатдан асослашда И.А. Каримовнинг «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузаси ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тарихий ҳужжат сифатида муҳим дастурамал бўлиб ҳисобланади. Чунончи юртбошимиз ўз маърузасида таълим ислохотининг тақдири кўп жиҳатдан ўқитувчининг инсоний хислатлари ва педагогик маҳоратига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча-деб давом эттиради И.А. Каримов-таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак».

Ўқитувчи таълим ислохотини амалга оширишда муҳим роль ўйнар экан, унинг бу вазифани бажаришда ақл-заковати, пок инсоний хислатлари ҳамда педагогик маҳорати белгиловчи рол ўйнайди. Ислохот таълим тараққиётини демократлаштириш, унда ўқувчи мақомини ўзгартириш, ўқувчини пассив билимларни ўзлаштириб олишдан фаол билимларни излаш,

мустақил фикрлашга ўргатиш асосий мезон бўлиши кераклигини алоҳида вазифа қилиб кўйди.

Бу муаммони ечиш таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, унда иштирок этувчи субъектлар яна методологик асосда яъни мустақиллик талаблари асосида эркин, озод, мустақил фикрловчи инсонни тарбиялашга йўналтиришни тақозо қилади.

«Умуман, мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими» Аминманки, ўргатилмайди-деб кўрсатади И.А. Каримов. Мабодо бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи хукмрон. У боладан фақат ўзи тушинтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр; «Менинг айтганим-айтган, деганим-деган».

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демакратик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар...Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир»<sup>1</sup>

Бу фикрларни ҳаётга татбиқ қилишда ўқитувчи муҳим роль ўйнайди. Унинг дастлабки тайёргарлиги ўқув жараёнида ва педагогик амалиётда амалга оширилади. Шунинг учун педагогик амалиёт бўлажак-ўқитувчи тарбиячилар тайёргарлик тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

---

<sup>1</sup> 1.Каримов И.Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдевори.-Тошкент.1998,9-бет.

Шунинг учун блажак ўқитувчиларда уз касбига оид касбий сифатларини, малака, кўникма ва маҳоротини шакллантириш, педагогик билимларини эгаллаш учун эҳтиёж туғдириш.

-ўқитувчилик касбига барқарор қизиқиш ва муҳаббат руҳини тарбиялаш.

-педагогик фаолиятга ижодий, изланувчан ёндашишга ўргатиш.

-мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув-тарбия жараёнининг ҳозирги ахволи билан яқиндан таништириш, илғор педагогик тажрибани ўрганишга таҳлил қилишга имконият яратиш.

-шаҳар ва қишлоқ шароитларида ўқитувчи тарбиячи ва синф раҳбарига хос маҳоратларни эгаллаш.

-ўқув юрти педагогик жамоаси, «Болалар» ва «Камолот» бошланғич ташкилотлари фаолияти билан танлашиш ва ўқув-тарбия жараёнини моддий жиҳатидан таъминлашдан ёрдам кўрсатиш.

- ўқув юрти, айрим ўқитувчилар, синф раҳбарлари, тарбиячиларнинг, «Болалар» ва «Камолот» бошланғич ташкилотларининг ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш тизими билан танишиш.

-болалар шахсини ва ўқувчилар жамоасини психологик-педагогик жиҳатидан ўрганиш.

-услубий бирлашмалар, бошланғич синф ўқитувчилари, фан уюшмалари ва миллий педагогик кенгашлар иши билан танишиш.

-ўқув-тарбия муассасаларига миллий тарбия вазифаларини ҳал этишда ёрдам кураватиш.

-маданий-оммавий ишлар орқали талабаларнинг бадий хаваскорлик тўғаракларида, турли клубларда қатнашишини, маданий юришлар, мунозаралар, фидоий кишилар билан учрашувларни ташкил этиш.

-булажак ўқитувчиларини ривожлантириш, билим доирасини кенгайтириш, ўқувчилар билан маданий-оммавий ишларни уюштириш кўникмаси билан қуроллантириш ўта муҳим ҳисобланади.

## **1.2. Ўқитувчи касб маҳоротини шакллантиришда педагогик амалиётнинг ўрни.**

Ўқитувчини шахс ва моҳир касб соҳиб сифатида шаклланиши бирданига амалга ошмай, маълум босқичларни ўз ичига олади. Бу энг аввало талабанинг шу касбни танлаши у ҳақда маълум тасаввурга эга бўлиши ёки шу касбни севиши, иккинчи, ОЎЮдаги таҳсил унда ўрганиладиган махсус фанлар ижтимоий-гуманитар, педагогика-психология фанларини ўзлаштириши билан боғлиқдир. Педагогика, психология фанларини ўрганиш жараёнида талаба ўқитувчи шахси ва касбига доир талаблар ҳақида маълумотга эга булади. Шу билан бирга талабада кишилар билан ишлай олиш, уларни маълум иш-фаолиятга йўналтиришга доир ютуқлари турли ижтимоий ишларни бажариш ва илмий-тадқиқий ишлари илмий-амалий конференцияларга маърузалар билан чиқишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга ўқитувчини касбий шаклланишда бевосита педагогик амалий фаолияти-малакавий ва ўқув-тарбиявий амалиёти муҳим ҳисобланади. Айнан шу жараёнда ижтимоий фаол ўқитувчини шакллантириш анча осон кечади. Чунки бунда эгаллаган билимларни амалга қўллаш, педагогик фаолиятга лаёқати, шахсий жисмоний сифатларининг мос келиш келмаслиги синалади. Ўз амалий фаолиятини тахмини асосида ўқитувчи бўлиш учун қайси билимлари етарли ёки қайси фанлардан билимларини чуқурлаштириш истаги пайдо бўлади.

Агар талабалар ОУЮ да назарий билим олсалар амалиёт жараёнида уни синайдилар. Назарий билим билан амалиётни омукта қилиб янги билимларни ўрганишга қизиқадилар. Ўқитувчининг касбий ва шахсий шаклланишида аниқ ташкил қилинган педагогик амалиёт муҳим ўрин эгаллайди. ОУЮларда амалиёт талабанинг назарий таълими билан келажакда ўқув юртларда мустақил фаолиятини ўзаро боғловчи бўғин вазифасини ўтайди. Шунда педагогик амалиёт талабани ўқитувчи фаолиятига тайёрлаши

ҳамда унга шу фаолият учун зарур назарий ва амалий билим ўринларини эгаллашга ундаши лозим. Педагогик амалиёт жараёнида нафақат назарий билимларни тўғрилигини текшириш балки, уларни қўллашга талабанинг тайёрлиги уни мустақил ишлашга тайёрлаш асосида ўқитувчи ижтимоий фаолияти ва шахси билан чуқур танишиш имконияти очилади.

Яхши ўқитувчи бўлиш учун ўз фанини чуқур билиш етарли эмас. Уни бошқаларга ўргата олиш ҳам ўта муҳим. Ўз фанини ҳар томонлама чуқур билан бирга, унинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини, ҳозирги замон ахборот технологиялари, ҳуқуқ, тиббиёт жаҳон ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳақида ҳам билимга эга бўлиш ўқувчиларнинг ўқитувчи шахси ва фанига қизиқишини оширади. Демак ўқитувчининг ҳар томонлама чуқур тайёргарлиги фақат касбий эҳтиёж эмас, балки унинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Педагогик маҳорат бу узоқ изланиш ва ижодий ишлаш маҳсулидир.

Педагогик амалиёт жараёнида талабага шунга хавас ва иштиёқ уйғотиш ўта муҳимдир.

Педагогик амалиёт давомида талаба ўқитувчи меҳнатининг моҳияти ва қирраларини англаб олади. Яъни ўқитувчи фақат дарс берувчи эмас, балки кенг миқёсида тарбиявий ишлар, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, маҳалла билан ижтимоий ва тарбиявий ишларни ҳам амалга ошириш лозимлигини англайди. Бу эса талабани кенг билим, олиш ва юксак маданият талаб қилади.

Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитувчиларнинг ўз педагогик маҳоратларини таъминлаштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ҳар бир ўқув юртида замонавий Ахборот-ресурс марказлари ташкил этилган. Уларда интернет тармоғининг мавжудлиги масофавий таълим орқали ўз билимларини ҳар томонлама бойитиш, ўқитадиган фанлари бўйича янгиликларни илиб олиш имкониятини беради.

Бундан ташқари ўқув юртларида «фан ойликлари» яъни ҳар ойда маълум бир фанни ўқитишга эътибор у бўйича тадбирларни ташкил қилиниши ҳам ўқувчиларни ижодий ишлашга ундайди. Энг муҳим дарсларни пухта тайёрланиб ўтиш ва ижтимоий, тарбиявий ишларга фаоллик ойлик маошидан ташқари устама ҳақ олишни жорий қилиниши муаллимларни ўз касбига ва ўқувчиларга ижодий ёндошишга кучли туртки бўлмоқда.

Педагогик амалиёт даврида талабалар қўйидагиларни ўрганишлари лозим.

-педагогик-психологик билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш, бойитиш, улардан педагогик вазифаларни ҳал қилишда фойдаланиш;

-илмий-тадқиқот фаолиятига доир кўникма ва малакаларни шакллантириш;

-таълим-тарбия жараёнини ва ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва тегишли ўзгартириш киритиш;

-мустақил равишда билими ва маҳоратини оширишга эҳтиёжини тарбиялаш;

-синф жамоаси ва яққа ўқувчиларни кузатиш ва ўрганиш маҳоратини эгалаш;

-ўқувчилар билан мулоқот муомила, алоқа ўрнатиш маҳоратини эгалаш;

-қийналаётган ўқувчиларга ёрдам кўрсата олиш;

-дарслар, тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва таҳлил қилишни ўрганиш;

-педагогик алоқалар, педагогик мунозара маданиятини ўрганиш ва унга иштирок этиш.

Амалиётчи талабанинг дастлабки қадамларидаги мувофақият ва қийинчилик, камчилиги фақат у учун эмас, балки уни 4 йил давомида ўқитган олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ҳамда раҳбарлари учун ҳам жиддий имтихондир.

Талаба дастлабки қадамлари давридаги қувонч ёки қийинчиликлар мактаб жамоаси ва олий ўқув юртининг ҳамкорлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мактабдаги таълим-тарбия жараёнини чуқур таҳлил қилиш, ундаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш асосида олий ўқув юртидаги педагогик жараёнга ўзгартиришлар киритиш юқори малакали мактаб талабларига жавоб берадиган кадрларни таёрлаш мезони бўлиб хизмат қилади. Шу нарсани унутмаслик керакки, амалиётчи талабанинг педамалиётига киришиши унинг инсон сифатида ҳаётида мақомининг ўзгариши билан характерланади. Олий ўқув юртида у талаба эди, бугун мактабда ўқитувчи-тарбиячи. Унинг бундай тарзда инсонни мақомининг ўзгариши ўзига ва кишиларга муносабатини ҳам кескин ўзгаришига олиб келади.

Талабанинг таълим обектидан таълим-тарбия ташкилотчиси, раҳбари, уни тартибга солувчи субъектига айланиши, ўзининг янги мақомига кўникишига ҳар томонлама ёрдам бериш келажакда яхши ўқитувчи-тарбиячи бўлишининг гаровидир. Бундай ўзгариш унда янги ҳиссиётлар, янги касбини яхшироқ эгалаш истакларини куртак ёйиши учун хизмат қилмоғи лозим.

Педагогик амалиётни ўтаётган бакалавр талаба ҳали тўла шаклланган ўқитувчи эмас. Унинг моҳир ўқитувчи бўлиб шаклланиши амалий фаолиятда, мактабда жўшқин таълим-тарбия муҳитида бевосита педагогик фаолиятда амалга ошади. Бунда педагогик амалиёт ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам руҳий жиҳатдан жуда муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт давомида талаба жиддий касбий тайёргарликдан ўтади. Унда ўз кучига ишонч, ўз ижодий педагогик фаолиятдан қониқиш ҳамда ижодий ишлаш истаги ҳосил бўлади. Талабанинг педагогик жараён талабларига мослашувида у иш олиб борадиган синф ўқитувчилари ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки улар амалиётда талаба меҳнатининг объекти ҳисобланади. Амалиётда талабанинг келажак педагогик фаолиятига мувофақиятли киришиши мураккаб жараён сифатида шундай қатор омиллар таъсирида юз беради. Шунинг учун

фаолиятни бошланғич давридаги мувафакиятсизлик талаба ҳаётига бир умрга из қолдириши мумкин.

Бунда булажак ўқитувчининг касбий шаклланишида амалиёт утадиган жамоа ундаги шаклланган муносабатлар, ўқувчилар ҳамда амалиёт раҳбарларининг ғамхўрлиги ва талабчанлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳтдан бакалавр-талабанинг мактабга биринчи қадамлари унинг касбий шаклланишида муҳим босқич бўлиб, ундан кейинги тақдири ва малакаси учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Педагогик амалиёт бакалаврлар учун касбий маҳоратини шаклланишида бир қанча масалаларни ҳал қилиши лозим.

-олий ўқув юртида олган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш ҳамда уларни талим тарбия жараёнида қўллаш

-ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларни ташкил, этиш кузатиш ва таҳлил қила олиш кўникмалари билан куроллантириш

-ўқувчилар билан ташкил этадиган ўқув тарбиявий тадбирларда педагогика, психология, физиологиядан олган билимлари асосида уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни ўрганиш;

-турли хилдаги дарслар (анъанавий ва ноанъанавий) хар хил фаоллаштиришчи янги педагогик технологияни қўллаб ўтиш малакаларини эгаллаш;

-синф раҳбари ишини бажариш турли тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ўтказиш синф жамоаси ва аълочи ўқувчилар билан ишлай олишга ўргатиш;

-педагогик касбига меҳрни педагогик-психологик методик фанларни ўрганиш ва улардан амалий фаолиятида фойдаланишни тарбиялаш;

-ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш кўникмаларни сингдириш

Бу вазифаларни бажариш билан бирга бакалавр талаба кўйидаги (кўникма) малакаларни эгаллаши лозим.



-ўқувчилар шахси ва синф жамоасини таълим-тарбияни ривожлантириш амалга ошириш нуктаи назаридан ўрганиш

-таълим тарбия умумий мақсадидан келиб чиқиб ўқувчилар ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиб конкрет вазифаларни белгилаш

-ўз педагогик фаолятини ташкил қила олиш ва таълим-тарбия мақсади олишга бажара олиш;

-ўқувчиларни мустақил фикрлаш, билим эгаллаш изланишга ўрганувчи турли-туман восита, усул ва методлардан фойдаланиш;

-ўқув машғулотларининг турли шакллари (дарс, факультатив, синфдан ташқари ишлар)ни тайёрлаш ва ўтказиш;

-ўқувчилар билан тарбиявий ишлар олиб бориш;

-ўқувчиларни касбга йўллаш ишларини назарий ва амалий амалларини эгаллаш;

-илғор педагогик тажрибани таҳлил қила олиш ва умумлаштириш, тажриба-синов ишларини олиб бориш;

-аҳоли, ота-оналар билан ташкилий, оммавий тарбиявий ишлар олиб бориш кўникмаларини эгаллаш лозим.

Бакалавр талабалар педагогик амалиёти 4 курсда ўташини инобатга олиб, факультатив педагогик амалиёт раҳбари, фан ўқитувчилари-методистлар, педагогика ва психология фани ўқитувчилари унга тайёргарликни анча олдин бошлашлари мақсадга мувофиқдир. Мисол учун 3 курс охирида талабаларни педагогик амалиёт мақсад ва вазифалари билан таништириш, ёзги таътил пайтида турли адабиётларни, мактаб дарсликларини, керакли ҳужжатларни ўрганишга доир топшириқлар берсалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Шу билан бирга шароитдан келиб чиқиб, мактаб билан махсус семинар, учрашувлар ташкил этиш, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар билан суҳбатлар ташкил этиш, мактабдаги тадбирларга талабалар иштирокини ташкил этиш ҳам мумкин.

### **1.3. Педагогик амалиётда талабанинг бурч ва вазифалари.**

Педагогик амалиёт даврида талаба амалиёт дастурида белгиланган барча ишларни бажаришга мажбур. Дарс ва тарбиявий тадбирларга пухта тайёрланиб, ўқувчилар учун юксак интизом, хушмуомила, меҳнатсеварлик намуналарини кўрсатиш зарур.

Амалиётчи талаба мактабнинг ички тартиб қоидаларига сўзсиз риоя қилиши лозим. Ўзига топширилган вазифаларни юқори савияда бажариши шарт.

Амалиётчи талаба ўзига юклатилган вазифаларни бажармаса ёки қониқарсиз бажарса, интизомсизлик қилганда у амалиётдан четлаштирилади. Амалиётдан четлаштирилган талаба факультет кенгаши рухсати билан ўқув машғулотларидан озод қилинган ҳолда қайтадан педагогик амалиётни ўтиши керак.

Педагогик амалиёт даврида шу мактабдаги талабалардан бири гуруҳга бошлиқ қилиб тайинланади. Унинг вазифасига амалиётчилар давоматини ҳисобга олиш, педагогик амалиёт раҳбарлари, мактаб ўқитувчи ва маъмурияти топшириқ ва вазифаларни ўтказиш, турли ташкилий ишларни уюштириш вазифаси юкланади.

Амалиётчи талабалар педагогик амалиёт даврида мазкур ўқув юртида қабул қилинган ички тартиб қоидаларга буйсунадилар.

1. Малакавий амалиёт ўтказган таълим муассасаларидаги ўқувчилар таркиби билан танишиш, уларнинг тайёргарлиги (медицина карточкаси, шахсий гигиена буюмлари, керакли буюмлар, ўқув машғулот қуроллари ва ҳоказолар. Билан таъминланганлиги) аниқлайдилар;

2. Ҳар бир боланинг шахсий қизиқиши ва хусусиятларни аниқлаш, кундалик ҳафталик, иш режалар тузиш;

3. Болалар билан мустақил ишлаш, уларни турли кўрсатмалр билан таништириш, гуруҳ тўғарак мажлиси, турли кўрик мусобақалар, эрталабки сафланишни ўтказиш ишларини ташкил этиш;

4. Туристтик юришлар уюштириш ва ўтказиш. Бу жараёнда жойни тўғри ва аниқ белгилаш кўникмаларини эгаллаш;

5. Турли ижтимоий - сиёсий, маънавий ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш вақтли матбуот, радио, телевидение эшиттиришлари билан таништириш, спорт ўйинлари, таниқли олимлар, шоирлар, спортчилар, меҳнат фахрийлари билан учрашувчилар ташкил этиш;

6. Яқин атрофдаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлардаги меҳнат жараёнлари билан таништириш;

7. Табиатга сайр қилдириш, жонли табиат билан таништириш, жонлибурчаклар ташкил

этиш, ўлкашунослик материаллари, ўсимликлардан намуналар йиғишга ўқувчиларни ўргатиш;

8. Болалар ёшига мос турли ўйинчоқлар ясаш, ўйинлар ўтказиш;

9. Мактабдан ташқари таълим муассалари ва оромгоҳ ички тартиб қоидаларига риоя қилиш, тозалик ва озодаликка эътибор бериш, навчилар ишини ташкил қилиш

10. Муассаса кенгашларида иштирок этиш;

11. Ишчи қўғозлар, ҳужжатлар билан танишиш ва уларни юритишни ўрганиш.

***Талабалар малакавий (ўқув) амалиёт жараёнида қуйидаги малака ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:***

1. Ўқувчилар (дам олувчилари, тўғарак, секция аъзолари) билан мазкур шароитда

таълим-тарбия ишлари мақсади ва вазифаси, шаклларини тўғри белгилаш ва ўтказиш;

2. Тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг ёш, индивидуал, хусусиятлари, қобилиятларига мос келиши, уларни дам олиш ва соғломлаштиришга хизмат қилиши;

3. Болаларни ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш;

4. Тарбиявий-ташкилий ишларни якка-якка гуруҳли шаклларида ўринли фойдаланиш;

5. Ўқувчилар ўртасида ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳмкорлик каби ижобий муносабатларни шакллантириш;

6. Амалиётчи талаба ўз педагогик фаолиятни тўғри ташкил этиш, уни моҳиятини англашни таҳлил қила олиши;

7. Бажарилган ишларни умумий хулосалаш, якуний натижага эришиш, камчилкларни бартараф эта олиш.

#### 1.4. Педагогик амалиёт модели

##### Талабаларнинг ўз-ўзини шакллантириши (асосий мақсад)

<b>Касбий қобилиятларни шакллантириш</b> (билим, кўникма, малака, касбга нисбатан ҳурмат)	<b>Талабанинг индивидуал хусусиятни шакллантириш</b> (фикрлаш, ижодий маҳорати)	<b>Талаба шахсини хусусий шакллантириш</b> (психологик тайёргарлик, болаларга муносабати, ҳурмати, меҳрибонлиги ва ҳоказо)
<b>Амалиёт босқичлари</b>	<b>Амалиётнинг вазифаси ва мазмуни</b>	
1-босқич (биринчи босқич)	Педагогик амалиётни ташкил қилишда талабаларнинг педагогик фаолиятга психологик-педагогик тайёргарлиги (талабалардан билим-кўникмалар, шахсий хусусиятларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш).	
2-босқич (асосий)	Педагогик амалиёт ўтказиш учун махсус тузилган дастурни бажариш (дарс бериш, тарбиявий, синфдан ташқари ишларда ўқув ва билим орттириш фаолиятини бошқариш ва бошқалар). Педагогик фаолиятга танқидий ёндашиш, ўз ишлари натижаларини таҳлил қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ўқитиш талабини шакллантириш, ўзи бажарган ишларни, тўпланган натижаларни кундалик дафтарда акс эттириш.	
3-босқич (охирги)	- дастур юзасидан ўзи бажарган ишларга ўзи баҳо	

хафта)	бериш, таҳлил қилиш ва уларни умумлаштириш; - педагогик амалиёт ҳисоботини тузиш ва педамалиёт давридаги ишларнинг натижалари бўйича аниқ ютуқларни белгилаш ҳамда касбга оид муҳим аҳамиятга эга бўлган педагогик ҳолатларни билим, педагогик маҳорат, муҳим касбий ва шахсий хислатларнинг ривожланганлигини аниқлаш.
--------	--

**Педагогик фикрлаш.** Талабанинг ўз-ўзини касбий тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантиришда бу йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам педагогик амалиёт ўтишдан аввал ҳар бир талаба педагогик фикрлашнинг шаклланиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиши (баъзи бир алоҳида сифатлари бўлса ҳам) шарт. Буларни аниқлаш куйидагича бўлиши мумкин: а) амалиётнинг биринчи кундаёқ; талаба ўқитувчиларнинг дарс ўтишини кузатганда ўқитувчининг қобилятини текширишдек вазифани бажариши; б) ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг психологик негизини ўрганиши ва ўқитувчининг шахсий педагогик фаолиятини таҳлил қилиш қобилятига баҳо бериши, дарсдаги ҳолатга урғу бериб, бошқа педагогик усул билан алмаштириш мумкинлиги (фикрлашнинг кенглиги текширилади); в) дарс босқичлари бир-бирига боғлаб олиб борилиши керак (фикрлашнинг тизимлилиги текширилади). Юқорида айтиб ўтилган вазифаларни бажариш талабага ўз фикрлаш доирасининг кенглиги, тизимлилигини қай даражада ривожланишини кўра билишга имкон беради.

**Педагогик рефлекс.** Педагогик жараённи ташкил этиш чоғида педагогик рефлексни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади ва у ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Ўз педагогик рефлексининг қай даражада ривожланганлиги тўғрисида ҳукм чиқариш талаба учун қийинчилик туғдиради. Шундай бўлсада, бу хусусиятни аниқлаш мақсадида баъзи бир вазифаларни таклиф этиш мумкин: биринчи кунданок дарсни кузатиш даврида ўқитувчи педагогик рефлексни кўрсата олганлигини аниқлаш бўлади. Педагогик рефлекс белгиларига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўқитувчи ўқувчиларга уларнинг яхши тушунмаётгани тўғрисида ўзининг ҳавотирини баён этади (“Менимча, топшириқ ҳаммага ҳам тушунарли бўлмади, шекилли. Анвар, сен мендан бирон нарса сўрамоқчисан ...”);

2. Ўқитувчи ўқувчиларнинг барчаси тушунишлари учун саволлар, қоидалар, фикрлар, муаммоларни турли вариантларда шакллантиради;
3. Ўқитувчи ўқувчиларга доскада ёзганларини кузатишни таклиф этади. Доскада нотўғри тузилган гапни тўғирлайди ва узр сўрайди. Ўқитувчи ўқувчилар таклид қилиб нотўғри ўзлаштиришларини тушунган ҳолда хатосини ўз вақтида тўғирлайди ва ўқувчилардан кечирим сўрайди;
4. Ўқитувчи ўқувчилардан миннатдор эканлигини изҳор этади (бугун дарсда ўзингизнинг фаоллигингиз билан менга яхши дарс ўтишимда ёрдам бердингиз. Ҳаммангизга ўз миннатдорчилигимни билдираман);
5. Ўқитувчи ўзининг ўқувчиларни кузатишлари билан ўртоқлашади (бугун негадир сиз мен билан уйғун фаолият кўрсатишда сустсиз... негадир ҳамма мен билан баробар ишламаяпти...);
6. Ўқитувчи монологда ёки савол-жавоб ўтказаетганда нутқида ўқувчилар интизومي ўзгаришига қараб оҳангни ўзгартириши, овозни баланд кўтариши мумкин;
7. Ўқитувчи дарс жараёнида имо-ишоралардан фойдаланиши (масалан: ўқувчининг гаплашмаслиги учун “жим, халақит қилма ўртоқларингга” деган маънода кўрсаткич бармоғини лабига тегизади, “Уят! сен дарсда интизомсизлик қияпсан, дарсга халақит беряпсан” деган маънода ўқитувчи ўқувчига қараб, бошини сарак-сарак қилиб қўяди ва ҳоказо).

Талаба дарсни кузатиш жараёнида бу топшириқларнинг қандай бажарилганлигига қараб, педагогик рефлекснинг ривожланганлик даражасини ва уни амалиётда қўллаш олишни аниқлаш мумкин.

Педагогик амалиёт даврида талабалар ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантиришининг индивидуал дастури 1-жадвалда берилган.

Ўз-ўзига ташхис қўйиш натижаларига суяна туриб, ҳар бир талаба ишнинг мақсад ва мазмунини ўз ичига олган ўз-ўзини ривожлантириш индивидуал дастурини тузади.

Педагогик амалиётнинг асосий мақсади ҳар доим педагогик кўникма ва малакани таъминлашда, шунингдек, шахснинг касбий муҳим хусусият ва сифатларининг ривожланишида ифодаланади. Лекин талабаларнинг бошланғич ҳолатга тайёрлик даражаси турли-туман бўлганлиги боис, умумий мақсад индивидуаллашган бўлиши лозим. Бундай ёндашув, энг аввало рағбатлантирувчи аҳамиятга эга. Психологияда таъкидланишича, инсоннинг ўз олдига қўйган ва унинг ҳаракатларини чегараловчи мақсади фаолроқ, мақсадли, онгли ҳаракат қилишга ундайди.

Педагогик амалиётнинг индивидуал мақсадларини аниқлаш талабаларнинг ўзига боғлиқ. Бу эса мақсад қўя олишни ривожлантиришга ёрдам беради (ўз-ўзини ривожлантириш фаолиятининг компоненти сифатида).

Мақсаднинг тахминий номенклатураси (номлари):

- ўзида маълум малакаларни шакллантириш (малакаларнинг аниқ номлари берилади);
- маълум малакаларни ривожлантириш;
- маълум малакаларни аниқ мактаб амалиётида қўллашни ўрганиш;
- маълум малакалар самарадорлигини аниқ педагогик ҳолатларда текшириб кўриш;
- аниқ педагогик жараёнда фикр юритишни ўрганиш (ўзининг эмоционал ва жисмоний ҳолатини, ўз ниятларини англаш, ўқувчиларнинг ўз ҳаракатлари, сўзлари ва бошқаларга муносабатини тушунтириш);
- ўзида педагогик фикрлашнинг маълум сифатларини шакллантириш (масалан, эгилувчанлик, тизимлилик, ҳаракатчанлик ва ҳоказо);
- ўқув ва касбий асосларни ривожлантириш;
- шахснинг касбий муҳим сифатларини шакллантириш;
- ҳаракатли машқ (аттракцион) усулларини қўллаш ва маълум болалар билан мулоқот учун кераклигини танлашни ўрганиш;
- дарс вақтида яхлит сезишни ўрганиш;
- ижобий ва салбий ютуқларни сезишни ўрганиш.

Ҳар бир талаба топшириқларни ўз олдига қўйган мақсадига биноан танлайди (топшириқ намуналарига қаранг 2-жадвал). Топшириқлар педагогик малака ва касбий муҳим сифат ва хусусиятларнинг ривожланишига йўналтиради. Ҳар бир талаба ўз-ўзига ташхис қўйиш натижалари, ўз қобилияти ва қизиқишлари натижаларига кўра топшириқлар тўпламини тузади ва амалиёт ниҳоясида ҳисобот беради.

Талаба белгилаган мақсад ва вазифалар “Ўз-ўзини ривожлантиришнинг индивидуал дастури”га ёзиб қўйилади.

### **1.5. Педагогик амалиёт даврида талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш индивидуал дастури**

Ўз-ўзини ташхис қилиш		Даражалар
I	Педагогикага оид билимлари	

II	Психологияга оид билимлари	
III	Дидактик малакалар:	
3.1	Гностик	
3.2	Лойиҳавий	
3.3	Конструктив	
3.4	Ташкилий	
3.5	Коммуникатив	
IV	Тарбиявий ишлар малакаси:	
4.1	Гностик	
4.2	Лойиҳавий	
4.3	Конструктив	
4.4	Ташкилий	
4.5	Коммуникатив	
V	Касбга оид муҳим психик хусусиятлар ва шахсий сифатлар:	
5.1	касбий фаолияти мотивацияси	
5.2	Педагогик фикрлаш	
5.3	Тизимлилик	
5.4	Эгилувчанлик	
5.5	Муҳимлилик	
VI	Эмоционал муҳит	
VII	Педагогик рефлексия	

### **1.6. Педагогик амалиёт ва унинг вазифалари**

Педамалиётнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларда касбий ишонч ва барқарор педагогик қарашларни шакллантириш;
- талабаларнинг педагогик-психологик фанлар ҳамда махсус фанлар бўйича назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш;
- бўлажак ўқитувчиларни амалий кўникма ва малакалар билан, зарурий ҳолатларда умумий психологик-педагогик қонуниятларни қўллаш малакалари билан таъминлаш;
- талабаларни мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқув-тарбиявий ишларнинг замонавий аҳволи, илғор педагогик тажрибалари билан таништириш;
- ўқитувчининг муҳим касбий ва шахсий хислатларини ривожлантириш;
- талабаларда педагогик касб ва меҳнатга ҳурмат ва муҳаббат уйғотиш;
- талабаларнинг педагогик-психологик фаолиятда бевосита қатнашишларига эришиш;



- талабаларни мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини педагогик касбига йўналтириш ва тарбиявий тадбирларни ўтказишга ўргатиш;
- педагогик фаолиятнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишларини жорий ва истиқболли режалаштиришга ўргатиш.

Амалиёт даврида талабалар аста-секин тайёргарликнинг ҳар бир босқичидаги ўқитишнинг мақсади ва мазмуни ҳамда талабалар фаолияти жараёнида мустақиллик даражаси ва ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари билан танишадилар.

Олий таълим муассасасида ўтказиладиган педагогик амалиёт “Умумий психология”, “Ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси”, “Педагогика”, “Педагогик маҳорат” ва “Педагогик технология” каби педагогик-психологик тоифадаги фанлардан амалиёт даврида фойдаланишни назарда тутди.

Амалиётчи талабалар педагогик амалиёт даврида қуйидагиларни бажаради:

- 1–2 дарснинг ва тарбиявий тадбирнинг мустақил педагогик - психологик таҳлили;
- синф жамоасининг педагогик-психологик хусусиятларини ўрганиш;
- гуруҳда педагогик-психологик иқлимни ўрганиш;
- мактаб, коллеж ва лицей ўқитувчилари ҳамда амалиётчи дарсларини педагогик-психологик хулосалар билан таҳлил қилиш;
- илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш ва ўрганиш;
- материалларни йиғиш ва улар асосида ўқувчиларга ҳамда гуруҳ (синф)га педагогик-психологик тавсифнома ёзиш;
- амалиёт бўйича ҳисобот тузиш ва педагогик амалиёт давридаги ҳужжатларни расмийлаштириш.

## **1.7. Педагогик амалиёт мезонлари таснифи.**

### **1. Педагогик амалиётнинг таълимий характери.**

Педагогик амалиёт талабаларнинг назарий тайёргарлигини бойитади, олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга, амалий вазибаларни ҳал қилиш учун ўрганилаётган фаннинг назарий қоидаларидан фойдаланишга имкон беради.

Педагогик амалиётнинг таълимий характери самараси кўпинча олий ўқув юрти ва мактабнинг ўзаро алоқаси билан, олимлар, методистлар ва ўқув

юрти педагоглари жамоаси ҳамкорлиги ҳамда улар меҳнатида фан ва илғор педагогик тажриба ютуқларининг қўлланиш даражаси билан белгиланади.

## **2. Педагогик амалиётнинг тарбияловчи характери.**

Педагогик амалиёт ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда, ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришдаги мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлашда бўлажак ўқитувчи учун биринчи жиддий синов бўлиб ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчининг касбий педагогик фазилатларининг шаклланишида амалиёт давридаги ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида мустақил ишлаш ҳам фаол кўмаклашади. Ўз-ўзини тарбиялаш миллий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва у, ўз навбатида, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

## **3. Педагогик амалиётнинг ривожлантирувчи характери.**

Педагогик амалиёт талабаларнинг руҳий адолат ва хусусиятларининг ривожланишига ёрдам беради; ўқитувчининг ўз фаолиятига нисбатан диққатини оширишга, бу эса ўзида касбий муносабатни жакллантиришга, таълимий ёки тарбиявий тадбирларни маълум мантиққа, тизимга солишга интилишини кучайтириш билан бир қаторда атрофдаги кишиларга нисбатан уларда хотира, тафаккур, тасаввур, иродани ривожлантиришга, ўз фанида учраб турадиган турли терминларни, формулаларни, тенгламаларни, тушунчаларни чуқурроқ таҳлил қилишга, ўз фанига ижодий ёндашишга олиб келади.

Педагогик амалиёт давомида талабалар баъзи турдаги тадқиқот ишларини, жумладан: дарсни психологик-педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш, ўқув-тарбиявий тадбирлар ўтказиш, синф жамоасини ва ўқувчи шахсини жамул-жам тарзда ўрганиш, ўқувчилар билан тажриба ишларини олиб бориш, ўзидан катта ҳамкасабаларининг, моҳир педагогларнинг ишларини бевосита кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганишни ҳам кўзда тутати.

## **4. Талабалар педагогик амалиётининг асосий вазифалари.**

- Бўлажак ўқитувчиларда ўз касбига оид касбий сифатлар: малака, кўникма ва маҳоратни шакллантириш, педагогик билимларни эгаллаш учун эҳтиёж туғдириш;
- ўқитувчилик касбига барқарор қизиқиш ва муҳаббат руҳини тарбиялаш;
- педагогик фаолиятга ижодий, изланувчан ёндашишга ўрганиш;

- мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув-тарбия жараёнининг ҳозирги аҳволи билан яқиндан таништириш, илғор педагогик тажрибани ўрганишга, таҳлил қилишга имконият яратиш;
- шаҳар ва қишлоқ шароитларида ўқитувчи, тарбиячи ва синф раҳбарига хос маҳоратларни эгаллаш;
- ўқув юрти педагогик жамоаси, «Камалак» ва «Камолот» бошланғич ташкилотлари фаолияти билан танишиш ва ўқув-тарбия жараёнини моддий жиҳатдан таъминлашда ёрдам кўрсатиш;
- ўқув юрти, айрим ўқитувчилар, синф раҳбарлари, тарбиячиларнинг, «Камалак» ва «Камолот» бошланғич ташкилотларининг ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш тизими билан танишиш;
- болалар шахсини ва ўқувчилар жамоасини психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш;
- услубий бирлашмалар, бошланғич синф ўқитувчилари, фан уюшмалари ва илмий педагогик кенгашлар иши билан танишиш;
- ўқув-тарбия муассасаларига миллий тарбия вазифаларини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш;
- маданий-оммавий ишлар орқали талабаларнинг бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида, турли клубларда қатнашишини, маданий юришлар, мунозаралар, фидойи кишилар билан учрашувларини ташкил этиш;
- бўлажак ўқитувчиларнинг эстетик дидини тарбиялаш, қобилиятларини ривожлантириш, билим доирасини кенгайтириш, ўқувчилар билан маданий-оммавий ишларни уюштириш кўникмаси билан куроллантириш.

##### **5. Амалиёт жараёнида бўлажак ўқитувчиларда қуйидаги маҳоратлар мустаҳкамланади ва ривожланади:**

- Ўқув машғулотларининг дарс ишланмалари ва мавзуй режаларини ишлаб чиқиш, амалиёт давомида синфдан ташқари ишларни режалаштириш;
- дарсларни мустақил тайёрлаш ва ўтказиш, ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ташкил этиш;
- болалар тарбиясига комплекс ёндашган ҳолда турли хил синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни олиб бориш;
- ўқитувчилар, болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни педагогик мақсадга мувофиқ равишда ўргатиш;

- мактаб хужжатларини олиб бориш (синф қайдномаси), болалар кундаликлари, дафтарларини текшириш, кўргазмали куроллар, дидактик материаллар тайёрлаш;
- ота-оналар билан яккама-якка иш олиб бориш, ота-оналар фаоллари билан ишлаш, ота-оналар йиғилишларида сўзга чиқиш (оилавий тарбиянинг долзарб муаммолари ҳақида);
- аҳоли билан, турар жойлардаги, маҳаллалардаги болалар ва ўсмирлар билан маданий-оммавий ишлар олиб бориш;
- курс лойиҳасини тайёрлашда фойдаланиш учун материаллар йиғиш мақсадида педагогик тажриба ёки ижодий-текширув ишларини олиб бориш;
- амалиёт мобайнида ўқитувчилар ва шахсий тажрибаларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва ҳоказо.

### **1.8. Педагогик амалиётнинг мақсади ва мазмуни.**

Амалиётнинг мақсади (шахсий мақсади ёзилади).

1. ...
2. ...
3. ...

Вазифалар (шахсий мақсадга мувофиқ бир неча вазифалар ёзилади).

1. ...
2. ...
3. ...

Педагогик амалиётнинг охириги ҳафтасида талабанинг ўзида шаклланган ижобий томонларни аниқлайди ва ўтказган педагогик амалиётга ўзи баҳо беради.

### **1.9. Талабалар педагогик фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш.**

Баҳолашда нима назорат қилинади ва қандай баҳоланади?

Нazorat объектлари қуйидагилардан иборат:

1. ўз-ўзини ривожлантириш индивидуал дастурининг ишланмаси;
2. топшириқларнинг бажарилиши;
3. ҳисобот хужжатларини тузиш.

Ўз-ўзини ривожлантириш индивидуал дастури амалиётнинг биринчи ҳафтаси охирида тузилиши лозим. Ҳар бир талабанинг тайёргарлик даражасини аниқлаш, индивидуал мақсадларни қўйиш, топшириқларни танлаш, умуман, педагогик фаолият мазмунини тузиш кафедра ўқитувчилари

раҳбарлигида амалга оширилади. Уларнинг индивидуал дастурини яхлит ёндашув нуқтаи назаридан баҳолайди, яъни педагогик фаолиятнинг барча жиҳатлари ҳисобга олинганлиги, педагогик малаканинг шаклланиши, психик ва шахсий хусусиятларнинг ривожланишига таъсир қилувчи топшириқлар мавжудлигини аниқлайди.

Амалиёт даврида талабаларга маслаҳатлар бериш фақат дарслар, дардан ташқари тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатишда эмас, балки талабаларнинг ўз қобилиятларини яхши амалга оширишга кўмаклашишга қаратилгандир.

Талабалар бажарган топшириқлар таҳлили (худди консультация каби) уларнинг малакаси, шахсий ва психик хусусиятларини баҳолашга қаратилади, яъни талаба ташкилотчилик малакасини қанчалик муваффақиятли амалга ошира олганлиги, педагогик тактикани кўрсата олганлиги, ҳамдардлик билдириш, қайфиятни кўтариш, ўзидаги асабийлашишни енгиш ва ҳоказо каби хусусиятларни намойиш эта олганлиги баҳоланади. Ҳар бир топшириқнинг бажарилиши танланган даражавий мезонлар ёрдамида баҳоланади, у ёки бу гуруҳнинг малакалари қай даражада намойиш этилиши аниқланади.

Амалиёт таҳлили кўрсатишича, малака нафақат вазифасига кўра, балки ҳаракатлар ҳажмига кўра ҳам турличадир – кўпинча улар комплекс ҳолатида бўлади. Шу боис, бу малакаларни шакллантириш ҳам, ташхислаш ҳам мураккаб. Лекин фаолият натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга даражавий ёндашув мутахассисларни тайёрлаш амалиётида мустаҳкам ва кенг ўрин эгалламоқда. Қуйида педагогик малаканинг ривожланиш даражалари келтирилган.

**1-даража (ноль)** – талаба педагогик малакага эга эмас, касбий ҳаракатларни ички сезги билан амалга оширишга ҳаракат қилади, лекин муваффақиятсиз чиқади.

**2-даража (репродуктив)** – талаба онгли равишда билимларини амалда қўллашга ҳаракат қилади, тизимлилик ва фикрлаш эгилувчанлигининг йўқлиги боис хатоларга йўл қўяди, асосан мисоллар ва намуналар асосида ҳаракат қилади.

**3-даража (продуктив)** – талаба назарий билимлар ва амалий намуналар асосида касбий ҳаракатларни танлаш ва амалга оширишда мустақиллик кўрсатади, асосан касбий ҳаракатларни муваффақиятли амалга оширади.

**4-даража (ижодий)** – талаба касбий фаолиятини шахсий моделлар негизида амалга оширишга интилади, ўз ҳаракатларини илмий асослай олади, педагогик малакани эркин эгаллаганини намоёиш этади.

Талабаларнинг педагогик фаолиятини кузатиш жараёнида (синов дарслари, синов-тарбиявий тадбирларни ўтказиш пайтида) ОТМ ўқитувчилари уларнинг муваффақиятли ҳаракатлари (малакалари) ва муваффақиятсиз (хато) ҳаракатларини қайд қилиб боришлари керак (3-жадвалга қarang).

#### 1.10. Мутахассислик бўйича синов дарсларини ўтказиш натижалари

Сана	Ф.И.Ш.	Муваффақиятли ҳаракатлар	Муваффақиятсиз (хато) ҳаракатлар
15.11.0 6	Азизова Т.Г.	Ўқув вазифасини қўя олди (2), муаммоли вазиятни яратди (3).	Фақат маълум ўқувчилар билан ишлади, янги мавзунини ўзлаштирганини назорат қилмади . . .

#### Талаба Т.Г. Азизованинг синов дарсини ўтказиш натижалари

Сана	Фан	Муваффақиятли ҳаракатлар (даража)	Муваффақиятсиз (хато) ҳаракатлар
15.11.0 6	Адабиёт	Муаммоли вазият ярата олди (3), болаларни суҳбатга тортди (2)...	Алоҳида ўқувчилар билангина ишлади, доскага чиройли ёзмади.
16.11.0 6	Она тили	Диктант ўтказди (4), янги қонидани тушунтирди (2)...	Аввалги мавзу билан боғламади (1), болаларнинг жавобларига унчалик эътибор бермади (2), ҳаяжонланди...

#### Ҳисобот материалларига қуйидагилар киради:

**1. Педагогик амалиёт кундалиги.** Бунда талабалар педагогик фаолиятга тайёргарликни ўзи ташхислаш бўйича бажарилган ишлар тури, ўз-ўзини ташхислаш натижалари, ўз-ўзини ривожлантириш индивидуал дастури, танланган топшириқларнинг бажарилиш натижалари акс этади. Бунга дарс

конспектлари, синфдан ташқари тадбирлар ишланмаси, кўргазмали қўлланмалар кирмайди.

**2.Талабанинг педагогик фаолиятига тавсифнома.** Мутахассис чиқарувчи кафедра, педагогика, психология кафедраси ва бошқа кафедра ўқитувчилари ҳамда талаба амалиёт ўтаётган ўқув муассасаси ўқитувчиси билан биргаликда тузилади (2-иловага қаранг). Тавсифнома тузиш учун талабанинг педагогик фаолиятини кузатиш ва топшириқларни бажариш натижаларидан, шунингдек, талабалар билан суҳбатлар, ўзини ташхислаш ва якуний ўзини баҳолаш натижаларидан фойдаланилади.

**3.Педагогик фаолият тавсифномаси.** Талаба томонидан топшириқларни бажариш натижаларини ўзи баҳолаш асосида тузилади. Кафедрада қолиш учун алоҳида вараққа ёзилади.

**4.Амалиётчи талабаларининг педагогик амалиёт давридаги ишларини баҳолаш мезонлари**

Педагогик амалиёт давомида талабаларнинг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш 100 баллик рейтинг асосида амалга оширилади.

Ўқув режасидаги фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, баллар қуйидагича тақсимланади.

Мутахассислик фанидан – 50 балл

“Педагогика” фанидан – 35 балл

“Психология” фанидан – 10 балл

“Гигиена” фанидан – 5 балл

Талабаларнинг балларда ифодаланган ўзлаштиришлари қуйидагича баҳоланади:

86 – 100 балл – 5 “аъло”

76-85 балл – 4 “яхши”

55-75 балл – 3 “қониқарли”

**Педагогика фани – 35 балл**

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг баллари
1	Синф раҳбарларининг тарбиявий ишлар режасини ўрганиш, бириктирилган синф ва грухларда ишчи тарбиявий соат режасини тузиш	1	1 ҳафта	4
2	Тарбиявий тадбир	2	Амалиёт	4

	ишланмасини тузиш		давомида	
3	Тарбиявий тадбирларда қатнашиш ва уни ўтказиш	-	Амалиёт давомида	4
4	Тарбиявий соат режа конспекти асосида ўтиш намунавий дарсларни ўтиш		Амалиёт давомида	4
5	Педагогик ва психологик тавсифнома 3та (синфга ва 2та ўқувчига)	2	Амалиёт давомида	4
6	Матнларни тузиш (ўз ихтисослиги бўйича) ва уларда тарбиявий мақсадни ёритиш даражаси	-	Амалиёт давомида	3
7	Ота-она билан долзарб мавзуларда суҳбатлар матларини тузиш ва ўтказиш.	-	Амалиёт давомида	3
8	Амалиётчи кундалигини тарбиявий ишлар режасига мувофиқ юритиш	1	Амалиёт давомида	4
9	Ҳисобот	-	Амалиёт давомида	3
10	Тавсифнома	1	Амалиёт давомида	2

### Психология фани – 10 балл

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг баллари
1	Мактаб билан танишиш	1 кун	1 - ҳафта	1
2	Мактаб, коллеж психологи билан суҳбат	-	1 - ҳафта	1
3	Педагогик–психологик тавсифнома тайёрлаш	-	Амалиёт давомида	2
4	Талабаларнинг шахсий варақасини ўрганиш ва тузиш	-	Амалиёт давомида	2
5	Ота-оналар билан суҳбат	-	Амалиёт давомида	2
6	Юритилган ҳужжатлар	-	-//-//-	2



### Гигиена фани – 5 балл

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг баллари
1	Мактаб, лицей, касб-хунар коллежларининг санитар нормалари талабларига жавоб бериши ҳақида қилинадиган ишларга талабаларга методик кўмак ва кўрсатмалар бериш(ишланмалар тузиш).	1	Амалиёт давомида	5

### Ихтисослик бўйича методист томонидан қўйиладиган баллар қуйидагича

№	Бажариладиган иш мазмуни	Вазифа сони	Бажариш муддати	Рейтинг баллари
1	Педагогик амалиётга бағишланган йиғилишда қатнашиш	-	1 ҳафта	2
2	Мактаб, коллеж, лицей маъмурияти билан танишиш	-	1 ҳафта	2
3	Календарь-тематик режани ўрганиш ва тузиш	1	1 ҳафта	2
4	Ишланма (конспект тузиш)	-	Амалиёт давомида	5
5	Дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш	-	Амалиёт давомида	4
6	Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ва тайёрлаш	-	Амалиёт давомида	5
7	Синфда дарсларни ўтказиш	-	Амалиёт давомида	10
8	Синфдан ташқари ишлар (тўғараклар ўтказиш, ўқувчилар билан ишлаш, олимпиадаларга тайёрлаш, ихтисослик бўйича тадбирлар	-	Амалиёт давомида	10

	ўтказиш)			
9	Ҳужжатлар: дарс таҳлиллари кундалик, ҳисобот, амалиёт альбоми ишланма, тавсифнома	-	Амалиёт давомида	10

## **II. Педагогик амалиётнинг мақсади, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.**

Ўқув-тарбиявий амалиёт бўлажак ўқитувчиларни ўз касбини пухта эгаллаш ва уларни тарбиялашдек жуда муҳим вазифани ҳал қилар экан, улкан назарий ва амалий тайёргарликни назарда тутади.

Битириш курсидан олдинги ва битирувчи курс талабаларининг ўқув-тарбиявий амалиёти уларнинг олий таълим муассасасидаги касбий тайёргарлигининг якунловчи босқичи ҳисобланади.

Ўқув-тарбиявий амалиётни ўтказишнинг асосий объекти мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳисобланади. Ўқув-тарбиявий амалиёт ижтимоий амалиёт ва ёзги амалиётдан фарқ қилади. Ўқув-тарбиявий амалиётнинг мақсади талабаларни фан ўқитувчиси ва синф раҳбари сифатида муайян вазифаларни бажаришга тайёрлашдир. Амалиёт жараёнида талабалар ўқувчиларни тарбиялашга ҳар томонлама ёндашадилар, уларда ахлоқий, ақлий, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, экологик, иқтисодий, жисмоний, ҳуқуқий, оилавий ҳамда эстетик жиҳатдан тарбиялаш бирлигини таъминлайдилар.

Талабанинг фан ўқитувчиси вазифасини бажариши ўзидан услубий жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик кўришни, ўқитиладиган ўқув фани асосида ётувчи фаннинг ҳозирги аҳволини, ўқитишнинг назарияси ва услубиётини чуқур, ҳар томонлама билишни талаб қилади. Ўз мутахассислиги бўйича ўқув-тарбиявий иш олиб борар экан, талаба ўқувчиларни билимлар, кўникмалар ва малакалар тизими билан қаноатлантириб, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришда иштирок этади.

Синф раҳбари вазифасини бажариш юксак ғоявий-сиёсий, тарбиявий тайёргарликни, ўсиб келаётган ёш авлодга миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар тўғрисида чуқурроқ маълумот беришни, ўқувчилар онгида миллий истиқлол ғоялари руҳи моҳиятини сингдиришни, миллий тарбия назарияси ва услубини теран билишни, тарбиялаш кўникмалари ҳамда малакаларини эгаллаган бўлишни талаб қилади. Синф раҳбарлари сифатида

талабалар ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиради, меҳнат, экологик, оилавий, ҳуқуқий, иқтисодий, эстетик ва жисмоний тарбия бўйича синфдан ташқари тарбиявий ишни режалаштиради ҳамда ташкил қилади. Талаба бунда болалар жамоасининг ривожланиш даражасига, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда ишнинг турли шакл ва усулларини қўллайди.

Демак, талабаларнинг ўқув-тарбиявий амалиёт давридаги муҳим вазифаси - фан ўқитувчиси ва синф раҳбари вазифаларини узвий биргаликда бажаришга ўрганишдан, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишдан, таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишдан иборатдир.

Ўқув-тарбиявий амалиёт даврида талабалар касбий меҳнатнинг аниқ муаммолари доирасига олиб кирилади, бўлажак фаолиятнинг реал мазмуни ва ҳажми билан таништирилади. Шундай қилиб, мактабда педагогик амалиётнинг моҳиятида қуйидагилар намоён бўлади:

1. Талабаларнинг педагогика, психология ва ўз мутахассисликлари фанларидан барча назарий билимларини чуқурлаштиради;
2. Талабалар фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, “Камалак” ва “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотлари билан барча йўналишдаги ўқув- тарбиявий ишларини олиб боришдек масъулиятли фаолиятда иштирок этадилар;
3. Амалиётчи ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганади, тарбиявий ишларни ташкил этади, фан бўйича факультатив машғулотлар олиб боради;
4. Ота-оналар билан ишлашнинг асосий йўналишларида иштирок этади:
  - а) синф ота-оналар йиғилишини ўтказадилар;
  - б) ота-оналар билан суҳбатлар, учрашувлар уюштирадилар;
  - в) тарбияси оғир ва ўзлаштириши паст бўлган болалар билан ишлашни ташкил этадилар;
  - г) фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари билан ишлаб, услубий йўл-йўриқлар оладилар.
5. Ҳужжатлар юритилишини ўрганадилар ва услубий маслаҳатлар оладилар;
6. Ўқитувчилар ва синф раҳбарлари фаолиятини кузатадилар;
7. Ўқитиш, тарбиялаш усуллари, тамойиллари ва услубларини ўрганадилар.

Баён қилинган фикрлар шундан далолат берадики, талабанинг амалиёт давридаги фаолияти тажрибали ўқитувчи фаолиятининг жажжи моделидир.

### **2.1. Мактаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларининг ўқув-тарбиявий ишлари билан танишиш. Ўқувчиларни ўрганиш.**

Талабаларнинг мактаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларидаги мавжуд иш шароитини билиши амалиёт самарадорлигининг муҳим шarti ҳисобланади. Амалиётнинг биринчи ҳафтасида мактаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежининг директори, унинг ўринбосарлари, “Камалак” ва “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотларининг етакчилари билан суҳбат ташкил қилинади. Бу суҳбатда талабаларни мактаб ўқув-тарбиявий ишларининг вазифалари, унинг мазмуни ва ташкил этилиши билан, ўқувчиларга қўйиладиган талаблар билан танишадилар. Талабалар таълим муассасаси фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг режаларини ўрганадилар, ўқув хоналари ва улардаги жиҳозлар билан, устахонаси ишлари билан танишадилар. Айти чoғда ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганадилар, зеро ҳар бир ўқувчи шахсини ва болалар жамоасининг хусусиятларини билмай туриб, болаларга таълим ва тарбия бериш жараёнини режалаштириш ва бошқариш мумкин эмас. Шунинг учун талабаларнинг ўқув-тарбиявий амалиёт даври фаолиятининг мазмунига энг аввал ўқувчиларни ўрганишга доир ишлар киритилади. У бутун амалиёт давомида олиб борилса-да, ҳар қалай мактаб ўқув-тарбиявий ишлари билан қисман танишиш ва болалар жамоасини ҳамда талаба иш олиб бориши керак бўлган синфдан айрим ўқувчиларни ўрганиш учун мактабга келган биринчи ҳафта махсус ажратилади.

Талабалар амалиётнинг биринчи ҳафтасида ва кейинги даврида ўз синфи жамоасини ва айрим ўқувчиларни махсус ўрганадилар, бунинг учун хилма-хил услублардан фойдаланадилар:

- синф раҳбари билан суҳбатлашиш, унинг иш режаси билан танишиш;
- синф қайдномаси асосида ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ўрганиш;
- ўқувчиларнинг шахсий ҳужжатлари ва тиббий карталари билан танишиш;
- фан ўқитувчилари билан суҳбатлашиш, ўз синфи ўқувчиларини ўқиш ва ўқув машғулотларидан ташқари вақтларда кузатиш;
- синф фаоллари ва айрим ўқувчилар билан суҳбатлашиш;
- ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш;
- ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан танишиш;

- дарсни мустақил ўтказиш;
- амалиёт давомида синфдан ташқари тарбиявий иш жараёнида, ўқувчилар билан кундалик муносабат жараёнида, ўқувчиларни кузатиб бориш ва ҳоказо.

Амалиётнинг иккинчи ҳафтаси - талабаларга янги шароитга кўникиш учун зарур вақтдир. Бу ҳафтада улар таълим муассасасининг педагоглар жамоаси билан танишадилар, ўқув-тарбиявий жараённи ташкил этишнинг мавжуд шароитларини ўрганадилар, вазифаларни ўйлаб кўрадилар, амалиёт давомида ўзлари қиладиган ишларни белгилаб оладилар.

Синф раҳбари билан мунтазам равишда суҳбат ўтказиш, унинг фикрини билиш, маслаҳатларига қулоқ солиш, синф тўғрисида умумий тавсифнома олиш, ўқувчилар ўртасида жамоат ишларининг тақсимланиши, синф жамоасининг анъаналари билан танишиш, айрим ўқувчилар тўғрисида тавсиянома олиш, синфда ташкил қилинган ўқув-тарбиявий иш тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш, синфнинг асосий тарбиявий вазифалари ва синф раҳбари ишининг асосий йўналишларини билиб олиш имконини беради.

Фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик, суҳбатлашиш, уларнинг дарсларига кириш, дарс таҳлилларида иштирок этиш, турли услубий янгиликлар, ғоялар хусусида фикр алмашиш, ўқитувчиларнинг дарсдаги асосий талаблари, фойдаланилган усуллари, шакллари билан танишиш, синфдаги қайси ўқувчи ўқув материалларини ўзлаштиришда қийналаётганлигини ҳамда ким индивидуал ёрдамга муҳтож эканлигини билиш имконини беради.

Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш жараёнида амалиётчилар айрим ўқувчиларга, уларнинг ҳаёт шароитига, кундалик тартибига ва бошқаларига оид ўз билимларини кенгайтирадилар.

Ана шундай ўрганиш асосида амалиётчилар ўқувчи шахсига психологик-педагогик тавсифнома тузиб чиқадиладар. Тавсифнома тўпланган аниқ материаллар, шахс ва жамоани психологик-педагогик нуқтаи назардан тавсифлайдиган далилларни таҳлил қилиш негизига асосланади. Унда у ёки бу сифат ва хусусиятларни шакллантиришнинг ижобий ёки салбий йўналишини вужудга келтирувчи сабаблар очиб борилади, ўқувчи хулқидаги салбий одатларни бартараф этиш йўллари ёки синф жамоаси билан ишлашни такомиллаштириш йўналишлари белгиланади.

## **2.2. Ўқувчи шахси ва синф ўқувчилар жамоасини ўрганиш.**

## Ўқувчи шахсини ўрганишнинг намунавий дастури<sup>2</sup>.

### Ўқувчи ҳақида умумий маълумот.

1. Ўқувчининг исми, шарифи.
2. Ўқувчининг турар жойи.
3. Ота-онасининг иш жойи ва касби.
4. Оила таркиби, оиласининг маданий даражаси.
5. Оилада ўзаро муносабат.
6. Оилада болага тарбия бериш характери.
7. Ўқувчининг кун тартиби ва маиший аҳволи.
8. Ўқувчининг уй ишларида иштирок этиши.
9. Ўқувчининг ўқув юридан ташқаридаги дўстлари ва танишлари.
10. Ўқувчи ҳаётидаги энг муҳим воқеа-ҳодисалар.
11. Ўқувчи саломатлигининг аҳволи (ўқув юрти шифокори маълумотига кўра).

### 2.3. Ўқувчи камолотининг умумий даражаси.

1. **Умумий таракқиёти.** Нутқ маданияти, билимдонлиги, мунтазам китоб ўқиб бориши, китоб ўқишга қизиқиш доирасининг кўлами ва барқарорлиги, кино, театр, музей, стадион ва шу кабиларга бориб туриши.

2. **Ўқув меҳнатига муносабати.** Ўқувчи ўзининг мактабидаги машғулотларга мунтазам қатнашадими? Дарсларни эътибор билан тинглайдими? Ўз ўқув меҳнатини мустақил ташкил эта оладими? Уй вазифаларини мунтазам тайёрлаб келадими? Қолдирган материални ўзлаштиришга интиладими? Ўқув жараёнидаги ютуқлар ва камчиликларга қандай муносабатда бўлади?

3. **Ўқувчининг ўзлаштириши.** Турли фанлардан ўзлаштириш даражаси қандай? У қайси фанларни севади? Қайси фанларни ўзлаштириш унга оғирлик қилади, қайси фанлардан қийналади?

4. **Жисмоний меҳнатга муносабати.** Ўқувчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ишига қандай муносабатда бўлади? Меҳнатга тегишли жамоа топшириғини у қандай бажаради? Таълим муассасаси устахонасида ва унинг худудида ишлашни яхши кўрадими? У таълим муассасасидан ташқаридаги ишлаб чиқариш меҳнатига жон деб иштирок этадими? Жисмоний меҳнатда ташаббус ва мустақиллик кўрсатадими?

---

<sup>2</sup> Бу намунавий дастур Н.И.Болдирев томонидан ишлаб чиқилган. Қаранг: “Синф раҳбари”. Т.: Ўқитувчи, 1975, 268-269 бетлар.

5. **Ўқувчидаги тартиб-интизом даражаси.** “Ўқувчилар учун қоидалар”ни биладими ва уларни қандай бажаради? Ўқувчида маданий хулқ-атвор таркиб топганми? Дарсда уюшқоқлиги. Катталар билан муносабатда хушмуомалалиги. Озода кийиниши.

6. **Ўқувчининг қизиқиш ва майллари.** Ўқишга қизиқиши. Адабиёт, санъат ва фан-техника, спорт соҳасидаги қизиқишлари. Қизиқиш доирасининг кенглиги ва барқарорлиги. Ўқувчи қандай тўғарақларга қатнайди ва қандай болалар муассасаларига боради? Қайси касбга қизиқади? Унинг қизиқишлари келажакда танлайдиган касби билан боғланганми?

#### **2.4.Ўқувчининг ижтимоий қиёфаси ва жамоатчилик ишлари.**

1. **Синф, жамоат ишларига иштироки.** Синф ҳаётига қизиқиши, жамоат ишига фаоллик даражаси. “Камалак” ва “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотларидаги ишлари.

2. **Жамоат ишини бажариш характери.** Бошлаган ишини охирига етказиш малакаси. Бошқа ўқувчиларни ишга жалб этиш малакаси. Ўқувчининг ташкилотчилик малакаси борми?

3. **Ўқувчининг синфда тутган ўрни.** Ўқувчи жамоа билан боғланганми ёки ажралиб қолганми? Синфдаги ўқувчиларнинг унга муносабати. Синфда ҳурмат ва эътибор қозонганми?

#### **Ўқувчи шахсининг асосий хусусиятлари.**

1. **Ижтимоий онги.** Ўқувчининг дунёқараши, сиёсий онги ва ғоявийлиги. Унинг ижтимоий идеалларининг асосий йўналиши. Ўз идеалларини аниқ ишларда - ўқишда, жамоа ишларида, меҳнатда намоён эта билиши. Ўқувчи бажараётган ўқув ва жамоа ишларининг моҳияти.

2. **Ўқувчининг ахлоқий хислатлари.** Ватанига меҳр-муҳаббат туйғуси, мамлакатимиздаги ҳодиса-воқеаларга қизиқиши. Ўз меҳнати билан ўқув юрти ва жамоага ёрдам кўрсатишга тайёрлиги. Жамоавийлик ҳисси, тўғрилиқ ва ҳаққонийлик, принципиаллик, камтарлик. Ота-оналари, бошқа оила аъзолари, ўқитувчилари ва катта кишиларга муносабати. Ўқувчи ўз ўртоқларига нисбатан ғамхўрлик ва эътибор кўрсатадими? Уларга ёрдам берадими? Бошқа миллат болалари билан қандай дўстлашади?

3. **Характерининг продавий хислатлари.** Мақсадга интилувчанлиги, фаоллиги, қатъийлиги, дадиллиги, мустақиллиги, ташаббускорлиги, саришталиги, ўзини тута билиши, ўз-ўзини назорат қилиши, ўзига ишониши,

тартиб-интизомга муносабати. Қаттиқ тўра билиши, жиддийлиги, жасорати, ўзига танқидий қараши, камтарлиги.

**4. Ўқувчи миждози ва ундаги психик жараёнларнинг хусусиятлари.** Нерв жараёнлари кучи, мўтадиллиги ва ҳаракатчанлиги. Ўқувчининг саволларга тез ёки секин жавоб бериши, тез ёки секин гапириши, ишлаши. Уйғониш, қўзғолиш жараёни устунми ёки тормозланиш жараёни устунми? Ўқувчи бир ишдан иккинчисига осонликча киришиб кета оладими? Интеллектуал ва эмоционал жараёнларнинг (нутқи, эътибори, хотираси, тасвирлаши) хусусиятлари қандай? Ўқувчи ўз хис-туйғусини қандай ифода этади?



### **Ш.Ўқувчини ўрганиш асосида синф раҳбари қўлайдиган педагогик тадбирлар.**

1. Ўқувчи хулқ-атворидаги камчиликларни бартараф этиш учун нималар қилиш керак?
2. Ўқувчиларда қандай хислатлар бор, уларни қандай қилиб ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим?

### **Ўқувчи шахсига тузиладиган психологик-педагогик тавсифнома.**

\_\_\_\_\_ ўқувчисига

(таълим муассасасининг тўлиқ номи)

\_\_\_\_\_ ўқув йили учун тузилган.

### **ТАВСИФНОМА:**

1. Ўқувчи ҳақидаги умумий маълумот (ёши, соғлиғи, “Камалак” ва “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотларига мансублиги).

2. Ўқувчи оилавий тарбия шароитининг тавсифномаси (оиладаги маданий-маиший шароит, оилада ўқувчига муносабат, тарбия ҳақида ғамхўрлик).

3. Ўқувчи аъзо бўлган синф жамоасининг тавсифномаси (синф фаоллари, жамоатчилик ишлари ва ижтимоий-фойдали меҳнатга муносабати, давомат ва интизом, жамоадаги шахслараро муносабатлар, муҳаббат ва нафрат, дўстлик, ўртоқлик, жамоавийлик, болалар жамоасининг анъаналари тизими).

4. Ўқувчининг жамоа билан муносабати (жамоа аъзоси бўлиш учун эҳтиёж: жамоа фикри билан ҳисоблашиши, унинг шарафи учун курашиши, ўқувчининг жамоадаги обрўси, бошқа кишиларни тушуниш ва дилкашлик, жамоадаги салбий ижтимоий-психологик кўринишларга, кўчирмачиликка, айтиб туришларга, ҳамманинг бир-бирига кафиллигига, ҳасадчиларга нисбатан муносабати).

5. Шахснинг йўналиши. Ўқувчининг шахсий, ижтимоий йўналиши: лаёқати, қизиқувчанлиги, унинг кўлами ва кенглиги, турғунлиги ва ҳаракатчанлиги, янада чуқурроқ билишга оид қизиқишлари, маслак ва қарашлари, ахлоқ ва фаросат бирлиги, ўқувчиларнинг интилиши, нияти, орзуси.

6. Ўқувчилар учун хос бўлган имкониятларни баҳолаш, ўз-ўзига талабчанлик даражаси, ўқитувчи ва ўртоқларининг танқидий фикрларига муносабати, ўқувчининг ўз-ўзини тарбиялашга бўлган интилиши ва унинг фаолиятининг турли кўринишларида юзага чиқиши.

7. Ўқувчи фаолиятининг турли кўринишлари. Ўқувчининг ўқишга муносабати, топширилган ишни муваффақиятли бажариши, қизиқиш билан ўқиши, ўқишни хоҳламаслигининг мотивлари, қандай баҳолар олишга қодирлиги, ўзлаштириши, интизоми, меҳнат фаолиятига муносабати, касб турлари ҳақида тушунчаси, касб танлашга муносабати.

8. Билишга оид фаолиятларнинг тавсифномаси: зеҳни, кузатувчанлиги, хотира хусусиятлари, хотира типлари, диққатини тўплай олиши; ижодкорлиги, яратувчанлиги, фикрлар мувофиқлиги, образ ва мавҳум тафаккурнинг ўсиш даражаси, тафаккурнинг тизимлилиги ва танқидийлиги. Ўз фикрини баён этишда дадиллиги ва изчиллиги, фикр юритиши, хулоса чиқара олиши; хулосаларининг мустақиллиги, оғзаки ва ёзма нутқда ўз фикрини баён эта билиши.

9. Эмоционал-эркинлик соҳаси хусусиятлари. Ўқувчи эмоционал ташвишларининг ташқи кўриниши, муваффақиятсизлик ва чорасиз ҳолатларда эмоционал чидамлилиги, эмоционал ташвишларни пинҳон тута олиши ва уларни ўзгартира билиши.

10. Қобилият. Қобилият турлари. Ўқувчининг кўзга ташланган қобилиятлари (мусиқага, математикага, ташкилотчиликка ва ҳоказо) ва уларнинг тавсифномаси.

11. Темперамент. Ўқишга иштиёқ муносабатларида кўринадиган характер хусусиятлари: фаоллик, интизомлилик ва шунга тааллуқли бошқа кўринишлар. Синф ва таълим муассасасига нисбатан муносабатда кўринадиган характер хусусиятлари: ўз синфи ёки таълим муассасасининг муваффақияти ёки муваффақ муносабати, таълим муассасаси ва синф шарафи учун, таълим муассасаси ва синфда ўтказилган тадбирларга муносабати ва ҳоказо (Ўз-ўзига нисбатан муносабатида кўринадиган характер хусусиятлари: камтарлик, ахлоқий, поклик, одамийлик, инсонпарварлик, уятчанлик, манманлик ва бошқалар).

12. Жамоа орқали тарбиялаш бўйича амалиётчи-талаба нима ишларни қилди?

13. Педагогик хулосалар.

Ўқувчилар билан олиб борилган тарбиявий ишга педагогик раҳбарлик қилиш имкониятларини кўрсатиш. Ўқувчини тарбиялашнинг истиқбол йўналишларини белгилаш ва нималарга эътибор қаратиш зарурияти ҳақида тавсиялар бериш.

#### **IV. Синф ва гуруҳ ўқувчилар жамоасини ўрганишнинг намунавий дастури.**

##### **Синф ( гуруҳ) таркиби.**

1. Синф (гуруҳ)нинг ёш жиҳатдан таркиби.
2. Ўқувчиларнинг билиш даражаси ва камолоти.
3. Ўқувчиларнинг иш қобилияти ва ўзлаштириши.
4. Синф(гуруҳ)нинг жамоа қиёфаси (синфда фаол борми?). Жамоат ишларига қизиқиши. Жамоат топшириғининг бажарилиши. Ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий йўналиши, онглилиги.

##### **Синф( гуруҳ) нинг жипслиги.**

1. Иш манфаатлари бирлашган гуруҳлар ёки салбий характердаги гуруҳбозлик борми? Ўқувчилар бир-бирига нисбатан қандай муносабатда бўладилар? Уларнинг синф ишига муносабати қандай?
2. Ўқувчилар таълим муассасасида ва таълим муассасасидан ташқари жойларда вақтларини бирга ўтказишни яхши кўрадиларми? Улар биргаликда кўнгил очишни ёки биргаликда меҳнат қилишни севадиларми?
3. Қизлар билан ўғил болалар ўртасида дўстлик борми?
4. Болалар ўз жамоаси аъзоларини ҳимоя қиладиларми?
5. Синф(гуруҳ)даги ўқувчилар бир-бирларининг айбларини яширишадими? Агар шундай бўлса, бу нималарда ифодаланади?
6. Ўқувчилар ўз синфлари муваффақиятидан ёки муваффақиятсизлигидан ташвишланадиларми? Ўз жамоалари учун жон куйдиришадими?
7. Таълим муассасаси бўйича тadbирларини ўтказишда улар бирга бўладиларми ёки тарқоқ ҳолда қатнашадиларми?

##### **Синф( гуруҳ) нинг уюшқоқлиги.**

1. Ўқувчилар жамоа ишларини бажариш учун уюша оладиларми? Улар ишларни ўзаро тақсимлаб олиб, уни унумли тарзда бажара оладиларми?
2. Ўқувчилар бир-бирларини чидам ва эътибор билан тинглай оладиларми? (мажлисларда, танаффусларда, турли хил ишлари бажаришда).

3. Ваколатли шахсларнинг топшириқларига улар бўйсундиларми?

### **Синф( гуруҳ) да жамоатчилик фикри.**

1. Ўқувчилар ўз ўртоқларининг қандай ҳатти-ҳаракатларини маъқуллайдилар? Қайси ҳатти-ҳаракатларини қоралайдилар?
2. Улар ўртоқларининг ҳатти-ҳаракатларини маъқуллаганликлари ва маъқулламаганликларини қандай ва қай тарзда ифодаляйдилар?
3. Ўқувчиларнинг гаплари билан қилаётган ишлари орасида номувофиқлик борми?
4. Синф(гуруҳ)да танқид ва ўз-ўзини танқид.

### **Жамоада ўртоқларча муносабатларнинг характери.**

1. Ўқувчиларни бир-бирлари билан нималар боғлаб туради: умумий бир жойда яшаш, партада бирга ўтириш, қизиқишлари, умумий иш.
2. Ўқувчилар қаерда бир-бирлари билан дўстлашиб юрадилар: фақат ўқув юртида ёки ўқув юртидан ташқарида ҳамми?
3. Улар ўз ўртоқларига эътиборлими? Уларга ёрдам беришга ҳаракат қиладиларми? Бу ёрдамлар нималарда ифодаланеди?
4. Ўқувчилар ўз ўртоқларига талабчанлик қиладиларми? Улар ўз ўртоқларидаги камчиликларни кўра биладиларми?
5. Синф(гуруҳ) тўполончиларига, аълочиларига, фаолларига, ўзлаштирмаётганларга қандай муносабатда бўладилар?
6. Ўқувчилар жисмоний камчилиги бўлган ўртоқларига тўғри муносабатда бўлишадими?

### **Синф( гуруҳ) фаоллари.**

1. Фаоллар таркиби.
2. Синф(гуруҳ)нинг махсус (сайлаб қўйилган) ва амалдаги фаоллари, яъни синф(гуруҳ)нинг расмий ва норасмий лидерлари.
3. Ўқувчилар жамоасида синф фаолларининг иззат-обрўси борми?
4. Ўқувчилар синф фаолларининг топшириқларини бажарадиларми?
5. Фаоллар ўз синфдош ўртоқларига қандай муносабатда бўладилар?
6. Синф(гуруҳ) фаоллари таркибида доимий бўладиган ўқувчилар борми?
7. Синф(гуруҳ) жамоасидан етишиб чиққан таълим муассасаси фаоллари синф ҳаёти билан қизиқишадими, синф жамоасига ёрдам кўрсатишадими? Улар синф жамоасидан ажралиб қолишмайдими? Уларни ҳурмат қилишадими?

### **Синф( гуруҳ) жамоасининг ўқув юрти жамоаси билан алоқаси.**

1. Ўқувчилар синф(гурух)да, бошқа синфларда ва таълим муассасасида қандай воқеалар бўлаётганини билишадими?
2. Синф(гурух)да ўқув юрти ҳаётини яхшилашга доир таклифлар киритиладими, фикр-мулоҳазалар айтиладими?
3. Синф(гурух) ўқув юрти бўйича топшириқларни (доимий ёки вақтинчалик топшириқларни) бажарадими?
4. Синф(гурух)даги ўқувчиларнинг бошқа синф(гурух)лар билан алоқаси қандай? (оталиқ қилиши, мусобақалашини, биргаликда иш олиб бориши).
5. Синф(гурух) ўқув юрти ишларида қандай иштирок этади?

**Синф(гурух) жамоасини янада жипслаштиришга доир тадбирлар.**

1. Синф(гурух) жамоасини жипслаштириш ва ташкил этиш мақсадида қандай педагогик тадбирлар ўтказиш лозим?
2. Алоҳида ўқувчиларга педагогик таъсир ўтказиш учун синф (гурух)жамоасидан қандай фойдаланмоқ керак?

**4.1.Синф (гурух)ўқувчилар жамоасининг психологик-педагогик тавсифномасини тузиш.**

1. Таълим муассасасининг жамоа сифатидаги тавсифномаси. Тарбиявийлик, интизомлилик савияси, давомат кўрсаткичи. Ўқув юртининг жамоатчилиги билан алоқаси. Ўқув юртининг синф ва синф жамоасига таъсири.
2. Синф(гурух) жамоасининг таркиби, фаоллари, жамоа эътиборига лойиқ етакчилари, сардорлари, ўқувчиларнинг қисқача тавсифномаси.
3. Синф(гурух) жамоасида ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг умумий тавсифномаси.
4. Синф (гурух)жамоасининг жипслиги ва уюшқоқлиги тавсифномаси.
5. Синф(гурух) жамоасининг ижтимоий фойдали меҳнатдаги иштироки.
6. Синф(гурух)даги интизом аҳволи, ўқувчилар қондасига, ахлоқ ва этик меъёрларга амал қилиш даражаси. Ахлоқ малакаси ва кўникмаларининг шаклланиши.
7. Ўқувчиларнинг талаблари ва ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлари.
8. Синф(гурух)да жамоатчилиги фикри ва ўртоқларга муносабатнинг характери.
9. Айрим ўқувчиларнинг жамоа аъзоси сифатидаги тавсифномаси. Ўқувчининг ижтимоий мавқеининг таҳлили (жамоатчи, спортчи, бадий хаваскорлик тўғрисида иштирок этиши ва ҳоказо).

10. Ижтимоий муҳит, ота-оналар ва жамоатчиликнинг синф жамоаси шаклланиши, жипслашувига таъсири.
11. Ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва улар характерида жамоавийлик хусусиятларини таркиб топтириш мақсадида амалиётчи-талабаларнинг синфда муайян ишларни амалга ошириши.
12. Синф(гурух) жамоаси билан олиб бориладиган тарбиявий иш мазмуни, уни ташкил этиш ва у ҳақдаги таклифларнинг ўқитувчи, ота-оналар, ўқитувчиларнинг жамоатчилик ташкилотлари томонидаи ҳал этилиши.

#### **4.2. Педагогик консилиум ўтказиш тартиби.**

Педагогик консилиум – бир синфда ишлайдиган ўқитувчилар жамоасининг иши. Педагогик консилиум, синф оғир табиатли бўлса ёки бирор синфда тарбияси оғир ўқувчи бўлса, шу синфнинг ёки шу ўқитувчининг масаласини ҳал қилиш учун чақирилади. Педагогик консилиумга таълим муассасаси раҳбаридан маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари ёки ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари жалб қилинади. Педагогик консилиумни ўтказишдан олдин мазкур синфда ишлайдиган ўқитувчиларга анкета сифатида саволлар тарқатилади. Бу саволлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларнинг меҳнатга ва жамоатчилик ишига фаоллиги, мамлакатимиз ва чет эл мамлакатадаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабати, меҳнатга ўз хоҳиши билан интилиши, “Болалар” ва “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотларининг топшириғини астойдил бажариши, мактаб, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа меҳнат жараёнида фаол қатнашиши.

2. Ўқувчиларнинг ахлоқий-тарбиявий хусусиятлари: шундай сифатли даражалар аниқланадики, буларга Ватанга, ўзбек халқига, унинг кадриятларига садоқат, фарзандлик бурчи, ижтимоий мулкка ғамхўрлиги, интизомсизликка муросасизлиги кабилар киради.

3. Ўқишга муносабати - яхши ўқишга интилиши, ўқитувчининг талаблари ва маслаҳатларини бажаришга интилиши, ўқишнинг шахсий ва жамиятдаги ўрнини англаб олиши.

4. Маданий онги (билим даражаси) - ўқувчининг билимдонлиги, маданий қизиқишининг кенглиги.

5. Қизиқиш ва майли (лаёқати) – бир ўқув фанига ва дарсдан ташқари машғулотларга қизиқиши, юқори синфларда эса ўзи хоҳлаган касбга майли, лаёқати.

6. Ўқув материалидаги асосий мазмун (моҳияти)ни ажрата билиши, уни баён қилишга интилиши, шу фикрларни умумлаштириши ва хулосалаши.

7. Ўқув ишини режалаштира билиши, ўқувчида иншо режасини, лаборатория иш режасини, меҳнат фаолияти режасини туза билиш малакасининг бўлиши.

8. Синф(гуруҳ)нинг ёзиш ва ёзиш тезлиги – синф(гуруҳ) билан бирга ёзишга улгуриши, бир дақиқада 120дан ортиқ сўзни ўқиши (V-VI синфларда).

9. Ўз-ўзини назорат қилиши - ўқиган мавзусини мустақил равишда асосий фикрларни айта бериш орқали текшириши, дарсликдаги топшириқлар устида ишлаши, матн бўйича саволлар тузиши.

#### **4.3.Педагогик амалиёт давридаги ўқув-тарбиявий ишларни режалаштириш.**

Ўқувчиларни ўрганиш бўйича муваффақиятли иш талаба томонидан амалиёт давомида мўлжалланган ўқув-тарбиявий ишни режалаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Ҳар бир талаба 3-4 курсларда таълим муассасаси борган дастлабки ҳафтада ўқитувчиларнинг дарсларни режалаштиришини ўрганади, ўзига бириктириб қўйиладиган синф раҳбарининг, “Камалак” ва “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотининг тарбиявий иш режаси билан танишиб чиқади, аниқ таълимий-тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда бу режалар қандай ёрдам беришини англаб олади.

Синф(гуруҳ) раҳбарининг режасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш амалиётчига синф ва айрим ўқувчиларнинг хусусиятларини билиб олиш, келажак учун мўлжалланган тарбиявий вазифаларни белгилаш синф раҳбарининг мазкур ўқувчилар жамоаси билан ишлашининг асосий усул ва шакллари билан танишишда ёрдам беради.

Ишни амалиётнинг бутун даврига режалаштириш билан бир қаторда ҳафталик, ойлик иш режаси тузиб олиш ҳам фойдадан холи эмас.

Амалиётнинг иккинчи ҳафтаси охирига келиб, ҳар бир талаба бутун амалиёт даврига мўлжалланган ўзининг индивидуал иш режасини тузиб чиқади. Бундан ташқари, талаба амалиёт давомида мунтазам тарзда ўз дарси ва фани бўйича айрим синфдан ташқари иш турларини режалаштириб боради. Шунингдек, тарбиявий тадбирлар режасини мустақил ишлаб чиқади, хўжалик тарбиявий ишини режалаштиради.

Талабаларнинг индивидуал иш режаси педагогик амалиёт режасига асосланган бўлиши ва ўқув-тарбиявий ишларнинг барча йўналишларини камраб олиши керак. Булар:

- а) ўқувчилар шахсини ва жамоасини ўрганиш;
- б) ўқувчилар билан ўқув-тарбиявий тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш шакллари белгилаш ва ўтказиш;
- в) ота-оналар билан ишлаш;
- г) услубий ишларда иштирок этиш;
- д) тарбияси оғир ва ўзлаштириши паст бўлган болалар билан яккама-якка ишлаш;
- е) мактаб ижтимоий ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;
- ж) ўзбек халқининг миллий мероси, тарихи, кадриятлари, удумлари, урф-одатларини кенг тарғиб қилиш;
- з) миллий меросимизни теран ўрганиш ва унинг ютуқларини тарбиявий иш жараёнида қўллаш.

Талабалар битирув курсида синф раҳбарининг келгуси чоракка мўлжалланган тарбиявий иш режасини тузишда иштирок этадилар, ярим йиллик иш режасини белгилашда синф фаолларига ёрдам берадилар. Амалиётчи ўзининг қиладиган ишларини кундалик дафтарига қайд этиб боради. Кундаликда унинг педагогик амалиёт давридаги барча ишлари ўз ифодасини топиши керак.

#### **4.4. Педагогик амалиёт жараёнида касбий маҳоратни оширишга доир малакалар.**

**1. Малака** – шахснинг маълум касбга яроқлилиги, тайёргарлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалар йиғиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илгари ўзлаштирилган малаканинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Бу етишмаслик қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали тўлдирилади. Бу жараён узлуксиз давом этгандагина малака ортиб бориши орқали касбий фаолиятни ҳозирги талаблар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлади. Қуйида биз малака турлари ва уларнинг қисқача хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

**2. Педагогик малака.** Педагогик фаолиятни амалга оширувчи малака педагогик малакага киради. Педагогик фаолият ҳақидаги тасаввурлар инновацион жараёнлар натижасида доимо ўзгариб, ойдинлашиб боради.



Шунга кўра педагогик малакалар таркиби ҳам аниқланади. Тизимли ёндашув классик ҳисобланади ва гностик, конструктив, ташкилий ва коммуникатив каби малакалар гуруҳига йўналтиради. Кейинги йилларда педагогик фаолиятга педагогик ташхис, илмий муаммо тадқиқоти ҳам кўшилди, натижада малака таркибининг кенгайиши кузатилади. Қуйида гуруҳлар бўйича педагогик малаканинг номлари келтирилади.

### **3. Дидактик малакалар.**

#### ***Гностик малакалар гуруҳи:***

– ўқувчиларнинг ўқув имкониятларини педагогик воситалар ёрдамида ўрганиш малакаси, болаларнинг ёзма, амалий ишлари ва оғзаки жавобларини таҳлил қилиш, уларнинг ўргатилганлик, ривожланганлик ва тарбия даражалари, турли ўқув фанларга, дарсларда турли топшириқлар турларига, умуман ўқишга муносабати даражалари, алоҳида ўқувчилар ва синфнинг ўқув-тарбиявий жараёнда ирода, рефлексия, ўзини баҳолаш кўринишлари даражаларини аниқлаш;

– шахсий педагогик қобилиятларни ўрганиш малакаси (диагностик (ташхис) тестларидан фойдаланиш, шахсий педагогик фаолиятнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш, ўзида коммуникатив ва ташкилотчилик кўникмаларини топишга алоҳида эътибор қаратиш, ўзи баҳо бера олиш);

– дарсни таҳлил қила олиш малакаси (ўзини ва ўз ҳамкасблари дарсларини таҳлил қилиш, таҳлилнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш);

– ўқув жараёнида ўз ҳаракатларини тушунтириб бериш малакаси.

#### ***Лойиҳалаш малакаси гуруҳи.***

– келгуси фаолият мақсадини аниқлаш ва шакллантириш малакаси

а) дарсга нисбатан (тарбия ва ривожлантириш мақсади);

б) дарснинг алоҳида босқичлари ва аспектларига нисбатан (ўқув вазибалари, мустақил ишлар ва амалий ишлар мақсади ва ҳоказо).

– янги ўқув материалнинг мантиғи ва кетма-кетлигини аниқлаш малакаси;

– ўқувчиларни дарсда мустақил ўқув-билим фаолиятига киритиш учун саволларнинг мавжуд вариантларини ўйлаб чиқиш малакаси;

– дарсда аввалдан назорат микробосқичларини кўриб чиқиш малакаси;

– дарснинг методик тузилишини, бир дарс учун унинг турли вариантини ўйлаб чиқиш малакаси;

– дарсда амалга ошиши мумкин бўлган педагогик топшириқлар, шунингдек, унга мос ўқув топшириқларини аниқлаш малакаси;

– янги материални тушунтиришда турли ёндашувларни қўллашга аввалдан тайёрланиш малакаси.

#### ***Конструктив малакалар гуруҳи:***

– тайёр ўқув маълумотини танлаш малакаси (матн, расмлар, схемалар, жадваллар, саволлар, ўқув материалига топшириқлар);

– ўқув маълумотининг ўз вариантларини яратиш малакаси;

– кўргазмали ва дидактик қўлланмаларни яратиш, ишлаб чиқиш малакаси;

– дарс конспектини ишлаб чиқиш малакаси;

– назорат матнини ишлаб чиқиш малакаси (саволлар, топшириқлар, масалалар, мисоллар, машқлар, тестлар);

– таянч конспектларни тузиш малакаси (ўзи ва ўқувчилар учун).

#### ***Ташкилотчилик малакаси гуруҳи:***

– ўқувчиларга тартиб-интизом талабларини кўрсатиш малакаси;

– ўқувчиларга келгуси ишлар мақсадини кўрсатиш, мақсадли йўналиш яратиш, ўқув вазифаларини қўшиш малакаси;

– ўқувчилар диққатини таъминлаш малакаси;

– ўқувчиларнинг мнемоник фаолияти усулларини танлаш ва қўллаш малакаси;

– дарсда ўқувчиларнинг гуруҳ бўлиб ишлашини ташкил қилиш малакаси;

– дарсда дидактик баҳс ташкил этиш малакаси;

– дарсда дидактик ўйин ташкил этиш ва ўтказиш малакаси;

– ўқувчиларга амалий топшириқлар билан боғлиқ кўрсатмалар бериш малакаси;

– ўқувчиларни саволлар, тўлдиришлар, тузатишлар, танбеҳлар беришга рағбатлантириш малакаси;

– ўқувчилар орасида топшириқларни бўлиб бериш малакаси;

– топшириқларни бажариш учун болаларни гуруҳларга бириктириш малакаси;

– ўқувчилар билан бирга иш режасини тузиш малакаси;

– ўқув фани бўйича саёҳат ташкил қилиш малакаси.

#### ***Коммуникатив малакалар гуруҳи:***

– маълумот ҳақида хабар бериш малакаси;

- ўқувчи жавобини эшитиш малакаси;
- зиддиятларнинг олдини олиш малакаси;
- болалар ўртасида ўзаро муносабатни ўрнатиш малакаси;
- муваффақиятли вазиятни яратиш малакаси;
- ўқувчиларнинг жавобларидаги хатоларга муносабат билдириш малакаси.

***Тадқиқий малакалар гуруҳи:***

- мактаб амалиёти илмий муаммоларини аниқлаш ва уларни таърифлаш;
- илмий маълумот олиш воситаларини танлаш ёки ишлаб чиқиш;
- сўровнома ўтказиш муҳимлигига қараб фарқлаш;
- педагогик тадқиқот ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш ва тадқиқот ўтказиш;
- илмий адабиёт билан ишлаш (таҳлил қилиш, муҳим илмий маълумотни топиш, тезис, конспект, реферат ёзиш, картотека, библиографик рўйхат тузиш);
- илмий тадқиқотларни муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни айта олиш, танқидий фикрларни айта олиш ва конструктив таклифлар бериш).

**4.5.Тарбиявий жараёни ташкил этишга доир малакалар.**

**Тарбиявий иш малакаси.** Гностик, конструктив ва коммуникатив малакалар гуруҳи ўқув ҳолатларида мўлжал олиш, ундан ўз иши учун муҳим бўлганларини танлаш, ўқувчиларни кузатиш, уларнинг ички ҳолатини тушуниш, тарбияланганлик даражасини аниқлаш мақсадида доминантнинг мавжудлигини ва характерини аниқлаш, ўзининг жисмоний ва психик аҳволини англаш ва назорат қилиш, ўз ахлоқини тартибга солиш.

***Тарбиявий ташкилотчилик малакаси гуруҳи.*** Иш топшириш малакаси, топшириқларни бажариш бўйича назоратни амалга ошириш, фаолият натижаларини баҳолаш, унга ўзгартиришлар киритиш. Синфдан ташқари тадбирларни ташкил қилиш тизимини ҳисобга олиб, қуйидаги малакалар ажратиб кўрсатилади: ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари тизимини аниқлаш; синфдан ташқари ишларни режалаштириш; педагогик ҳолатлар характерига боғлиқ бўлган тарбиявий характернинг асосий мақсадларини аниқлаш; жорий педагогик вазифаларни ажратиб кўрсатиш, педагогик ҳолатларни ўрганиш ва ўзгартириш, педагогик вазифаларни аниқлаштириш, педагогик мақсад ва вазифаларни педагогик

ҳолатларнинг ўзгаришига кўра қайта қуриш; педагогик вазифаларни ҳал қилишнинг узоқ ва яқин натижаларини олдиндан кўра билиш; синфдан ташқари ишларнинг мазмуний элементларининг оптимал тизимини танлаш малакалари.

## **V. Педагогик амалиёт жараёнида касбий маҳоратни шакллантиришга доир амалий топшириқлар**

### **5.1. Дидактик малакаларни ривожлантириш учун топшириқлар**

#### ***Гностик малакаларни ривожлантириш учун:***

- ўқувчининг уй вазифасини таҳлил қилинг ва унинг хато, камчиликларини аниқланг;
- педагогик тест натижаларини таҳлил қилинг ва билим малакаларни эгаллаш даражасини аниқланг;
- назорат текширув натижаларини баҳоланг;
- уй вазифасини текширганда шу синф ўқувчилари учун типик бўлган хато ва камчиликларни аниқланг;
- дарсни кузатиш пайтида дарснинг тугашига қанча қолганини аниқлашга ҳаракат қилинг. Аввал тахмин қилинг, кейин эса соат бўйича текширинг. Сиз вақтни “сезиш” ингиз қанчалик аниқ экан.
- ўқувчиларни ўрганиш бўйича сўровнома (анкета) қилинг ва сўровнома ўтказинг.

#### ***Лойиҳалаш малакасини ривожлантириш учун:***

- ривожлантириш вазифаси билан боғлиқ тахминий педагогик вазифалар рўйхатини тузинг. Ўқитиш вазифаси билан боғлиқ тахминий педагогик вазифалар рўйхатини тузинг;
- аниқ дарс (фан, мавзу, синф хоҳишига кўра) учун кўргазмали кўлланмалар ва доскага ёзувлар лойиҳасини ишлаб чиқинг;
- дарсларда болаларда бўладиган қийинчиликларнинг типик ҳолатлари рўйхатини тузинг ва бу қийинчиликларнинг олдини оловчи ва уларни йўқотувчи усуллардан фойдаланг;
- ўқитувчининг дарсда юзага келадиган типик қийинчиликларини ва бу қийин ҳолатдан чиқишнинг мавжуд усулларини айтинг;
- схематик тарзда янги мавзунини ўтиш учун зарур бўлган доскадаги ёзувлар ва жиҳозларнинг жойлашишини кўрсатинг;

– қандай ҳолатлар учун доскадаги ёзувлар аввалдан ёзилиши, қандай ҳолатларда ўқувчилар билан бирга ёзилиши керак. Ўз фикрингизни мисоллар билан тушунтиринг.

***Конструктив малакани ошириш учун:***

- тушунтириш – кўргазмали типдаги дарс ишланмаси ишлаб чиқинг;
- муаммоли типдаги дарс (дарс фрагментлари)ни ишлаб чиқинг;
- дастурлаштирилган типдаги дарс (дарс фрагментлари)ни ишлаб чиқинг;
- интеграциялашган курс бўйича дарс ишланмаси ишлаб чиқинг;
- дидактик бирликларни йириклаштириш технологияси бўйича дарсни ишлаб чиқинг;
- турли педагогик технологиялар бўйича дарсларни ишлаб чиқинг;
- бирон-бир педагогик усуллардан фойдаланиш орқали муаммоли дарс фрагментини ишлаб чиқинг;

Турли вариантларда суҳбат ўтказинг:

- репродуктив;
- эвристик;
- назоратли;
- сюжетли – ролли дарсни ишлаб чиқинг;
- инсценровкадан фойдаланиб дарсни ишлаб чиқинг;
- гуруҳ бўлиб ишланадиган дарсни ишлаб чиқинг;
- турли шакл ва кўргазмали воситалардан фойдаланиб дарс ишланмаси ишлаб чиқинг;
- саёҳат дарс ишланмаси ишлаб чиқинг;
- синов дарсини ишлаб чиқинг;
- фан бўйича синфдан ташқари машғулотлар режасини ишлаб чиқинг;
- болаларда чарчоқликни (жисмоний, ақлий, эмоционал ва бошқалар) олиш учун машқлар тизимини танланг ва уни ишлаб чиқинг;
- ақлий фаолиятни босқичли шакллантириш назариясини амалга оширувчи дарсни ишлаб чиқинг;
- жисмоний тарбия дақиқалари учун машқларни ишлаб чиқинг;
- болаларда ўқув меҳнати малакасини ривожлантириш учун турли қийинчиликдаги ўқув матнларни танланг;
- фан бўйича билим даражаси ва малакаси турлича бўлган ўқувчилар учун топшириқлар тузинг;

- бир мавзу бўйича индивидуал дифференцияланган ёндашув асосида уй вазифасини тузинг;
- бир мавзу бўйича гуруҳ бўлиб ишлаш учун топшириқлар тузинг;
- бир дарснинг турли босқичлари учун топшириқлар тузинг;
- ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчилар билан ишлаш учун топшириқлар тузинг;
- фанларни юқори даражада ўзлаштираётган, фанга қизиқиши кучли бўлган ўқувчилар учун алоҳида топшириқлар тузинг;
- фан тўғараклари ёки фан бўйича синфдан ташқари тадбир машғулоти учун конспект тузинг;
- дарснинг турли босқичлари учун топшириқлар, машқлар, мисоллар билан индивидуал ва табақалаштирилган карточкалар тузинг;
- муаммоли масала ёки муаммоли топшириқни ишлаб чиқинг;
- маълум мавзу материали бўйича кросворд, лото, домино ва шунга ўхшаш бошқа дидактик ўйинларни ишлаб чиқинг;
- дарслик матнига саволлар тузинг;
- янги билимларни тасвирловчи ўз мисолларингизни таклиф қилинг;
- дарс учун кўргазмали қуроллар тайёрланг;
- тест вариантыни тузинг;
- назорат тест вариантларини тузинг;
- бошланғич синф ўқувчиларлари учун уларнинг мантиқий фикрлаши хусусан, ақлий фаолият усулларини ривожлантириш мақсадида расмлар, геометрик фигуралар ва бошқалардан фойдаланиб топшириқлар беринг. Уларни соддадан мураккабга қараб жойлаштиринг.

***Ташилотчилик малакасини ривожлантириш учун.***

Синфда тартиб ўрнатиш учун турли мурожаатлар, тартибни сақлаш усулларини танланг ва ўз дарсингизда қўлланг. Унинг қайси бири самаралироқ? Турли вазиятлардан мисоллар келтиринг ва сиз амалиёт ўтаётган синфда тартиб ўрнатишнинг керакли усулларини таклиф қилинг.

Дарсда болалар диққатини жалб этиш учун фойдаланадиган усулларни танланг:

- а) дарс бошида;
- б) янги мавзунини ўрганишда;
- в) янги материални мустаҳкамлаш босқичида;
- г) уй вазифасини тушунтиришда;

д) вазифалар бажарилишини текширишда;

е) Иш ва унинг натижаларини баҳолашда.

Сизга маълум бўлган турли усул ва услублардан фойдаланинг, уларнинг қайси бири синфда самаралироқ бўлганини аниқланг.

Ўқитувчининг ўқувчиларга мурожаати вариантларини танланг:

а) шу дарс бошланишда, дарснинг ҳар бир кейинги босқичларига ўтишда;

б) кун давомида ҳар бир дарс бошланишида.

Мурожаатлар рўйхатини тузинг ва уни ўз дарсингизда қўлланг. Ўқувчиларнинг муносабати қандай? Сиз ўзингиз хоҳлаган нарсага эришдингизми?

Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил қилишдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланинг (саволлар ва топшириқларни бериш, топшириқли карточкаларни таклиф қилиш, муаммоли вазифа ва режаларни яратиш ва хоказо). Қайси усул самарали бўлди? Қандай шароитларда мустақил ишни ташкил қилиш самарадорлигини таъминлаш мумкин?

Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини кучайтириш усулларини танланг. Уларни ўз дарсингизда қўлланг. Синфингизда қайси усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ? Нима учун?

Дарснинг маълум босқичларида ўқувчиларнинг олган билим ва малакаларини умумлаштириш бўйича ишни ташкил қилиш вариантларини таклиф қилинг.

Ўқитувчи дарснинг бир босқичидан иккинчисига мантиқий ўтиши учун фойдаланадиган усул ва мурожаатларни танланг. Бу усулларни амалда текшириб кўринг. Бундай ҳолатларда келгуси иш мақсадини қандай таклиф қилиш мумкин? Дарсни яқунлаш босқичини ташкил қилишнинг мавжуд усулларини ўйланг. Дарсни яқунлашда нима асосий ҳисобланади? Дарсни яқунлашнинг ўзингизга маълум усулларини қўлланг.

Дарсни яқунлашда болаларни ўз-ўзини назорат қилишга ўргатинг. Натижалар қандай бўлди?

Ўқувчилар орасида ўзаро назоратни ташкил қилиш нимани назарда тутди. Ўқувчилар бошқа ўқувчилар натижаларини текшираётганда нималарга эътибор бериши керак? Ўзаро назоратни ташкил қилинг. Ўзингизни текширинг.

***Коммуникатив малакани ривожлантириш учун.***

Аттракциянинг ўзингизга маълум усулларни танланг. Қандай ҳолатларда улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини ўйлаб кўринг

ва аниқ вазиятларда қўлланг (дарсда, синфдан ташқари тарбиявий ишда, ўқувчилар ота-оналари билан мулоқотда ва бошқалар). Аттракция ҳосил қила олдингизми?

Ўқитувчилар, ўртоқларингизнинг дарсларини таҳлил қилинг ва уларда педагогик мулоқот услубини аниқланг. Ҳар бирининг коммуникатив фаолияти учун нима характерли эканлигини белгиланг.

Синфингиз ўқитувчиси ўтказган қайсидир дарсни таҳлил қилинг ва ўқитувчининг дарснинг турли босқичларидаги коммуникатив фаолиятини баҳоланг (уй вазифасини текширганда, янги мавзу ўтганда, мустақил ишни бажарганда ва ҳоказо). Қайси босқичда бу фаолият, сизнингча самаралироқ?

Дарслик фрагменти мазмуни билан танишинг ва ўқувчилар учун янги мавзу бўйича ахборот матнини тайёрланг. Буни ўқувчилар фаол қабул қилишларига ҳаракат қилинг.

Мактаб амалиётидан ўқувчилар учун муваффақият вазиятларини яратишга мисоллар келтиринг.

Ўз педагогик фаолиятингизда муваффақият қозонишнинг сизга маълум усулларидадан фойдаланинг.

### ***Тарбиявий ишлар малакасини ривожлантириш учун.***

Бутун амалиёт даврида битта ўқувчини танланг ва унинг хулқини кузатинг. Унинг ахлоқ хусусиятлари ва унга таъсир қилувчи омилларнинг қисқа тавсифини тузинг.

Ўз синфингиз ўқувчиларидан уларнинг билишга қизиқишлари, дарсдан ташқари машғулотлари, мамлакатимиздаги воқеаларга сўровнома ўтказинг. Олинган маълумотни ўрганиб чиқинг ва хулоса чиқаринг.

Ўз синфингиз ўқитувчисининг дарсдан ташқари пайтдаги фаолияти услубини кузатинг. Натижаларни кундалигингизга ёзиб қўйинг тарбиявий тадбир ғоясини тузинг, унинг тартиботи сценарийсини ишлаб чиқинг, тайёрланг ва ўз синфингизда ўтказинг.

Ўқувчилар билан тарбиявий суҳбат ўтказинг ва кундаликка ўз таассуротларингизни ёзинг.

Маданий саёҳат ва унга педагогик топшириқлар мазмунини ишлаб чиқинг.

Ота-оналар мажлиси учун маъруза тайёрланг (мавзу синф ўқитувчиси билан келишилган ҳолда танланади).

Болалар билан сайр ташкил қилинг ва ўтказинг. Ўз таассуротларингиз ва педагогик кузатувларингизни кундаликка ёзинг.



Фан бўйича синфдан ташқари машғулот конспектини ишлаб чиқинг. Машғулот ўтказинг ва ўз таассуротларингизни кундаликка ёзинг. Бирорта ўқувчининг ота-онаси билан суҳбатга тайёрланинг ва уни ўтказинг. Суҳбат чоғида ўз хулқингизни таҳлил қилинг, сизнинг эмоционал ҳиссиётларингизда ўзгариш бўладими, ўз эмоциянгизни бошқариш учун қандайдир ҳаракатлар қилдингизми, аниқланг. Натижаларни кундаликка ёзинг.

Ўқувчилар орасида юзага келадиган зиддиятни ҳал қилиш усулларини олдиндан танланг ва бундай зиддиятлар дарсдан ташқари вақтда юзага келса, шу усуллардан фойдаланинг. Натижаларни кундалигингизга ёзиб қўйинг.

Ўз синфингиз ёки бошқа синф ўқитувчисининг тарбиявий иш тажрибасини ўрганинг. Натижаларни кундалигингизга ёзиб қўйинг.

Мактабингизнинг бошланғич синфида қандай тарбиявий технологиялар қўллашингизни аниқланг. Бундай технологияларнинг аниқ қўлланганлиги ҳақида маълумот олинг ва қисқача кундалигингизга ёзиб қўйинг.

## **VI. Индивидуаллик ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши учун топшириқлар:**

**1. Педагогик фикрлашни ривожлантириш учун:** “Математик” эртак тўқинг, ундан дарсда ёки дарсдан ташқари ишларда фойдаланинг. Уни қўллаш ўқув фаолияти ва унинг натижаларида акс этадими?

Иншонинг асл мавзусини танланг, у ўқувчиларда фантазия, ижодий тасаввур уйғотсин.

Ноанъанавий дарсни ишлаб чиқинг. Янги материалнинг (ўқув фани, мавзу хоҳишга кўра) асл таянч чизмасини ўйланг.

Муаммоли савол, муаммоли топшириқ ёки вазифани яратиш учун мумкин бўлган зиддиятларни аниқланг (ўқув материалининг аниқ мавзуси материалида). Ўқувчилар билан синфдан ташқари жойларда ўтказадиган дарслар сценарийсини ўйлаб чиқинг.

Ажойиб дидактик ўйинни ўйлаб чиқинг. Нутқ услубидаги фарқларни аниқлаш учун педагогик вазиятга доир митуатив ўйинларни ишлаб чиқинг. Ажойиб кўргазмали қўлланма тайёрланг. Дарсингиз учун педагогик шиор ўйлаб топинг.

Шахсий таълим технологияси ғоясини ишлаб чиқинг.

Педагогик ҳикоя тузинг (ўқитувчи ҳаётдан, мактаб ҳаётидаги воқеалар, дарсдаги ҳодисалар ва ҳоказо).

Матндаги топшириқларни бажаришда бошланғич синф ўқувчилари кўпинча топшириқ шартини диққат билан ўқимаганлиги боис, хатоларга йўл кўяди. Диққатни ошириш мақсадида тажрибали ўқитувчилар нореал, нотўғри саволлар берилган топшириқлардан фойдаланадилар. Шундай топшириқни тузинг.

Синф доскасини безаш қоидаларни тузинг. Дарс конспектини ишлаб чиқишда ўқувчиларга мурожаат қиладиган бир саволнинг турли хил кўринишларини ёзинг.

**2. Педагогик рефлексияни ривожлантириш учун:** педагогик амалиёт даврида кундаликда ўзингизни танқид қиладиган ҳолатларни белгиланг.

Дарснинг фрагментини кузатинг ва ўқитувчи педагогик рефлексияни амалга оширдими ёки йўқми, аниқланг. Сиз буни қандай аниқладингиз? Дарсда рефлексия талаб қиладиган пайтлар бўладими?

Дарс ўтказинг ва уни таҳлил қилинг. Дарс пайтида ўз диққатингизни тенг бўла олдингизми? Исботланг.

Дарс ўтказинг ва уни таҳлил қилинг. Дарс давомида ўз малакангизни бошқара олдингизми? Эсланг, қандай вазиятда сиз юз ифодангизни атайлаб ўзгартиридингиз?

Педагогик рефлексиянинг аниқ кўринишларини айтинг:

- а) дарсларнинг бирида;
- б) тарбиявий тадбирларнинг бирида;
- в) ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатда;
- г) ўз синфингиз ўқитувчиси билан суҳбатда;
- д) институт ўқитувчиси билан суҳбатда;
- е) мактаб амалиёти даврида гуруҳдаги ўртоқлари билан мулоқотда.

**3. Эмоционал доирани ривожлантириш учун:** дарс ўтказиш олдида кўрқувни енгишнинг қайси усуллари билан фойдаландингиз? Кундалигингизга ушбу усул нимаси билан фойда берганини ёзинг.

Дарс ўтгач, қандай эмоционал ҳолатни сезганингизни айтинг.

Ўз дарсингизда:

- а) ўзингизда юқори кайфиятни уйғотинг;
- б) хафаликни ифода этишни ўрганинг. Натижаларни кундаликка ёзинг.

Болалар билан мулоқот сизга завқ бағишлашини намойиш этинг. Вазиятлар ва натижани тасвирланг.

Ўқувчиларга дарсдан аввал ва кейин кайфияти қандай эканлигини рангларда кўрсатишни таклиф қилинг (ранг диагностикасини ўтказинг).

Юмористик журналлар, матнлар танланг ва керакли вазиятларда улардан фойдаланинг. Болаларнинг муносабатини ёзинг.

**VII. OTM ёки мактаб ўқитувчиси томонидан талабанинг педагогик фаолияти тавсифномаси**

Талабанинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Таълим муассаси (мактаб, АЛ ва КХК) синф, гуруҳ \_\_\_\_\_

Малака даражалари \_\_\_\_\_

Гностик \_\_\_\_\_

Лойихавий \_\_\_\_\_

Конструктив \_\_\_\_\_

Ташкилотчилик \_\_\_\_\_

Коммуникатив \_\_\_\_\_

Ўз-ўзини ривожлантириш натижалари:

- педагогик фикрлаш (қандай хусусиятлар намоён бўлганини аниқ кўрсатинг) \_\_\_\_\_
  - педагогик рефлексия \_\_\_\_\_
  - педагогик фаолиятнинг мотивацияси (аниқ мақсад ва истаклар кўрсатилади) \_\_\_\_\_
- эмоционал доираси \_\_\_\_\_

**7.1. Талабанинг ўз-ўзини бошқариш асосида тузилган педагогик фаолиятнинг умумлашган тавсифи**

Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Таълим муассасаси (мактаб, АЛ, КХК) синф, (гуруҳ) \_\_\_\_\_

Амалиёт ўтиш даври \_\_\_\_\_

Топшириқлар (қисқача маълумот)	Кўзга кўринган малака даражаси

Мен нимани ўргандим:

- гностик фаолият даражасида (аниқ малакалар номи айтилади) \_\_\_\_\_
- лойихалаш фаолияти доирасида \_\_\_\_\_

- конструктив фаолият доирасида \_\_\_\_\_
- ташкилотчилик фаолияти доирасида \_\_\_\_\_
- педагогик фикрлаш доирасида \_\_\_\_\_
- педагогик рефлекс доирасида \_\_\_\_\_
- ўзини эмоционал бошқарув доираси асосида \_\_\_\_\_

## **VIII. ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ ДАВРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ЗАМОНАВИЙ ДАРС**

### **8.1. Дарс ва унга қўйиладиган талаблар:**

Дарс ўқув муассаси ўқув ишининг ташкилий шакли бўлиб, унда ўқитувчи аниқ белгиланган вақт доирасида ўқувчиларнинг доимий таркиби (синф) билан қатъий жадвал бўйича шуғулланади, жамоа билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув дастурига мувофиқ ўзи белгилайдиган тарбиявий ва дидактик вазифаларга эришиш учун хилма-хил услублардан фойдаланади. Ўқитувчи дарсда таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадга эришиш учун уни тўғри режалаштириши ва ташкил этиши лозим.

Дарсни тайёрлаш ва ташкил этишда дидактик, психологик, ахлоқий-этик, гигиеник ва техник талаблар қўйилади.

### **8.2. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблар:**

- таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг бирлигини таъминлаш;
- дарс яхши режалаштирилган, тайёрланган, жиҳозланган ва ташкил этилган бўлиши керак;
- илмий ва услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилган дарс тарбиявий таъсир ўтказади, илмий йўналиш учун қулай ҳисобланади, ўқув материалларини пухта ва онгли тарзда ўзлаштиришга, малака ва кўникмалар шаклланишига имкон беради;
- дарснинг тузилиши илмий жиҳатдан бир мақсадга ва аниқ вазифаларни хал қилишга қаратилган бўлиши керак;
- дарсга тайёргарлик кўриш ва уни ўтиш чоғида ўқитиш ва тарбиялашга нисбатан замонавий психологик-педагогик ва услубий ёндашишни назарда тутиш;
- машғулотларнинг турли шакллари умумсинф, гуруҳий ва индивидуал қўшиб олиб бориш;
- дарс ўтилиши шаклига кўра қатъий бир тизим бўйича олиб борилади: муайян боғланишдан, дарснинг мақсадлари ва вазифаларини белгилашдан, материални тушунтириш, мустаҳкамлаш ва

такрорлашдан, уй вазифасини беришдан иборат бўлади, дарснинг қисмлари ўзаро боғлиқ бўлиши ва ҳар бири кейингисини тайёрлаш учун асос бўлиши керак;

- дарсда дидактик тамойилларни тўғри белгилаш ва ўқитиш усулларидан унумли фойдаланиш зарур;
- кўрғазмали қурол ва техник воситалардан унумли фойдаланишни ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришини назорат қилиш;
- дарсни олдинги ва кейинги ўтилган мавзулар билан боғлаш;
- ўқитувчилар ўқиш-билиш фаолиятининг самаралигини ўқитувчининг раҳбарлик (етакчилик) роли билан қўшиб олиб бориш;
- дарсда ўқувчиларнинг шахсий тажрибасига таяниш.

### **8.3. Дарсга қўйиладиган психологик талаблар:**

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш: масалан, қуйи синфда ўқитувчи таълимий суҳбат, ҳикоя усулларидан кенг фойдаланса, юқори синфларда маъруза, семинар, муаммоли ўқитиш ва бошқа усуллардан фойдаланади;

- дарсда табақалаш тамойилига эътибор бериш ва унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш;
- табақавий ёндашув воситаларидан ва индивидуал тарзда таъсир ўтказиш усулларидан фойдаланиш даражаси;
- ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси орасидаги ўзаро муносабат; таълим жараёнида ўқувчиларнинг хотира, қизиқиш, лаёқат, мойиллигига эътибор бериш ва улардан самарали фойдаланиш;
- дарсни ташкил этишда ўқувчининг индивидуал иш суръати, унинг фикрлаш усулларидаги ўзига хосликни ҳисобга олиш.

### **8.4. Дарсга қўйиладиган ахлоқий-этик талаблар:**

Ахлоқий-этик талаблар асосан ўқитувчига тааллуқли. Таълим муассасаси ўқитувчиси ахлоқий, эстетик, сиёсий билимга, ғоявий эътиқодга, ишончга эга бўлиши, ўз касбини, ўқувчиларини ва фанини севиши, нутқига ва ташқи кўринишига эътибор бериши керак. Бу сифатлар орқали ўқитувчи ўқувчиларни шахсий намунаси билан тарбиялайди.

### **8.5. Дарсга қўйиладиган гигиеник талаблар:**

Дарсда муайян гигиеник-санитария ҳолат талаб қилинади: синф хонасининг ёруғлиги, ўқув қуроллари, жиҳозларнинг ўқувчиларнинг ёш

хусусиятларига мос келиши, уни эстетик жиҳозлаш, кўргазмали куруллардан фодаланиш (жадваллар, расмлар, диапозитив, кинофильм) ва ҳоказо.

### **8.6. Дарсга қўйиладиган техник талаблар:**

Техника хавфсизлигига риоя қилиш, ёнғинга қарши чора-тадбирларни кўриш, ўқувчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш.

### **8.7. Дарс типлари**

Ҳар қандай дарс ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у ўзининг аниқ мақсади, вазифалари ва мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилишга мўлжалланган, дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулоти типлари - дарс типлари дейилади.

Ҳозирги замон таълим тизимида кўп қўлланиладиган дарс типлари қуйидагилардан иборат:

1. Аралаш дарси.
2. Янги билимларни баён қилинадиган дарси.
3. Билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш дарси.
4. Машқлар ва амалий ишлар дарси.
5. Умумлаштирувчи ёки такрорлаш дарси.
6. Лаборатория дарси.
7. Ўқувчилар билимини назорат қилиш дарси.
8. Синфдан ташқари ўқиш дарси.
9. Дидактик ўйинли дарслар.

### **8.8. Дарс типларининг қисқача тавсифномаси:**

**Аралаш дарси** - бунда иш олиб боришнинг ҳар хил турлари – тушунтириш, мустаҳкамлаш, текшириш, яқун ясаш уйғунлашган бўлади.

**Янги билимлар баён қилинадиган дарси** – бунда асосий эътибор янги материални ўрганишга жалб қилинади.

**Билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш дарси** – бунда амалий фаолиятга, кўпроқ машқларга эътибор қаратилади.

**Умумлаштирувчи ёки такрорлаш дарси** - бунда муайян мавзулар ва билимлар бўйича ўрганилган материал тизимга солинади.

**Лаборатория дарслари** – олинган назарий билимлар лаборатория шароитида амалда қўлланади, малака ва кўникмалар шакллантирилади.

**Ўқувчилар билимини назорат қилиш, текшириш ва баҳолаш дарсида** - ўқувчилар турли хилдаги синов ва назорат, оғзаки ва ёзма ишларни

бажарадилар. Бу дарсларда кейинги пайтларда оммалашган тестлаш усули ва рейтинг тизими кенг қўлланилади.

**Синфдан ташқари ўқиш дарсида** - болаларда ўқишга, адабиётга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш кўзда тутилади.

### **8.9.Дарс типларининг тузилиши.**

Дарс тузилиши деганда унинг ўқув вазифасини бажаришга ёрдам берадиган қисмлари, босқичлари нисбати ва уларни амалга ошириш изчиллиги тушунилади.

Ўқув вазифаси ва ишнинг мазмунига қараб дарснинг қисмлари ўртасидаги нисбат ўзгариб туради. Уларнинг айримлари дарсда асосий ўринни эгаллайди, айримлари ёрдамчи аҳамиятга ва бўлади ёки умуман иштирок этмайди. Дарснинг ҳар хил типлари тузилишига оид хусусиятлар пайдо бўлади. Шу хусусиятлар тўғрисида талабаларда аниқ тасаввур пайдо қилиш учун бир неча дарс типлари тузилишининг схемасини берамиз.

### **8.10.Янги билимларни баён этиш дарсининг тузилиши:**

- дарснинг бошланишини ташкил этиш;
- дарснинг мақсади ва вазифалари;
- янги материални тушунтиришга тайёргарлик иши (уй вазифаларини текшириш, илгари ўрганилган материални қайтариш ва хоказо);
- тушунтириш (янги билимларни баён қилиш);
- дарсни яқунлаш ва уйга вазифа бериш.

### **8.11. Аралаш дарснинг тузилиши:**

- дарснинг боришини ташкил этиш;
- уй вазифасини текшириш;
- дарснинг мақсади ва вазифаларини баён қилиш;
- янги материални баён қилиш;
- ўтилган материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш;
- дарсга яқун ясаш ва уйга вазифа бериш.

### **8.12.Умумлаштириш ёки такрорлаш дарсининг тузилиши:**

- дарснинг бошланишини ташкил этиш;
- дарснинг мақсади ва вазифаларини баён қилиш;
- ўқув материалларини умумлаштириш ва муайян тизимга солиш;
- дарсга яқун ясаш ва уйга вазифа бериш.

### **8.13.Ноанъанавий дарс турлари.**

Ҳозирги кунда дарс беришда ноанъанавий дарс турлари ҳам қўлланилиб келинмоқда. Ноанъанавий дарс - машғулот жараёнида бирдан яратиладиган ўқув машғулооти бўлиб, ноанъанавий (одатдан ташқари, белгиланмаган) тузилишга эга. Бундай дарслар анъанавий дарсларга ўхшаб, қатъий белгиланмайди.


Дарс беришда қуйидаги ноанъанавий, дидактик ўйинли дарс турларидан фойдаланиш тавсия этилади:

- мусобақа-танлов дарслари;
- ҳамкорлик дарслари;
- баҳолаш ва қиёслаш дарслари;
- “Бахтли воқеа” ўйин-дарслари;
- “Ақлий ҳужум” ўйин-дарслари;
- аукцион дарслар;
- синов дарслари;
- бинар (кўш) дарслар;
- ижодий ҳисобот дарслари;
- матбуот анжумани;
- диалог дарслари;
- эркин фикрлаш дарслари.


Мавзуга қараб, дарс ўтиш турларидан бири танланади. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларга эришишга хизмат қиладиган масалаларига эътибор қаратилади .




## IX. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида қўлланиладиган дарс турлари



## Синов дарсининг ўзига хос хусусиятлари



## Дидактик ўйинли дарсларнинг ўзига хос хусусиятлари



## **Х.Ўқитувчи (талаба) нинг дарсга тайёргарлик кўришининг асосий босқичлари:**

- мавзу бўйича дарс тизимини ишлаб чиқиш;
- дарснинг умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини белгилаш;
- дарснинг етакчи ғоясини ажратиш. Улар мазмунини очиш учун аниқ материаллар йиғиш;
- ўқув материалининг мазмуни, фанлар алоқасини аниқлаш ва боғлиқлик алоқасини ўргатиш. Ўқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билимларидан режалаштирилган дарсда қай даражада фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш;
- кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни танлаш: кино, диафильм, диапозитив ва ҳоказо.
- ўқитишнииг усулларини, воситаларини, услубий йўналишини аниқлаш (маълум дарс учун);
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти, имкониятлари самарадорлигини ошириш йўллариини белгилаш;
- дарс тузилишини ишлаб чиқиш, вақтга мувофиқ дарсни мантикий қисмларга ажратиш;
- дарснинг айрим босқичлари учун тарқатма-дидактик материалларни тайёрлаш;
- ўқув материалларини дарс давомида ва дарс сўнгида мустаҳкамлаш услубларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчилар билимини ҳисобга олиш ва уни назорат қилиш услубини ишлаб чиқиш, ўқувчилардан қай бири маълум дарс назорати остида бўлиши лозимлигини белгилаш;
- мавзу бўйича синфдан ташқари ишлар ҳажминини аниқлаш;
- уйга берилган вазифа устида ишлаш, унинг мазмуни, ҳажминини аниқлаш, уй ишларини ўқувчиларнинг бевосита кузатишлари ва таассуротлари билан боғлашга интилиш;
- уй вазифасини қандай бажариш ҳақида тавсиялар тайёрлаш.

## **XI.Ролли ҳамда ишбоп ўйинлар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш.**

### **1. Дидактик ўйинли дарслар**

Дидактик ўйинли дарсларни ўқувчиларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунлигига қараб сюжетли-ролли-ўйинлар, ижодий ўйинлар, ишбилармонлар ўйини, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Ўқитувчи аввал ўқувчиларни индивидуал, сўнгра гуруҳли ўйинларга тайёрлаши ва уни ўтказиши, улар муваффақиятли чиққандан сўнг, оммавий ўйинларга тайёрлаши лозим. Чунки ўқувчилар дидактик ўйинли дарсларда фаол иштирок этишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари, бундан ташқари, синф жамоаси ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

Ўқитувчи дидактик ўйинли дарсларни ўтказишда қуйидаги дидактик талабларга амал қилиши лозим:

1. Дидактик ўйинли дарслар дастурда қайд этилган таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши.
2. Муҳим муаммоларга бағишланиши ва улар ўйин давомида ҳал этилини.
3. Баркамол инсон шахсини тарбиялаш тамойилларига, шарқона одоб-ахлоқ нормаларига мос келиши.
4. Ўйин структураси мантикий кетма-кетликда бўлиши.
5. Мазкур дарсларда дидактик принципларга амал қилиниши ва энг кам вақт сарфлаган ҳолда улкан самарага эришиш керак. Қуйида биз дидактик ўйинли дарсларнинг тавсифига қисқача тўхталамиз.

## **2. Сюжетли-ролли ўйинлар**

Академик лицей ва касб-хунар таълими ўқувчиларида ижодий фикрлаш, мустақил билим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида бор бўлган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчилар сюжетли-ролли ўйинларни кўпчилик ҳолларда матбуот конференцияси билан аралаштириб юборишади. Ҳар иккала ўйинни таълим жараёнида қўллашдан кўзланган мақсад бир-бирига монанд бўлса-да, улар ўртасида катта фарқ мавжуд. Бу ҳолни дидактикада дидактик ўйинларга етарлича тавсиф берилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг объектлари ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзида ёритиш асосида вужудга келтирилган муаммоларни

Ўқувчиларнинг ўзларидаги билим захиралирига таянган ҳолда ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли-ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бунда ўйин сюжети жамиятдан ёки табиатдан олинади. Баъзан жамият ва табиатдаги муаммолар уйғунлаштирилади. Биология курсини ўқитишда «Аъзоларнинг мослашганлиги ва нисбийлиги», «Турлардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг хилма-хиллигини сақлаш», «Орол дарди – олам дарди», «Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари» мавзуларни сюжетли-ролли ўйинлар тарзида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

### **3.Ролли ҳамда ишбоп ўйинлар\***

Замонавий таълимни ташкил этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчиларда муайян фаолият юзасидан эгалланган назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ҳамда ишбоп ўйинлар ўзига хос ўрин тутади. Бугунги кунда таълим жараёнида қўллаш ниҳоятда қулай бўлган бир қатор ўйинли технологиялар яратилгандир.

Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттиришга, ўқувчиларнинг муайян билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган ҳамда касбий сифатларини таркиб топтириш, уларни онгли равишда касбга йўллаш, илмий дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган дидактик ўйинларни ишбилармонлар ўйини дейилади. Ишбилармонлар ўйини ҳам бошқа ўйинлар каби ўқитувчи ва ўқувчилардан пухта тайёргарлик кўришни талаб этади.

Ўқитувчи ишбилармонлар ўйинини уюштиришда қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириши зарур:

1. Ўйин мавзусини олдиндан белгилаш.
2. Дидактик ўйиннинг мақсади, вазифалари, бориши, мантиқий кетма-кетлиги, ўқувчилар бажариши лозим бўлган топшириқларни аниқлаш ва режалаштириш.

---

\* Мазкур дарс тавсифи ва ишланмаси Ж.Толипова, А.Ғофуровларнинг “Биология таълим технологиялари” (Т.: “Ўқитувчи-2002”) номли қўлланмаси ҳамда Ў.Толипов, М.Усмонбоеваларнинг “Педагогик технология: назарияси ва амалиёт” (Т., Фан-2005) номли монографиясидан ижодий фойдаланган ҳолда тайёрланди.

3. Дидактик ўйин давомида ўқувчилар олдига қўйиладигани ўқув-билишга оид муаммоли вазиятлар тизимини вужудга келтириш йўлларини аниқлаш ва лойиҳалаш.
4. Ўқувчиларни дидактик ўйиннинг мақсад ва вазифалари билан таништириш, дидактик ўйин талаб этадигани вазифаларни тақсимлаш, ҳар бир ўқувчига аниқ йўлланма бериш.
5. Мазкур ўқув-билишга оид муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқувчиларнинг аввалги мавзулардан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини таниш, одатий ва кутилмагани вазиятларда қўллаш имкониятларини аниқлаш.
6. Ўқувчиларнинг дидактик ўйинга тайёргарлик фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш.

Дидактик ўйинли дарсларнинг муваффақияти, аввало, ўқувчиларнинг мазкур ўйинларга пухта ва қизгин тайёргарлик кўришларига, ўқитувчининг мазкур фаолиятни ташкил этиш ҳамда моҳирлик билан бошқаришига боғлиқ. Ўқувчиларнинг бундай ўйинга тайёргарлик кўриш фаолияти қуйидаги масалаларни билишни жаҳозо этади:

1. Дидактик ўйиннинг мақсади, вазифаси, олиб борилиш тартиби, қоидалари билан танишиш.
2. Дидактик ўйин мақсади ва вазифасидан келиб чиқадиган муаммоли вазиятни аниқлаш.
3. Муаммоли вазиятдан чиқишнинг самарали йўлларини топиш.
4. Ҳар бир ўқувчининг ўзи бажариши лозим бўлган вазифаларни англаши, ўқитувчидан керакли йўриқнома ва кўрсатмалар олиш.
5. Турли билим манбаларидан фойдаланган ҳолда муаммоли вазиятни ҳал этишнинг оптимал вариантини танлаш.
6. Дидактик ўйин иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро назорат вужудга келишини таъминлаш.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўйинли технологиялар таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларда муайян фаолликни юзага келтириш, шунингдек, билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилувчи вақт оралиғини қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишда бир қатор психологик хусусиятлар ҳам намоён бўладики, бунинг оқибатида ҳар ўқувчи ўзининг шахсий имкониятларини намоёйиш эта олади, ижтимоий ҳаётда ўзи эгаллаган

ўринни барқарорлаштиради, ўз – ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади. Ўйинли технологиялар нафақат назарий билимларни мустаҳкамлаш, уларнинг амалий кўникма ва малакаларга айланишини таъминлаш, балки ўқувчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялашга ёрдам беради.

Педагог ва психолог олимлар – Д.Н.Узнадзе, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, С.А.Шмаков, Г.К.Селевко, П.Я.Гальперин, И.Оллоёров, А.А.Вербицкий ва бошқалар ўйинга асосланувчи фаолиятнинг моҳияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари борасида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Айтилишича биз бу борада зарур назарий ва амалий маълумотларга эгамиз.

Ўйинларни ташкил этишда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади:

- таълимий (дидактик) мақсад;
- тарбиявий мақсад;
- фаолиятни ривожлантиришга йўналтирувчи мақсад;
- ижтимоий мақсад.

Г.К. Селевконинг фикрича, ўйин психопедагогик жараён саналиб, у қуйидаги тузилмага эга бўлади:

#### 4. Дидактик ўйинларнинг умумий тавсифи




Қуйида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлардан бирининг намунавий лойиҳасини келтираемиз.

#### Мавзу: 1.«Адолат ўлкасига саёҳат».

Ўйиннинг мақсади – ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, уларда ҳуқуқий идрок ва зехни шакллантириш. Мазкур ўйин беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин. Унда икки ёки тўртта гуруҳ иштирок этиб, бир қатор шартларни бажарадилар.

**“Адолат ўлкаси” нинг шартли номлар билан номланувчи кўчалари**





Ўйинни ташкил этиш жараёнида гуруҳлар мазкур кўчаларда бўлган вақтларида уларнинг номлари билан боғлиқ шартларни бажаришлари лозим. Қуйида «Адолат ўлкаси» нинг шартли номлар билан номланувчи «кўчалари» ҳамда ушбу “кўчалар” моҳияти хусусидаги фикрларни ифода этамиз.

### **2.Билағонлар кўчаси**

Бу ерда ҳар гуруҳ портретларда тасвирланган ёки ўзлари танлаб олган варақаларда номлари ёзилган давлат, сиёсат ва ҳуқуқ арбобларининг ҳаёти, фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари керак бўлади. Ўйинда Аристотель, Платон, Абу Наср Форобий, Бурҳониддин Марғилоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Давоний, Шароф Рашидов ва бошқа шахслар портретларининг намойиш этилиши ҳамда улар тўғрисида маълумотлар берилиши талаб этилиши мумкин. Шунингдек, мазкур «кўчада» «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Бола ҳуқуқлари Конвенцияси», БМТ, Гаага суди, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи «Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи Омбудсман» тўғрисидаги маълумотларнинг берилиши каби шартдан ҳам фойдаланиш мумкин.

### **3.Конституция кўчаси**

У ерда ҳар бир гуруҳнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мазмунини қай даражада билишлари ҳамда шарҳлай олишлари аниқланади. Гуруҳ аъзоларининг бу борадаги билимларини аниқлаш Республика Қомуси бўйича тузилган саволларга уларнинг берган жавобларини беш балли тизим бўйича баҳолаш асосида кечади.

### **4.Изкуварлар кўчаси**

Бу ерда гуруҳларга 8 ёки 10та юридик сўздан иборат ҳикоя тузиш вазифаси топширилади. Гуруҳлар ўзларига берилган қуйидаги сўзлар: суд, ўғрилиқ, жазо муддати, қораловчи, ҳукм, суриштириш, қарор, йил ва ҳоказолар ёрдамида шартни бажаришлари мумкин, бу сўзлар беллашув ҳайъати томонидан тақдим этилади ёки бошқа мазмундаги шартларни бажаришлари мумкин. Масалан, А.Конан – Дойлнинг “Шерлок Холмс ва

доктор Ватсоннинг саргузаштлари” номли асаридан олинган, жиноий хатти – характерлар сирини очиш борасидаги сюжет берилиши мумкин.

### 5. Жумбоқ кўчаси

Бу ерда гуруҳлар эътиборига ҳуқуқий мазмундаги ребус ёки кроссворд (бошқотирма)ларни ечиш вазифаси ёки кўйидаги кўринишдаги жадвал мазмунини ёритиш топширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кўйида берилган бўлим ва бобларнинг қандай номланишини айтинг:

1-бўлим I боб	5-бўлим XXI боб	3-бўлим XIV боб
2-бўлим VII боб	6-бўлим	4-бўлим XVI боб

б) кўйида берилган ифодалар қайси юридик ҳужжатларнинг мазмунини ёритмоқда:

Топшириқлар			
Ушбу фуқароларга тарбия бериш, хунаар ҳуқуқий белгилайди фуқароларнинг олишдан конституциявий ҳуқуқларинг таъминлашга қаратилган.	Қонун таълим-касб-ўрганишнинг асосларини ҳамда билим иборат	Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўз фаолиятларида “Таълим тўғрисида”ги Қонунга; шу қонунга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади.	Миллий дастурнинг мақсади аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратади.

Ушбу кўчада берилувчи шартларнинг таркиби ҳуқуқий лингвистикадан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан: берилган қўшимчалар орасида шундай бир мустақил сўзларни ёзиш талаб этилади, натижада юридик атама ёки икки, уч сўздан иборат тизим ҳосил бўлсин:

МУ. . .ЛИК	– эркак кишининг исми ёрдамида ҳосил қилинувчи қасд тури. (Муқобиллик)
ҚО. . .ЛИК	– алоқа алмашув воситаси ёрдамида ҳосил

	қилинувчи жиноят таркиби. (Қотиллик)
ТАЛ. . .ЧИ	– лаҳза, муддат ёрдамида ҳосил қилинувчи жиноят содир этган шахс. (Талончи)
БОС. . .ЧИ	– пичоқ солинувчи махсус ниқоб ёрдамида ҳосил қилинадиган жиноятчи номи. (Босқинчи)
ТАД. . .КОР	– санок сони ёрдамида ҳосил қилинувчи жисмоний шахс, маълум соҳа эгаси. (Тадбиркор)
КО. . .ТИВ	– санъат тури ёрдамида ҳосил қилинувчи мулкчилик шакли. (Кооператив)

### **6.Тафаккур кўчаси**

Бу ерда ҳар бир гуруҳ “Давлат ва ҳуқуқ асослари” курси доирасидаги исталган мавзу юзасидан кўрсатмали қурол, жадвал ёки шарҳ тайёрлаши керак бўлади.

### **7.Маҳорат кўчаси**

Бу ерда ҳар бир гуруҳ ҳуқуқий мавзудаги шеър, кўшиқ ижро этиб беришлари керак (мазкур шартда ахлоқий мавзудаги, хусусан, адолат, ҳақиқат, одиллик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, диёнат, виждон каби туйғулар ҳақидаги бадиий асар намуналаридан ҳам фойдаланиш мумкин).

Ролли ўйинлар асосида ташкил этилган беллашувлар ўқувчиларда назарий ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаш, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш эҳтиёжининг юзага келишига туртки беради.

Ҳуқуқ машғулотларида «Қонун ва ёшлар» номли деворий газетани чиқариш ҳам ижобий самара беради. Унинг саҳифаларида муайян мавзу моҳияти, Республика ижтимоий – ҳуқуқий ҳаётида рўй бераётган воқелик, қабул қилинаётган Қонун, қарорлар ҳамда Президент фармонларининг мазмун ва тафсилотлари кенг ёритиб борилади. Шунингдек, мактаб Устави ва ички тартиб – қоидаларини бузган ўқувчиларнинг хатти – ҳаракатлари, уларга нисбатан жамоанинг фикри ҳамда “Мактаб ўртоқлик суди” жараёнидан тайёрланган репортажлар кенг ўрин олади. Ўқитувчи деворий газетанинг чиқарилишида синф барча аъзоларининг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор бериши лозим. Ролли ўйинлар ёки деворий газетани тайёрлаш чоғида ҳар бир ўқувчининг иштирокини таъминлаш, айтилиши вақтда, уларнинг назарий билим, амалий кўникма ва малакалари даражасини ҳам баҳолаб бориш учун шароит яратади.

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича ўқувчиларга фанлар асослари тўғрисида билимлар бериш жараёнида қўлланиладиган замонавий технологиялар ўз хусусиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) назарий – ҳуқуқий билимларни мустаҳкамловчи технологиялар – суҳбатлар, учрашувлар, “Ҳаёт ва қонун”, “Қонун ҳимоясида” каби журналлар, “Адолат”, “Қонун ва ҳаёт” газеталари материалларини ўрганиш, таҳлил этиш ва бошқалар;

б) амалий – ҳуқуқий фаолиятни шакллантиришга қаратилган технологиялар – “Мактаб ўртоқлик суди”, ҳуқуқий вазиятларни ҳал қилишга йўналтирилган машқлар, “Қонун ва ёшлар” деворий газетасини чиқаришни йўлга қўйиш, “Адолат ўлкасига саёҳат” номли ўйин ва ҳоказолар;

в) ижтимоий – ҳуқуқий воқелик ва унинг моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи ҳуқуқий – мантиқий мазмундаги технологиялар. Улар қаторига “Ҳуқуқ ва ижтимоий ҳаёт” рукнидаги давра суҳбати, семинарлар, конференциялар, баҳс – мунозараларни ташкил этиш ва бошқа тадбирлар киради.

*Хулоса, қилиб шуни айтиш жоизки*, ўйинли технологиялар турли шаклда бўлса-да, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилган, яъни улар ўқувчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимлардан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий муносабатларни уюштиришга тайёрлаш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришдан иборат вазифани ҳал этади.

#### **Мавзу бўйича таянч сўзлар:**

Дарс типлари, тавсифнома, ноанъанавий дарс, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, дарс тизими, таассурот.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Дарсга қандай талаблар қўйилади?
2. Қандай дарс типларини биласиз?
3. Дарс тузилиши ҳақида гапириб беринг.
4. Қандай ноанъанавий дарс турларини биласиз?
5. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор бериши лозим?

#### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Дарсга кўйиладиган барча талабларга эътибор бериб, дарсингиз ишланмасини тузинг.
  2. Мавзуга доир кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар тайёрланг.
  3. Уй вазифани қандай бажариш ҳақида ўқувчиларга тавсиялар тайёрланг.
- Ноанъанавий дарс ўтиш режасини тузинг.

## **ХII. Амалиётчи-галаба томонидан синов дарсларини режалаштириш ва ўтказиш.**

### ***1. Синов дарсларни режалаштириш:***

1. Амалиёт бошида ўтказилиши белгиланган синов дарсларнинг жадвали тузилади.
2. Дарсинг сценарийси ва режаси ўқитувчи томонидан тузилади ҳамда кафедранинг (фан уюшмасининг) эътиборига ҳавола қилинади.
3. Дарслар режасини тузишда, дарсларнинг барча турларида самарадорликка эришиш, ўқув жараёнини жадаллаштириш воситаларига аҳамият бериш талаб этилади.
4. Дарсларнинг мавзуси муаллиф томонидан белгиланади ва ўқув адабиётларида кам ёритилган ёки ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларга кўпроқ эътибор қаратиш тавсия қилинади.
5. Дарслар жадвалини тузишда, унга билим рейтинги ҳар хил поғонадаги гуруҳларни киритиш, дарсдан сўнг 2-3 кун ўтгач, ўқувчиларнинг шу дарсдан олган қолдиқ билим-кўникмасини аниқлаш учун синов ўтказилади. Синов натижаларидан синов дарсинг якуний муҳокамасида фойдаланилади.

### ***2. Синов дарсга кўйиладиган талаблар:***

1. Дарс таълим-тарбия, интеллектуал ривожланиш, жисмоний ва руҳий барқарорланиш жараёнининг ташкилий қисмларидан бири бўлиши керак.
2. Дарс сценарийсида дарсинг илмий салоҳияти, илмий асосланганлиги, ёритилаётган мавзунинг аниқлиги, илм-фан ривожининг ўрни, мавзу бўйича илмий муаммолар борлиги акс эттирилиши лозим.
3. Дарсинг услубий оптималлигига, ўқитишнинг техникавий воситаларини тўғри танланишига алоҳида аҳамият бериш керак.
4. Дарс шаклларида қатъи назар, асосий мақсад ўқувчини мустақил фикрлаш ва мустақил таҳсил олишга йўллаш ўқув жараёнининг асосий омили эканлигини кўзда тутиш зарур.

5. Дарс ўқитувчининг ўқув жараёнидаги илмий-услубий изланишлари натижаси бўлиб, унинг таҳлилий меҳнати натижаси эканлигини кўрсатиш лозим.

### ***3. Синов дарсни тайёрлаш.***

1. Амалиётчи-талаба дарсга тайёрланишда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

- дарс вақтини унумли режалаштириш;
- манбаларни чуқур ўрганиш;
- шу дарсдаги гуруҳ ўқувчиларининг ўзларига хос имкониятларини ҳисобга олиш (дарс мавзусини тушунтириш учун аввал олган билимларнинг кўникма даражасини белгилаш);
- дарс беришнинг услуб ва воситаларини тўғри танлаш;
- иқтидорли ёшларга мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежида чуқур таълим бериш талабларига жавоб бериш.

2. Дарс мавзусини шундай танлаш керакки, у ўқитувчининг педагогик маҳоратини, услубини, билимини ва дарс ўтиш воситаларини аниқ кўрсатсин.

3. Дарсга тайёрланиш даврида ўқитувчи илмий-услубий изланиши, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларнинг замонавий манбаларидан фойдаланиши керак. Бу ўқувчиларда таҳсил олишга қизиқиш уйғотиб, замонавий ютуқлардан бохабар бўлиш имкониятини яратади.

4. Дарс сценарийсида, белгиланган вақт давомида ўқитувчи ва ўқувчини нима қилиши кераклиги аниқ кўрсатилиши лозим.

5. Дарснинг моддий-техникавий таъминотини илгаридан тайёрлаш, барча кўргазма ва намоёиш воситаларидан фойдаланиш кетма-кетлигини аввалдан режалаштириш керак.

6. Кафедралар синов дарсга тайёрланиш вақтида, муаллифга техникавий, услубий, ашёвий ва таҳлилий ёрдам бериши керак.

### ***4. Синов дарснинг услубий таъминоти.***

1. Дарснинг услубий мажмуаси қуйидагилардан иборат:

- фаннинг тақвим-мавзу режаси;
- маъруза матни ёки машғулот (лаборатория, амалиёт, мустақил иш)нинг режаси;
- дарс сценарийси;

- дарс сценарийсида кўрсатилган дидактик, кўргазма материаллар ва бошқа техникавий воситалар;
- назорат иши учун саволлар тўплами;
- уй вазифаси саволлари ёки масалалари тўпламлари;
- ўз-ўзини назорат қилиш саволлари;
- услубий мажмуанинг таркиби дарс тури билан боғлиқ ҳолда танланади.

2. Дарснинг услубий мақсади қуйидагича таърифланиши мумкин:

- амалий дарсларда компьютер техникасидан фойдаланиш;
- таълимий-тарбиявий жараёндаги муаммоли таҳсилнинг ўрни;
- янги мавзунини ўзлаштиришда техникавий воситалардан фойдаланишнинг ўрни;
- фанлараро боғлиқлик, бўлимни синовдан ўтказиш;
- ўқувчининг мустақил ишлашини ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини жадаллаштириш;
- ўқувчининг кўрсатма ва дидактик манбалар билан ишлашини оптималлаштириш ва ҳоказо.

3. Дарснинг услубий қўлланмаси синов дарс муҳокамасида кўрсатилган ижобий таклифлар билан бойитилган ҳолда қайта ишлаб чиқилади, таълим муассасаси услубий кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг оммалаштиришга тавсия қилинади.

### **5. Синов дарсни ўтказиш.**

1. Дарс, барча дарслар доимий ишчи шароитда ўтказилади.
2. Дарсга ташриф буюрувчилар ўқитувчи ва ўқувчиларга халақит қилмаслик учун ўз ўрниларини аввалроқ эгаллайдилар.
3. Дарсга ташриф буюрган шахслар дарс вақтида ва ўқувчилар олдида ҳеч нарсага аралашмайдилар ва дарсга ҳалал бермасдан ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳаракатларини ўрганиб ўтирадилар.
4. Дарсга ташриф буюрганлар муаллифнинг олдида қўйган мақсадига қандай эришишини диққат билан кузатадилар ва ўз фикрларини ташриф варақаларида қайд қилиб борадилар.
5. Дарс ўтказилган кунини дарсни таҳлил қилувчилар ўз фикрларини ўзаро муҳокама қилиб, қарор баённомасини тайёрлайдилар.
6. Дарсдан сўнг 2-3 кун ўтгач, дарс мавзуси бўйича ўқувчиларнинг қолдиқ билим (кўникма) даражаси синов орқали аниқланади.

## **6. Синов дарснинг муҳокамаси ва таҳлили.**

1. Дарснинг таҳлили унда қатнашган ўқувчиларнинг қолдиқ билим даражаси аниқлангандан сўнг ўтказилади.
2. Дарснинг таҳлили кафедрада таълим муассасаси маъмурияти иштирокида ўтказилади.
3. Муҳокаманинг мақсади: дарснинг тўғри ўтказилганлигини баҳолаш, танланган услуб ва воситаларнинг мувофиқлигини аниқлаш, муаллифга у танлаган айрим услуб ва воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигиги кўрсатиш.
4. Муҳокама куйидаги таркибда ўтказилиши тавсия қилинади:
  - дарс олиб борган ўқитувчи;
  - дарс таҳлилида иштирок этган ўқитувчилар;
  - кафедра аъзолари;
  - таълим муассасаси маъмурияти, ўқув ва услубий ишлар бўйича масъул ходимлар.
5. Муҳокама иштирокчилари тўлиқ фикрга эга бўлиши учун дарс муаллифига биринчи сўз берилади. Муаллиф дарснинг мақсади ва унга эришиш учун қўлланган услуб ва фойдаланилган воситалар ҳақида аниқ маълумот беради.
6. Муҳокамада сўзга чиқувчилар дарснинг барча ютуқ ва камчиликларини тўлиқ очиқ беришлари лозим. Муҳокамада дарсда эришилган ютуқ, қўлланилган услубларнинг самарадорлигига, жиҳоз ва техникавий воситалардан фойдаланиш даражасига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Муаллифнинг келгусидаги ишида ёрдам бериш учун барча йўл қўйилган камчиликлар ва ортиқча ҳаракатлар аниқ кўрсатилиши керак.
7. Муҳокама сўнгида кафедра мудирини муҳокама қилинган мажмуани амалга жорий этилиши ҳақида якуний фикр ва таклиф бериши керак.
8. Муҳокамада сўзга чиққанлар, таҳлил қилинган услубий мажмуанинг тарбиявий томонини, ўқувчиларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга таъсирини, улар орқали келгусида мутахассисга керак бўлган сифатларни шакллантиришдаги ўрни ҳақида фикр билдиришлари керак.
9. Муҳокама оқилона ва дўстона вазиятда, фикр алмашиш, баҳслашиш шароитида ўтиши лозим.
10. Муҳокама охирида муаллифга яна сўз берилади.
7. ***Синов дарс натижаларини ўқув жараёнига жорий этиш.***



1. Кафедранинг таклифига биноан синов дарс таҳлили натижаси ўқув жараёнига жорий этилиши керак бўлган илғор педагогик тажриба ҳисобланади.
2. Дарснинг услубий мажмуасини кенг жорий этиш учун унинг барча манбалари (сценарий, техникавий воситалар, маърузалар матни ва ҳоказо) ўқитувчилар ўртасида оммалаштирилади.
3. Дарсда қатнашган ўқитувчилар варақада тўлдирилган синов дарс таҳлилини ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига топширадилар.
4. Дарс бўйича услубий қўлланмаларни тайёрлаш, таклиф ва хулосаларнинг таҳлили илғор педагогик тажриба татбиқларига киритилади.
5. Таълим муассасаси педагогик кенгашида синов дарс натижалари кенгаш аъзоларига етказилади. Педагогик кенгаш қарорига илғор педагогик тажрибаларидан фойдаланиш тўғрисида аниқ таклиф ва тавсиялар киритилади.
6. Таълим муассасаларида таълим-тарбия бериш услубларининг янги, илғор шакллари амалда қўллаб-қувватланиши керак.

#### **8. Бир соатлик дарс режасининг тахминий намунаси.**

Сана: \_\_\_\_\_ Синф: \_\_\_\_\_ Фан: \_\_\_\_\_

Дарсга қатнашаётган ўқувчилар сони: \_\_\_\_\_

Фан ўқитувчисининг исми, шарифи: \_\_\_\_\_

Дарс мавзуси: \_\_\_\_\_

Дарснинг мақсади: а) таълимий: \_\_\_\_\_

б) тарбиявий: \_\_\_\_\_

в) ривожлантирувчи: \_\_\_\_\_

Дарсда қўлланиладиган услублар: \_\_\_\_\_

Дарснинг тури: \_\_\_\_\_

Дарснинг жиҳози: \_\_\_\_\_

#### **Аралаш дарс турининг тузилиши қуйидагича:**

Дарс ўтказиш тартиби:

- ташкилий босқич;
- ўтган мавзуни сўраш ва баҳолаш;
- уй ишини текшириш ва баҳолаш;
- янги мавзунинг баёни;
- ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш;

- дарсни хулосалаш;
- уйга вазифа топшириш;
- ўқувчилар билимини баҳолаш ва изоҳлаш;
- фойдаланиш керак бўлган адабиётлар рўйхати;

Дарсда ўқувчилар билимини баҳолашни барча босқичларда қўллаш мумкин.

### **ХШ. Дарсни кузатиш, таҳлил қилиш типлари, турлари ва уларнинг қисқача тавсифномаси.**

Дарс таҳлили – ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва уни юксак даражага кўтаришга қаратилган фаолиятдир.

#### **1. Дарс таҳлилининг типлари:**

Тўла таҳлил – ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш сифатини назорат қилиш ва ўқитувчининг иш услубини ўрганиш мақсадида ўтказилади.

Қисқа таҳлил – унинг сифатини умумий баҳолаш мақсадида ўтказилади. Фақат асосий дидактик категорияларни (дарсда асосий мақсадларнинг амалга оширилганлиги, барча билиш топшириқларининг бажарилганлиги, режанинг бажарилганлиги) назарда тутлади.

Комплекс таҳлил – дарснинг мақсади, услуби, мазмуни, уни ташкил қилиш шакллариининг ҳар томонлама бирликда ва ўзаро боғлиқликда кўриб чиқишни назарда тутлади.

Аспектли таҳлил – дарс таҳлилининг бирор бир турини мўлжаллайди. Бу асосан нуқсонларни аниқлаш ёки ўқитувчи фаолиятининг илғор педагогик усуллариини аниқлаш мақсадида қўлланилади.

#### **2. Дарс таҳлилининг турлари.**

Дарс таҳлилининг турлариини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: илмий таҳлил, услубий таҳлил, дидактик (таълимий) таҳлил, умумпедагогик таҳлил.

#### **3. Илмий таҳлил.**

Илмий таҳлил берилаётган билимларнинг илмий-назарий жиҳатини, ўқувчи бажараётган мустақил ишнинг эса мақсадга йўналиши жиҳатидан тўғрилигини аниқлаш демакдир. Дарснинг илмий таҳлилида асосан қуйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

- а) қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши;
- б) мавзуга нисбатан ўқитувчининг илмий ва ижодий ёндашиши;
- в) ўқитувчи ва ўқувчининг нутқ маданияти;

г) дарслик материалларини қўшимча адабиёт материаллари билан бойитиш ва ўқувчи бажараётган мустақил лаборатория ишларининг мақсадга мувофиқ йўналиши;

д) ўқувчи хулосасининг илмий жиҳатдан тўғри, қисқа ва мукамал баён этилишининг назорат қилиниши;

е) ўқув фанининг ўзига хос хусусиятлари;

Дарсни илмий таҳлил этишда ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти чуқур ўрганилмоғи зарур. Қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши ва мавзуга илмий ёндашиш бир-биридан ажралмаган ҳолда таҳлил қилиниши керак, улар бир-бирини тўлдиради. Илмий тушунча, қоида, таъриф, назарий билимлар, малака ва кўникмаларга ўқувчилар томонидан берилган жавоблар, ўқувчилар фаоллиги ҳам таҳлилда акс этиши лозим.

Қоида, таърифларнинг тўғри баён этилиши кўп жиҳатдан ўқитувчи нутқининг равонлигига, талаффузидаги аниқлигига боғлиқдир.

### **3. Услубий таҳлил**

Дарсда ўқитувчи томонидан қўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги таълимнинг турига қараб белгиланади. Ўқув материални ўқувчиларга тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материалга мослиги ёки мос эмаслиги услубий таҳлил давомида аниқланади. Дарс усулларини таҳлил қилишда қуйидагилар ҳисобга олиниши керак:

1. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ташкилий шаклларига кўра:

а) ҳикоя усули (ўқитувчининг ўқув материални баён этиши кўринишида);

б) суҳбат усули.

2. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши даражасига кўра:

а) ўқитувчининг сўзлаш усули;

б) дарслик билан ишлаш усули;

в) кўргазмали қуроллардан фойдаланиш усули.

У ёки бу фаннинг ўқитилиши услубий жиҳатдан таҳлил этилганда, бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги масалалар эътиборда бўлиши лозим:

а) таълимнинг мақсади;

б) таълимнинг мазмуни;

в) таълимни ташкил этиш шакллари;

г) таълим манбалари;

д) таълим усуллари.

Дарсни таҳлил этиш жараёнида услубшунос куйидаги услубий амалларга эътибор бериши керак:

1. Тушунтиришнинг содда ва оммавийлиги.
2. Ўқувчилар тушунтиришларининг қулай, осон бўлиши учун барча имкониятлардан фойдаланиш.
3. Дарслик материални бойитувчи қўшимча материалларни ўқувчи ёшига мослаб тақдим этиш.
4. Мустақил ишларнинг ўқувчи ёши ва қобилиятига мос бўлишига эришиш ва бошқалар.

#### **4. Дидактик (таълимий) таҳлил.**

Дидактик таҳлил – таълим турлари самарадорлиги ва уни белгиловчи конунларнинг дарсда қанчалик тўғри ва мукамал бажарилганлигини таҳлил қилиш демакдир.

Дидактик таҳлил дарс жараёнида ўқитувчининг таълим тамойилларини қай даражада татбиқ этаётганлигига ва куйидаги педагогик талабларга қаратилиши лозим:

- а) ўқитувчи баёнининг синф жамоасига тўла тушунарли (оммабоп) бўлиши;
- б) билдирилаётган фикрнинг ғоявий жиҳатдан миллий тарбия талабларига мос тушиши;
- в) ўқув материалининг барча ўқувчилар томонидан онгли равишда ўзлаштирилиши;
- г) кўрсатмали қуроллардан, техника воситаларидан тўғри фойдаланиш даражаси;
- д) тажриба, лаборатория ишларининг кўзланган мақсадга йўналтирилган ҳолда ўтишига эришиш;
- е) дарслик билан ишлашнинг тўғри бўлиши;
- ж) келтирилаётган мисолларда, далилларда таълимий-тарбиявий мақсадларнинг бирлиги ва бошқалар.

#### **5. Умумий педагогик таҳлил.**

Умумий педагогик таҳлил – дарсдаги ҳамма жиҳатларнинг қисқа ва энгил кўринишдаги таҳлилидир.

Ўқитувчи дарсига киришдан олдин ёки дарси кузатилгач, унинг синф қайдномасини юритиш, ўқувчиларнинг дафтарларини текшириб боришнинг аҳволи, ота-оналар билан олиб борилган ишлари каби барча фаолиятдаги

ютуқ ва камчиликларни таҳлил этилган дарсдаги ютуқ, камчиликлар билан тенг кўрсатиб ўтиш фойдалидир.

Дарсни умумпедагогик жиҳатдан таҳлил қилганда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- дарс жиҳозлари;
- синф хонасининг тайёрлик ҳолати;
- дарс босқичларидан тўғри фойдаланиш;
- ўқитувчининг педагогик-психологик жиҳатдан намунали шахс даражасига кўтарила олиши;
- ўқувчи билимига қўйиладиган баҳонинг холисона, изоҳли бўлиши;
- ўқувчилар интизоми;
- ташқи муҳит, иш шароити;
- парталарнинг ўқувчилар гавдасига мослиги;
- ўқитувчининг ўқувчига берган саволлари;
- ўқувчининг ўқитувчига берган саволлари.

Умумий педагогик таҳлил соҳасидаги тажрибалардан келиб чиқиб, қуйидаги маслаҳатларни доимо ёдда тутмоқ керак:

1. Берилган саволга дарров жавоб айта олмайдиган ўқувчи учун бир оз кўшимча вақт берилиши лозим.
2. Жавобни бошлашда қийналган ўқувчига ўқитувчининг ёрдам бериб юбориши ўринлидир.
3. Ўқувчи билимига қўйилган баҳони албатта шарҳлаш керак.
4. Муомала ва мулоқотда эҳтиёткор бўлиш лозим.

### **6.Ўз дарсини ўзи таҳлил қилиш.**

#### **(Аудио таҳлил)**

Дарслар фақат ўзгалар томонидан таҳлил қилинибгина қолмай, улар дарс олиб борган ўқитувчининг ўзи томонидан ҳам таҳлил қилиниши мумкин.

Камчиликларни тузатиш, ўз дарсини қайта кўриш мақсадида ўқитувчи дарсдан чиққач, дарс жараёнини тўла эслашга ҳаракат қилади. Ҳар бир дарс босқичида бажарилган ишлар, қўлланилган усулларни таҳлил қилади, уларни нималар билан тўлдириш кераклигини аниқлайди.

Ўз дарсини ўзи таҳлил қилиш давомида эришилган ютуқларини яққол кўриш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун илғор тажрибали ўқитувчи дарсларига кириб, ўз дарслари билан таққослаши лозим.

## **7.Ўқитувчининг (талабанинг) ўз дарсини ўзи таҳлил қилишни амалга ошириш намунаси.**

Ўқитувчининг ўз дарсини ўзи таҳлили – бу жуда мураккаб ички жараён бўлиб, фикран амалга оширилади. Ўқитувчи ўз-ўзини таҳлил қилганда, фикран ўз дарсини қисмга-қисм, ўз мушоҳада тақризидан ўтказди. Бундай қилинишининг мақсади ўтказилган дарсни замонавий педагогика, психология, услубий ва илғор педагогик тажрибалар талабига жавоб беришини аниқлаш ва шу жиҳатдан ўз дарсига баҳо беришдир.

Шу асосда ўқитувчи ўз дарси ютуқ ва камчиликларини аниқлаб, педагогик маҳоратини такомиллаштириш режасини тузиши лозим. Ўз-ўзини таҳлил қилиш учун ўқитувчи қуйидаги саволларга жавоб топиши керак:

1. Дарсни режалаштирганда ўқитувчининг ўрганиш натижалари ва уларнинг ўқув имкониятлари ҳисобга олинadими?
2. Ҳозирги ўтилган мавзунинг ўтган мавзу билан боғлаш келаси дарс учун замин тайёрлайдими? Ўтилган дарснинг бошқа дарслар туркумида тутган ўрни қандай?
3. Дарсни учала дидактик (таълимий, тарбиявий, ўқувчи шахсини ўстириш) мақсадлари амалга ошириладими? Уларнинг яхлитлигига эришиладими?
4. Дарснинг тузилиши ўқув материалининг мазмунига, ечиладиган ўқув топшириқларининг характерига мос келадими? Дарснинг бир босқичидан иккинчисига ўтиш тўғри амалга ошириладими? Дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиладими?
5. Дарснинг асосий моҳияти, белгилловчи ғоялари таъкидланадими?
6. Дарсга танланган усул, восита, принциплар янги ўқув материалининг мазмунига тўғри келадими? Ўқитишнинг ҳозирги замон воситаларидан унумли фойдаланиладими?
7. Дарсда ўқувчиларга яқка ва табақалаштирилган ҳолда ёндашилдими?
8. Ўқувчининг дарсда билим, кўникма, малакаларни эгаллашларини назорат қилиш қандай ташкил этилди? Уларга қўйилган баҳолар тарбияловчи характерга эга бўлиб, ўқиш фаолиятини рағбатлантирадими?
9. Дарсда ўқувчининг билиш фаолиятини ўстиришга ва унда ўқишга истакни шакллантиришга эътибор берилдими?
10. Дарсда ўқув анжомларидан, кўргазмали куроллардан фойдаланиш қай тарзда амалга оширилди?

11. Дарсдаги рухий муҳит, ўқувчилар ва ўқитувчининг ўзаро муносабатлари қандай?
12. Уй топшириқларини текшириш методикаси қай тарзда амалга оширилди?
13. Дарсда қандай қийинчиликка дуч келинди, уларнинг сабаблари нима ва қайси йўллар билан бартараф қилиш мумкин?
14. Мазкур дарс мақсади ва вазифасини амалга ошириш учун ўқитувчининг билим малакаси етарлими? Ўз билимини қайси йўналишда янада чуқурлаштириши зарур? Ўз-ўзини таҳлил (аудиотаҳлил)да ўқитувчи дарснинг фикрий нусхасини унинг амалдагиси билан солиштириб, шу асосда умумий савиясини, илмий назариясини, психологик, педагогик, услубий маҳоратини янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб олиши лозим.

### **8.Дарс таҳлиliga кирувчилар учун қўйиладиган педагогик талаблар:**

**Ёдингизда бўлсин:** дарс таҳлили ўқитувчи (талаба)нинг касбий малака ва кўникмалари қай даражада шаклланганлиги даражасини аниқлаш ютуқ ва камчиликларини қайд этиш, дарс бериш тажрибасини ўрганиш, унга услубий маслаҳатлар бериш мақсадида ўтказилади.

**Эсингизда тутинг:** таҳлил давомида ўқитувчи (талаба)нинг шахсиятига тегиш, обрўсини тўкиш, камситиш, камчиликларини бўрттириб кўрсатиш, дарсга алоқаси бўлмаган масалаларни муҳокама қилишга йўл қўймаслик керак.

#### **Қуйидагилар доимо диққат марказингизда бўлсин:**

1. Дарсга кирилиши режалаштирилган ўқитувчи (талаба) бу ҳақда олдинроқ огоҳлантириши керак.
2. Дарсни таҳлил қилиш учун синф хонасига фан ўқитувчиси (талаба) билан биргаликда кирилади.
3. Дарс жараёнида қуйидагиларга йўл қўймаслик лозим:
  - дарс ниҳоясига етгунга қадар сабр-тоқатли бўлиш ва дарс тугамасдан туриб синф хонасидан чиқиб кетиш;
  - дарс давомида ўрнидан туриб юриш ва ўқувчиларнинг дафтарини текшириш;
  - ўқитувчи, ўқувчи ва бошқаларга турли хил ишоралар қилиш;

- дарс таҳлилида иштирок этаётганлар билан баланд овозда гаплашиш, у ёки бу вазиятни муҳокама қилиш;
- дарс давомида таҳлил иштирокчиларининг саволларига жавоб бериш;
- ўқитувчи (талаба) билдирган фикрга нисбатан ўз норозилигини баланд овозда ошкора қилиш;
- ўқитувчи, ўқувчи ва бошқалардан дарслик, ўқув қўлланмалари, курулларини сўраб олиш;
- ўқитувчи (талаба)дан ва таҳлил иштирокчилардан аччиқланиш, уни очикчасига ошкора қилиш;
- ўқитувчи (талаба)га нуқсонлари, камчиликлари учун ўқувчилар олдида танбеҳ бериш;
- ўқитувчи (талаба)нинг ўрнига дарс беришга интилиш, уларнинг фаолиятига аралаштириш.

4. Муҳокама (таҳлил)ни бошламасдан олдин ўтилган дарс хусусида ўқитувчи (талаба)нинг шахсий фикрини эшитиш, баъзи вазиятларда нима учун у ёки бу услубий воситани қўллаганлиги сабабларини билиш керак.

4. Дарс хусусида билдирилган фикрлар ҳолисона, дўстона бўлиши керак.

5. Муҳокама (таҳлил) дарс тугагандан сўнг ўтказилиши шарт.

Агар шу талаблар бажарилмаса, Сиз ўқитувчи (талаба)нинг дарсни ташкил этишига, таълимнинг самарадор ва мукамал усулларини танлашига, ўқувчилар жамоасини ўқув-билиш фаолиятига фаол жалб қилишига, синфда зарур тартиб-интизомни ўрнатишига ҳалақит берган бўласиз!

**Ёдингизда бўлсин:** Сизнинг дарсадаги интизомингиз таҳлил давомидаги ҳолисона позициянгиз ўқитувчи (талаба)нинг мустақил ва унумли ишлашида муҳим омилдир.



**9. Дарсни кузатиш ва таҳлил қилишнинг тахминий тизими (схемаси) – 1:**

Таълим муассасаси: \_\_\_\_\_

Синф: \_\_\_\_\_ Ўқувчи сони: \_\_\_\_\_

Дарсинг ўтиш жойи ва вақти: \_\_\_\_\_

Ўқитувчи: \_\_\_\_\_

Дарсга киришдан мақсад: \_\_\_\_\_

Дарс мавзуси: \_\_\_\_\_

Дарсинг мақсади (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи): \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Дарсда қўлланиладиган кўргазмали қуроллар ва техника воситалари: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Дарсни ўтказиш усули: \_\_\_\_\_

Дарс типи: \_\_\_\_\_

Режа бўйича маъруза матнининг борлиги ва бажарилиш сифати: \_\_\_\_\_

Ўқитувчининг ташқи қиёфаси ва дарсга тайёргарлик даражаси: \_\_\_\_\_

**10. Дарсинг ижобий ва салбий томонлари:**

1. Дарсинг ташкилий қисми: \_\_\_\_\_ дақиқа \_\_\_\_\_
  - синф хонасига кириш, ўқувчилар билан саломлашиш;
  - синфнинг дарсга тайёрлиги даражасини текшириш;
  - ўқувчилар диққатини тўплаш;
  - ўтилган дарс мавзуси ва уни такрорлаш;
  - уй вазифасини текшириш (қайси шаклга кўп эътиборни қаратди: гуруҳий, яккама-якка);
  - амалий ишлар мазмуни;
  - турли иш шаклларининг қай даражада қўлланганлиги ва уларнинг бир-бирини тўлдириш даражаси;
  - ўтилган дарсни хулосалаш ва уни янги мавзу билан боғлаш (“кўприк” тайёрлаш);
  - янги дарс мавзусини эълон қилиш.
2. Дарсинг асосий қисми: \_\_\_\_\_ дақиқа \_\_\_\_\_
  - янги мавзунини ўрганиш;
  - ўқувчилар олдида дарс вазифаларини аниқ қўя олиш маҳоратини баҳолаш;

- дарс жараёнида дидактик усулларни ва тамойилларни унумли танлаш ва улардан фойдаланиш даражаси;
- ўтилган материални амалиёт билан боғлашга интилиш даражаси;
- ўқувчиларда билимга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини кучайтириш;
- дарс мазмунининг мантиқан боғлиқлигини белгилаш;
- муаммоли вазиятларни ва эмоционал ҳолатни яратишга бўлган интилиш;
- дарсда ўқувчиларга табақавий (дифференциал) ёндашиш даражаси;
- ўқилган ўқув материални мустақамлашда қандай машқлар, мисоллар, коидалар, адабиётлардан фойдаланди;
- ўқувчиларни мустақил ишларга жалб қилиш ва уларнинг ўқув билиш фаолиятини рағбатлантириш;
- дарсда доска, ўқув қўлланмаси, кўргазмали қурооллар, тарқатма дидактик материаллар ва техник воситалардан фойдаланиш;
- дарсни ўтишда қўшимча илмий, услубий адабиётлардан фойдаланиш даражаси;
- дарс кабинет тизимида ташкил этилган бўлса, унда ўқув кабинети имкониятларидан унумли фойдаланиш даражасини баҳолаш;
- дарс темпи, ўқитувчининг нутқ маданияти, гапириш тони, дарсда ўзини тута олиши;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш ва баҳолаш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси орасидаги ўзаро муносабат;
- ўқув материалдан ўқувчиларни тарбиялаш мақсадида фойдаланиш даражаси;
- ўқувчилар билиш фаолиятининг характеристикаси (репродуктив, муаммоли, эвристик, тадқиқотчилик);
- табақавий ёндашув воситаларидан ва индивидуал тарзда педагогик таъсир ўтказиш услубидан фойдаланишга интилиш;
- янги мавзу мазмунининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганли даражаси;
- мавзунини ёритишда ўқитувчининг ижодий ёндашувнинг элементлари;
- дарсда гигиеник талабларга риоя қилинганликни баҳолаш.

3. Дарснинг якуний қисми: \_\_\_\_\_ дақиқа \_\_\_\_\_

- дарсни хулосалаш;
- билимларни текшириш турлари, савол-жавобни ташкил этиш даражаси;

- олинган жавоблар асосида ўқувчилар билим сифати, малака ва кўникмаларини баҳолаш, уларни изохлаш;
- уйга вазифа бериш, унинг мазмуни, ҳажми ва изоҳи;
- қўйилган мақсадга эришиш учун ўқитувчи қайси самарали усул ва шакллардан фойдаланганлигини қайд этиш.

Ўтилган дарс тўғрисида умумий хулоса, билдирилган фикр, мулоҳазалар ва берилган услубий тавсиялар.

Ўтилган дарсга қўйилган баҳо: \_\_\_\_\_

Услубшунос: \_\_\_\_\_

Амалиётчи-талаба: \_\_\_\_\_

### **11. ДАРС ТАҲЛИЛИ – 2.**

Ўқитувчи \_\_\_\_\_ Фан \_\_\_\_\_

Мавзу \_\_\_\_\_

Босқич \_\_\_\_\_ Гуруҳ \_\_\_\_\_

Дарсга кирувчи \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200 \_\_\_\_ йил.

Дарсни кузатишдан мақсад \_\_\_\_\_

### **12. Дарснинг тарбиявий моҳияти:**

- материалнинг ғоявий йўналиши, мустақил давлат мафқураси, халқ олдидаги муаммоларнинг ҳал этилиши билан боғлиқлиги;
- баркамол авлод тарбияси вазифаларининг бажарилиши;
- республикамизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ҳамда иқтисодий ривожланишдаги ютуқларнинг ёритилиши.

### **13. Дарснинг илмийлиги:**

1. Материалнинг илмий асосланиши \_\_\_\_\_
2. Фаннинг охириги ютуқларидан фойдаланиш \_\_\_\_\_

### **14. Услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги:**

1. Дарс мавзусининг таквим (календар)-мавзу режага мослиги \_\_\_\_\_
2. Дарснинг услубий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши \_\_\_\_\_
3. Ўқувчилар билимини текшириш усуллари, уларнинг самарадорлиги \_\_\_\_\_
4. Баҳолашнинг холислиги \_\_\_\_\_
5. Дарснинг тури, ўқитиш услуби ва унинг мақсадга мувофиқлиги \_\_\_\_\_

6. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги, баён қилинаётган материалнииг тўлиқлиги, кетма-кетлиги, изчиллиги ва унинг тушунарлилиги. Асосий тушунчаларнинг ажратилганлиги \_\_\_\_\_
7. Дарсдан кўзланган мақсадга эришиш \_\_\_\_\_
8. Дарсда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш \_\_\_\_\_
9. Янги мавзунинг ўтилгаи материаллар билан боғланиши \_\_\_\_\_
10. Мавзунинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги \_\_\_\_\_
11. Ўқувчилар фаоллигини ошириш (муаммоли вазиятлардан чиқиш, ўқув жараёнини фаоллаштириш) \_\_\_\_\_
12. Ўқувчиларнинг мустақил ишлашга жалб қилиниши \_\_\_\_\_
13. Ўқитишни табақалаштириш, дифференциаллаштириш усуллари ва уларнинг самарадорлик даражаси \_\_\_\_\_
14. Ўқув материални мустаҳкамлаш усуллари ва унинг мақсадга мувофиқлиги \_\_\_\_\_
15. Уйга вазифа (вазифа ҳажми, тури, тавсия қилинган адабиётлар, вазифа бўйича берилгаи изоҳлар) \_\_\_\_\_

#### **15. Дарснинг бошқа сифат тавсифи:**

1. Ўқитувчининг дунёқараши, педагогик маҳорати, нутқ маданияти \_\_\_\_\_
2. Ўқувчилар интизоми, дарс хонаси ва ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги \_\_\_\_\_
3. Ўқитувчининг ўқув-тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган таклифлари \_\_\_\_\_
4. Синф хонасининг тозалиги, жиҳозланганлиги, навбатчининг ўз вазифасини бажариши \_\_\_\_\_
5. Тавсиялар ва маслаҳатлар \_\_\_\_\_

Таҳлил билан танишдим: \_\_\_\_\_

Таҳлил қилувчи: \_\_\_\_\_

#### **16. Ўқитувчи дарсининг таҳлили – 3.**

Сана \_\_\_\_\_ Гуруҳ \_\_\_\_\_ Фан \_\_\_\_\_ Ўқитувчи \_\_\_\_\_  
 Тоифаси \_\_\_\_\_ Пед. стажи \_\_\_\_\_ Жами ўқувчи сони \_\_\_\_\_  
 Дарсга қатнашгани \_\_\_\_\_ нафар. Дарс тури \_\_\_\_\_ Дарс ўрни \_\_\_\_\_  
 Кузатиш мақсади \_\_\_\_\_

Ўтган мавзу \_\_\_\_\_

Янги мавзу \_\_\_\_\_

### 17. Дарс тавсифи:

№	Кузатиладиган жараёнлар	Максимал бал	Таҳлилчи баллари
1	Гуруҳ ва ўқувчиларнинг дарсга тайёрлиги, ўқитувчининг ташқи қиёфаси, муомаласи	3	
2	Ўқувчилар фаоллиги, уй ишининг тайёрлаганлиги	2	
3	Дарснинг ташкил этилиши, бошқаруви	3	
4	Вақтдан унумли фойдаланганлиги	5	
5	Ўқувчилар билимини баҳолаши, изоҳлаши	5	
6	Янги мавзуни баён этиши	10	
7	Дарснинг илмийлиги ва таъсирчанлиги	3	
8	Кўргазмалардан фойдаланганлиги	3	
9	Техник воситалардан фойдаланиши	5	
10	Тест, рейтинг, саволнома ва тарқатма материаллардан фойдаланиши	5	
11	Янги мавзуни мустаҳкамлаши	5	
12	Янги мавзунинг ўқувчилар томонидан ўрганилганлиги	5	
13	Мустақил иш, ёзма иш, амалий иш (5-10-15 дақиқали)ларни ташкил этиши	5	
14	Таълим ва тарбиянинг узвий боғланиши	2	
15	Ўқувчиларнинг нутқи, ёзуви, мустақил фикрлашига эътибор бериши	3	
16	Экологик ва иқтисодий тарбия бериши	3	
17	Илғор услублардан фойдаланиши	5	
18	Ўқувчилар билан индивидуал ишлаши	5	
19	Янги мавзуни ўрганишда ўқувчилар иштироки	3	
20	Муаммоли саволлар қўйиши, жавоблар сифати	2	
21	Дафтар алмаштириш ёки ўқувчининг конспект дафтарини юритиши	3	
22	Қўшимча манбалардан фойдаланиш ва	3	

	Ўқувчиларга тавсиялар		
23	Дарслик устида ўқувчиларнинг ишлаши	2	
24	Мавзунинг бошқа фанлар билан боғланиши	3	
25	Уйга берилган топшириқнинг мослиги	2	
26	Иш режанинг журналга мувофиқлиги	5	
	Жами баллар:	100	

### 18. Услубий маслаҳатлар:

Дарсга берилган баҳо: \_\_\_\_\_

Таҳлилчи: \_\_\_\_\_

Ўқитувчи: \_\_\_\_\_

Рейтинг ва баҳо:

100 – 85 - 5 баҳо;

84 – 75 - 4 баҳо;

69 – 54 - 3 баҳо;

54 дан паст - 2 баҳо.

### **19. Уйга бериладиган ўқув ишларига қўйиладиган**

#### **педагогик талаблар:**

1. Уй вазифалари ҳажми жиҳатдан унчалик катта бўлмаслиги, лекин мазмунли бўлиши шарт.

2. Уйга берилган вазифалар синфда бажариладиган ўқув ишига нисбатан ҳам анча содда, ҳам тушунарли бўлиши шарт.

3. Уй вазифаларини, айниқса, мисоллар, жумлалар, иншоларни тузишда, амалий ва лаборатория ишларини бажаришда болаларнинг бевосита кузатишлар ва таассуротлари билан боғлаш фойдалидир.

4. Уй вазифасини қандай бажариш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ кўрсатиш, агар зарур бўлса, уй ишини бажариш бўйича намуналар келтириш лозим.

5. Уйга вазифа беришда табақавий ёндашувга суяниш фойдалидир.

6. Ҳар қандай уй вазифаси ўқитувчи томонидан текширилиши ва баҳоланиши керак.

### **XIV. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

#### **1. Педагогик амалиётда тарбиявий ишларни ўрганиш, ташкил этиш ва ўтказишнинг мақсад ва вазифалари.**

Маълумки, ота-боболаримиз азал-азалдан инсон тарбияси масалаларига жиддий эътибор бериб келишган ва бу анъана авлоддан – авлодга кўчиб, такомиллашиб, янгича усуллар эвазига бойиб борган. Зотан, инсон маънавияти тарбияга боғлиқ. Тарбиясиз маънавият пойдеворсиз бинога ўхшаб омонатлик касб этадики, бу ҳолни шарҳлаб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шу боисдан-да, таълим-тарбия жараёнига барча давлатда кучли эҳтиёж сезилган.

Маънавий баркамол, комил инсон тарбияси ҳозирги куннинг энг муҳим, долзарб масалаларидан биридир.

Юртбошимиз Ислом Каримов “Мен Абдулла Авлонийнинг **“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё халокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”**,- деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир”, - дея тарбия жараёнига юксак баҳо бериши фикримиз далилидир.

Зеро, бу масалани ҳал этишда мактаб, лицей, касб-хунар коллежларида амалга ошириладиган тарбиявий ишларнинг роли бекиёсдир.

Республикамиз Олий таълим муассасаларини тугатиб, ёш мутахассис сифатида илк бор таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ўқитувчи ўқувчилар билан синф ёки гуруҳ раҳбари сифатида дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида қуйидагиларга жиддий эътибор қаратмоғи зарур:

1.Талабаларнинг мактабшунослик ва тарбия назарилси бўйича олий таълим муассасаларида эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш ва уларга бу билимларни ўқувчилар билан олиб бориладиган дарсдан ташқари тарбиявий ишлар амалиётида татбиқ этишни ўргатиш.

2.Талабаларда мактаб, академик лицей ҳамда коллежларда тарбиявий ишлар тизимини ҳар томонлама ўрганиш, дарсдан ташқари турли кўринишдаги тарбиявий тадбирларни кузатиш ва таҳлил қилиш, ўқув-малакаларини такомиллаштириш.

3.Талабаларда ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тарбиявий вазифаларни аниқлаш, уларни ҳал қилиш усулларини тўғри танлаш ва қўллай билиш ўқув-малакаларини таркиб топтириш.

4.Талабаларда дарсдан ташқари тарбиявий иш турларини мақсадга мувофиқ режалаштира олиш ўқув малакаларини шакллантириш.

5.Талабаларни синф раҳбари ёрдамчиси сифатида, синф раҳбари вазифаларини бажаришга, ўқувчилар билан алоҳида – алоҳида ва оммавий тарзда дарсдан ташқари тарбиявий ишларни олиб боришга ўргатиш.

6.Талабаларни тарбиявий ишлар соҳасидаги илғор педагогик тажрибани ўрганишга жалб этиш ва уларда педагогик фаолиятга ижодий, илмий ва амалий ёндашиш муносабатларни, ижтимоий педагогик фаолликни таркиб топтириш.

7.Талабаларда ўқувчиларга нисбатан тарбиячилик касбига бўлган меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлаш, миллий аа умуминсоний тарбия муаммоларини ҳал этишга имкон берадиган педагогик қобилиятни такомиллаштириш, ўқувчи шахси ва унинг тарбиясига бўлган интилишларини кучайтириш.

## **2.Педагогик амалиётда тарбиявий ишларни ўрганиш, ташкил этиш ва ўтказиш дастури.**

Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тарбиявий ишлар тизимини ҳар томонлама ўрганиш ва ўқувчилар билан дарсдан ташқари, тарбиявий ишлар олиб бориш IV курс талабалари педагогик амалиётининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, у бўлажак ўқитувчи-тарбиячининг ҳақиқий касб фаолиятига жуда яқин ва ўхшаш шароитда ўтади. Унинг асосий мақсади талабаларни синф раҳбари вазифаларини бажаришга тайёрлашдан иборатдир.

Талабаларнинг педагогик амалиёти ихтисослик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда асосан шаҳар ёки қишлоқ умумий ўрта таълим мактабларида, қисман касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ўқув-тарбия муассасаларида ўтказилиши боис талабалар педагогик амалиёт жараёнида ўқувчилар билан дарсдан ташқари тарбиявий ишлар олиб бориши учун ҳар бир синфга биттадан тақсимланади.

IV курсда ўтказиладиган педагогик амалиёт талабаларни касбга – ўқитувчи-тарбиячилик меҳнатига тайёрлашнинг яқунловчи босқичи ҳисобланади.

IV курс талабалари амалиёт давомида амалиёт ўтказилаётган таълим муассасаси директори, унинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича муовини, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, болалар ва ўсмирлар уюшмаси мураббийси, синф раҳбарлари ва тарбиячилар билан суҳбатлашадилар; таълим муассасасининг йиллик тарбиявий ишлар режаси, “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти режаси, синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси каби ҳужжатларни ўрганадилар ва уларга оид ҳисоботларни



таҳлил қиладилар; мактаб ўқув хоналари, кутубхонаси, касбга йўллаш хонаси, музей ва шу кабилар билан танишадилар ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг қуйидаги турларини бажарадилар:

1.Ўзбекистон Республикасининг халқ таълимига оид меъёрий ҳужжатлари ва тарбиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий- назарий ва услубий адабиётларни ўрганиш.

2.Ўзига бириктирилган синф ўқувчиларининг шахсий ҳужжатлари, ҳужжатлар йиғма жилдини ўрганиш, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилар билан суҳбатлашиш каби тадқиқий усуллардан фойдаланиб, ўқувчиларга руҳий-педагогик тавсифнома тузиш\* .

3.Амалиёт даврига мўлжалланган тарбиявий ишларни режалаштириш.

4.Амалиёт ўтказилаётган мактаб, лицей, коллежларда турли хил тадбирларни кузатиш ва таҳлил қилиш.

6.Синф раҳбари сифатида дарсдан ташқари тарбиявий ишларнинг қуйидаги турларини бажариш:

- синф мажлиси ўтказиш;
- одоб-ахлоқ мавзусида мунозара уюштириш;
- синф соатларини ўтказиш;
- миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятлар мавзусида тадбирлар, (кечалар, анжуманлар) тайёрлаш ва ўтказиш;
- мустақил очиқ дарслар ўтказиш;
- ўқувчиларни касбга йўллаш, уларни бирор турдаги ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этиш ва унга раҳбарлик қилиш;
- ўқувчилар бадиий тўғарагини ташкил этиш;
- саноат ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатлар уюштириш;
- спорт мусобақалари ёки китобхонлар анжуманига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш;
- олимлар, ёзувчилар, уруш ёки меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш;
- синф ва мактаб деворий газеталарини тайёрлашда кўмаклашиш;
- болалар ва ўсмирлар уюшмаси бошланғич жамоалари йиғилишларини ўтказишга ёрдамлашиш;

---

\* Изох: синф жамоасига руҳий-педагогик тавсифнома тузиш психологиядан берилган топшириқлар асосида бажарилади.

- ота-оналар мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш;
- оила, мактаб ва маҳалла бирлигини таъминлаш мақсадида мактабга яқин жойлашган маҳаллаларнинг ишларида катнашиш, аҳоли ўртасида педагогик тарғибот ишларини олиб бориш.

1.Синф раҳбарларининг услубий бирлашмаси, йиғилишида таълим муассасалар (мактаб, лицей, коллеж) педагогика Кенгашида иштирок этиш.

2.Тарбиявий мавзуда бажарилаётган битирув ишига қайдномалар, хужжатлар тўплаш.

3.Педагогик амалиёт кундалигида тарбиявий фаолият натижаларини мунтазам қайд қилиб бориш.

4.Амалиёт юзасидан тарбиявий ишларнинг ҳисоботларини тайёрлаш.

5. Педагогик амалиёт якунига бағишлаб мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасасида ўтказиладиган анжуманларда фаол иштирок этиш.

### **3.Тарбиявий ишларни ўрганиш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалиётчи талабаларга қўйиладиган педагогик талаблар.**

1.Талабалар ҳар куни белгиланган таълим муассасасида камида 6 соат ишлаши ва режалаштирилган тарбиявий ишларни бажаришлари шарт.

2.Талабалар педагогик амалиётнинг биринчи ҳафтасида тарбиявий фаолиятнинг қуйидаги турларини бажаришлари лозим:

а) амалиёт ўтказилаётган академик лицей ёки касб-хунар коллежлари фаолияти билан танишади; ўқув юрти маъмурияти, синф ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар режасини, синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режасини ўрганади; ўз синфида ўтказиладиган машғулотлар жадвали билан танишади; ўқувчилар билан ўтказиладиган дарсдан ташқари машғулотлар мавзусини аниқлайди; таълим муассасаси фаолияти билан танишгандан кейин ўзининг шахсий иш режасини тузади. Мазкур таълим муассасасидаги тарбиявий ишлар тизимини ўрганиш, синф раҳбари (ёки унинг ёрдамчиси) сифатида тарбиявий, услубий ва тадқиқий ишларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилайди;

б) ўзига бириктирилган синф ўқувчилари билан суҳбатлашади, уларнинг шахсий хужжатлар йиғмажилди билан танишади, болаларнинг одоб-ахлоқи, хулқ-атвори, ўқиш шароити, айрим фанлардан ўзлаштириши ва синф жамоасидаги ўзаро муносабатларни ўрганади; психология ва мактаб гигиенасидан берилган топшириқларни бажариш учун хужжатлар тўплайди;

в) амалиётчи ўз синфида ўтказилаётган турли хил тарбиявий тадбирларни кузатади ва таҳлил қилади.

Талабалар педагогик амалиётнинг кейинги ҳафталарида шахсий иш режасида кўзда тутилган дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни амалга оширадилар.

3. Талабалар педагогик амалиётда тарбиявий ишларни ўрганиш, ташкил этиш ва ўтказиш дастурида белгиланган ишларнинг барча турларини бажаради. Ҳар бир талаба тарбиявий тадбирга пухта тайёргарлик кўради ва унинг ишланмасини (режаси ва матнини) машғулот ўтказилишидан 3 кун олдин синф раҳбари ва педагогика кафедраси йўриқчи-ўқитувчисига кўрсатиб тасдиқлатади. Талаба амалиёт жараёнида ўзини билимдон ва маданиятли мутахассис сифатида намоён қилиши, ташкилотчилик, интизомлилик, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик фазилатларига эга эканлигини кўрсатиши лозим.

4. Талаба битта тарбиявий тадбирни синов тариқасида режалаштиради ва ўтказди. Тадбир режаси ва матни педагогика кафедраси йўриқчи-ўқитувчиси томонидан албатта тасдиқланган бўлиши ва бутун гуруҳ талабалари ва педагогик жамоа иштирокида муҳокама қилинган бўлиши керак. Акс ҳолда ўтказилган тарбиявий тадбир синовдан ўтди деб ҳисобланмайди.

5. Талаба амалиёт давомида педагогика кафедраси йўриқчи-ўқитувчиси томонидан берилган топшириқларни бажариши шарт.

6. Талаба амалиёт жараёнида ўзи бажарган барча хилдаги тарбиявий ишларни ўз кундалигига қайд этиб боради. Кундаликнинг йўқлиги ёки ёнида бўлмаслиги интизомсизлик сифатида баҳоланади.

#### **4.Синф, гуруҳ тарбиявий соатларини ташкил этиш услубияти**

Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг энг асосий ва ҳал қилувчи омилларидан бири синф тарбиявий соатлари бўлиб, уни ташкил этиш педагогиканинг қуйидаги йўналишлари асосида олиб борилмоғи лозим. Булар қуйидагилардан иборат:

- синф, гуруҳ тарбиявий соатининг мазмунини аниқлаш;
- синф, гуруҳ хонасини жиҳозлаш ишларини ташкил этиш;
- синф, гуруҳ тарбиявий соатлари туркумини режалаштириш.

Ҳозирги кунда кўп йиллик педагогик изланишлар ва мазкур соҳа мутахассисларининг илғор иш тажрибалари асосида иш кўриш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга тўғри йўналтириш бугунги куннинг долзарб

масалалардан биридир, зеро, уларга мақсадли таъсир кўрсатиш, энг аввало, синф, гуруҳ тарбиявий соатлари мазмунини аниқлаш ва пухта режалаштириш, яъни мавзуларни фаслларга қараб, байрам, тарихий сана ва воқеалар, тинчлик, дўстлик, меҳнат, оила, бахт, касб танлаш, табиатни севиш, ватанпарварлик, аждодларимиз мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз сингари тарбиявий соатлар бўйича таснифлаш (классификациялаш) катта муваффақиятнинг гарови эканлигини кўрсатмоқда. Бунда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратилмоғи лозим:

- “Инсон ва инсоний муносабатлар”. Бунда миллий инсоний қадриятлар, муносабатлар, жонажон мактаби, академик лицей, коллежи ўқитувчиларига, ўз ота-онаси, қариндош-уруғи, дўстлари ва бошқа кишиларга, она-Ватан бойликларига муносабат, юриш-туриш маданияти, муомаласи, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, ватанпарварлик, севги, вафо, инсонийлик, халқлар дўстлиги ва биродарлиги каби этик қоидалар тартибига эътибор қаратиш;
- “Фан ва турмуш”. Бунда дунёни билиш, ижтимоий-фалсафий дунёқарашни шакллантириш, фан, техника янгиликларидан хабардор бўлиб бориш, китобга муносабат, уни ўқиш қоидаси, турмуш маданияти, оила этикаси каби масалаларга эътибор бериш;
- “Гўзаллик оламида”. Бунда гўзалликнинг моҳияти, гўзалликни хунуқликдан фарқлаш, этик ва эстетик қарашлари, кийинишда, турмушда, меҳнатда, ахлоқда, муомала ва нутқ маданиятида, санъатнинг турли соҳаларида, шеърятда, замонавий ишлаб чиқариш каби соҳаларда гўзаллик белгиларига эътибор бериш;
- “Мустақил Ўзбекистон давлати ва инсон ҳуқуқи ҳақида нималарни биласиз?”. Бунда мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсати, мустақил республикамиз давлат рамзлари, Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, Республика Конституцияси, Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий ва маданий тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги каби масалаларга эътиборни кучайтириш;
- “Соғ танда соғлом ақл”. Бунда ўқувчининг ёши ва шахси хусусиятларига қараб гигиеник қоидаларга риоя қилишига, инсон гўзаллиги, маданияти ва саломатлиги шахс камолотининг гарови эканлиги кабиларга эътибор бериш;

- “Психологик мавзулар”. Бўлажак ота-оналар, келажаги, буюк республикамизда ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, шунингдек, виждон, бурч, дўстлик, фуқаролик ҳис-туйғулари, бўлажак касбга психологик жиҳатдан ўзини тайёрлаб бориш каби тушунчаларни сингдириш ва ўз-ўзини тарбиялаш кабиларга эътибор қаратиш;
- “Экологик тарбия”да болаларда табиат инъом этган бойликларга нисбатан масъулият ҳисси, уларни ҳозирги ва келажак авлод учун авайлаб-асраш, кўпайтириш ҳамда муҳофаза қилиш ҳис-туйғулари тушунчаларини таркиб топтириш кабиларга эътибор бериш лозим.

### **5.Синф, гуруҳ тарбиявий соатларини ташкил қилиш**

Синф, гуруҳ соатларини ташкил қилиш ўқувчиларнинг психологик тайёргарлигидан бошланади. Улар синф тарбиявий соатини интизорлик билан кутишади, у ерда кўриладиган масалалар қизиқарли муҳокама қилиниши ва мунозарали бўлиши ҳамда у кўнгилдагидек ўтказилиши лозим. Бунинг учун қандай ишларни амалга ошириш керак? Аввало, муҳокама мавзуси, уни қаерда ўтказиш вақти, синф бурчагига олдиндан ёзиб қўйилиши керак.

Синф, гуруҳ тарбиявий соатлари учун халқ таълими муассасалари мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва ўқитувчи-тарбиячиларига мўлжалланган ҳамда оммабоп газета ва журналлар, рисоалар, педагогика ва болалар тарбиясига доир бадиий адабиёт намуналари, кинофильм, диафильм ва диапозитивлар, радио эшиттириш ва телекўрсатувлардан, комил инсон тарбиясига йўналтирилган мавзулар ҳамда ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб масалаларини қамраб олувчи, шунингдек, ўқувчилар учун ҳаётий зарур мисоллардан танлаб олиниши керак. Шунда синф ўқувчиларининг ижодий фаолияти таъминланган бўлади, деб ҳисоблаш мумкин. Бундай вақтларда техника воситалари, кўргазмали воситалар ва дидактик-репродуктив материаллардан унумли фойдаланиш синф тарбиявий соатларини янада юксак ижобий натижаларга олиб келиши шубҳасиздир.

Синф, гуруҳ тарбиявий соати тарбиявий ишнинг ажралмас қисми бўлиб, ўқувчилар учун ҳам, синф, гуруҳ раҳбари учун ҳам амалий-ижодий ишдир.

Синф, гуруҳ тарбиявий соатида танланган матн бўйича ўтказиладиган машғулотга, энг аввало, ўқитувчи пухта тайёргарлик кўриши лозим. Машғулот жараёнида устоз ўз мақсадини шогирдлари онгига уларнинг

қалбини тўлқинлантира оладиган, таъсирчан ва ифодали нутқи билан ўрناق бўлиш каби турли педагогик таъсирлар орқали сингдириши мақсадга мувофиқдир. Чунки, ёшлар куруқ ваъзхонликдан зерикади.

Синф, гуруҳ тарбиявий соатини синф, гуруҳ раҳбари ёки синф, гуруҳ фаолларидан бири олиб бориши мумкин.

Синф, гуруҳ тарбиявий соатлари учун танланган матннинг мақсадга мос келиши бадиий ўқиш, шеърхонлик, ўз ижодий ишларидан мисоллар кўрсатиш, муҳокама қилинаётган масалага нисбатан ўқувчиларнинг ўз мустақил фикрларини баён қилишларига кенг йўл очиб бериш, ўқувчиларни ўз фикр мулоҳазаларига эга бўлишларига, ҳаётий муҳим масалалар ҳақида аниқ ва тўғри хулосалар чиқаришлари учун имконият яратади. Бу билан ўқувчиларни демократик қонунлар асосида ўз фикрларини мустақил ва эркин баён қилишга эришилади.

Синф, гуруҳ тарбиявий соатларида меҳнат ва уруш фахрийлари, қаҳрамонлар, илғор кишилар, ёзувчи ва шоирлар, ота-оналар ва ишлаб чиқаришнинг илғор вакиллари иштирок этишлари, унда улар ўз ҳаётий тажрибаларидан жонли ҳикоя қилиб беришларидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Ана шу жонли мулоқот ва суҳбатлар орқали ўқувчилар катталарнинг ибратли ҳаёт йўли, орттирган бой тажрибалари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

### **6.Синф, гуруҳ тарбиявий соатини ўтказиш учун хона тайёрлаш**

Синф, гуруҳ тарбиявий соатларини ўтказиш учун тайёрланган хонанинг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Танланган хона синф, гуруҳ ўқувчилари ёрдамига йиғиштирилиб, ювиб, шамоллатиб, лозим бўлса жорий таъмир қилиниб, гуллар билан безатилади, тегишли техника воситалари билан, кўргазмали қуроллар ва дидактик материаллар, синф бурчаги, деворий фотогазеталар, альбомлар билан жиҳозланади ҳамда мавзуга оид зарур фильм, диафильм ва диапозитивлар билан таъминланади.

Синф, гуруҳ доскаси артилиб, плакат ёки чизмалар осилиб, доскага тарбиявий соатда муҳокама қилинадиган масала ёзиб қўйилади. Тегишли мақол, донишмандларнинг ибратли сўзлари эса кўринарли жойга қоғоз-плакатга рангли тушь билан ёзилиб, илиб қўйилиши мумкин.

### **7.Синф, гуруҳ тарбиявий соатининг давом этиш вақти**

Синф, гуруҳ тарбиявий соатларининг давом этиш вақтини белгилашда ўқувчи-ёшларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олиб, гигиеник ва

соғлиқни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилган ҳолда ҳар ҳафтада бир марта қатъий жадвал асосида ўтказиш тавсия этилади.

### **8.Синф, гуруҳ тарбиявий соатларининг тузилиши**

Синф, гуруҳ тарбиявий соатларининг тузилиши, ўз моҳияти мазмуни, режа – конспекти тўпланган асосли таянч материаллари жиҳатидан 4 қисмдан, яъни:

- кириш;
- асосий қисм;
- бадий қисм;
- якуний қисмдан иборат бўлади.

Кириш қисмида ўқувчиларнинг диққати мавзунинг долзарблигига, мазмунига, инсон ҳаётида, жамият ривожиди, ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва аҳамиятига қаратилмоғи лозим. Бунда тарбиявий соатни олиб борувчи (ўқитувчи, ўқувчи) ўқувчиларни ўқув-академик жараёни доирасидан бевосита эркин мулоқот доирасига олиб чиқишга эришмоғи лозим.

Асосий қисмни эса олиб бориладиган тарбиявий ишнинг кун тартибидаги тўлақонли мазмуни ташкил этади.

Бадий қисмда эса мавзунинг мазмуни ниҳоясига етказилади.

Яқунловчи қисмда, кўрилган ва муҳокама қилинган тарбиявий масалага 5-10 минут давомида амалий ёндашиш билан яқун ясаиб, вазифалар белгиланади ва навбатдаги синф тарбиявий соат мавзуси эълон қилинади. Топшириқлар тақсимланади.

### **9.Синф, гуруҳ соати**

Синф, гуруҳ соати - ўқувчилар билан тарбиявий ишларни ёппасига ташкил қилишнинг асосий шаклларида биридир. Педагогик адабиётларда, шунингдек, мактаблар, академик лицей, коллежлар амалиётида тарбиявий фаолиятни ташкил қилишнинг шакли “тарбия соати”, “тарбиявий соат”, “синф раҳбари соати” ёки “гуруҳ раҳбари соати” деб ҳам юритилади.

Синф, гуруҳ соатлари кўпинча таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллеж) дарс жадвалига киритилади ва ҳафтасига бир маротаба ўтказилади. Лекин унга одатдаги ёки қўшимча дарс сифатида қарамаслик керак. Синф соатининг давом қилиш муддати дарсларга ўхшаб қатъий белгиланган эмас.

Синф, гуруҳ соатлари мавзулари синф, гуруҳ раҳбарларининг йиллик тарбиявий ишлари режасида олдиндан белгиланади. Кўпинча синф соатларида ҳафталик яқун чиқарилади. Ўқувчиларнинг фанларни

ўзлаштириши, тартиб-интизоми, бир-бирига ўзаро ёрдами ва шунга ўхшаш масалалар муҳокама қилинади.

Мактаб, академик лицей, коллежларда синф, гуруҳ соатларини ўтказишнинг турли хил шакл ва усуллари қўлланилади. Синф, гуруҳ соати асосан синф, гуруҳ раҳбари томонидан ташкил қилинади. Баъзида ўқувчиларнинг ўзлари ҳам синф, гуруҳ соатларини ўтказишлари мумкин. Бунда синф, гуруҳ ҳаётидаги кундалик масалалар, газета ва журналларда эълон қилинган ахлоқ-одоб масалалари муҳокама қилинади. Одатда, синф, гуруҳ раҳбарлари синф соатларининг ранг-баранг, бир-бирига ўхшамасликларига ҳаракат қилишади. Шу мақсадда ота-оналар, олимлар, ёзувчилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари таклиф қилинади. Лекин синф соатига қўйиладиган асосий талаб – барча ўқувчиларнинг фаол иштирок этишидир.

Синф, гуруҳ соатлари мавзусини танлашда шахснинг ахлоқий сифатларини тарбиялаш, ватанпарвар ва байналминал инсон тарбияси, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, экологик тарбия, нафосат тарбияси, ҳуқуқий тарбия, жисмоний тарбия, истеъдодли болалар тарбияси, маҳаллада тарбиявий ишларни ташкил этиш, ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариш каби масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

### **10. Синф, гуруҳ соати мавзуси ва режасининг қисқача тахминий баёни**

Мавзу: “Ватанпарварлик-Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг муҳим шартларидан биридир”.

Мақсад: ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини таъминлашда ватанпарварликнинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунча бериш.

Машғулотни ўтказишда кўргазмали воситалардан фойдаланиш:

- Дунёнинг сиёсий харитаси;
- Ўзбекистоннинг сиёсий-маъмурий харитаси;
- “Ватан гадоси-кафан гадоси”, “Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас”, “Туғилган еринг-сенинг Ватанинг”, “Ватанинг-номусинг”, “Яхши йигит юрт тузар, ёмон йигит юрт бузар”, мазмунидаги мақоллар;
- Юрт озодлиги учун курашиб қурбон бўлган аجدодларимиз ҳамда шу кунларда миллий мустақиллигимизни асраб ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилган ва курашаётган ватанпарварларимиз суратлари хона



деворларининг кўзга кўринарли жойларига илиб кўйилади.

Машғулотнинг бориши:

1. Кириш: (5 минут)

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақилликни кўлга киритилганлиги тарихи ҳамда уни мустаҳкамлаш шарт-шароитлари ҳақида (синф раҳбари).

2. Асосий қисм: (20 минут)

- “Ватан” тушунчасига тавсиф (олиб боровчи ўқувчи);
- ватанпарварлик – Ватанга муҳаббат (биринчи ўқувчи);
- ватанга хиёнаткорлик – кечирилмас гуноҳдир (иккинчи ўқувчи);
- ватанпарварликнинг фазилатлари (учинчи ўқувчи);
- чин ватанпарварлик фидойи бўлишни талаб қилади (тўртинчи ўқувчи);
- ватанпарварлик ўз ўлкасининг халқи тарихини ўрганишдан бошланади (бешинчи ўқувчи);

3. Бадиий қисм: (15 минут)

4. Ватан мадҳияси: шеърлар ва кўшиқлар (хаваскор ўқувчилар ижросида)

5. Яқуний қисм: (5 минут)

Ватанни асраш, эъзозлаш-муқаддас бурчимиз (синф раҳбари ёки олиб боровчи ўқитувчининг хулоса сўзи).

### **11.Тарбиявий тадбирларни таҳлил қилиш дастури**

#### **Тарбиявий тадбир матнининг тахминий мундарижаси:**

- Синф, гуруҳ ўқувчиларига қискача руҳий-педагогик тавсиф.
- Синф, гуруҳнинг умумий тарбиявий тизимида ушбу тадбирнинг тутган ўрни ва аҳамияти.
- Танланган тарбиявий тадбир мавзуси ва шаклининг асосланиши.
- Ушбу тадбирнинг таълим-тарбиявий мақсади ва вазифалари.
- Тадбирнинг мазмуни.
- Тадбирни ўтказишдаги ташкилий тайёргарлик ишлари.
- Тадбирни ўтказиш йўриғи.
- Тадбирнинг жиҳозланиши (кўргазмали куруллар, техникавий кўргазмали воситалар ва шу кабилар).
- Адабиётлар (синф, гуруҳ раҳбарлари ва ўқувчилар учун).

### **12.Тарбиявий тадбирни кузатиш ва таҳлил қилишнинг умумий**

#### **мундарижаси**

Тарбиявий ишларни ўрганиш учун уни кузатиш лозим. Кузатиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

- сана;
- соат;
- ўқув юрти (мактаб, лицей, коллеж);
- синф, гуруҳ;
- иштирокчилар сони;
- тадбирлар мавзуси;
- тадбирларнинг турлари (сиёсий ахборот, синф, гуруҳ соати, ахлоқ-одоб мавзусида суҳбат, кеча, мунозара, анжуман ва шу кабилар).

Кузатишга оид далилий маълумотлар қуйидаги кўринишли чизмада акс эттирилади.

Тадбирнинг бориши	Тарбиячининг фаолияти	Тарбияланувчиларн инг фаолияти	Фикр ва мулоҳазалар
----------------------	--------------------------	-----------------------------------	------------------------

Кузатиш жараёнида тўпланган далилий маълумотлар асосида - тарбиявий тадбир таҳлил қилинади. Тадбирни таҳлил қилиш қуйидаги дастур асосида амалга оширилади.

### **13. Тарбиявий тадбир ҳақида умумий маълумотлар**

- таълим муассасасининг, синф ва тадбир ўтказаетган масъул шахс (синф раҳбари ёки гуруҳ раҳбари)нинг исми шарифи;
- тадбирнинг мақсади ва вазифалари;
- тадбир нимага асосан ўтказилляпти (мактаб ёки синф, гуруҳ анъанаси бўлганлиги учун, мактаб ёки синф умумий тарбиявий ишлар тизимида кўра ва шу кабилар).

### **14. Тадбирга тайёргарлик ишларининг таҳлили**

- тадбирни ўтказиш ташаббускорлари ва ташкилотчилари 9 синф раҳбари, талаба, айрим ўқувчилар, ота-оналар ва бошқалар);
- ушбу тадбирни танлашда ўқувчилар қизиқишининг қай даражада эканлигининг ҳисобга олинганлиги;
- тадбирга тайёргарлик кўриш хусусиятлари (тадбирнинг синф, гуруҳ раҳбари ва ўқувчилар томонидан биргаликда режалаштирилганлиги, вазифаларнинг тақсимланиши, маълумотларнинг тўпланиши ва шу кабилар);
- ўқувчиларда тадбирга тайёргарлик жараёнида янги тушунча ва тасаввурларнинг шаклланганлиги;
- тайёргарлик ишларининг синф, гуруҳ ўқувчиларига таъсири (тадбирнинг ижтимоий-тарбиявий мақсади ва вазифаларига мос келиши,

ўқувчиларнинг ёши ва шахсий хусусиятлари ҳисобга олинганлиги, ўзаро ёрдам талабчанлиги ва танқидийлик кўринишлари, ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муносабат ва шу қабилар).

### **15.Тарбиявий тадбир боришининг таҳлили:**

1. тарбиявий тадбир турининг мазмунга мослиги;
2. тадбир мазмунининг ҳаёт билан боғлиқлиги;
3. тадбирни ўтказиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги, уюшқоқлиги, тартиб-интизоми ва унга қизиқиб, берилиб кетганлиги;
4. ўқувчиларнинг ташқи кўриниши ва тадбир ўтказилаётган хонанинг жиҳозланиши ҳамда безатилишининг мақсадга мувофиқлиги:
  - а) ўқувчиларнинг диққати;
  - б) берилган саволлар мазмуни;
  - в) мусобақа руҳи;
  - г) кайфиятларнинг ўзгариши;
  - д) руҳий кўтаринкилик даражаси;
  - е) ўқувчиларнинг бир-бири ва синф, гуруҳ раҳбари билан муомаласи ва шу қабилар.

### **16.Тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда тарбиячи (синф, гуруҳ раҳбари) шахсининг ўрни тадбирни ўтказиш жараёнида тарбиячида мавжуд бўлган қуйидаги сифатлар муҳим ўрин тутди:**

1. маданияти;
2. тарбиявий ишлар йўл-йўриғини қай даражада эгаллаганлиги;
3. айрим ўқувчилар билан муносабати;
4. ўқувчилар жамоаси билан муносабати.

### **Тадбирнинг тарбиявий аҳамияти:**

1. тадбирнинг ижтимоий - маънавий қадр – қиммати;
2. тадбирнинг шахслараро муносабатни йўлга қўйиш ва такомиллаштиришга таъсири;
3. тадбирнинг ижобий томонлари (ютуқлари).

### **Хулосалар:**

1. қўйилган мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши;
2. тадбирда фойдаланилган тарбиявий воситаларнинг мақсадга мувофиқлиги;
3. тарбиявий тадбир ташкилий тузилишининг самарадорлиги;
4. тарбиячи шахсининг тадбирни ўтказишда тутган ўрни;
5. йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш усуллари.

## **17.Ахлоқ-одоб мавзусида суҳбатни таҳлил қилишнинг тахминий**

### **мундарижаси:**

1. сана, суҳбат ўтказилган соат ва жой (хона);
2. таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллеж) синф, ўқувчилар сони;
3. суҳбат бошқарувчиси (синф раҳбари ёки гуруҳ раҳбари);
4. суҳбат мавзуси, унинг долзарблиги;
5. суҳбат мазмунининг ҳаёт тажрибаси билан боғланганлиги, унга мослиги;
6. ахлоқ-одоб тушунчалари мазмунини очишдаги изчиллик ва мантиқийлик;
7. келтирилаётган мисоллар, далил ва исботларнинг аниқ ва ишонарли бўлиши;
8. суҳбат мавзуси ва мазмунининг ўқувчилар ёш хусусияти ва қобилияти даражасига мослиги;
9. суҳбатнинг ҳиссий мазмундорлиги;
- 10.суҳбат жараёнида ўқувчилар фаоллиги;
11. суҳбат давомида бошқарувчи фаоллиги, унинг айрим ўқувчилар ва синф ўқувчилари билан муносабати, суҳбатни қизиқарли ўтказиши мақсадида қўллаган услублари;
12. суҳбат мақсади ва вазифаларининг ҳал этилиши;
13. суҳбатларнинг ижобий томонлари – ютуқлари;
14. йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш усуллари.

## **18.Ўқувчилар ижтимоий фойдали меҳнат қобилиятини таҳлил**

### **қилишнинг тахминий мундарижаси:**

1. сана, тадбир ўтказиладиган вақт ва жойи;
2. таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллеж) синф, ўқувчилар сони;
3. тадбир ташаббускори ва ташкилотчиси (синф раҳбари, талаба, ўқувчилар ва ота-оналар);
4. ижтимоий фойдали фаолият тури;
5. ижтимоий фойдали фаолиятнинг тарбиявий вазифаларга мослиги, улар билан боғлиқлиги;
6. ушбу тадбирга тайёргарлик таҳили;
7. фаолиятнинг ўқувчилар ёши ва қизиқишларига мослиги;
8. тадбирни тайёрлаш ва ўтказишда фаолларнинг тутган ўрни;
9. ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолият жараёнидаги мустақиллиги, уюшқоқлиги, тартиб-интизоми;

10. ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятдан манфаатдорлиги;
11. ижтимоий фойдали фаолиятни ташкил этишда синф, гуруҳ раҳбари (талаба) ва мактаб маъмуриятининг тутган ўрни;
12. ўтказилган тадбир натижасида ўқувчилар онгида юзага келган фикрлар, амалга ошириладиган вазифалар ҳамда ютуқ ва камчиликлар.

### **19.Китобхонлар кечасини таҳлил қилишнинг тахминий мундарижаси**

1. сана, тадбир ўтказилган соат;
2. таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллеж) синф иштирокчилар сони;
3. тадбир ташкилотчиси (синф раҳбари ёки гуруҳ раҳбари);
4. тадбирга тайёргарлик таҳлили;
5. тадбир турининг ўқувчилар ёшига мослиги;
6. танланган асарнинг номи;
7. асарнинг бадиий қиммати, унинг ўқувчилар қизиқиши ва эҳтиёжларига мослиги;
8. асарга берилган бадиий таҳлил ва муҳокама қилинган масалаларнинг тўғрилиги;
9. кечада ўқувчиларнинг билим ва ахлоқий тажрибаси ҳисобга олинганлиги;
10. кечада ўқувчилар фикр-мулоҳазаларининг мустақиллиги, уларнинг фаоллиги;
11. кечанинг тарбиявий аҳамияти;
12. кечанинг ютуқ ва камчиликлари.

### **20.Ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбатлар**

Ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбат, энг аввало, ўқувчига таниш, тушунарли бўлган мавзудаги самимий, жўшқин суҳбатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ахлоқ ва одобга оид суҳбат ахлоқий онгни шакллантириш усулларида бири бўлиб, мазкур жараён ороқали ўқувчиларга яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва текинхўрлик, тўғрилик ва эгрилик, адолат, инсоф ва инсофсизлик, дўстлик ва душманлик, донолик ва нодонлик, мардлик ва номардлик, меҳмон ва меҳмондўстлик, гўзаллик ва хунуклик, камтарлик ва манманлик, меҳр-оқибат ва оқибатсизлик, кадр-қиммат ва кадрсизлик, муҳаббат, вафо ва бевафолик, оилавий муносабатлар, оила ва кўшничилик, аҳиллик ва ноаҳиллик, ор-номус ва номуссизлик, самимийлик ва носамимийлик каби тушунчаларга оид ахлоқий билимлар таништирилади.

Ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбатлар ўқувчи хулқининг бирор томонига оид мавзуда ўтказилади ва барча синф, гуруҳларда олиб борилади. Одатда, бу

хил суҳбатлар бир ойда бир марта ўтказилади. Суҳбат вақти 40-45 минутдан ошиб кетмаслиги керак. Ҳар бир суҳбатга 7-10 кун олдиндан тайёргарлик кўрилади.

## **21. Ахлоқ-одоб мавзусидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг қисқача тахминий баёни**

1. Суҳбатни ўтказишда сана, соат, таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллеж)нинг номи ва синф рақами кўрсатилади.
2. Суҳбатга тайёргарлик.
  - а) синф, гуруҳ раҳбарининг тайёргарлик ишлари:
    - суҳбат мавзусини аниқлаш, мақсад ва вазифаларини белгилаш;
    - мавзуга оид ахлоқий тушунчалар ва уларнинг асосий белгиларини аниқлаш;
    - ўқувчиларда мавзуга оид ҳосил бўлган ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиш даражасини аниқлаш;
    - ушбу тушунчалар мазмунига алоқадор бўлган далилий ашёлар тўплаш;
    - ахлоқий тушунчалар моҳиятини очишга ёрдам берадиган саволлар тизимини мисоллар билан маълум тартибда ишлаб чиқиш;
    - суҳбатнинг кириш ва якунланувчи қисмлари мазмунини ифодалаш;
    - суҳбат мазмунида ўқувчиларнинг ҳаёт фаолиятидаги хулқ-атвори билан боғлиқ масалаларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини кўрсатиб бериш.
  - б) Суҳбатга ўқувчиларни тайёрлаш ишлари:
    - ўқувчиларни суҳбат мавзуси ва мақсади, ўтказилиш вақти ҳақида олдиндан огоҳ қилиш;
    - ўқувчиларга мавзуга оид ахлоқий тушунчаларни бойитишга ёрдам берадиган адабиётларни тавсия этиш;
    - ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларнинг шаклланишига олиб келадиган шароитни яратиш;
    - ўқувчиларда мавзуга оид вазифаларни бўлиб бериш.
3. Суҳбатнинг бориши:
  - а) кириш - суҳбат мавзуи, унинг долзарблиги ва аҳамияти ҳақида синф, гуруҳ раҳбари (талаба)нинг маърузаси;
  - б) асосий қисм-ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларнинг таркиб топишига хизмат қиладиган усуллар ёрдамида суҳбат олиб бориш, бунда ўқувчилар томонидан тайёрлаб келинган материаллардан кенг фойдаланиш;

в) якуний қисм – синф, гуруҳ раҳбари, мураббийнинг ўқувчиларда ўз хулқини таҳлил этиш, баҳолаш, чиқарилган хулосаларга мувофиқ ҳаракат қилиш хоҳишини уйғотувчи ҳиссий мазмундор нутқи.

4. Ўқувчиларнинг онги билан хулқи ўртасида узвийликни таъминлашга қаратилган суҳбатдан кейинги ишларда фойдаланишни ташкил этиш.

## **22.Маънавий-маърифий тарбия ишларини режалаштириш ва унга қўйилган педагогик талаблар**

### **Синф, гуруҳ мажлиси.**

Синф, гуруҳ мажлиси – тарбиявий иш усулларидан бири бўлиб, синфда ўтказиладиган тадбирларни режалаштириш, чорак якунлари, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши, тартиб-интизоми, ахлоқ-одоби, бир-бирига ўзаро ёрдами, кийиниши, шунингдек, синфда рўй берган ижобий ва салбий ўзгаришлар муҳокамаси каби масалаларга бағишлаб ўтказилади.

Синф, гуруҳ мажлислари кўпчилик ҳолларда синф, гуруҳ раҳбарлари томонидан ўтказилади. Ўқувчилар эса фақат тингловчи бўлиб қоладилар. Бундай синф мажлисларининг тарбиявий самараси кам бўлади. Аслида, мажлисда барча ўқувчиларнинг фаол бўлишини таъминлаш, синф раҳбари эса кузатувчи бўлиши лозим. Шундагина ўқувчилар маънавиятида сезиларли ютуқларга эришиш мумкин.

Синф, гуруҳ мажлисини муваффақиятли ўтказиш учун унга пухта тайёргарлик кўриш ишлари асосан қуйидагилардан иборат:

1.Синф, гуруҳ раҳбари, мураббий синф, гуруҳ фаоллар йиғилишида катнашиб, уларга мажлис мавзуси, мақсади, унда кўриладиган масалаларни белгилаш ва сўзга чиқувчиларни аниқлашда ёрдам кўрсатади.

2.Синфбоши (сардор) ва таҳрир ҳайъатининг тайёргарлик ишларига кўмаклашади, уларга тўпланган далилларни қайта ишлаш, мажлиснинг ташкилий томонларини уюштириш бўйича маслаҳатлар беради.

3.Синф хонасини мажлисга ҳозирлайди.

Мажлиснинг қарор лойиҳасини тайёрлашда иштирок этади. Мажлис қуйидаги тартибда ўтказилади:

1. синфбоши (сардор) томонидан мажлиснинг очилиши;
2. мажлис раиси ва котибини сайлаш;
3. мажлис иштирокчиларига олдин қабул қилинган қарорнинг бажарилишига доир ахборот бериш;
4. раис томонидан йиғилишда муҳокама қилинадиган масалаларнинг эълон қилиниши;

5. маъруза, ахборотларни тинглаш ва муҳокама қилиш;
6. мажлис қарорини чиқариш;
7. синф раҳбари ёки гуруҳ раҳбарининг яқунловчи сўзи.

Синф, гуруҳ мажлисида котиб томонидан баённома ёзиб борилади. Баённома синф мажлисининг боришини, ўқувчиларнинг чиқишларини ва қабул қилинган қарорни аниқ, тўлиқ қайд қилувчи расмий хужжат ҳисобланади.

### **23. Ижтимоий фойдали фаолиятга доир тадбирлар**

Ўқувчи шахси касбий фаолият жараёнида шаклланиб, ривожланади. Ўқувчининг фаолияти қанчалик бой ва хилма-хил бўлса, унинг ҳар томонлама ривожланиши учун шунча кўп имкониятлар юзага келади. Акс ҳолда, тарбия ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Энг муҳими шундаки, ўқувчиларнинг ҳар қандай фаолияти, ижтимоий аҳамияти жамият ва кишиларга фойдали бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолияти турли соҳаларда амалга оширилса, ижодий хусусиятга эга бўлса, хилма-хил шаклларда олиб борилса ҳамда бу шакллар бир-бирини тўлдириб борса, унинг тарбиявий аҳамияти ва самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Қуйида экологик тарбияни амалга ошириш бўйича ўқувчиларнинг биргаликдаги ижодий ижтимоий фойдали фаолиятини ташкил этиш ва ўтказишга оид ишлардан намуналар келтирамиз.

Мавзу: Ўқувчиларнинг таълим муассасаси (мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллеж) ва маҳаллани ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича биргаликдаги ижодий, ижтимоий фойдали фаолиятини ташкил этиш.

Мақсад: Ўқувчиларда атроф-муҳитнинг ҳолати ва ободонлигига масъулият ҳиссини, таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллежларда) ва маҳалла ҳудудидаги дарахт ва ўт-ўланларга эҳтиёткорлик, ғамхўрлик муносабатларини тарбиялаш.

#### **Вазифалар:**

1. Таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллеж) ва маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш имконияларини ўрганиш.
2. Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш бўйича назарий билимлар ва амалий тажрибаларни ўрганиб, умумлаштириш.
3. Таълим муассасаси ёки маҳаллага қарашли жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш режасини қайта ишлаш.



## **24. Ўқувчиларни ўзбек халқи миллий анъаналари ва урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялашга оид тадбирларнинг тахминий мавзулари ва мазмуни**

1. Ижтимоий - сиёсий байрамларни нишонлашга бағишланган анъаналар ва урф – одатлар:
  - 1 сентябрь - Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни;
  - 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни;
  - 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни;
  - 1 январь - Янги йил байрами;
  - 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни;
  - 8 март - Халқаро хотин – қизлар куни;
  - 21 март - Наврўз байрами;
  - 9 май – Хотира ва қадрлаш куни.
2. Оилавий-хусусий ҳаётдаги муҳим воқеаларни нишонлашга бағишланган анъана, урф - одат ва маросимлар:
  - қизлар мажлиси;
  - балоғат ёшини нишонлаш;
  - никоҳ тўйи;
  - ўрта, олий мактабни тугатган кунни нишонлаш;
  - келинчак қўлидан чой ичиш;
  - “кумуш” ва “олтин” тўйлар;
  - чарлар;
  - мучал ёшини нишонлаш;
  - фарзандга исм қўйиш;
  - нафақага чиқиш кунини нишонлаш;
  - бешик тўйи;
  - “суннат тўйи”, “Пайғамбар ёши”ни нишонлаш;
  - юбилей тўйи.
3. Одоб – ахлоқ, инсонпарварлик ва меҳмондўстликка оид анъана ва урф - одатлар:
  - ота-она, устоз, кексалар ва ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, уларнинг талаб ва илтимосини бажариш, уларга орқа ўгириб ўтирмаслик;
  - ўз туғишганлари, қариндош-уруғлари ва кўни-қўшниларига оқибатлилик, уларнинг оғирини енгил қилиш;

- болажонлик, етим-есир болаларга марҳаматли бўлиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;
- меҳмондўстлик, унинг таомилларига амал қилиш;
- мусофирга ёрдам қўлини чўзиш, чанқаган йўловчига сув бериш ва унга оқ йўл тилаш,
- саломлашиш, покиза ва хушмуомалали бўлиш.

## **25.Ота-оналар билан ишлаш**

Тарбиявий ишларни ташкил этишда оила, ўқув муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик бирлигини таъминлаш ниҳоятда катта самара беради. Бу бирликни таъминлашнинг асосий бўғинларидан бири синф раҳбарининг ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб боришида намоён бўлади.

Синф, гуруҳ раҳбари мураббийнинг ота-оналар билан олиб борадиган ишларида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилади:

1. Ота-оналар билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш.
2. Таълим муассасаси (мактаб, лицей, коллеж) ва оилада болага нисбатан мақсадли талаблар қўйишга эришиш.
3. Ота-оналарнинг синфдаги тарбиявий ишларда фаол қатнашишини таъминлаш.
4. Ота-оналарни педагогик билимлар билан яқиндан таништириб, уларнинг педагогик маданиятини юксалтиришга эришиш.
5. Ота-оналар билан олиб борилаётган ишларни ҳужжатларда расмийлаштириб бориш.

Синф, гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишларида фарзанд тарбияси ҳақида бир-бирларини хабардор қилиб туриш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда синф раҳбари (талаба) оилага ўқувчи ҳақида қуйидаги қатор ахборотларни бериб боради:

- Ўқувчининг ўқув фаолияти, ўқишга муносабати, ўқишдаги ютуқ ва камчиликлари, олаётган баҳолари, дарсларга қатнашиши;
- Ижтимоий фаоллиги, синф ҳаётидаги иштироки, жамоат топшириқлари ва вазифаларини бажариши;
- Синфдошлари ва ўқитувчилар билан муносабати;
- Ота-оналарга бола тарбияси ҳақида маслаҳат ва тавсиялар бериш.

Ота-она ўз навбатида фарзанд ҳақида синф, гуруҳ раҳбари (талаба)га қуйидаги мазмунда ахборотлар бериб бориши лозим:

- Уй вазифаларини бажариши-дарс тайёрлаш тартиби, унга сарфлайдиган вақти, нималардан қийналиши;
- Белгиланган кун тартибига риоя қилиши;
- Ўқувчининг мактаб ва синф ҳаётида содир бўлган воқеа ҳодисаларга берган баҳолари;
- Ўқувчининг оиладаги ҳулқ-атвори;
- Ота-оналарнинг айрим ўқитувчилардан, синф раҳбарларидан ва таълим муассасаси раҳбарларидан қилган илтимослари ва уларга берган таклифлари.

Синф, гуруҳ раҳбари билан оила ўртасидаги бундай муносабат ўқувчи учун энг мақбул тарбиявий воситаларни топишга, ўқувчининг тарбияланганлик даражасини юксалтиришга ёрдам беради.

Синф, гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан олиб борадиган ишларида синф ва ота-оналар мажлиси энг самарали иш шаклларида бири ҳисобланади.

Синф, гуруҳ ота-оналар мажлисининг бир қанча турлари мавжуд:

1.Синф, гуруҳдаги ташкилий ишлар билан боғлиқ бўлган мажлислар (ота-оналар кўмитасини сайлаш, иш режаларини тасдиқлаш, тарбиявий тадбирларни муҳокама қилиш, ота-оналарга вазифалар тақсимлаш).

2.Ота-оналарга педагогик билимлар беришга бағишланган мажлислар (оилада бола тарбияси масалалари бўйича маълумотлар бериш, педагогик адабиётлар ва матбуот материалларини муҳокама қилиш).

3.Мунозара шаклидаги мажлисларда ота-оналарнинг оилада ўқувчи тарбияси бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши, оила тарбиясидаги зиддиятларни муҳокама қилиши.

4.Чорак ёки йил якунига бағишланган мажлислар.

***Синф, гуруҳ раҳбарининг ота-оналар билан олиб борадиган ишлари ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, қатъий изчилликни талаб қилади. Шу сабабли талаба ота-оналар билан синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режасига мувофиқ ўз шахсий иш режасида белгиланган ишларнигина олиб боради.***

### **Тарбиявий ишларни режалаштириш**

Синф, гуруҳ раҳбарлари маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини ёрдамида бир ўқув йилига мўлжалланган тарбиявий ишларни режалаштирадilar. Режалаштирилган тарбиявий ишлар мазмуни куйидагича бўлиши мумкин.

№	Ишлар мазмуни	Бажарилиш муддати	Бажарилганлиги ҳақида белги
1	2	3	4

### **26.Синф, гуруҳ тарбиявий соатларини ташкил этиш**

Мактаб, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг асосий шаклидан бири синф, гуруҳ тарбиявий соатларини намунавий ташкил қилишдир.

Синф, гуруҳ тарбиявий соатларини уч асосда, яъни маърифий, баҳоловчи ва йўналтирувчи шаклда ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

❖ **Маърифий вазифаси.** Бунда ўқув дастурларидан ташқари ўқувчиларнинг этик, эстетик, психологик тушунчаларни, фан-техника, халқ хўжалиги, дунё воқеалари соҳасидаги билимларни бойитиб кенгайтириб боришдан иборат ишлар амалга оширилади.

❖ **Баҳоловчи вазифаси.** Бунда ўқувчиларда атроф-муҳитга ижобий муносабатда бўлиш, уларда моддий ва маънавий бойликларимизни асраб-авайлаш, ватан ҳимоячиларининг шон-шуҳрати, жонажон ватанимиз халқларининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳақидаги тушунчалар ҳисобга олинади.

❖ **Йўналтирувчи вазифа.** Бунда ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги билим ва тушунчалари тўғри мақсадга йўналтирилиб, уларнинг реал воқеликдаги ҳаётий тажрибаси, ахлоқи, бўлғуси ҳаётий йўлини равон танлашдек ҳаётий фаолиятларида тутган ўринлари кузатиб борилади.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, синф тарбиявий соатларида “Ҳақиқий ҳаёт ҳақида суҳбат” мавзулари белгиланиб унга тегишли материал танлаётганида ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал (якка тартибда) хусусиятлари синфнинг ўсиш ва тарбияланганлик даражаси албатта эътиборга олинмоғи лозим.

### **27. Синфларда ўтказиладиган “Маънавият ва маърифат машғулоти” таҳлилининг мазмуни**

1. “Маънавият ва маърифат машғулоти”ни ўтказиш вақти.
2. “Маънавият ва маърифат машғулоти” қайси синфда ва ким томонидан ўтказилапти?
3. “Маънавият ва маърифат машғулоти”нинг мавзуси.
4. “Маънавият ва маърифат машғулоти”нинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари.

5. Машғулотга тайёргарлик даражаси, керакли жиҳозлар, куроллар, материаллар билан таъминланганлиги.
6. Машғулот ўтказиш шакллари (фронтал, ҳикоя, ўқувчиларнинг маъруза қилиши ва ҳоказо).
7. Машғулотларнинг мазмуни ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларининг ривожланиш даражасига боғлиқлиги.
8. Сиёсий воқеаларга ўқувчиларнинг муносабати, уларнинг мустақил фикр юритиши.
9. Сиёсий саволларни ечишда ўқитувчининг тўғри йўл танлаб, уларни ечишдаги роли.
10. Машғулотни юқори даражада ўтишда фойдаланиладиган воситалар:
  - а) техник кўргазмалар (диапозитив, диафильм, кинохроника, овоз ёзуви);
  - б) расм ва тасвири кўргазмалар (харита, схема, фото);
  - в) иллюстрация (газета ва журналлардан қирқимлар).
11. Машғулот мавзусининг долзарблиги ва замонавийлиги.
12. Машғулотлар мазмунининг бола ривожига, унинг ижтимоий-сиёсий маданияти, тафаккури, онгининг шаклланишига таъсири.
13. Машғулотларни ўтиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллиги ва қизиқиш даражаси.
14. Машғулот мақсадларининг амалга ошганлиги. Қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар, уларнинг сабаблари.
15. Ўтказилган машғулотни умумий баҳолаш.
16. Таклиф, мулоҳаза ва бериладиган маслаҳатлар.

Машғулотни таҳлил қилувчилар: \_\_\_\_\_

### **28. Таълим муассасасида ҳафта навбатчилигини ташкил этиш**

**Мақсади:** Таълим муассасасидаги доимий тартиб-интизом, озодалик ва изчил иш маромини ташкил этиш; ўқувчиларни ўз-ўзини бошқаришга, мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишга ҳамда онгли интизомга ўргатиш.

**Вазифаси:** Кунлик даволатнинг тўлиқ бўлишига эришиш; дарсдан ташқари тадбирларнинг юксак уюшқоқлик ва онгли интизом асосида ўтишини таъминлаш; ҳафта давомида таълим муассасасидаги ижобий ва салбий ҳолатларни умумлаштириш ва маъмурият билан биргаликда салбий ҳолатларнинг бартараф этилишига таъсир этиш.

**Ўтказилиш тартиби:** Таълим муассасасидаги навбатчилик ҳафта давомида бир курсга юклатилади. Улар дарсгача, дарслар орасида ва дарсдан

кейин тадбир иштирокчиларини уюштириш, тартиб-интизомни таъминлаш, турли зарурий юмуш ва бошқаларга кўмаклашиши лозим.

Тарбиявий ишлар ташкилотчиси гуруҳ (курс) раҳбари билан биргаликда ҳафта давомида қилинадиган ишлар режаси ва тартибини тушунтиради. Бунда душанбадан шанбагача бўлган муддатдаги барча ишлар камраб олинади: ҳар куни ўқувчиларнинг дарсга давомати кузатиб борилади; дарсгача, дарслар орасида ва дарсдан кейинги тадбирларда тинчлик ва осойишталик назорат қилинади. Бунда таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ва Низомининг бажарилиши шарт; таълим муассасаси биноси ва ҳовлисидаги тозалик, озодалик улар зиммасида бўлади; зарур бўлган электр жиҳозларидан ўринли фойдаланишни назорат қилишади; фавқулодда ҳолатларда гуруҳ раҳбари ва таълим муассасаси маъмуриятига хабар етказишади, уларга амалий ёрдам кўрсатадилар.

Ҳафта охирида умумлаштирилган радио ва деворий газета, варақа, санбюллетень чиқаришади. Унда таълим муассасасидаги ижобий ва салбий ҳолатларнинг нечоғлик аниқ, ҳаққоний ва таъсирчан акс этганлиги кўрик-танлов пайтида эътиборга олинади.

Навбатчилик курсдан-курсга тантанали суратда топширилади. Бу маросим шанба куни дарс охирида ёхуд душанба куни дарсгача ўтказилиши мумкин. Бунда таълим муассасаси байроғи мусиқа садолари остида тантанали равишда олиб кирилади, Давлат Мадҳияси ижро этилади.

Яқунланган ҳафта натижалари эълон қилинади. Бунда рағбатлантиришнинг турли шаклларида фойдаланилади (эсдалик совғаларни топшириш, мақтов ёрлиқларини бериш, таълим муассасаси ҳурмат тахтасига суратини қўйиш ёки номини ёзиш, оғзаки ташаккур, ота-оналарга миннатдорчилик хати ёзиш ва ҳоказо), шунингдек, салбий ҳолатларга тегишли баҳо берилади.

Тадбирда фақат ўқувчилар эмас, балки таълим муассасаси педагогик жамоаси ҳам тўлиқ қатнашади. Айрим ҳолларда эса ота-оналар ҳам таклиф этилиши мумкин.

### **29. Ҳафта навбатчилигини ташкил этиш қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:**

**Душанба:** Ҳафтанинг ва навбатчиликнинг бошланишига бағишланган сафланиш, куй жўрлигида Давлат байроғини олиб кириш ва кўтариш. Давлат Мадҳиясини ижро этиш, навбатчи синф, уларнинг вазифаси, навбатчи

бўлимлари кунлик иш режаси билан таништириш, куй остида синфларга тарқалиш (15 дақиқа).

**Сешанба:** Эрталабки сафланиш “Дунё хабари” билан бошланиши мумкин (сафланиш, масъул навбатчининг кечаги кун якуни ва бугунги кун режаси билан таништириши, топшириқлар бериши, таълим муассасаси кўшиғининг ижро этилиши ва синфларга тарқалиш).

**Чоршанба:** Эрталабки сафланиш таълим муассасасида ўрганилаётган касб ҳақидаги янгиликлар билан бошланиши мумкин (сафланиш, кечаги кун якуни ва янги куннинг иш режаси, топшириқлар берилиши, таълим муассасаси кўшиғининг ижро этилиши, синфларга тарқалиш).

**Пайшанба:** Эрталабки сафланиш раҳбариятнинг таълим муассасасидаги янгиликлардан хабар бериши билан бошланиши мумкин (сафланиш, кечаги кун якуни ва бугунги кун режаси, топшириқлар берилиши, таълим муассасасининг кўшиғини ижро этиш, синфларга тарқалиш).

**Жума:** Эрталабки сафланиш тарбия масалаларига алоқадор хабарлардан бошланиши мумкин (сафланиш, кечаги кун якуни ва мазкур кун иш режаси, топшириқлар бериш, таълим муассасаси кўшиғини ижро этиш, синфларга тарқалиш).

**Шанба:** Ҳафтанинг ва навбатчиликнинг тугалланишига бағишланган сафланиш (ўтган ҳафтага якун яшаш, ютуқ ва камчиликларни айтиш, кейинги ҳафта навбатчилари билан таништириш, навбатчилик ўтган ҳафта ҳақида маълумот бериш ёки кўрсатиш, тақдирлаш, Давлат Байроғини тушириш ва олиб чиқиш, Давлат Мадҳиясини ижро этиш, таълим муассасаси кўшиғи остида тарқалиш).

Изоҳ: Ҳафтанинг қизиқарли ўтиши ҳафта давомида олиб борилган ишлар, уларнинг қандай ташкил этилишига боғлиқдир. Ўтказилган сафланишларда навбатчи синф билан бир қаторда таълим муассасасининг педагогик жамоаси ҳам фаол иштирок этиши мумкин.

**30.Таълим муассасасида иш ва ўқиш кунининг бошланиш тартиби:**

**Мақсади:** Таълим муассасаси ўқувчиларини ички тартиб-интизом қоидаларига ҳурмат, уларга онгли равишда амал қилишга ўргатиш.

**Вазифаси:** Таълим муассасаси ўқувчиларида онгли интизом ҳиссини тарбиялаш, ҳар бир ўқувчининг жамоада тўлақонли аъзо эканлигини, жамоа меҳнати натижалари учун масъул эканлигини ҳис этишни тарбиялаш.

### **Ўтказилиш тартиби:**

Ҳар куни белгиланга вақтда таълим муассасаси ҳовлиси ёки махсус жойда, таълим муассасаси мусикали қўнғироғидан сўнг, ҳамма (ўқувчилар, ўқитувчилар, раҳбарият) саф тортади.

– навбатчи гуруҳнинг бугунги кунда ўтказилаётган маросимга масъул аъзоси ҳамда гуруҳ раҳбари ўртага чиқиб, барча курслар жам бўлганини эълон қилади;

– таълим муассасаси ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси жамоа томонидан ижро этилади (мадҳия куйи фонограмма орқали берилади).

– масъул навбатчи ўтган кунги масъул навбатчига сўз беради. У ўтган кунга якун ясайди, керакли буйруқ ва топшириқларнинг бажарилиши билан ҳаммани таништиради, бир кунлик фаолиятининг ижобий, салбий жиҳатларини очиб беради, ўрнатилган, тартиб-интизом, кийиниш назорати ҳамда унинг натижалари ҳақида ахборот беради;

– масъул навбатчи таълим муассасасининг шу кунги иш режаси билан таништиради. Масалан, танаффусларда радио орқали бериладиган куйлар, радио-газеталар, шунингдек, дарс тугагандан сўнг гуруҳларда ва таълим муассасаси бўйича ўтказиладиган тадбирлар, уларнинг вақти, жойи, иштирокчилари билан, бугунги кун таълим муассасасида қандай ўтганини акс эттирувчи варақанинг чиқарилиши, таълим муассасасига кимлар келиши ҳақидаги маълумот билан таништиради;

– республикамизда бўлаётган муҳим воқеалар ҳақида ҳам маълумот берилиши мумкин;

– гуруҳ раҳбари ёки таълим муассасаси маъмурияти ўз хабарлари, маълумотлари, эълонлари билан чиқишлари мумкин;

– тадбирларни ташкил этишда баъзи гуруҳларнинг иштироки белгиланган бўлса, уларга аниқ топшириқлар берилиши мумкин;

– масъул навбатчи томонидан барча ахборот берилиб бўлингач, маросим якунланади;

– маросим қатнашчилари қўшиқ ёки куй жўрлигида жой-жойларига тарқаладилар.

**Изоҳ:** Маросим ҳар куни (15 дақиқа давомида) уюшқоқлик билан ўтказилади.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ  
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

*Қарши давлат университети Илмий кенгаши-  
нинг 2011 йил 3 – сентябрдаги 1-сонли қарори  
билан тасдиқланган*

**ҚАРШИ-2012**

*“Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллий қадриятларни, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин”.*

**И.А. Каримов**

### **1-бўлим. Умумий қоидалар.**

**1.1.** Ушбу олий таълим муассасаси (бундан буён матнда университет деб юритилади)нинг одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда **“Қоидалар”** деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги ва “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” давлат дастурлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли буйруқлари, университетнинг Устави, ички тартиб қоидалари ҳамда умумэътироф этилган маънавий ва ахлоқий тамойиллар асосида ишлаб чиқилган.

“Қоидалар” ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси таълимга оид қонун ҳужжатларида фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга, таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилганлиги сабабли университетнинг асосий функцияси таълим ва тарбия беришдан иборат эканлиги назарда тутилган.

**1.2. “Қоидалар”** университет Илмий кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва унга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш Илмий кенгаш қарорига биноан амалга оширилади.

**1.3. “Қоидалар”** университетнинг маъмурияти, профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари (**жамоа аъзолари**)нинг университетга оид ўзаро муносабатларидаги одоб-ахлоқ тамойиллари, риоя этишлари шарт бўлган хулқ-атвор қоидалари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

**1.4 “Қоидалар”**га риоя қилиш университет жамоа аъзоларининг барчаси учун мажбурийдир.

**1.5.** Талабалikka ва ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс **“Қоидалар”** билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб имзо қўйиши шарт.

**1.6.** Университет жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим ва илмий муассасалар, тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда талабаларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларда **“Қоидалар”**даги кўрсатмаларга риоя этилишидан манфаатдордир.

## **2-бўлим. Мақсад ва вазифалар.**

**2.1. “Қоидалар”**нинг мақсади университетда соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини асраб-авайлаш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, университетнинг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузини янада оширишдир.

**2.2. “Қоидалар”**нинг асосий вазифалари:

- юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланган ҳамда юксак инсоний фазилатларга

эга бўлган иродаси бақувват, иймони бутун ва виждони уйғоқ мутахассисларни тайёрлаш;

- университет жамоа аъзоларининг маънавий иммунитетини шакллантириш, сақлаш ва ҳимоя қилиш;

- ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, жумладан, ёшларни ичқиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалоқатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборат.

### **3-бўлим. Жамоа аъзоларининг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар.**

**3.1.** Университетда ҳамжихатлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирига ғамхўрлик қилиш ҳамда аҳил-иноқлик жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардир.

**3.2.** Университетда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили – бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини паймол қилмаслиги лозим, жумладан жамоа аъзосининг сўз эркинлиги унга бировга тухмат қилиш, уни ҳақорат қилиш, ўзаро муносабатларда умум эътироф этилган ахлоқ қоидаларини намоёйишкорона менсимасликда ифодаланувчи беҳаё сўзлардан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатламайди, эътиқод эркинлиги диний маросим либосларида университетга келиш ҳуқуқини кафолатламайди, кийиниш эркинлиги таълим масканида тарбия жараёнига салбий таъсир қилиш ҳуқуқини кафолатламайди ва ҳоказо.

**3.3.** Жамоа аъзоларининг университетга одамлар диққатини тортадиган танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, шунингдек тиззадан юқори қисмлари очик қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда ёки диний ибодат либосида, металл занжирлар, тўғноғичлар, танага турли мунчоқлар қадаган ҳолда, спорт кийим ва пойабзалида келиши тақиқланади.

Жамоа аъзолари университетга ораста бўлиб, унга монанд кийимда келиши лозим.

**3.4.** Жамоа аъзосининг шаъни ва қадр қиммати ҳурмат қилиниши ҳамда халқимизнинг маънавий меросини авайлаб асраш мақсадида жамоа аъзолари бир-бирига нисбатан ҳурматсизлик қилиши, беҳаё сўзлар ишлатиши қатъий тақиқланади ҳамда университетда ўзаро “Сиз” деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

**3.5.** Университет жамоа аъзолари турли тадбирларда (мажлислар, тантанали йиғилишлар, амалий учрашувлар, байрамларда) сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, маиший тинчликка риоя этиши шарт. Зарурат тақозо этса, бир нотик ўз сўзини тугатиб, бошқаси сўз бошлашига қадар юзага келадиган узилиш вақтида залдан чиқиб кетиш мумкин.

**3.6.** Биноларга кириш жойларида тирбандлик юзага келса, талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларни, эркаклар эса аёлларни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

**3.7.** Бинога кираётган ҳар бир киши биноларга кириб-чиқишни назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни очик ҳолда кўрсатиши шарт.

**3.8.** Жамоа аъзолари университет ҳудудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари керак. Бир-бирига дуч келганда албатта саломлашишлари, бунда: талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларга, эркаклар хотин-қизларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади. Бундан қўл бериб сўрашиш истисно бўлиб, ёши катта шахслар биринчи бўлиб қўл узатганидан кейингина унга жавобан қўл узатиш мумкин.

**3.9.** Миллий ва умумбашарий кадриятларга хос бўлмаган ёки университетнинг ички муаммоларига таалукли масалаларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш тақиқланади.

**3.10.** Компьютерларда университетга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъиян ман этилади.

**3.11.** Ўқув машғулотларига ва ишга ҳамда жамоа аъзоларининг осойишталигига ҳалақит берадиган хатти-ҳаракатлар (радиоприёмник, телевизор, магнитофон ва бошқа овоз кучайтириш воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш тақиқланади.

**3.12.** Университет жамоа аъзолари дарс машғулотлари ва ишга белгиланган кун тартибига кўра ўз вақтида келишлари шарт.

**3.13.** Университетда ҳар қандай ҳукукбузарлик содир этиш тақиқланади, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоа аъзосига маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни тарқатиш, тан жароҳати етказиш, фуқоролик муомаласидан чиқарилган воситаларга оид муносабатларга киришиш (гиёҳванд моддалар, психотропик воситалар ва ҳоказо), ичкиликбозлик, кашандалик, маиший тинчликка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, қимор ва тавакалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш қатъиян ман этилади.

#### **4-бўлим. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари.**

**4.1.** Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари “Устоз-шогирд” миллий анъаналарига асосланиши лозим.

**4.2.** Профессор-ўқитувчи аудиторияга кирганида барча талабалар ўринларидан туриб саломлашишлари, сўнгра ўз жойларини эгаллашлари лозим.

**4.3.** Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун тақиқланади.

**4.4.** Талаба ўзининг ножўя ҳаракатлари билан дарс машғулотларига халақит берса, профессор-ўқитувчи юзага келган вазият ҳақида деканатни хабардор қилиб ва унинг рухсати билан бундай талабани машғулотлардан четлатиши мумкин.

**4.5.** Талабада профессор-ўқитувчи билан ўқув машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, унда талаба қуйидаги қоидаларни, яъни:

-профессор-ўқитувчи талаба билан дарс жадвалига мувофиқ машғулотларда, маслаҳат соатларида, мустақил ишларни, рейтинг назоратини топширишда ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда шуғулланишини;

-ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган профессор-ўқитувчининг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини аниқ билиши шарт.

**4.6.** Талаба олдиндан келишилмаган ҳолда профессор-ўқитувчининг хузурига келса, умумий ёки ўзаро келишилган маслаҳат соатига кеч қолиб келган ёки келмаган бўлса, профессор-ўқитувчидан ҳатто қисқа вақт суҳбатлашишни талаб қилишга ҳам ҳақли эмас.

**4.7.** Айрим ҳолларда талабалар профессор-ўқитувчини алмаштириш илтимоси билан мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун жиддий сабаблар (қўполлик, таъмагирлик, профессор-ўқитувчининг айби билан машғулотлар ўтказилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар) кўрсатилиши ва у бўйича гуруҳнинг ягона фикри мавжуд бўлиши шарт.

**4.8.** Профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида рейтинг назоратини топширишга доир зиддият келиб чиққан ҳолларда, талаба рейтинг назоратини махсус комиссияга топшириш учун рухсат бериш илтимоси билан кафедра мудирига мурожаат этиши мумкин. Бунда мурожаат асосланган бўлиши шарт. Бундай масалалар кафедра мудирининг тақдимномасига биноан факультет декани томонидан ҳал этилади.

## **5-бўлим. Профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари.**

**5.1.** Профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларида – ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

**5.2.** Профессор-ўқитувчилар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

### **6-бўлим. Талабаларнинг ўзаро муносабатлари.**

**6.1.** Талабаларнинг ўзаро муносабатларида — ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

**6.2.** Талабалар муносабатларида инсон қадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

### **7-бўлим. Профессор-ўқитувчиларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари.**

- одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишда талабаларга намуна бўлиш;
- университет манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиш;
- бирор – бир нохуш воқеа ёки ходиса рўй берса, зудлик билан у ҳақида маъмуриятга хабар бериш;
- университет шаъни ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш;
- университет тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ўз манфаатлари йўлида фойдаланмаслик;
- дарс жараёнида талабаларга одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва қадриятларимизни тарғиб қилиш;



- ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалоқатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ этиб бориш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

### **8-бўлим. Талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари.**

#### **а) Университет ҳудудида:**

- ҳудудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;

- ҳудудни ифлослантмаслик ва чиқиндиларни фақат жойлардаги урналарга ташлаш;

- устозлар билан дуч келганда салом бериш;

- ўқув машғулотлари вақтида ҳудудда сабабсиз юрмаслик;

- университет мулки (кўчар ва кўчмас мулки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ҳоказолар) га эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

- кийиниш ва ўзаро суҳбат одобларига риоя қилиш;

- мутасаддиларнинг рухсатсиз турли реклама воситаларини осмаслик;

- маиший тинчликка риоя қилиш;

- наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юқоридаги ҳолатлар ҳақида тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бермаслик жавобгарликка сабаб бўлиши алоҳида қайд этилади.

#### **б) аудиторияда:**

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;

- дарс вақтида гаплашмаслик;

- жиҳозларга маданий муносабатда бўлиш, парталарга ёзмаслик;

- қоғоз ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслик;

- овқатланмаслик, сақич чайнамаслик.

**в) умумий овқатланиш жойларида:**

- таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш;

- овқатланиш вақтида шовқин солмаслик;

- умумий овқатланиш шаҳобчасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш.

**г) ахборот ресурс марказида:**

- АРМ ходимлари билан ҳушмуомалада бўлиш;
- китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик;
- қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

**д) талабалар турар жойларида:**

- мавжуд жиҳозларни асраш, уларга зарар етказмаслик;
- электр-энергияси, газ ва сув ресурсларидан тежамкорона (оқилона) фойдаланиш;

- санитария ва гигиена хоналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилиш;

- талабалар турар жойи “Низоми” ва “Ички тартиб қоидалари”га қатъи риоя қилиш.

**е) спорт мажмуаларида:**

- спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пойабзалларда кириш;
- спорт инвентарларига нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;

- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

## **ж) маданият саройи ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш**

### **жойларида:**

- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- оммавий тадбирлар вақтида ҳуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;
- уҳлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халақит бермаслик.

### **Шунингдек,**

- турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан университет ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиш;
- доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англаш;
- университет манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонкуярлик қилиш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

## **9-бўлим. Профессор-ўқитувчи ва талабалар одоб-ахлоқида**

### **ман этиладиган ҳолатлар.**

### **Профессор-ўқитувчига:**

- жамоа аъзоларининг шахсиятини ва қадр-қимматини камситиш, ўзгаларнинг шахсий ва оилавий муаммоларини муҳокама қилиш;
- жамоа аъзолари ва бошқалар устидан турли ифво, ғийбат ва бўҳтонлар уюштириш;
- талабалар билан ўз ҳамкасаларининг касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилиш;
- талабаларни асоссиз ўқув машғулотлардан чиқариб юбориш;
- ўқув машғулотларида тижорат рекламаси ўтказиш;
- ўқув машғулотларида диний ташвиқот олиб бориш;
- ўқув машғулотларига маст, соч-соқол олинмаган ва кийиниш тартибига риоя қилмаган ҳолда келиш;

- биноларда ичиш ва чекиш кабилар қатъиян ман этилади.

### **Талабага:**

- профессор-ўқитувчиларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асоссиз гапириш;

- профессор-ўқитувчи билан бошқаларнинг баҳосини муҳокама қилиш;

- ёлғон гапириш, фирромлик ёки профессор-ўқитувчиларни чалғитиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қилиш;

- ходимлар ва ўз ўртоқларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш;

- ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир бошқа тартиб-таомилларни бажариш вақтида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;

- бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топшириш;

- машғулотларни ўтказиб юбориш ёки кечикиб келиш;

- машғулотлар вақтида профессор-ўқитувчининг рухсатсиз аудиториядан чиқиб кетиш;

- бошқа талабанинг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказиш;

- моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз қилиш қатъиян ман этилади.

## **10-бўлим. Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар**

### **ўртасидаги одоб-ахлоққа оид муносабатлар.**

**10.1.** Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ҳурмат, аҳиллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ғамхўрлик ва адолат тамоилларига асосланади.

**10.2.** Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг иш фаолиятига доир масалалар бўйича ҳамкорлик қилишида бир тарафнинг бошқа тарафга тазйиқ ўтказишига ёки унга ҳаракат қилишига, шунингдек адолат тамоилларига ва УНИВЕРСИТЕТ манфаатларига зид бўлган қарорлар тайёрланишига йўл қўймайди.

**10.3.** Лавозим даражалари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ишчи тартибда ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, маъмуриятни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

**10.4.** Жамоада бирор бир масала билан маъмуриятга мурожаат қилиш тартиби субординация тамоили асосида ташкил этилади.

**10.5.** Профессор-ўқитувчи ва ходимнинг университетда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

**10.6.** Маъмурият профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғидан, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш шунингдек ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиниқишлари учун барча имтиёзларни яратиб беради.

### **11-бўлим. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби.**

**11.1.** Ўқув йили давомида “Қоидалар”га тўла риоя қилган, университетда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топишига ва мустаҳкамланишига хизмат қилган жамоа аъзолари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқлари тавсиясига биноан университет ички тартиб қоидаларига мувофиқ моддий ёки маънавий рағбатлантирилади.

**11.2.** Жамоа аъзолари ушбу “Қоидалар”ни бузганида, университет ички тартиб қоидаларининг “Интизомий таъсир чоралари” бўлимида келтирилган ҳолатлар бўйича чоралар кўрилади.

Шунингдек, жамоа аъзосининг хулқ-атвори устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур қоидаларга риоя этилмаганлиги ҳолатлари университетдаги Бирлашган касаба уюшма кўмитаси, “Камолот” ЁИХ, Хотин-қизлар ва “Ота-оналар” Кенгашларида ҳам муҳокама қилиниши ва уларнинг қарорига биноан жамоа аъзосининг хулқ-атвори тўғрисида у яшаб

тўрган маҳалла фуқаролар йиғинига маълумот тариқасида ёзма хабар юбориш амалиёти ҳам жорий этилиши мумкин.

# **“Устоз - шогирд” мактаби низоми.**

## **Кириш.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўлида таълим-тарбия сифатини юқори босқичга олиб чиқиш, замонавий талабларга жавоб бера оладиган ижтимоий фаол ва малакали ракобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнида мукамал умумкасбий тайёргарликни вужудга келтириш, касбий маҳорат ва амалий кўникмаларни такомиллаштириш талаб қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 25.08.2004 й. № 87-02-1279 модеммограммасига ва 2008 йил 6 сентябрь № 8/2 сонли хайъат қарорига асосан “Устоз - шогирд” мактабини олий ўқув юртларида ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш белгиланган.

“Устоз - шогирд” тизимини ташкил этишдан асосий мақсад бакалавриатура йўналиши бўйича таълим олаётган ҳар бир талабанинг, амалий жиҳатдан касбий жараёнларни мукамал ўзлаштириб, мустақил фаолият юрита оладиган касбий маҳоратга эга бўлиши, ижобий фикрлай олиши, одоб-ахлоқли, манавий етук, ўз касбига содиқ зиёли бўлишини таъминлашдан иборатдир. Бу жараён шогирднинг ихтисослик йўналиши бўйича касб тарбияси, касб маҳорати ва касб маданиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, шогирднинг мустақил иш фаолиятида ҳам давом эттирилди.

## **1. Умумий қоидалар.**

“Устоз - шогирд” мактаби тизими Олий ўқув юрти ректорининг буйруғи асосида педагогик инновациялар маркази ёки “Педагогика ва психология” кафедраси томонидан бошқарилади.

Ҳар бир талабага алоҳида устоз тайинланади. Устоз шогирдлар учун тузилган йиллик режа асосида фаолияти кўрсатади.

Устоз шогирдларнинг таълим-тарбиявий фаолиятига шахсан масъул ҳисобланади.

“Устоз - шогирд” мактаби бўйича профессор-ўқитувчилар фаолиятига баҳо бериш, рағбатлантириш ушбу Низом асосида ректор бўйруғи билан амалга оширилади.

Педагогик инновациялар маркази ёки “Педагогика ва психология” кафедраси қошида “Устоз - шогирд” мактаби кенгаши ташкил этилади. Унинг режаси Олий ўқув юрти ректори томонидан тасдиқланади.

## **2. Устозларнинг вазифалари.**

Ҳар бир талабага биркитилган устоз ҳамжихатликда фаолиятларини амалга ошириш учун кенгайтирилган йиллик ва истиқболли режаларини тузадилар.

Бакалавр йўналиши бўйича талаба Давлат таълим стандартини, нумунавий ва ишчи режаларни, барча фанлар бўйича намунавий ва ишчи-ўқув дастурларни, календарь-тематик режаларни мукамал ҳамда мазмунан ўзлаштиришлари керак. Устоз бакалаврнинг таълим-тарбияси бўйича куйидаги умумий малака талабларини таъминлашга масъулдир:

- илмий дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини, ижтимоий муаммолар ҳамда тарбиявий жараёнларни таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихи, педагогика ва психология каби фанларни билиши, маънавий, миллий ва умуминсоний қадрият масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ҳамда илмий асослай билиш, миллий истиқлол ғоясига асосланган ижтимоий фаол ҳаётини нуқтаи назарга эга бўлиши;

- таъбиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касбий фаолиятида фойдалана билиши;



- шахсни бошқа шахсга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва манавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни қўллай олиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятини мустақил асосланган илмий билим ва тушунчаларни қўллай олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардошлик ва умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- инновацион технологияларни мустақил эгаллай билиши, изланувчан, ижодкор бўлиши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий билим ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув-кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Таълим йўналиши бўйича устоз вазифалари:

*Гуманитар ва умумий фанлар бўйича:*

- бакалаврлик йўналиши бўйича барча меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиши;

- “Мутахассислик” кафедраси бўйича устоз-шогирд ҳамкорликда кенгайтирилган ва жорий режаларни тузиш;

- касбий соҳа бўйича умумий ва гуманитар фанлардан шогирднинг бажарадиган мустақил ишларини белгилаш;

- бакалаврлик йўналиши мутахассислиги бўйича республикада ва дунёда тутган ўрни, ишлаб чиқариш қувватлари, лавозимларга қўйилган талаблар, соҳани ривожлантириш истиқболи каби маълумотларни тўплаш, ўрганиш, янгилаб туриш;

- амалиётга шогирд билан бориши лавозимларда ишлаш шароитлари, талабларини ўрганиши;

- шогирднинг касбий малака ва кўникмалари шаклланиши, билим сифатини узлуксиз назорат қилиши ва баҳолаб бориши;

- шогирдни илмий ишларга жалб қилиши, фундаментал фанлар йўналиши бўйича боғлиқлик масалаларини аниқлаш, ижодий ишлар олиб бориши.

*“Мутахассислик” кафедраси бўйича:*

- шогирднинг соҳага қизиқиши ва эътиборини ошириши, фаннинг давлат ва дунё миқёсида тутган ўрни, ўзига хос томонларини ўргатиш;

- шогирднинг соҳа йўналишига тегишли барча ускуна ва жиҳозларини тўлиқ ўрганиб, ишлай олишини таъминлаши;

- назарий билимларни амалиётда қўллашда ўргатиш;

- шогирдни касбий маҳорати ошиб боришини таъминлаши, доимо ўз устида ишлаши, соҳа янгиликларини ўзлаштириши, ишлаб чиқариш унимини ошириш, сифатни яхшилаш бўйича доимо изланишлар олиб боришига йўналтириши;

- илмий ишларга, БМИ, техник ва технологик янгиликларни яратишига, изланишларига раҳбарлик қилиш ҳамда соҳанинг етук мутахассиси сифатида семинар, конференцияларда иштироки, изланишлар натижаларини чоп қилишга ёрдам бериб бориши;

- тарихий анъаналаримизга содиқ бўлиши, шогирдни мукаммал билимга, касбий маҳорат, амалий малакага эга бўлишига хос йўналтириши лозим.

Тарбия йўналиши бўйича устозларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- илмий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, юксак ахлоқ-одоб, маънавий етукликни шогирдларида шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзи, адолатни эъзозлаши, амал қилиши ҳар томонлама ўзини чиниқтириш, ўқув кўникмаларига эга бўлишини талабаларга ўргатиш;

- бакалаврлик слҳа йўналишларига оид педагог олимларни, ишлаб чиқариш соҳасига ва унинг ривожланишига ҳисса қўшган олим ва мутахассисларни, ҳаёти ҳамда фаолиятини, соҳа маданияти, маънавияти ва этикасини билишга, ҳурмат қилишга ўргатиш.

### **3. Ишни ташкил этиш.**

“Устоз - шогирд” мактабида устоз фаолиятининг умумий иш режаси мазмуни таълим ва тарбиявий қисмларидан иборат бўлади.

*Таълим йўналиши бўйича* иш режасига қуйидагилар киритилиши мақсадга мувофиқдир:

- ҳар бир босқичдаги талаба –шогирд билан бажарадиган ишлар режа (1-илова) асосида ишлаб чиқилади;

- ҳар бир шогирд учун алоҳида кенгайтирилган фаолият режаси тузилиб журнал (дафтар) юрғазилади ;

- шогирдни ижобий илмий фаолиятга жалб қилиб мақсадли режа асосида иш олиб боради иқдидорли шогирдларни илмий ЯМИ магистрлик ва номзодлик диссертация режаларини тузишда раҳбарлик қилиш режаси)

*Тарбия йўналиши бўйича:*

- шогирд тарбияси шахс характери ва индивидуал хусусиятдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириши, “ўртак”, “ибрат-намунa” тарбиясига алоҳида этибор бериш талаб қилинади;

- иқтисослик юналиши бўйича маънавий – маърифий ишларнинг қўйилганлиги соҳа тарихи ва маданияти, соҳа этикаси хусусиятларини ўргатиш бўйича тарбия режаси ишлаб чиқарилади.

### **4. Устозларни танлаш ва тайинлаш.**

Ҳар бир “Мутахассислик” кафедрасининг тўлиқ ставкада ишлайдиган профессор-ўқитувчилари сафидан устозлар танланади. Шунингдек, университетда бошқа лавозимларда тўлиқ ставкада ва ҳам устозликка танланиши мумкин. Истисно тарзида бошқа ташкилотларда ишлайдиган илмий салоҳияти юқори бўлган профессор олимлар кафедра фаолиятига

жалб қилиниб, иқтидорли, илмий иш билан шуғулланувчи шогирдларга устоз қилиб танланишлари мумкин.

Устозларни танлаш ва тайинлаш факультет деканлари раҳбарлигида мутахассис кафедралар билан келишган ҳолда амалга оширилади. Ҳар бир талабага битта устоз танланади. Бунда устознинг салоҳияти, обрў-эътибори ва педагогик маҳоратига алоҳида эътибор қаратамиз.

Устозга бириктирилган шогирдлар сони талабалар контингентидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Иқтидорли талабаларнинг илмий ишларига (диссертация ишларига) раҳбарлик қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг устозлигига алоҳида эътибор берилади.

Устозлар ва уларга бириктирилган шогирдлар факультетлар тавсиялари асосида Олий ўқув юрти педагогик инновацион марказининг кенгайтирилган йиғилиши томонидан тасдиқланади. Устозларнинг иш фаолиятлари назорати инновацион маркази кафедра мудирини, факультет томонидан олиб борилади.

Олимпияда ғолиблари, грант ютуғи эгалари ва номдор стипендиятлар ва тайёрланган устозлар алоҳида рағбатлантирилади.

### **5. Устозларнинг ҳуқуқлари.**

Шогирд фаолияти тўлиқ раҳбарлик қилиш.

Шогирднинг фаолиятига тегишли барча маълумотларни деканатлардан, ўқув бўлиmidан олиш.

Шогирднинг ўқув ва яшаш шароитини яхшилаш, тегишли рағбатлантиришларни амалга ошириш бўйича тавсиялар бериш.

Шогирд билан илмий мақолалар, грантлар тайёрлаш, конференцияларда қатнашиш.

“Устоз –шогирд”мақомига талабаларни тайёрлаш.

### **6. Шогирднинг вазифа, масъулият ва мажбуриятлари.**

Талаба шогирдларнинг вазифаси, масъулият ва мажбуриятлари:

- танланган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш, етарли даражада назарий билимга эга бўлиш;

- бакалаврлик йўналиши мутахассисликлари бўйича республикада ва дунёда тутган ўрни, ишлаб чиқариш қувватлари, лавозимларга қўйилган талаблар, соҳа ривожланиши истиқболига оид маълумотларни тўплаш, инновацион технологияларни татбиқ этиш;

- маънавий-ахлоқий ва касбий тарбияга масъулиятини ошириб бориш, баркамол инсон бўлиб етишиш учун турмуш тарзини назорат қилиш, дўстлари, жамоа билан хушмуомалали бўлиб, ҳар жиҳатдан ўрнатилган бўлиши;

- ўзлаштириш даражаси, давомати ҳамда ихтисослиги бўйича изланишларини мунтазам кенгайтириш, миллий қадрият ва анъаналарни чуқур ўрганиб, уларни давом эттириш;

- курсдошлари, талабалар ўртасида Ватан туйғусини, миллий қадриятларнинг тарғиботчиси бўлиб, келажак авлодни тарбиялашга ўзи ва атрофдагиларнинг маънавий имкониятларини шакллантириш;

- шахсий манфаатларни жамият манфаатлари уйғунлаштириш;

- ижтимоий фаол талабалар сафидан ўрин олиш;

- Ватан, олий ўқув юрти, унинг жамоаси ҳамда устози, ўз шаънини, миллий ғурур ва эътиқод рамзларини кўз қорачиғидай асраш;

- Мустақил таълимга чуқур эътибор бериб, танлаган ихтисослиги ҳамда бошқа фанлар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллаб, талабалик давридаёқ ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топиш;

- Талабалар турар жойи ва олий ўқув юрти ички тартиб-қоидаларига қатъий амал қилиш ҳамда атрофдагиларни тартибли, интизомли бўлишга ва қонун-қоидаларни ҳурмат қилишга чақириш;

- Ватан, жамият, устоз ва ота-она олдадаги мажбуриятларини тўла-тўқис бажариш;

Талаба-шогирдларнинг ҳуқуқлари:

- таълим-тарбиявий ишларни устозлар билан биргаликда релаштириш;

- илмий лаборатория ускуналаридан фойдаланиш, компьютерда ишлаш, соҳа йўналиши бўйича амалиётга устоз билан бориш, амалий кўникма ва малакага эга бўлиш ҳамда илмий ишлар билан шуғулланиш;
- шогирд ҳақ-ҳуқуқларини виждонан адо этиш;
- устоз раҳбарлигида илмий – ижодий ишлар ва жамоат топшириқларида фаол иштирок этиш ва бошқалар.

### **7. “Устоз-шогирд” фаолиятини бошқариш ва баҳолаш.**

“Устоз-шогирд” фаолияти олий ўқув юрти ректори буйруғи билан ташкил қилинган инновациялар маркази томонидан бошқарилади. Устозларнинг фаолиятлари факультетлар бўлинмалари орқали назорат қилинади. Устозларнинг фаолиятларига кафедра мудирлари ва декан шахсан масъулдирлар.

“Устоз-шогирд” тизими фаолияти олий ўқув юрти кенгаши йиллик режаларига киритилган ҳолда куриб борилади.

Устозлар ҳар бир семестрда камида бир марта инновациялар маркази ёки кафедра йиғилишида, факультет илмий кенгаши ёки олий ўқув юрти кенгашида ўз фаолияти бўйича ҳисобот бериб боради.

“Устоз-шогирд” тизимида устозларнинг таълим ва тарбия ишлари куйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

- тузилган режаларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтидаги ижроси;
- илмий амалий ишлар сифати, чоп этилган ишлар;
- дарслардаги давомати ва узлаштириши;
- одоб ахлоқи, маънавий етуклиги;
- устознинг касбий педагогик маҳорати;
- шогирдни соҳа юналишига қизиқтириши, раҳбарлик хусусиятларининг мужассамлиги;
- шогирдларнинг ихтисослик йўналиши бўйича эгалланган назарий билимлари, айниқса, амалий кўникма ва малакага эга бўлишлиги;
- инновацион ютуқлар кўрғазмасида (ярмаркасида) иштирок этиш;

- олимпияда, грант ва номдор стипендиялар тайёрлаши.

## **8. Устоз ва шогирдларга бериладиган имтиёзлар.**

8.1. Намунавий фаолият кўрсатиб, шогирдлари юқори натижаларга эришган устоз тажрибаси ўрганилиб, оммалаштирилади. Уларга илмий мақолаларини чоп эттириш, дам олиш масканларига юбориш каби имтиёзлар берилади.

8.2. Чуқур назарий билимга, амалий кўникма ва малакага эга бўлган шогирдлар учун қўшимча “педагогика”, “психология”, “чет тили”, “информатика”, “Ўзбекистон тарихи”дан дарслар уюштирилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига, Давлат стипендияларига ҳамда Олий ўқув юрти номдор стипендияларига тавсия қилинади. Ижтимоий фаол талабалар сафида ўзини ўзи бошқариш фаоллари алоҳида рағбатлантирилади.

8.3. Педагогик жараён натижаларига кўра ҳар бир факультетда биттадан йилнинг энг яхши “Устоз”и ва “шогирд”лари унвонлари белгиланиб, йил давомида моддий рағбатлантириб борилади.

## **9. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.**

Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Олий ўқув юртининг “Устоз-шогирд” тизими кенгаши томонидан амалга оширилади ва ректорнинг буйруғи билан тасдиқланади.

Маълумки, бугунги кунда “Устоз-шогирд”лик тизими мамлакатимизда юзлаб ҳурнардчилик йўналишларида (наққошлик, ўймакорлик, ҳайкалтарошлик, тикувчилик ва ҳоказо) тобора ривожланиб бормоқда. Миллий кадриятларимиз даражасига кўтарилган ҳунармандчилик санъати қайта тикланиб, шахс руҳий оламини ўзгартирувчи ва гўзаллик сари интилиб яшашга ундовчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўқувчининг меҳнатни қадрлаш, ўз меҳнатидан қувониш, бадиий диднинг ўсиши асосида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, эмоционал-руҳий кечинмаларни таркиб топтириш негизида маънавий-ахлоқий тарбияни ривожлантириш назарда тутилади.

Низомда кўрилганидек, олий ўқув юртидаги “Устоз-шогирд”лик мақоми касбий ўз-ўзини тарбиялашга, муайян мутахассислик бўйича билим, кўникма ва малакаларни чуқур эгаллаб, замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий фаол, малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилади.

Таълимнинг ривожлантирувчи мақсади айнан талаба-ёшлардаги мустақил фикрни, касбий фаолликнинг мақсади эса, илмий-ижодий изланишлар билан уйғун бўлишини тақозо этади. Олий даргоҳдаги “Устоз-шогирд”лик мактаби фаолиятини такомиллаштиришда айнан:

- ўқув ва илмий фаразларни илгари суриш;
- тарбиявий ва таълимий характердаги муаммоли вазиятлар технологик ечимларида аниқлаш;
- ривожлантирувчи таълим технологиясининг назарий ва амалий асосларини ўрганиш;
- аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаш;
- касб амалиётини такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазаларни асослаш;
- устоз ва шогирднинг иждоий қарашлари ва истиқболи режаларидаги ўзаро уйғунлик;
- “Устоз-шогирд”лик мақомининг маънавий-ахлоқий негизлари каби шахс камолотини намаён этувчи педагогик-психологик омилларга эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарбия ва таълим жараёнларининг узлуксизлигини таъмин этишга қаратилган ислохатлар асосида комил инсонни тарбиялаш ғояси туради. Бунда, шубҳасиз, оила, маҳалла ва узлуксиз таълим муассасаларининг тарбиявий ҳамкорлиги асосий педагогик омил ҳисобланади. Чунки ҳар бир ижтимоий институтнинг ўзига хос тарбиявий ва таълимий хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг таъсир этиш доираси ҳам бир-биридан ажралиб туради. Бу муаммони чуқур ўрганиш



ва ўзаро изчиллик ва уйғунликка қаратилган ечимларини топиш узлуксиз тарбия технологиясини янада такомиллаштиради.

Яқин ўтмишда тарбия назарияси ва амалиёти мустабид давр сиёсати таъсирида бўлиб, педагогик тафаккур авторитаризм руҳи билан суғорилган эди. Миллий мустақиллик эса, тарбия назарияси ва амалиётида туб ислоҳатларни амалга ошириш имконини берди. Ижтимоий ҳаётга содир бўлаётган маънавий-касбий янгиланиш юксак тараққий этган онг асосида ўз-ўзини англашни назарда тутди. Узлуксиз тарбия технологиясининг моҳияти ана шу жараёнга асосланган.

**Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳамда дастурни амалга оширишга оид Фармонлар ва ҳукумат қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши.  
“2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”.  
Ф – 1910-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 19 феврал.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.  
“2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”.  
ПФ – 3431-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 21 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.  
“2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 321-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 9 июль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.  
“2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”.  
ПФ – 3450-сон. Ташкент шаҳри, 2004 йил, 1 июль.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.  
“Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”.  
30-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 1 июль.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.  
“Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.  
310 – сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 2 июль.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.  
“Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида”.  
335-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 15 июль.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”.  
263-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 7 июнь.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”.  
372-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 5 август.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

“Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

ПФ – 3481-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 29 август.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.

“Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”.

410 – сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 29 август.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.

“IX-X синф ўқувчиларини касб-ҳунарга, яъни лицейлар, академик лицей ва коллежларга тўғри йўналтириш ишлари тўғрисида”.

473-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.

“2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун ДТС талабларига мос келадиган ўқув адабиётлар ва қўлланмаларнинг компьютер, электрон вариантларини ва юқори эффектив мультимедиали тизимларини яратиш ҳақида”.

548-сон. Тошкент шаҳри, 2004 йил, 22 ноябрь.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг Қарори.

Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида.

3-сон. Тошкент шаҳри, 2005 йил, 14 январь.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

“2005 йилнинг - 1 октябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”.

ПФ – 3659-сон. Тошкент шаҳри, 2005 йил, 14 сентябрь.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

ПК – 227-сон. Тошкент шаҳри, 2005 йил, 25 ноябрь.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.**

**Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини  
такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Педагогларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамisha давлатнинг диққат марказида туради. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Ўқитувчиларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юкнамалари мақбуллаштирилгани халқ таълими соҳасига ёш мутахассислар келиб қўшилишига имконият яратди.

Шу билан бирга, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришнинг амалдаги тизими мактаб таълимининг заиф бўғини бўлиб қолмоқдаки, бунда педагогларнинг истеъдоди, касб маҳорати ҳамон улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг муҳим белгилловчи кўрсаткичи бўлиб қолгани йўқ. Амалдаги тариф ставкалари даражаси пастлиги, устама ҳақларни белгилашнинг аниқ ва ошкора механизми йўқлиги ўқитувчиларнинг шахсий ҳиссаси намоён бўлмаслигига ва мактабларнинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келмоқда.

Ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, истеъдодли, ўз касбига содиқ умумтаълим мактаблари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан янги механизмни жорий этиш, ўсиб келаётган авлодни уйғун камол топтириш жараёнида уларнинг масъулиятини кучайтириш ва шахсий ҳиссасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш такомиллаштирилган тизимининг бош вазифалари этиб белгилансин:
  - ўз касбига садоқат ва ташаббускорлик, юксак касб маҳоратини намоён этаётган, таълим – тарбия жараёнига катта шахсий ҳисса қўшаётган талантили педагоглар рағбатлантирилишини назарда тутувчи халқ таълими ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг ҳиссаси муносиб баҳоланишини таъминлаш;
  - амалдаги иш ҳақи даражасини сақлаб қолишгагина эмас, балки энг муҳими, унинг ўсишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг холис ва ошкора механизмни жорий этиш, амалдаги устамалар ва қўшимча ҳақни унификациялаш;
  - умумтаълим муассасалари педагог ходимларининг касб фаолиятига талаб ошганлигидан келиб чиқиб, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни табақалаштириш;
  - мактабларнинг мустақиллигини янада ошириш ҳамда директорлар ва ўқитувчилар жамоасининг ўқитувчилар меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ишларда қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:
  - 2006 йил 1 январдан бошлаб халқ таълими муассасалари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий тариф ставкаларини

белгиланган ҳолда халқ таълими муассасалари педагоглари ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

- ўқитувчилар тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни бажарганлик, касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ ҳиссаси, юқори натижалар ва таълим сифати учун базавий ставкаларга устама ҳақ, шунингдек, ушбу муассасаларнинг ходимларига бир марта бериладиган мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган устамаларни, шунингдек, мукофотлар ва моддий ёрдам бериш учун умумтаълим муассасаларидан ташқари мактабгача, мактабдан ташқари ва халқ таълими бошқа муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармасини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг умумтаълим муассасалари ходимларининг меҳнат ҳақини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобидан уларнинг иш ҳақи келгуси йилда барча ҳақ тўлаш манбалари ҳисобига (ҳар йилги индексациялар бу ҳисобга кирмайди) ўрта ҳисобда 1,3 баравар оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор ҳамма жамғармаси маблағларини тасарруф этиш ҳар бир умумтаълим муассасаси – мактабда, тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган масъул комиссиялар томонидан амалга оширилади.

4. 2006 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари директорлари ҳамда директорларнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосарларининг иш ҳақи миқдори ўртача 1,4 баравар кўпайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йилги Давлат бюджети доирасида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда умумтаълим муассасалари директорлари ва директор ўринбосарларининг иш ҳақини кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг амалга ошириш муҳимлигини назарда тутган ҳолда:

Ўз мажлисида халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини, халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини

рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисидаги Низомларни тасдиқласин:

Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсин ва унинг натижаларини ҳар чоракда ўз мажлисларида муҳокама қилсин.

7.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил, 25 ноябрь

#### **Мустақиллик давридаги энг муҳим саналар**

- 1996 – Амир Темур йили
- 1997 – Инсон манфаатлари йили
- 1998 – Оила йили
- 1999 – Аёллар йили
- 2000 – Соғлом авлод йили
- 2001 – Оналар ва болалар йили
- 2002 – Қарияларни кадрлаш йили
- 2003 – Обод маҳалла йили
- 2004 – Меҳр ва мурувват йили
- 2005 – Сихат – саломатлик йили
- 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили
- 2007 – Ижтимоий ҳимоя йили
- 2008 – Ёшлар йили
- 2009 – Қишлоқ тараққиёти йили
- 2010 – Баркамол авлод йили
- 2011 – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили
- 2012 – Мустаҳкам оила йили
- 2013 – Обод турмуш йили
- 2014– Соғлом бола йили
- 2015 - Кексаларни эъзозлаш йили
- 2016 - Соғлом бола ва соғлом она йили

# ILOVALAR

## Дарс жараёни ва унинг лойиҳаси

Сана: \_\_\_\_\_

Гуруҳ: \_\_\_\_\_

Синф: \_\_\_\_\_

Мавзу: \_\_\_\_\_

### I. Дарснинг ташкилий қисми.

1. Саломлашиш.
2. Аудиториянинг дасрга тайёрлиги.
3. Давомат.
4. Ўқувчилар диққати ва эътиборини дарсга тўла жалб этиш.
5. Дарсда амал қилинадиган қоидаларни эслатиш.
6. Ўқувчиларда дасрда қизиқиш уйғотиш, фаоллаштириш.

### II. Дарснинг ғояси. Комил инсонни шакллантириш.

#### I. Мақсаднинг қўйилиши:

1. **Таълимий мақсад** – ўқув материалининг мазмунини билиш, мавзуга оид билимларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш, кўникма ва малакаларини шакллантириш.

2. **Тарбиявий мақсад** – мавзу мазмунидаги ғоялар, дунёқарашларга таъсир этувчи илмий тушунчалар, янги ахборотлар (билимлар) таъсирида ўзининг маънавий-ахлоқий ҳамда маданиятини шакллантириш.

3. **Ривожлантирувчи мақсад** – дарс жараёнида шахснинг ақлий, ахлоқий камолотини, мантиқий тафаккурини, янги билимларни эгаллаш қибилятини, меҳнатга, эгаллаётган касбига бўлган муносабатини такомиллаштириш.

#### II. Вазифалар:

1. “Ўқитувчи-талаба” ҳамкорлигида фаол муносабатга эришиш.
2. Фикрлар ранг-баранглиги ва уйғунлигини таъминлаш.

3. Ўз-Ўзини назорат қилиш асосида ўз-ўзини баҳолаш.
4. Ижодий қобиятини шакллантириш.
5. Самарадорлик натижасига кўра кафолатли натижага эришиш.

### **III. Ўқув мақсадлари ва вазифаларни рўёбга чиқарувчи феъллар.**

1. Мавзу бўйича дастлабки маълумотга эга бўлади. Асосий тушунчаларни хотирасида сақлайди.

2. Мавзунинг мазмунини ёзма баён этади. Оғзаки сўзлаб берилади. Қайта ифодалайди.

3. Мавзунинг асосий тушунчаларини изоҳлайди, фарқини ажратади. Эгаллаган билимларини татбиқ этади.

4. Мавзу мазмунини асосий саволларга бўлиб чиқади, таҳлил қилади, умумлаштиради.

5. Мавзу мазмунини бойитади, тўлдиради, янгилайди, ўзгартиради, ўз фикрига эга бўлади.

### **VI. Методлар:**

1. **Анъанавий:** тушунтиринг, суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, ёзма ишларини бажариш ва ҳоказо.

2. **Замонавий** – Интерфаол: музёра, кейс, дебат, занжир, 6×6×6 ва бошқалар.

**VII. Воситалар** – кўрсатмали материаллар, адабиётлар, альбом, компьютер, видеопроектор ва ҳоказо.

**VIII. Жиҳозлар** – экран, хонани ёритувчи ва қоронғи қилувчи мосламалар.

**IX. Таянч сўзлар** – таълим, мақсад, вазифа, методлар, кафолатли натижа.

Бу жараёнда интерфаол методлардан бири бўлган занжир методи ва уни қўллаш методикасини қуйидагича кўриб чиқиш методи ва уни қўллаш методикасини қуйидагича кўриб чиқиш мумкин. Ушбу методнинг моҳияти: -мантикий кетма-кетликка асосланилади;



- оддийдан мураккабга борган сари саволлар бир-бирини тўлдиради;
- муаммоли вазиятлар содир бўлади;
- ўқувчи-талабани мустақил фикрлашга ундайди;
- қайтар алоқа ўрнатилади;
- ижодий муҳит шаклланади;
- фаол ҳаракат вужудга келади;
- ҳамфикрлик асосида дўстона муносабатлар қарор топади.

1. Аниқ мақсад қўйилади: ўқитувчининг касбий сифатларини ўрганиш ва уни яхлит тизим ҳолига келтириш.

2. Вазифалар белгиланади.

а) **Уй вазифаси:** ўқитувчининг касбий сифатларини ўрганиб келиш.

б) **Дарс жараёнида:** ўқитувчининг касбий сифатларини тизим ҳолига келтириш.

в) Энг зарур сифатларни ажратиш.

г) Кундалик педагогик фаолият учун энг зарур бўлган 10 та касбий сифатини қолдириш. Булар:

1. Билимдонлик.
2. Инсонпарварлик.
3. Меҳрибонлик.
4. Бола қалбига йўл топа олиш (болажонлик).
5. Ўзаро ишонч.
6. Маданий муомала.
7. Педагогик назорат.
8. Камтарлик.
9. Юморга бой бўлиш.
10. Ташкилотчилик.

Занжир методини бир нечта методлар тўлдиради (“Баҳс-мунозара”, “Ялпи фикрий ҳужум”, “Кластер”, “Рағбатлантириш” ва б.).

3. Жумладан, “Баҳс-мунозара” методи. Бу метод қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Ўзаро ҳурмат.
- Муомала одобига риоя қилиш.
- Ҳиссиётга берилмаслик.
- Билимдонлик ва топқирликни кўрсата олиш.
- Мулоқотга киришиш йўллари аниқлаб олиш.
- Баҳс-мунозара маданияти.
- Педагогик маҳорат қирраларини кўрсата билиш.
- Касбий-маданий муносабат.

### **3. Методлар уйғунлигида:**

а) Қиёсий хулосалар чиқарилади.

б) Тегишли тавсиялар берилади.

Ўқувчининг ўқув-билув мотивларини барқарор ва айни пайтда фаол фаолият жараёнига татбиқ этишда занжир ва баҳо-мунозара методидан ташқари яна қуйидаги интерфаол методларни ҳам кўриб ўтишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Ақлий ҳужум**, баъзан мияга ҳужум ҳам дейлади (Брейнсторминг). Бунда кўпроқ ғояларни яратиш ва генерация қилишдан иборат тезкор вазифа бажарилиб, микрогуруҳ аъзолари шахсий ғояларини илгари суриш орқали (генерация қилиш орқали) қийин муаммо ечимини топадилар.

**Пинборд** (инглизча *рин*- мустаҳкамлаш; *board*- доска)- бу методнинг моҳиятини мунозара ёки ўқув-билув жараёнидаги суҳбат амалий усул билан боғланиб келади. Унинг ўзига хос томони тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни изчил тўлдириш асосида ўқувчини мулоқот юритиш, мунозара олиб бориш маданиятига ўргатади. Бундан ташқари, ўқувчини ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён қилиш қобилиятини, мантикий фикр юритиш кўникмасини шакллантиради, таҳлилий тафаккурини ривожлантиради.

**Дебат** – долзарб мавзу асосида ўқувчилар 2 гуруҳга бўлиниб, баҳс-мунозарага киришади. Шу асосда мавзу ўз ечимини топади.

#### Ақлий ҳужум методининг технологик харитаси

Ишнинг босқичлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1. Тайёргарлик	Мавзу юзасидан микрогуруҳларга топшириқ беради. Иш мақсади ва мазмуни белгиланади.	Аниқ мақсад юзасидан ўқувчининг вазифасини аниқлайди.
2. Кириш	Мавзу юзасидан ақлий ҳужум методининг ўрни, уни қўллаш йўллари бўйича йўналиш беради.	Ақлий ҳужум методи ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлади.
3. Асосий	Микрогуруҳларда ғоялар ўртага ташланади, мавзу мақсадига мувофиқ келадиган ғоя кўтариб чиқилади. Ғояларни саралаш бўйича назорат олиб борилади.	Ғояларни саралаш амалга оширилади.
4. Таҳлил	Илгари сурилган ғоялар таҳлил қилинади.	Мақсадга мувофиқ ғояни билдиради.
5. Яқун	Мавзу мақсадига мос (мувофиқ) келадиган ғояни маъқуллайди. Ўзининг яқуний фикрини билдиради. Энг илғор микрогуруҳни аниқлайди ва рағбатлантиради.	Ҳар бир микрогуруҳда ўз-ўзига баҳо берилади.

#### Пинборд методининг технологик харитаси.

Ишнинг босқичлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1. Тайёргарлик	Ўқувчиларни баҳолаш мезони билан таништиради. Иш мақсади, вазифалари аниқланади.	Ўқувчи ўзига тегишли вазифаларни олади.
2. Кириш	Пинборд методининг моҳияти юзасидан ўқувчиларга йўналиш беради. Олдиндан дидактик материаллар тарқатиб, тегишли вазифалар ойдинлаштирилади.	Микрогуруҳ доирасида суҳбатлашиб, келишиб олинади.
3. Асосий	Кузатади, айрим саволларга	Мунозара давомида

	жавоб берилади.	шаклларган фикрлар хулоса кўринишида умумлаштирилади.
4. Таҳлил	Кузатади.	Ҳар бир микрогуруҳнинг хулосаси ўртага ташланади.
5. Яқун	Тавсиялар берилади, рағбатлантиради.	Микрогуруҳлар бир-бирини баҳолайди.

**Дебат методининг технологик харитаси.**

Ишнинг босқичлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1. Тайёргарлик	Ечимини кўтаётган мавзунини маълум қилади.	Тенг 2 гуруҳга бўлинади.
2. Кириш	Мавзу юзасидан йўналиш беради. Мақсад ва вазифалар белгилади.	Гуруҳлар жавоб топиш йўллари кидира бошлайди.
3. Асосий	Кузатади, айрим саволларга жавоб берилади.	Мунозара давомида шаклланган фикрлар хулоса кўринишида умумлаштирилади.
4. Таҳлил	Кузатади, мукамал ечим вариантларини олдиндан башорат қилади.	Ҳар иккала томоннинг муаммо ечимига қаратилган фикрлари (ечим вариантлари) ўртага ташланади.
5. Яқун	Муаммо ечимига қаратилган фикрларни маъқуллайди, рағбатлантиради.	Иккала томон бир-бирининг фикрини баҳолайди.

**6×6×6 методи.** Ўқувчилар 6 тадан 6 та микрогуруҳга ажралади. Жами 36 ўқувчи иштирок этади. Гуруҳлар муайян номлар билан белгиланади. Дарс мавзуси эълон қилинади ва вақт белгиланади. Ўқувчилар мавзу атрофида баҳслашадиган, ўз муносабатларини билдирадilar. Мавзу бўйича белгиланган вақт тугагач, ўқувчи гуруҳ аъзоларини алмаштиради. Янги гуруҳда аввалги гуруҳдан битта вақил қолади ва у ўз гуруҳининг мавзуси юзасидан чиқарган хулосаларини янги гуруҳга баён этади. Янги

гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳга фикр ва хулосаларини ўрганадилар, унга ўз муносабатларини билдирадилар.

Шу тариқа қисқа вақт оралиғида ўқувчилар томонидан ҳам мавзу юзасидан фикр билдирилади, ҳам бу фикрлар уларнинг ўзлари томонидан таҳлил этилади ва баҳоланади.

### 6×6×6 методининг технологик харитаси.

Ишнинг босқичлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
1. Тайёргарлик	Ушбу методнинг моҳияти ўқувчиларга тушунтирилади.	6 тадан микрогуруҳга тақсимланади.
2. Кириш	Гуруҳлар номланади. Дарс мавзуси ва режаси (асосий саволлар) эълон қилинади.	Мавзу юзасидан баҳс-мунозарага тайёргарлик кўрилади ва баҳолашади.
3. Асосий	Мавзу бўйича вақт тугагач, гуруҳ аъзоларини алмаштиради.	Янги гуруҳда аввалги гуруҳдан битта вақил қолади ва у ўз гуруҳининг мавзуси юзасидан чиқарган хулосаларини янги гуруҳга баён этади. Фикр янги гуруҳда ўрганилади.
4. Таҳлил	Кузатади.	Билдирилган фикрлар таҳлил этилади.
5. Яқун	Яқуний хулоса чиқарилади, рағбатлантиради.	Ўз-ўзларини баҳолайдилар.

**Лойиҳалаш методи-** билим, кўникма ва малакаларни таҳлил этиш ва баҳолаш назарда тутилади. Аниқ мақсад, вазифалар асосида натижа белгиланади. Ўқувчи режалаштириш, ташкил этиш ва бажарилган иш натижаларини баҳолашни ўрганади.

### Лойиҳалаш методининг технологик харитаси

Ишнинг босқичлари	Фаолият	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
	Ушбу методнинг мақсади	Лойиҳалашнинг

1. Тайёргарлик	Ўқувчиларга тушунтирилади.	моҳиятини тушуниб етади.
2. Кириш	Лойихалаш методининг тузилмасига асосий эътиборни қаратади.	Метод тузилмасини ўрганади.
3. Асосий	Лойихалаш юзасидан ҳар бир микрогуруҳга муайян мавзулар бўйича топшириқлар берилади, вақт белгиланади.	Топшириқларни ижро этишга киришади.
4. Таҳлил	Кузатади.	Гуруҳлар ўзаро таҳлил ишларини олиб боришади.
5. Яқун	Яқуний хулоса чиқарилади, фаолиятга баҳо берилади.	Ўз-ўзига баҳо беради.

**Муаммоли вазиятлар методи.** Ўқитувчи томонидан таълимий ва тарбиявий характердаги муаммоли вазиятлар ишлаб чиқилади. Уларнинг ечимлари ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади. Белгиланган вақт оралиғида олинган жавобларнинг нисбий (нисбатан кўплигига кўра) характерига кўра ўқитувчи яқуний хулоса чиқаради. Муаммоли вазият ўз ечимини топади. Микрогуруҳлар фаолияти баҳоланади.

#### **Муаммоли вазиятлар методининг технологик харитаси.**

<b>Ишнинг босқичлари</b>	<b>Фаолият</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Ўқувчи</b>
1. Тайёргарлик	Методнинг долзарблиги ҳақида маълумот беради.	Муаммоли вазиятларнинг турлари ва моҳияти ҳақида тушунча ҳосил қилади.
2. Кириш	Муаммоли вазиятларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш йўлларини кўрсатади.	Муаммоли вазиятларнинг амалий аҳамиятини англаб етади.
3. Асосий	Муаммоли вазиятлар ва уларнинг турлари бўйича аниқ топшириқлар беради.	Муаммоли вазиятларнинг ечимларини топади.
4. Таҳлил	Кузатади, саволларга жавоб беради.	Микрогуруҳларда муаммоли вазиятларнинг ечимларини таҳлил этиб, умумий хулосага

		келинади.
5. Якун	Нисбий характердаги якуний хулоса чиқарилади ва рағбатлантирилади.	Микрогуруҳлар ўз-ўзига ва ўзаро бир-бирига баҳо беради.

#### **4. Кафолатли натижа:**

1. Ўзлаштириш сифати.
2. Ўзлаштириш даражаси.
3. Касбий шаклланганлик даражаси.

#### **5. Сифат ва миқдор ўзгаришлар моделлаштирилади.**

#### **6. Якуний хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилади.**

(Бу методга педагогик жиҳатдан яна ишлов берилади. Янги дидактик вазифалар белгиланади. Шунинг учун сўнгги нуқтани кўйиб бўлмайди).

#### **X. Режа (асосий саволлар):**

1. ...
2. ...
3. ...
4. ...
5. ...

#### **XI. Ўтилган мавзу билан янги мавзунини боғлаш.**

1. Интерфаол методлар асосида (ақлий ҳужум, тармоқлар, чархпалак).
2. Восита – адабиётлар, компьютер ва ҳ.к.
3. Ҳамкорликда таълим.
4. Мунозара, муҳокама.

#### **XII. Янги дарс баёни юзасидан йўналиш бериш.**

1. Режанинг 1-саволи шарҳи:

Ўқитувчи томонидан ҳар бир савол юзасидан талабанинг ўзлаштириш даражасига мувофиқлаштирган ҳолда камида **5 босқичли муоммоли** назорат

топшириқлари тайёрланади. Ўқувчи бошқарувчи, йўналтирувчи ва маслаҳат берувчи вазифани бажаради.

**Назорат топшириғининг шакли:**

А. Оғзаки.

Б. Ёзма.

В. Тест.

Г. Амалий.

Назорат топшириқлари сусти ўзлаштирувчи талабалардан бошлаб берилиши мақсадга мувофиқдир.

1. ... 15 – 20 % гача ечимини топа олади.

2. ... 25 – 30 % гача ечимини топа олади.

3. ... 40 % гача ечимини топа олади.

4. ... 60 % гача ечимини топа олади.

5. ... 70 – 80 % гача ечимини топа олади.

Бу жараёнда талабанинг:

1. Билим, кўникма ва малакаларни қай даражада эгаллаётганлигига.

2. Мустақил фикр ривожига.

3. Фаол ҳаракат ва ташаббусига.

4. Адабиётлар, компьютер технологияси ва бошқа кўргазмалар воситалардан фойдалана олиш малакасига.

5. Маънавий-ахлоқий қиёфасига.

6. Мулоқотга кириша олиш маданиятига.

7. Қайтар алоқанинг самарадорлигига.

8. Ўзлаштириш даражаси такомиллашиб боришига эришилади.

Режанинг кейинги саволлари ва уларнинг ечими ҳамда шу тартибда ижодий ёндашувлар асосида давом эттирилади.

Охирида ўқитувчининг якуний хулосаси асосида талабалар рағбатлантирилади.

**ХIII. Мустаҳкамлаш.**



8. Талабалар томонидан берилиши мумкин бўлган саволлар:

1. ... ?    2. ... ?    3. ... ?    4. ... ?    5. ... ?

### МУТАХАССИСЛИК ДАРС КОНСПЕКТИДАН НАМУНА

**1.Қарши шаҳар 10-ўрта умумий таълим мактабининг география фани ўқитувчиси ----- нинг Табиий география(Материклар ва океанлар табиий географияси)фанидан 6-синфлар учун "Ўрта Европа" мавзусидаги очик дарси.**

**Мавзунинг технологик харитаси ва ўтказилиш ишланмаси**

Мавзу	Ўрта Европа
<b>Мақсад, вазифалар</b>	<p><b>Мақсад:</b> Ўқувчиларда Евросиёнинг жумладан Ўрта Европанинг табиий географик ўрни, ўрганилиш тарихи, қадимги цивилизация марказларидан бири эканлиги ҳақидаги билим ва тушунчаларни шакллантиришда давом этиш; Ўрта Европанинг табиий раёнларга бўлиниши, Орта Европанинг табиий ва сиёсий географик ўрнини, тоғ ва текисликлари, дарё ва кўллари, давлатлари ва уларнинг ҳудудий фарқларини, ўлканинг тупроқ осимлик ва ҳайвонот дунёсини, озига хос хусусиятларини, аҳолиси, давлатлари, халқлари ва урф- одатларига оид ўқувчиларда мавжуд бўлган билимларни эслатиш; аҳолиси сонининг ўсиши, жойлашиши, сиёсий харитасидаги ўзгаришларни шарҳлаб бериш, давлатлари, халқлари ва урф- одатларига оид маълумотлар, янгиликлар билан таништириш; аҳолисининг зичлиги, ўлкада ташкил топган янги давлатлар ҳақида билим бериш.</p>
<b>Ўқув жараёнининг мазмуни</b>	<p><b>Вазифалар:</b> Ўқувчиларда мавзу асосида билим ва кўникмаларни шакиллантириш, географик атлас ва хариталар билан ишлашга қизиқиш уйғотиш. Ўқувчиларнинг савол-жавоб, харита билан ишлаш (амалий машғулот) орқали янги мавзуни қай даражада ўзлаштирилганлиги назорат қилинади.</p>
<b>Ўқув жараёнини Амалга ошириш технологияси</b>	<p><b>Услуб:</b> “Ақлий ҳужум”, “Б.Б.Б” <b>Шакл:</b> Савол-жавоб, жамоа, жуфтлик ва якка тартибда ишлаш. <b>Восита:</b> Тарқатма материаллар, ўқув фильми, кластерли тарқатмалар, савол ва топшириқлар. <b>Усул:</b> Тайёр ёзма материаллар, мавзуга оид хариталар ва ўқув атласлари асосида. <b>Назорат:</b> Савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш.</p>

	<b>Баҳолаш:</b> Рағбатлантириш, балл тизим асосида баҳолаш.
<b>Кутилаётган натижалар</b>	<p><b>Ўқитувчи:</b> Мавзу белгиланган вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилади. Ўқувчиларнинг дарсда фаоллиги ошади. Уларда фанга нисбатан қизиқиш ўйғонади. Дарс машғулоти давомида барча ўқувчилар билан ўзаро фикр алмашади. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади. Ўқувчилар оғзаки ва амалий машғулотларни мустақил бажарадилар, бошқаларга етказиш, савол ва жавоб беришга ўргатилади.</p> <p><b>Ўқувчилар:</b> Мавзу юзасидан янги билимга эга бўладилар. Мавзу юзасидан мустақил билим олишни, материаллар билан ишлашни ўрганадилар, эслаб қолиш, айта олиш, кўрсата олиш кўникма ва малакаларга эга бўладилар</p>
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	<p><b>Ўқитувчи:</b> Янги педагогик технологиларни ўзлаштиради ва дарсда татбиқ этиб, такомиллаштиришга эришади. Ўз устида ишлайди. Мавзунини ҳаётини воқеалар билан боғлайди ва солиштиради.</p> <p><b>Ўқувчи:</b> Мавзу юзасидан берилган топшириқ устида мустақил ишлаши ўрганади. Ўз фикрини раво баён эта олади. Синф фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади. Янги мавзуга оид қўшимча материаллар топишга ҳаракат қилади.</p>

**Дарс жиҳози:** Дунёнинг табиий ва сиёсий харитаси, Евросиёнинг табиий картаси, Евросиё иқлим картаси, видеопроектор, ўқув атласлари, ёзувсиз харита, дарсликлар, тарқатма савол ва топшириқлар.

**Дарс режаси:**

1. Ўқитувчининг кириш сўзи (2 дақиқа).
2. “Биз билган билимлар” (хотирани синаш 3 дақиқа).
3. Янги мавзу баёни.(18 дақиқа).
- 4.“Евросиё материги” фильмини кўриш (7 дақиқа).
5. Атлас ва ёзувсиз харита билан ишлаш (5 дақиқа).
6. Мавзунини мустаҳкамлаш (3 дақиқа).
7. Ўқувчиларни рағбатлантириш ва баҳолаш (2 дақиқа).
8. Тест синови (5 дақиқа)
9. Уйга вазифа.

**1. Ўқитувчининг кириш сўзи (2 дақиқа).**

**Дарснинг ташкил этилиши:**

- а) саломлашиш, даволатни аниқлаш;
  - б) Ўқувчиларни дарсга ҳозирлаб, жонли муҳит яратиш;
2. Биз билган билимлар (хотирани синаш - 6 дақиқа).

Ўқувчиларнинг Евросиё материги бўйича олган билим, кўникма ва малакалари текшириш учун “Биз билган билимлар” сўровномаси (жавоблар билан биргаликда) берилади.

Улар қоғозчалардаги жавоблардан тўғри жавобни топиб, саволлар ёнига жойлаштиришлари керак.

**Ўқувчилар ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган савол ва топшириқларни танлаб оладилар. (саволлар илова қилинади).**

**1. Йўлбарс, панда, як, фил, питон илони Евросиё материгининг қайси табиат зонаси учун хос?**

**Жавоб:** Материкнинг мўътадил ва иссиқ иқлимли минтақасида.

**2. Сал дарахти материкнинг қайси табиат зонасида ўсади?**

**Жавоб:** тропик саванналари зонасида.

**3. Панда қайси табиат зонада яшайди?**

**Жавоб:** фаслий нам ўрмонлар зонасида

**4. Ферралит-латерит қандай тупроқлар тарқалган?**

**Жавоб:** экваториал минтақа табиат зонасида

**5. Руб –эл Хали қумли чўли материкнинг қайси табиат зонасида жойлашган?**

**Жавоб:** тропик минтақа табиат зонасида

**6. “Ҳаёт илдизи” яни женшень доривор ўсимлиги қайси табиат зонада ўсади?**

**Жавоб:** Узоқ Шарқдаги муссон ўрмонларда.

**7. Шарқий Европа текислигида неча фоиз ерлар ўзлаштирилган?**

**Жавоб:** 80%

**8. “Илмен” кўриқхонаси қайси тоғда барпо этилган?**

**Жавоб:** Урал тоғида

**Жавоб:** Кавказ тоғида

**9. “Чотқол” кўриқхонаси қайси тоғда барпо этилган?**

**Жавоб:** Ғарбий Таяншанда

**Жавоб:** Туркистон тоғ тизмасида

**10.Тераяларининг иқлим шароити ердан неча марта ҳосил олиш имкониятига эга?**

**Жавоб:** 2-3 марта ҳосил олиш имкониятига эга. (Одатда, ёзда шоли, жут, шакарқамиш, кишда эса арпа, гречиха ва буғдой етиштирилади)

**3. Янги мавзу баёни. (18 дақиқа).**

**Ўқитувчи:** Ўқувчиларга Ўрта Европанинг табиий географик тавсифи тўғрисида билим ва тушунчаларни беради. Евросиё худудининг йирик табиий- географик ўлкаларга бўлиниши, шулардан 1- си Ўрта Европа эканлиги, бу ўлканинг аҳолиси, сони ва жойлашиши, табиий географик объектлари: рельефи, ички сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, давлатлари, ирқлар мавзуси бўйича билимларини беради:

**Табиий географик ўрни:** Бу табиий ўлка ғарбдан Атлантика океани кирғоқларидан шарқда Одра ва Висла сувайирғичига, шимолда

Шимолий денгиздан жанубга Ўрта Ер денгизигача чўзилиб кетган. Майдони 1422,2 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 253,3 млн киши.

**Табиий географик тавсифи:** Ўлка рельефи шимолда текислик ва жанубий тоғли ўлкалардан иборат бўлиб, Ўлканинг ландшафт хусусиятлари энг сўнгги жараёнлар таъсирида ўзгарган палеозой бурмали структуралари асосида шаклланган мозаик рельеф ва Атлантика океанининг таъсирида вужудга келган.

Жойларнинг паст-баландлиги, ботиқларни атрофи берклик даражаси ва Атлантика океанига нисбатан тутган ўрнига боғлиқ ҳолда ландшафтларнинг ғоят хилма-хиллиги бу ўлканинг характерли хусусиятидир.

Корнуэл яримороли-Арморикан массивининг Ламанш бўғозидан нариги томондаги давомидир. Марказий массив, Бискайя қўлтиғи соҳили ва Пиреней тоғларининг шимолий этагида Гаронна пасттекислиги ёки Аквитания ҳавзаси жойлашган Аквитания ҳавзаси юзаси шимолга томон пасаяди ва тобора яссиланиб, бир хил бўла боради.

Юқори Рейн текислигининг кўллагуна ётқизиқларида калий тузи ва нефть конлари учрайди. Кўп раёнларда ер ёриқлари бўйлаб ва илгари вулқонлар-отилиб чиққан жойларда минерал ва термал булоқлар кўп.

**Иқлими ва ички сувлари:** Ўрта Европанинг тоғ ва текисликлари ўлкаи Атлантика океанига томон кенг очиқ бўлиб, йил бўйи ғарбий ҳаво массалари таъсирида бўлади.

Ўлканинг ғарбий, денгизбўйи қисмеда қиш жуда юмшоқ, ўртача температура +6, +7°C (Брест, Бордо); ёз унча иссиқ эмас. Энг иссиқ ойнанинг ўртача температураси Бретан яриморолида +17°C дан ошмайди, Бордода +21°, +22°C. ёгин йил бўйи асосан ёмғир тарзида ёғади, энг кўп ёгингарчилик қишга гўғри келади.

Ўрта Европа тоғлари ва текисликлари ўлкаида дарё тармоқлари зич. Бундай дарёларга Франциянинг йирик дарёларидан Сена (узунлиги 780 км) ва Луара (узунлиги 1010 км) ҳамда унинг кўпдан-кўп ирмоқлари, Сона ва Рейннинг баъзи ирмоқлари киради. Дарёлар катта транспорт аҳамиятига эга ва уларда йил бўйи кемалар қатнай олади.

Ўрта Европа текисликларининг деярли барча дарёлари ва уларнинг кўпгина ирмоқлари ўлканинг шарқий қисмидан бошланади.

Тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси: Қадимги вақтларда кўриб чиқиладиган бутун ўлка ҳудудсини бепоён, ўтиб бўлмас ўрмонлар қоплаб олган бўлиб, римликлар бу ўрмонларни герсин ўрмонлари деб атаганлар.

Ўсимлик қопламининг ҳозирги манзараси бундан бир неча аср аввалгидан жуда бошқача. Аҳоли сонининг бетўхтов ўсиши ва тобора янгидан-янги ерларнинг ҳайдалиб экин экиш учун фойдаланилиши ўрмонларнинг ниҳоятда қисқариб кетишига сабаб бўлган. Ҳозирги вақтда табиий ўрмонлар асосан тоғ массивларининг ёнбағирларида сақланиб қолган, бунинг устига улар барча тоғ ёнбағирларида ҳам учрайвермайди. Кўп раёнларда ўрмонлар сунъий тикланмоқда. Бироқ кенг дарахтлар

ўрнига одатда табиий шароитга чидамлироқ бўлган бир хил игна баргли дарахтлар экилмоқда.

Ўрмонлар кесилиши натижасида ёввойи ўрмон ҳайвонлари ҳам қирилиб кетган ёки чиқиш қийин бўлган тоғли раёнларга кетган. Кўплаб ҳайвонлар ёки деярли бутунлай тугаб кетган, ёки ярим хонаки ҳолда парк ва кўриқхоналарда сақланиб қолган. Бўри, силовсин, ўрмон мушуги деярли ҳеч қаерда учрамайди, бироқ тулки билан бўрсик анча кўп. Кўриқхона ва паркларда буғу, косуля (бу ҳам буғунинг бир тури) ва асл буғу яшайди. Қушларнинг Европа ўрмонларига хос деярли барча турини: каклик, чил, лойхўрак, ўрмон лойхўраги ва бошқаларни учратиш мумкин. Сайроқи қушлар ва сув қушлари жуда кўп.

**Карпат тоғлари ва Дунай бўйи текисликлари.** Бу табиий ўлканинг континент ичкарасида жойлашганлиги ва Алп бурмаланиши минтақасига мансублиги унинг табиий шароити хусусиятларини белгилайди. Унинг таркибига ўртача баландликдаги Карпат тоғ системаси ва Дунай ўрта ва қуйи оқими бўйида жойлашган текисликлар киради.

Карпат тоғлари системаси Юқори Дунай олдида, унга Морава ирмоғи қуйиладиган жой яқинида жануби-ғарбдан шимоли-шарққа чўзилган пастрок Кичик Карпат кристалл массивларидан бошланади. Шундан сўнг Карпат тоғлари кенглик бўйлаб йўналади, кенгаяди ва баландлашади. Чехословакия билан Польша оралиғидаги чегарада Баланд Татра ва Паст Татра кристалл массивлари кўтарилади. Баланд Татра ва бутун тоғ системасининг энг баланд чўққиси ГЕрлаховски-Штитнинг баландлиги 2655 м га етади. Баланд Татралардан шимол томонга Бескид тоғлари чўзилган.

Карпат тоғлари турли хил кристалл рудаларига жуда бой. Уларнинг энг катта захиралари Руминия ҳудудсида тўпланган. Тоғларда магнетит конлари, кўрғошин, рух мис ва нодир металллар бўлган полимсталл рудаларининг жуда бой конлари бор.

Ўлка тошқўмирга нисбатан камбағал, лекин қўнғир кўмирнинг бой конлари мавжуд. Тош туз конлари шимолий тоғ олдиларида Польша ҳудудсида бор. Карпат тоғларида ва Ўрта Дунай пасттекислигида, Дунайдан ғарброкда кўпдан-кўп минерал ва термал булоқлар бор.

Ўлка иқлими аниқ сезилиб турадиган континенталлик хусусиятига эга, континенталлик текисликлар иқлимидагина эмас, балки тоғлар иқлимида ҳам акс этган. Ўлка материкнинг ички қисмида, Атлантика океанидан катта масофада жойлашган. иқлимнинг континенталлиги, даставвал, қўшни ўлкаларга нисбатан ёғиннинг камлигида ҳамда унинг ўлка доирасида ғарбдан шарққа томон камайишида ҳам ўз аксини топган.

Ўлканинг ҳамма қисми учун совуқ даври барқарор бўлган узоқ давом этадиган қиш хосдир. Тоғларда юқорига кўтарилган сари қиш узоқроқ давом этади ва совуқроқ бўлади.

Тоғларда ҳайвонот дунёси текисликлардагига ва Европанинг бошқа ўлкаларидагига қараганда анча яхши сақланган.

Текисликларнинг дарё ва кўллари турли балиқларга бой. Дарё ва кўлларда зоғорабалиқ, чўртан балиқ, сом, лешч балиқлари овланади. Дунайда булардан бошқа қимматли қизил балиқ-бикри, стерляд ва туябалиқ бор.

Карпат тоғларидаги ўрмонларда ўрмон ҳайвонларининг баъзи бир йирик вакиллари ҳозирги вақтгача сақланиб қолган. Ўрмонларда ҳозир ҳам айиқ ва бўрини кўриш мумкин, силовсин, тулки, ёввойи мушук ва савсар тез-тез учраб туради. Туёқлилардан ёввойи чўчка, ёввойи зчки ва елик буғу бор. Қушлар кўп, улар орасида бургут, калхат, укки каби йиртқич қушлар учрайди. Ҳамма ерда қур, карқур ва какликларни учратиш мумкин. Судралиб юрувчилардан қора илон кўпроқ учрайди.

O`rta Yevropa o`rmon resurslariga ancha kambag`al bo`lib, hududning 20 % i o`rmonlar bilan qoplangan.

Ўқувчилар “Биламан. Билишни истайман. Билиб олдим“ жадвалининг 1-ва 2-қисмини ёзиб беришади. Жумладан:

- Ер юзида дастлабки одамлар бундан 2,5 млн йил илгари пайдо бўлган бўлиб ҳозирги вақтда Ер юзида 7 млрддан ортиқ аҳоли яшайди.

- аҳолининг кўп ёки камлиги аҳолининг зичлиги билан аниқланади. Аҳолининг зичлиги деб бирор ҳудуддаги 1 км<sup>2</sup> майдонга тўғри келувчи аҳоли сонига айтилади.

- Ер юзида 3та ирқ бор. Булар европеоид, монголоид ва негроид.

- Ҳар бир ирққа кирувчи кишилар бир–биридан териси, сочи, кўзларининг ранги. Юзининг шакли, лабларининг ҳар хиллиги билан фарқ қилади.

- Ер юзида 4 мингга яқин халқ яшайди.

<b>Биламан</b>	<b>Билишни хоҳлайман</b>	<b>Билиб олдим</b>
Европанинг табиий географик ўлкаларини, чекка нукталарини, майдони, орл ва ярим ороллари, қисман ички сувларини ва давлатларини.	Орта Европанинг табиий ва сиёсий географик ўрнини, тоғ ва текисликлари, дарё ва кўллари, давлатлари ва уларнинг ҳудудий фарқларини, ўлканинг тупроқ осимлик ва ҳайвонот дунёсини, озига хос хусусиятларини, Табиий географик раёнлаштирилишини, Альп ва Карпат тўғлари ва уларнинг баланд нукталари, Гертсин Европасини,	

**Ёдга олинган атамалардан сўнг гурӯҳларга ижодий ёндошиш учун янги мавзу юзасидан топшириқ берилади.**

**Ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган топшириқларни танлаб оладилар. (savollar ilova qilinadi).**

*Европанинг табиий географик ўлкаларини айтинг ва картадан чегаралаб кўрсатинг?*

*Европадаги тоғларни айтинг ва картадан кўрсатинг?*

*Европадаги дарёларни айтинг ва картадан кўрсатинг?*

**4. “Евросиё материги” ўқув фильмини кўриш. (7 дақиқа)**

*(ўқувчилар учун “Компьютер Осиё” ИТП томонидан яратилган ўқув фильми (CD-R диски) илова қилинади)*

**5. Атлас ва ёзувсиз харита билан ишлаш. (5 дақиқа)**

Барча ўқувчилар ўқув атласи ва кўрсатилган фильмдан фойдаланган ҳолда ёзувсиз харитага материкдаги йирик тоғлар, чўллар, текисликлар, орол ва ярим оролларни номини ёзиб чиқадилар.

**Дарс бошида тарқатилган жадвалнинг “Билиб олдим” бўлаги ўқувчилар томонидан жуфтликларда тўлдирилади.**

**6. Мавзуну мустаҳкамлаш. (3 дақиқа)**

Дарс ижодий ёндошиш учун янги мавзу юзасидан олинган маълумотларга, ўқув атласи ва кўрилган фильмга асосланиб савол ва топшириқлар бўйича мустаҳкамланади.

Ўтилган мавзу бўйича ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг тақдимотига яқун ясайди ва ўқувчилар томонидан берган жавоблардаги камчиликларни ўқитувчи томонидан тўлдирилади.

**7. Ўқувчиларни рағбатлантириш ва баҳолаш (3 дақиқа)**

**8. Тест синови. (5 дақиқа)**

Ўқувчиларни ўтилган янги мавзу юзасидан олган билим, кўникма ва малакаларни аниқлаш учун тест саволлари.

### **1. Евросиё материгида қайси ўлкалар ажратилган?**

A. Шимолий Европа,  
Марказий Европа,  
Жанубий Европа,  
Шарқий Европа, Ғарбий  
Сибир, Шарқий Сибир,  
Узоқ Шарқ, Жануби-  
ғарбий Осиё, Олд Осиё,  
Ўрта Осиё, Марказий  
Осиё, Шарқий Осиё,  
Жанубий Осиё, Жануби-  
Шарқий Осиё

C. Шимолий Европа,  
Ўрта Европа,  
Жанубий Европа,  
Шарқий Европа,  
Ғарбий Сибир,  
Шарқий Сибир, Узоқ  
Шарқ, Жануби-  
ғарбий Осиё, Олд  
Осиё, Ўрта Осиё,  
Марказий Осиё,  
Шарқий Осиё,

- Жанубий Осиё,  
Жануби-Шарқий  
Осиё
- Б. Шимолий Европа, Ўрта Европа, Жанубий Европа, Шарқий Европа, Ғарбий Сибир, Шарқий Сибир, Узок Шарқ, Жануби-ғарбий Осиё, Олд Осиё, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Ўрта Шарқ, Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё
- Д. Шимолий Европа, Ўрта Европа, Жанубий Европа, Шарқий Европа, Ғарбий Сибир, Шарқий Сибир, Узок Шарқ, Жануби-ғарбий Осиё, Олд Осиё, Кичик Осиё, Марказий Осиё, Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё
2. **Алп-Карпат тоғлари қайси кичик ўлкага тегишли?**  
 А. Ўрта Европа  
 Б. Жанубий Европа  
 С. Шимолий Европа  
 Д. Шарқий Европа
3. **Алп тоғлари ёй шаклида ғарбдан шарққа қанча масофага чўзилган?**  
 А. 800 км  
 Б. 1000 км  
 С. 1200 км  
 Д. 1400 км
4. **Алп тоғлари қайси давлатлар худудида жойлашган?**  
 А. Франция, Италия, Швеция, Венгрия  
 Б. Франция, Германия, Италия, Швейцария, Венгрия  
 С. Франция, Испания, Швейцария, Венгрия  
 Д. Франция, Италия, Швейцария, Руминия
5. **Алп тоғларига йилига қанча ёғин тушади?**  
 А. 800—1000 мм атрофида  
 Б. 1000—2000 мм атрофида  
 С. 2000—3000 мм атрофида  
 Д. 3000—4000 мм атрофида

### 9. Уйга топширик:

Ўрта Европа табиий географик ўлкасига оид географик объектларни ёзувсиз харитага тушуриш. Дарсликлардан мавзунини ўқиш келиш. Ўқувчилар оғзаки ва амалий машғулотларни мустақил бажарадилар.

Тест калити

S	1	2	3	4	5
---	---	---	---	---	---



<b>J</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>C</b>	<b>B</b>	<b>C</b>

## КОЛЛЕЖДАГИ ДАРС СОАТИДАН НАМУНА НАЗАРИЙ ДАРС РЕЖАСИ

Гуруҳлар						
Дарс ўтиладиган сана						

**Ўқув фанининг номи:** *Ўзбекистон тарихи*

**Мавзу номи:** *Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши ва умумхалқ томонидан маъқулланиши*

**Дарснинг мақсадлари:**

**таълимий:** *ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши ва умумхалқ томонидан маъқулланиши ҳақида илмий тушунча бериш.*

**тарбиявий:** *муайян шахс сифатларини, нутқ маданиятини, фанга онгли муносабатини, интизом ва яхши хулқ, эстетик қарашларини, эътиқодини, касбга қизиқишни тарбиялаш.*

**ривожлантирувчи:** *фанга, мавзуга ўз фикрларини аниқ ва раво билдира олишга, ўртоқларининг жавобларини эшитиб анализ қилишга ўргатиш, фанга оид билим, кўникмалари ва малакаларини, қобилиятларини шакллантириш.*

**Дарсдан кутилаётган натижалар** – мавзунинг ўзлаштиригандан сўнг ўқувчилар куйидаги билим ва кўникмаларга эга бўладилар:

1. Совет ҳокимиятининг миллий сиёсати ҳақида илмий тушунчага;
2. Миллий-ҳудудий чегараланиш ва унинг оқибатлари ҳақидаги билимларга;
3. Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар.

**Таълим методлари:** *Ўқитишнинг оғзаки методи, кўргазмалилик методи, дедуктив методлардан фойдаланилади.*

**Баҳолаш методлари:** *ўз-ўзини баҳолаш, савол-жавоб методи.*

**Ахборот манбалари ва техник воситалари:**

1. “Ўзбекистоннинг янги тарихи” 2-китоб Т. «Шарқ» 2000, 161-178, 282-302 бетлар.
2. Усмонов Қ, Содиқов М «Ўзбекистон тарихи» (1917–1991-йй). Т. «Шарқ» 2003, 67-78 бетлар.

**Дарс тури:** *Янги билимларни ўзлаштириш дарси.*

**Дарсга ажратилган вақт миқдори:** \_\_\_\_\_ дақиқа

**Уйга вазифа:** *Мавзуни ўқиб ўрганиб келиш.*

**Ўқитувчи:** -----

## НАЗАРИЙ ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Т/р	Машғулот босқичлари	Ажратилган вақт	Машғулот мазмуни	Таълим метод-лари	Таълим воситалари
1	Ташкилий қисм	5 дақиқа	Саломлашиш, кун янгиликлари билан таништириш, навбатчиликни аниқлаш, давоматни олиш.	Муз ёрар	
2	Кириш қисми (Мотивация)	10 дақиқа	Маъруза машғулотининг мавзусини баён этади ва мазкур мавзу юзасидан сўровнома ўтказади; Тарқатма материал тарқатади. Мавзуга доир асосий саволлар, атамалар ва муҳим тушунчаларни изоҳлаб, машғулотнинг мақсади ва режалаштирилган ўқув ишланмалар билан таништиради;	Ақлий ҳужум тарқатма материаллар асосида	Савол карточкалари
3	Янги мавзунинг баёни	40 дақиқа	Янги мавзунинг баёни режа асосида талабаларга тушунтирилади, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланган ҳолда мавзу ёритилади. Талабаларни 3 та гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ маълум бир йўналиш бўйича вазифа бажаришини уқтиради. Мавзу: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши ва умумхалқ томонидан маъқулланиши. Режа: Мустақиллик адеклорацияси. Иттифоқни янгилаш дастури. Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида. Гуруҳларда берилган вазифаларни муҳокамасини ташкил қилади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. Гуруҳлар ишини таҳлил қилади, кўшимчалар киритади, тўлдиради, умумлаштиради.	Мотиват-сия Б.Б.Б. Маъруза Гуруҳларда ишлаш	Кўргазмали қуроллар, мультимедия, компьютер

4	Мустаҳкамлаш (Кўллаш)	15 дақиқа	Мавзуни яқунлаб, умумлаштиришлар асосида қисқача хулосаларни беради; Бажарилган ишлар баҳоланади: гуруҳда энг фаол ва суёт иштирок этган талабани аниқлайди. Гуруҳий ишлаш технологияси бўйича алоҳида тавсиялар берилади. Уйга вазифа сифатида мавзу юзасидан конспект тузиш, ўқиб ўрганиш тушунтиради.	Класстер  Савол-жавоб  Гуруҳларда ишлаш	Дарслик , ўқув қўллан- малари
5	<b>Яқуний қисм</b>	10 дақиқа	Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. Амалга оширилган фаолиятнинг келажакда касбий фаолиятлари учун зарурлигини қайд қилади.	Тушунтириш	

**Мавзу: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши ва умумхалқ томонидан маъқулланиши.**

**Режа:**

Мустақиллик адекларацияси.

Иттифоқни янгилаш дастури.

Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида.

Мустақиллик Декларацияси 1990- йил 18- июнь куни ХИИ чақирик Ўзбекистон Республика Олий Кенгашининг иккинч сессияси очилди. Депутатларнинг таклифи билан Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларациясини қабул қилиш масаласи сессия кун тартибига киритилди. Олий Кенгашнинг доимий комиссиялари, фаол депутатлар ва ҳуқуқшунос мутахассислар то-монидан ишлаб чиқилган Мустақиллик Декларацияси матни сесси-яда қизғин муҳокама қилинди ва 20-июнь куни қабул қилинди.

Мустақиллик Декларациясида халқимизнинг хоҳиш-иродасига тўла мос келадиган олий мақсад 12 моддадан иборат бўлиб, уларда қуйидагича муҳим тартиб-қоидалар белгилаб қўйилди:

„Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши:

— ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажриба-си ва таркиб топган бой анъаналари;

— ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқу-қини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи;

— ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъмин-лашни олий мақсад деб билган ҳолда;

— Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда;

— халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қад-риятларга ва демократия принципларига асосланиб Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади".

Собиқ Иттифоққа кирувчи республикалар расман тенг ва суверен деб юритилса-да, амалда қарам эдилар. Улар ўз ерлари, сувлари, ўрмонлари ва ер ости бойликларига, кўпдан кўп корхоналарига ўзлари эгалик қилолмас эдилар. 80- йилларнинг охирлари, 90- йилларнинг бошларида кўпчилик республикалар мавжуд вазиятни ўзгартириш талабларини илгари сура бошладилар. Ўзбекистон Республикасининг 1- раҳбари И. А. Каримов 1989- йил 20- сентябрда Москвада бўлиб ўтган КПСС МҚ сининг пленумида сўзлаган нутқида республикалар билан Иттифоқ ўртасидаги ваколатларни аниқ-равшан ажратиб қўйишни кўзда тутадиган янги шартнома ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида ўз фикрини билдириб: „Биз Иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равшан белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳ-камлаш тарафдоримиз“, — деган эди. Иттифоқ бўйича ўз миллий давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган 60 миллиондан ортиқ аҳоли миллий-этник муаммо-лар, можароларга дучор бўлди.

Россия, Украина, Беларус парламентлари давлат суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилдилар. Иттифоқдош республикалар кетидан РСФСР га кирувчи мухтор республикалар ҳам суверенитет ҳақида декларациялар қабул қилишди. Марказда ва жойларда СССР Конституцияси ва қонунлари устунми ёки республика Конституцияси ва қонунлари устунми, деган масалада баҳс ва мунозаралар кучайди. Марказдагилар „Кучли марказ — кучли республикалар“ деса, жойлардагилар „Кучли республика-лар — кучли марказ“ дер эдилар. Марказий ҳокимият жамоатчиликнинг талаби остида Иттифоқ шартномасини янгилаш зарурлигини эътироф этишга мажбур бўлди. СССР Олий Совети мазкур масала билан шуғулланувчи махсус

делегация тузди ва унинг таркибини тасдиқлади. 1990- йил июлда Москвада марказ вакиллари билан республикалар делегат-сиялари янги шартнома матнини тайёрлашга киришдилар. 1990-йил август ойида Иттифоқни янгилаш дастури ишлаб чиқилди. 1991- йил февраль — март ойларида Иттифоқ шартномаси лойиҳаси устида ишлашнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Болтиқбўйи республикалари, Грузия, Арманистон, Молдова вакиллари қатнашмади, Озарбайжон кузатувчи бўлиб қатнашди. Бу босқичда Иттифоқ билан республикалар ваколатларини фарқлаб қўйишга ҳаракат қилинди. Ниҳоят, Иттифоқ ва республикалар ваколатлари белгилаб қўйилган янги шартнома лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Республикаларда мазкур лойиҳа муҳокама қилинди. Республикалар, жумладан Ўзбекистон, марказий идоралар ҳали ўзининг эскича ҳукмрон мавқеини сақлаш руҳи сингдирилган бу ҳужжатдан қаноатланмаганликларини билдирдилар. 1991- йил 20- февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг раёсати ҳам референдум ўтказишни маъқуллади ва СССР Олий Совети томонидан тайёрланган бюллетень билан бирга яна битта қўшимча бюллетенни овозга қўйишга қарор қилди.

Қўшимча бюллетенга „Сиз Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибида қолишига розимисиз?“ деган савол қўйилди. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 93 фоизи бу саволга „Ҳа“ деб жавоб бердилар. Демак, Ўзбекистонликлар ўз мамлакатини мустақил давлат сифатида Федератив Иттифоқда боишини, Ўзбекистоннинг суверен республика сифатида ривожланишини ёқлаб овоз берган эдилар. Ўзбекистон раҳбарияти референдум натижаларига асосланиб, республикаларга тўла мустақиллик беришни кўзламайдиган шарт-нома лойиҳасини рад этди. Ўзбекистон Республикаси 1- Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмита-сининг 1991- йил 12- мартда бўлган ИВ пленумида сўзлаган нутқида: Иттифоқ шартномасини имзолаш учун энг қулай пайт қўлдан ҳой бериб қўйилди. Икки йил муқаддам бу масалани кўтарган кишиларнинг овозига ҳеч ким қулоқ солмади. Марказ 1922- йилдаги шартномага маҳкам ёпишиб олиб, оқилона таклифларни қабул этмади, ишни пайсалга солди“, — деган эди. Бу фикрнинг тўғрилигини ҳаёт тўла исботлади.

1991- йил апрелда Киевда Украина, Россия, Беларус, ўзбекистон, Қозоғистон Республикалари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашувда мустақил республикалар манфаатларига мос келадиган

Иттифоқ шартномасини тузишга ёндашиш йўллари ишлаб чиқилди ва тегишли баёнот имзоланди. Бу ҳужжатни Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Республикалари ҳам имзолашга розилик билдирди. Марказ ён беришга мажбур бўлди. 1991- йил апрелда Ново-Огорёвода СССР Президенти М.С.Горбачёвнинг 9 республика раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Иштирокчилар томонидан „Мамлакатдаги вазиятни бар-қарорлаштириш ва тангликни бартараф этишга доир кечиктириб бои-майдиган чоралар тўғрисида қўшма Баёнот" имзоланди. Бу ҳужжат „9+1" (9 республика + марказ) деган номни олди. Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Олий Кенгашида 1991- йил 14- июнда муҳокама қилинди. Кенгаш Федерация тамойиллари асосида Мустақил давлатлар иттифоқини тузиш тарафдори эканлигини билдирди. Шу билан бирга республикалар ваколатларини янада кенгайтиришга доир таклифларни илгари сурди.

Москвада марказий ҳокимият нисақлаб қолишга, республикалар жиловини ўз қолида ушлаб қолишга уринувчилар томонидан фитна тайёрланди. Фитначилар 1991- йил 18- август куни тайёрланган ва 19-августда матбуотда эшон қилинган „Совет раҳ-бариятининг Баёноти"да М. С. Горбачёвнинг саломатлиги ёмонлашди, шу сабабли унинг СССР Президенти вазифаларини ижро этиш имконияти йўқ, деган сохта ахборот билан чиқдилар. Баёнотда Президент ваколатлари вице-президент Г. И. Янаевга ўтказилганлиги эшон қилинди. Аслида сса Президент М. С. Горбачёв соғ-саломат эди, аммо ўзини ҳимоя қила олмади. Фитначилар уни мамлакатдан, халқдан, дунёдан ажратиб, барча алоқа воситаларини узиб, 72 соат қамал қилиб қўйган эди. Фитначилар томонидан мамлакатни идора қилиш учун қуйидаги таркибда СССРда фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (ФХДК) тузилди: И. А. Каримов 1991- йил 20- август куни республика аҳолисига ўзининг мурожаатини эшон қилди: „Ҳозирча мамлакатнинг ҳокимият доиралари қан-дай йўл билан, нималар орқали, қандай сиёсат орқали бу мақсадларга эришиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ, ҳозирча батафсил маълумот берганича йўқ. Бу маълумотлар билан чуқур танишганимиздан кейингина бўлаётган ўзга-ришларга ўзимизнинг муносабатимизни албатта билдира-миз". Президент халққа: „Биз бировнинг гапига кириб иш тутмаймиз, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Ишонаманки, бу оғир синовлардан ҳам эсон-омон ўтамиз", — деб мурожаат қилди. Халқни оғир синовлардан ўтаётган бир пайтда сабр-

тоқатли, бардошли ва вазмин бўлишга, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашишга чақирди. И. А. Каримовнинг Республика аҳолисига мурожаатидан. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1991- йил, 21- август сони.

1991- йил 25- августда Ўзбекистон Президентининг махсус фармони эълон қилинди. Фармонга биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик қўмитаси Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар ва-зирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши 1991- йил 31- август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси бўлўтди.

Сессияда Ўзбекистон 1-Президенти И. А. Каримов нутқ сўз-лаб, собиқ Иттифоқда сўнгги пайтларда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига антиконституциявий уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тақдирига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди.

И. А. Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мустақиллик тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф этди.

Сессияда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти“ қабул қилинди.

Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

— халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

— Ўзбекистон халқларининг тақдирини учун бутун масъулиятни англаб,

— шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хелсинки шартномаларига қафий садоқатини баён этиб, миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қафий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган Мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат —



Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёнотидан нсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб 1- сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991- йилдан бошлаб бу кун бай-рам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қароридан.

Олий Кенгаш „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ Қонун қабул қилди. Бу қонун 17 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди.

Қонуннинг биринчи моддасида: „Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир“, — деб қонунлаштириб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ВИИ сессияси

1991- йил 30- сентябрь куни „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ги Қонунга Конституциявий қонун мақомини беришга қарор қилди. Қарорда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддалари „Ўзбекистон

Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ги Қонуннинг моддаларига зид келган ҳолларда мазкур қонунга амал қилинсин, деб белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991-йил ноябрда бўлган сессияси давларефээрндум.бо йича референдум о тказиш ҳақидаги масалани кўриб чикди. Олий Кенгаш сессияси 1991- йил 18- ноябрь куни „Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида“ қарор қабул қилди. Қарорда 1991- йил 29- декабрь, як-шанба куни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича референдум ўтказиш белгиланди.

„Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эЪИон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мус-тақиллигини маъқуллайсизми?“

Референдумда овоз бериш бюллетенига киритилган савол ана шундай таърифланган эди.

Референдумга пухта тайёргарлик кўрилди. Марказий сайлов комиссияси, АЗ сайлов округи, 7минг участка сайлов комисси-яси

тузилди. 1991- йил 29- декабрь куни бўлиб ўтган референдумда 9.898.707 киши ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг

94,1 фоизи қатнашди. Овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи референдумда қўйилган саволга „Ҳа“, яъни, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мўқуллаймиз, деб овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси „Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида“ги қонуннинг 26- моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томони-дан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқулланди деб топди.

Марказий сайлов комиссияси баённомасидан

1991- йил 31- августдан эътиборан Ватанимиз тарихида янги давр — миллий истиқлол даври бошланди. Ўзбекистон халқи ўз тақдирини ўз қоиғига олди, сиёсий, маънавий мутелиқдан қутулди. Дунё харитасида яна битта мустақил, тўла ҳуқуқли, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо боиди.

Ўзбекистон халқи ва раҳбариятиниҳг донишмандлиги, саботлилиги ва қатъиятлиги, узоқни кўра билиши натижасида унинг давлат мустақиллиги тинч, демократик, парламент ёи билан, ижтимоий ларзаларсиз, қурбонлар ва вайронагарчиликсиз амалга ошди.

Мустақил Ўзбекистон дунёга, жаҳонга юз тутди, қарийб юз йилдан ортиқ вақт давомида ёпиб қўйилган чегаралари очилди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонни кучоқ очиб қабул қилди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасини суверен давлат сифатида Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Япония, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой сингари йирик давлат-лар тан олдилар. Қадрли жаноб Президент, мамлакатингизда юз берган тарихий ўзгаришларни ва собиқ Совет Иттифоқи республикаларини бирлаштириб турган Иттифокнинг тугаганлигини ҳисобга олиб, Қўшма Штатлар ҳукумати Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида таниганлигини Сизга хабар қилишдан мамнунман.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Ўзбекистон Республикаси 1- Президенти И. А. Каримовга ёзилаган шахсий мактубидан.

### **“Бумеранг” технологияси**

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб этиш, маълумотни

эркин эгаллшга йўналтирилган. У турли мазмун ва ҳарактерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли торшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият беради.

“Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш шакллантиради, хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий ҳарактердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

жамоа билан ишлаш маҳорати;

муомалалилик;

хушфеъллик;

кўникувчанлик;

ўзгалар фикрига ҳурмат;

фаоллик;

раҳбарлик сифатларини шакллантириш;

ишга ижодий ёндошиш;

ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;

ўзини холис баҳолаш;

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

1-босқич.

тренинг тўғридан-тўғри талабаларни 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлишдан бошланади;

ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёзда сақлаб қолиш учун алоҳида-алоҳида аниқ ёзма тарқатма материал беради (тарқатма материал). Тарқатма материалнинг сони гуруҳлар ва талабалар сонига боғлиқ. Агар тўртта кичик гуруҳ бўлса, у ҳолда умумий мавзу 4 та кичик матнларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга берилади;

фаолият самарали бўлиши учун гуруҳларга берилган матндан ҳар бир тингловчида бўлади. Шундай қилиб, 4 та гуруҳ умумий мавзу асосида 4 хил матнга эга, ҳар бир талаба эса ўз гуруҳига тушган матнга эга бўлади.

2-босқич.

гуруҳларга берилган матнни гуруҳ аъзолари якка тартибда алоҳида ўрганишлари, матнни эслаб қолишлари, кейин эса керак бўлса

бошқаларга ёки ўқитувчига гапириб беришлари, иложи борича матнни ўзлаштириб олишлари кераклигини ўқитувчи уқтиради ва тайёргарлик учун матнни катта-кичиклигига қараб 10-15 дақиқа вақт беради. Ўзи эса Гуруҳ ва тингловчиларни иш фаолиятини кузатади.

### 3-босқич.

ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган кичик қоғозлар билан ҳар бир гуруҳ ёнига келиб гуруҳ аъзоларидан ушбу қоғозлардан биттадан рақам тортиб олишларини сўрайди (қоғозлар сони гуруҳдаги тингловчилар сонига боғлиқ, масалан, гуруҳда 5 киши бўлса, қоғоздаги рақамлар 1,2,3,4,5 этиб тайёрланади, агар 4 киши бўлса 1 дан 4 гача ва ҳок.). Гуруҳлардаги барча талабалар рақамлар ёзилган қоғоздан олишлари керак. Ҳичта гуруҳ бўлса, шунча гуруҳ аъзолари сонига қараб рақамлар ёзилган қоғозлар тайёрланади.

### 4-босқич.

рақамлар бўйича янги гуруҳлар тузилганда ҳар бир янги гуруҳда аввалги гуруҳлардан биттадан вакиллар ўз-ўзидан тўпланиб қолади, яъни 4 та гуруҳда 4 хил матн ўрганилган бўлса, бу янги гуруҳда ҳар биттасидан биттадан вакил тўпланади, умумий мавзу бўйича 4 тингловчи ва 4 хил матн тўпланади.

### 5-босқич.

янги тузилган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига иккита вазифа, яъни ўқитувчи ва ўқувчи вазифасини олади ҳамда қуйдагича фаолият кўрсатади:

Ўқитувчи (ўргатувчи) сифатида, ўзи аввал ўрганган материални гапириб беради, тушунтиради, ўзи мустақил ўрганган материалнинг асосий жойларига барчани диққатини жалб қилади, гуруҳнинг бошқа аъзоларининг тушуниш ва ўзлаштириш қобилиятларини текширади;

Ўқувчи сифатида, гуруҳ аъзоларини навбатма-навбат сўзлаб, тушунтираётган, гапираётган матнларини эшитади, таҳлил қилади, фикрлайди ва ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Ўқитувчи эса уларга фақат ўз матнларини ёдда сўзлаб беришлари кераклигини уқтиради ва бунга тахминан 20 дақиқа вақт беради (матннинг ҳажмига ва умумий мавзунинг қийин, осонлигига қараб вақт ажратилади). Бу босқичда машғлот бошланишида тарқатилган барча материал талабалар томонидан ўзлаштирилган ҳисобланади;

### 6-босқич.

гуруҳдагилар бир-бирларига ўз матнларини гапириб бериб, барчалари бир-бирларининг матнларини ўрганиб олишгач, ўқитувчи

ўрганилган материал гуруҳ аъзолари томонидан қанчалик ўзлаштириб олинганини текшириб кўриш учун ҳар бир гуруҳ аъзоси бир-бирларига ўз матнларидан келиб чиққан ҳолда саволлар беришлари мумкинлигини тушунтиради. Шундай қилиб, гуруҳдаги ички назорат савол-жавоб орқали ўтказилади. Бу эса гуруҳдаги талабаларни бир-бирларига сўзлаб берган маълумотларини бошқалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

7-босқич.

Ўқитувчи барча тингловчиларни яна қайтадан аввалги жойларига қайтишларини сўрайди, яъни ҳамма машғулотнинг бошланишида қайси гуруҳда бўлган бўлса ўша гуруҳга қайтади.

8-босқич

Ўқитувчи аудиториядаги талабаларнинг барчаси ҳаммага тарқатилган ёзма материаллар билан таниш эканликлари, улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлганликларини ҳисобга олган ҳолда аудиториядаги ҳар бир ўқувчи-талабадан мавзунинг ҳоҳлаган қисмини сўраши мумкинлигини айтади.

9-босқич.

талабаларга тарқатилган барча материалларни улар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлиги даражасини аниқлаш мақсадида ўқитувчи ёки махсус гуруҳ томонидан берилган назорат саволарига жавобларни рейтинг баллари орқали баҳоланиши тушунтирилади, масалан, саволларга берилган жавоблар – агар тўлиқ жавоб бўлса 5 балл, қўшимча қилинса 4 балл, ўтирган жойдан лўқма ташланса 3 балл, жавоб берилмаса 2 балл қўйилиши белгиланади.

гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида кўрсатилган тартибда баҳолаш, баллларни қўйиб бориш, умумлаштириш учун ҳар бир гуруҳ ўзларининг орасидан бир кишини “ҳисобчи” этиб тайинлаши мумкин (“ҳисобчи” ҳам савол-жавоблар мулоқотида иштирок этади)

10-босқич.

Ушбу босқичда ўқитувчи тарқатма материаллар асосида тузилган саволлар (5-6 та) билан талабаларга мурожаат қилади.

Белгиланган саволарга жавоб бериш тугагач, ўқитувчи доскага гуруҳлар томонидан тўпланган балларни ёзади ва машғулотнинг кейинги босқичига ўтади.

11-босқич.

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳни ўз ёзма матнларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда биттадан савол тайёрлашлари кераклигини айтади ва уларга 5-7 дақиқа вақт берилади.

12-босқич.

Бу босқичда гуруҳлар бир-бирларига саволлар берадилар, гуруҳлардаги “ҳисобчилар” эса гуруҳ аъзоларининг жавобларини юқорида белгиланган тартибда баҳолаб борадилар. Жавоблар тўғри бўлса савол берган гуруҳ жавобни тўлдирмайди.

Ўқитувчи гуруҳ аъзоларининг тўплаган балларини яна бир маротаба доскага ёзади ва тўпланган балларнинг умумий сонини аниқлайди. Тўпланган умумий балларни гуруҳ аъзоларига тенг бўлади.

Изоҳ: агар балларни тенг бўлишда гуруҳ ичида норозилик бўлса, бундай ҳолатда муаммони ҳал этиш гуруҳнинг ўзига юклатилади. Гуруҳнинг эчими тўғри ҳисобланади ёки ўқитувчи ўз фикрини билдириши мумкин, чунки у дарс жараёнида талабаларнинг жавоблари, фаол ёки пассивликларини кузатиб борган.

14-босқич.

Ҳар бир талабага баллар қўйилгач (ҳар бир ўқувчи баҳолангач), ўқитувчи машғулотга яқун ясайди. Талабаларнинг фаолиятига баҳо беради, берилган жавобларга ўз фикрини билдиради ва қуйдаги саволлар билан уларга мурожаат қилади:

бугунги машғулот давомида нималарни билиб олдингиз?

нималарга ўргандингиз?

нималар сизлар учун янгилик бўлди?

яна нималарни билишни истар эдингиз?

15-босқич

Ўқитувчи талабаларнинг жавобларини диққат билан тинглаб, уларга миннатдорчилик билдиради ва дарсни яқунлайди.

### **Ақлий ҳужум методи**

Ақлий ҳужум гуруҳлараро ишларда қўлланиладиган, кўплаб ғояларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган методдир. Бу ҳақиқатдан ҳам талабаларни ўқув жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён қилиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи метод ҳисобланади. Бу метод фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Ақлий ҳужум турли тарзда, масалан, қандайдир муаммоли мавзунини (айтайлик, Кашмир муаммоси) муҳокама қилиш учун қўлланилиши мумкин.

Асосий қоидалар қуйдагилар:

Ўртага ташланаётган барча қоидалар бир-бирига нисбатан муҳимликда тенгдир.

Ғояларга нисбатан танқиднинг мавжуд эмаслиги

Ғояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик.

Сўзловчига нисбатан баҳоловчи компонентнинг мавжуд эмаслиги.

Методни икки усулда ишлатиш мумкин:

### **Биринчи усул**

1. гуруҳнинг барча иштирокчиларига бир мавзу ва бир савол қўйилади.

2. ўқитувчи дарс жараёнида ташаббусни шундай тарзда ўз қўлига олади: у аудиториядаги барча талабаларга савол беради ва қандайдир махсус мавзуга дахлдор барча мумкин бўлган фикрларни айтишини сўрайди.

3. барча, ҳатто ахлоқона ғояларни ҳам айтишга рухсат берилади. Айтилаётган фикрлар ичида биргина асосий мавзу сақланиб қолиши шарт.

4. талабаларнинг фикрлари шарҳланмайди, танқид қилинмайди, баҳоланмайди.

5. асосий фикрларни ўқитувчи доскага ёзиб олади, агар компьютер ва мультимедиа проектори бўлса экранда кўрсатади.

6. ақлий ҳужум тугагач барча ғоялар тўпланиши, гуруҳларга ажратилиши ёки категорияларга бўлиниши мумкин.

### **Иккинчи усул**

барча мавзу ва саволлар умумий йўналиши сақланган ҳолда катта гуруҳ таркибидаги гуруҳчаларга тақдим этилади.

ўқитувчи умумий мавзу бўйича бир неча, балки 4-6 та савол тайёрлаши мумкин.

катта гуруҳ кичик гуруҳчаларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳчага ақлий ҳужум ўтказиш учун алоҳида савол берилади.

ҳар бир гуруҳча ақлий ҳужум маҳсулини ёзиб олиш учун биттадан киши ажратади, кейинчалик жараён тугаши билан уни гуруҳнинг барча аъзоларига тақдим этади.

ғўялар ҳар бир гуруҳча томонидан катта саҳифага ёзиб олиниши мумкин. Шундай саҳифа – плакатнинг юқорисига тайёрланган саволлар

ёзиб кўйилади. Саҳифа – плакат жараённинг охирида ҳар бир ҳоҳловчи нима ёзилган ва жамланганлигини кўриши учун осиб кўйилади.

ақлий ҳужумнинг бу усули вақтнинг қисқалигида бир муаммонинг бир неча жиҳати ишлаб чиқилиши зарур бўлган жойда айниқса фойдалидир.

ўқитувчи раҳбар-ёрдамчи сифатида ҳаракат қилади ва бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ақлий ҳужум амалга оширилаётган пайтда ўтиб туради.

Муҳим ғоялар ақлий ҳужум пайтида ишлаб чиқилган бўлиши ва муҳокама этилган бўлиши керак.

Кўпинча муҳим ғояларни белгилаш ва улар ичидан энг яхшиларини танлаб олиш чоғида аудиторияга ёрдам бериш эҳтиёжи тез-тез юзага келиб туради.

Яқуний хулосага келиш, айниқса, қийин. Бу табиий, чунки ҳар бир иштирокчи “менинг ғоям энг яхши” дейди албатта.

### **Адабиётлар:**

1. “Ўзбекистоннинг янги тарихи” 2-китоб Т. «Шарқ» 2000 йил
2. Усмонов Қ, Содиков М «Ўзбекистон тарихи» (1917–1991-йй). Т. «Шарқ» 2003 йил.



**ТАРБИЯВИЙ СОАТ КОНСПЕКТИДАН НАМУНА.**  
**МАВЗУ: “МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН, СЕНИ ТАНИЙДИ ЖАҲОН”.**

**Дарсинг мақсади:**

- Ўқувчиларга мустақиллик ҳақида билим бериш.
- Мустақилликка эришиш йўлидаги Ўзбекистон Президенти И.Каримов бошчилигида амалга оширилган ишлар ҳақида билимларни шакллантириш.
- Ўқувчиларда ўз юртига бўлган муҳаббати, ватанпарварлик, онгли интизом ва яхши хулқ каби фазилатларни ривожлантириш, ўз фикрини ҳимоя қила олиш қобилиятини ўстириш.

**Метод:** “Дебат”, гуруҳларда ишлаш ақлий ҳужум.

**Усул:** янги мавзунини баён қилиш.

**Восита:** дарслик қўшимча адабиётлар – Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китоби, карточкалар, расмлар, “Ватан туйғуси” фанидан тайёрланган мавзуга оид проэксцион кўргазмалар.

Синф хонаси XX аср 90-йилларида Жаҳоннинг сиёсий харитаси, шунингдек, ҳозирги кундаги сиёсий харитаси, мустақилликка оид плакатлар, Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан лавҳалар билан безатилади.

“Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан лавҳалар:

Инсоний бурчимизни адо этиш мақсадида 2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатоғон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, номнишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб кетган Бўзсув канали соҳилидаги “Алвасти кўприк” деб ном олган жарлик ўрнида шаҳидлар хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди.

Ҳар қандай босқин ва истилоларга қарамасдан, ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини юқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам барчамизга ибрат бўлиб, куч-қудрат бағишлаб келмоқда.

Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизда олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интизом интилишлари билан яшаётганимиз бу йўлда етишаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани.

- бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Ўқувчиларнинг дарс бошида учта гуруҳда бўлинган ҳолда жойлаштирилади.

**Дарснинг бориши:**

Ўқувчи томонидан гуруҳларга фаоллаштирувчи саволлар берилади.

**1-гуруҳда:** - Хариталарга диққат билан қаранг ва Ўзбекистон Республикасини топинг. Хариталар ўртасида қандай фарқ бор.

**2-гуруҳда:** - Расмлар асосида “мустақиллик” сўзига таъриф беринг.

**2-гуруҳда:** - Мустақиллик ва Ватан ҳақидаги шеърлар ёддан айтинг.

Ҳар бир гуруҳ вакили давоматларни тақдим этади.

Ўқувчилар саволларга жавоб бергандан сўнг ўқитувчи Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида маълумотлар беради. Сўзларга изоҳ бериш мақсадида, олдиндан тайёрланган карточкалар гуруҳларга тарқатилади. Карточкаларда берилган сўзлар гуруҳ томонидан ўрганилади ва тақдимот қилинади.

**Суверенитет** – бу давлатнинг ички ташқи сиёсатда мустақиллиги.

### 1-карточка

**Мустақиллик** – бировга қарам бўлмаган, ўз ихтиёри билан ҳаракат қилишга қодир, озод ва эркин инсон, халқ давлат фаолиятининг моҳиятини ифода этувчи тушунчалар.

### 2-карточка

**Империя** – лотинча сўз бўлиб, чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган кўплаб мамлакат ва халқларни мажбуран тутқунликда сақлаб тўрган йирик тажовускор давлат.

<b>1. Суверенитет</b>	А) бировга қарам бўлмаган, ўз ихтиёри билан ҳаракат қилишга қобил, озод ва эркин инсон, халқ, давлат фаолиятининг моҳиятини ифода этади.
<b>2. Мустақиллик</b>	Б) давлатнинг ички ва ташқи сиёсатда мустақиллиги.
<b>3. 1990-йил 20 июнда</b>	С) Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилди.
<b>4. Империя</b>	Д) лотинча сўз бўлиб, мутлоқ, яъни чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган, кўплаб мамлакат ва халқларни мажбуран тутқунликда сақлаб тўрган йирик тажовускор давлат.
<b>5. 1991-йил 31 август кунини</b>	Е) Ўзбекистон Республикаси “Мустақиллик Декларацияси” эълон қилинди.

### **Мастухкамлаш:**

Ҳар бир гуруҳга савол ва топшириқлар берилади. Савол ва топшириқларга ёзма жавоб ёзилади.

### **Савол ва топшириқлар.**

1. Инсонга мустақиллик нима учун керак?
2. Қуйидаги жавобларни берилган матнлар тайёрланиб, ўз ўрнида қўйиб дафтарингизга кўчиринг.

### **Намуна. 4-Д, .....**

3. Тушириб қолдирилган сўзларни ўз жойига қўйиб ёзинг.  
1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига ..... мақоми берилди.  
1990 йил 24 март ..... президентлик мақоми жорий этилди.  
1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси ..... эълон қилинди.  
1991 йил 31 август куни “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асоси тўғрисида”ги ..... эълон қилинди.  
2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ..... ташкил қилинди.

**Тушуриб қолдирилган сўзлар:** “Мустақиллик Декларацияси”, қонуни, Шаҳидлар хотираси хиёбони, Давлат тили, Ўзбекистон Республикаси.

**Уйга вазифа:** Мустақилликни ифодаловчи расм чизиб келиш.

## **Мавзу: САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК.**

### **Дарсинг мақсади:**

#### **а) Таълимий:**

Ўқувчиларни Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ва сақлашга қаратилган давлат ҳужжатлари билан таништириш, инсон саломатлигининг аҳамияти, унга таъсир этувчи омиллар ҳақида тушунча бериш;

#### **б) тарбиявий:**

Ўқувчиларни соғлом турмуш тарзининг инсон саломатлигидаги аҳамияти билан таништириш орқали илмий дунёқарашини кенгайтириш, онгли интизомни вужудга келтириб, гуруҳда ва оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

#### **д) ривожлантирувчи:**

Ўқувчиларни мавжуд маълумотлар билан ишлаш олишга, мустақил фикрини баён этишга, ташаббускорликка ўргатиш.

### **Дарсинг шакли: ноананавий.**

Дарсинг жиҳози: дарс ишланмаси, мавзуга оид плакат, расм, букетлар, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, фанга оид ўқув қўлланма, тарқатма материаллар, кадаскоп ва слайдлар.

Дарсда фойдаланиладиган технология: ҳамкорлик (мусобақа), дидактик ўйин технологияси (тадқиқот усули).

### **Машғулот жараёни:**

Дастлаб ўқитувчи ўтган дарсдаги “Соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш” мавзуси бўйича ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш мақсадида “Соғлом турмуш тарзининг мақсади нима?”, “Қандай иллатлар соғлом турмуш тарзини кечиришга монелик қилади?”, “Диспансер кўриги тушунчасини таърифланг”, “Кун ва ишни биологик режим асосида ташкил

қилиш деганда нимани тушунасиз?”, “Сиз учун соғлом турмуш тарзи кечиришда мақсаднинг ўрни қандай?” каби саволлар юзасидан суҳбат ўтказди.

Суҳбат сўнгида ўқувчилар билдирган фикрлар умумлаштирилади ва янги мавзу билан боғланади. Ўтиладиган мавзу ва унинг мақсади эълон қилинади. Ўқитувчи: - Ҳурматли ўқувчилар, бугун биз сиз билан юртимиздаги соғлиқни сақлаш тизими ҳақида, саломатлик тушунчаси, оилада саломатлик ва экология инқирозининг саломатликка таъсири ҳақида билиб оламиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти низомига кўра саломатлик бу – жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан осойишталик ҳолатидир. Соғлом кишигина меҳнат қилиш фаолияти билан шуғулланиб, жамият ва давлатга фойда келтиради. Саломатлик ҳар бир киши учун бебаҳо намат, мамлакат иқтисодий қудрати ва халқ фаровонлигини оширишнинг зарурий шартидир. Марифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг қуйидаги “Боданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқимок, ўқитмок, ўрганмок, ўргатмок учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдур” деган фикрлар ҳар доим инсон саломатлиги масаласи диққат марказда бўлганлигини кўрсатади.

Доскага “Инсон саломатлиги ва унга таъсир этадиган омиллар” плакати осилади ва “Инсон саломатлигига қандай омиллар таъсир этади деб ўйлайсиз?” саволи билан ўқувчиларга мурожаат этилади.

Ўқувчиларнинг билдирган фикрлари айлана атрофига ёзилади ва улар мазмун жиҳатдан умумлаштириб, гуруҳланади.

Навбатдаги босқичда ўқувчилар уч гуруҳга бўлинади ва айланалардаги омилларга мос номланади. Ҳар бир гуруҳ ўзига бахс – мунозара асосида шиор танлайди.

**Экология гуруҳи:** - Бизнинг шиор: “Кислородсиз ҳаёт йўқ!”.

**Шифокор гуруҳи:** - “қаерда инсон бор экан, шу ерда ҳаёт бўлади!”.

**Рухшунос гуруҳи:** - “Спорт ва яхши кайфият – саломатлик гарови!”.

Ўқитувчи “Экалогия” гуруҳи экалогик инқирознинг саломатликка таъсирини, “Шифокор” гуруҳи ўсмир ва балоғат ёшидаги йигит-қизларнинг соғлиғини сақлаш усулларини, “Рухшунос” гуруҳи эси оила муҳитининг саломатликка таъсирини очиб беришларини сўрайди. Ҳар бир гуруҳга ўқитувчи томонидан тайёрланган мавзу бўйича маъруза матни, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқоролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, саволлар ёзилган карточка, филипчарт ва маркетлар тарқатилади. Гуруҳ иштирокчилари биргаликда маърузадан фойдаланиб, берилган саволлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Фуқоролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни билан танишадилар ва муҳокама қилиб, ўз хулосаларини филипчартга ёзадилар.

гуруҳ учун топшириқлар:

ирсий касалликлар кўпайишига атроф – муҳитнинг таъсири борми?

“Сиз табиат қўйнига чиқолмасангиз табиатни ўз олдингизга олиб келинг”, - деган фикрни изохланг.

Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни қачон нишонланади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50- моддасини шархланг.

гуруҳ учун топшириқлар:

Соғлом инсон профилактика мақсадида бир йилда неча марта шифокор кўригидан ўтиши зарур?

Ўсмир ва балоғат ёшидаги йигит – қизлардаги қандай салбий одатлар нуқсонли ривожланишга олиб келади?

“Абу Али ибн Сино ва бемор” ҳақидаги ибратли ривоятдаги бош ғоя?

**3-гуруҳ учун топшириқлар:**

1. “Сихат –саломатлик йили” Давлат дастўрининг бош ғояси?

2. “Жахл дориси - сукут”, “ким мард –жахлини ютган мард” мақолларининг аҳамияти?

3. Шахсий гигиена деганда нимани тушунаси?

оиладаги шарт –шароит, “руҳий иқлим” ва миллий урф – одатларимизнинг инсон саломатлигига таъсири?

Тақдимотда “Экология” гуруҳи ҳавонинг, “Шифокор” гуруҳи оқ, “Рухшунос” гуруҳи эса яшил филипчатдаги (қоғоз) жавобларини доскага байроқ рамзи сифатида жойлайдилар. Бунда ой –мавзу, саволлар 12 юлдуз сифатида, қизил чизикда шиорларни (скочлаб) доскага жойлайдилар. Рангларнинг инсон саломатлигига таъсири ва рамзи ҳамда ўз гуруҳи фикрлари билан таништирадилар.

Муҳокама ўқувчиларга саволлар билан мурожаат қилинади, уларнинг чиқарган хулосалари муҳокамага қўйилади ва баҳоланади.

Дарс “Бугунги машғулот сизга ёқдими, нима учун?”

“Инсон саломатлигига таъсир қилувчи қандай омилларни билиб олдингиз?”,

“Саломатлигимизни сақлаш учун нималарга этибор беришимиз лозим?”,

“Бугунги машғулотдан сиз қандай хулоса чиқардингиз?” каби саволлар мустаҳкамланади.

Қисқаси, чақириқлар, шоирлар, мақол, ҳадислар ва ўтмиш алломаларимиз тажрибалари умумлашмалари бўлган сара фикрларга тўлиқ мамавзумиз орқали ёшларимизнинг ўзлари, атрофдаги инсонларнинг соғлиғига, табиат муҳофазасига бўлган этиборлари ортди. Фикрларни бахслашиб баён қилишлари орқали оғзаки нутуқлари равонлашди ҳамда билимлари кучайди.

Уйга вазифа қилиб: “Саломатлик ва мен” мавзусида иншо ёзиб келиш топшириғи берилди.

Ўқув жараёнининг сифати кўп ҳолларда ўқитиш усулларини тўғри танлашга боғлиқдир. Тўғри танланган усуллар ўқувчиларнинг янги билимларни онгли ва чуқур ўзлаштиришларига, уларда фаоллик ва ижодкорликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.



Касб-ҳунар коллежларида уларни танлашда турли хил шароитлар: ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари, тайёргарлик ҳамда ўзлаштириш даражаси, ўқитилаётган фаннинг характери ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

## **Педагогик амалиёт жараёнига доир ҳужжатлар ва улар билан ишлаш.**

### **Педагогик амалиёт даврида талаба юритадиган кундалик дафтар, унинг мазмуни.**

Педагогик амалиёт ҳужжатлари ичида ўзининг салмоғи ва тутган ўрни билан амалиётчининг юритаётган кундалик дафтари муҳим ўрин эгаллайди. Негаки, айнан кундалик дафтарда талабанинг педагогик-психологик, илмий-услубий ва амалий изланишлари ўз аксини топади. Айнан кундалик дафтарда талабанинг касбий ўсиш даражаси, педагогик-психологик муаммоларга ёндашиш услуби, шахсий фикри, у ёки бу педагогик вазиятни таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулосалаш малакаларининг қай даражада шаклланганлиги, услубий жиҳатдан ўсиш даражаси, педагогик маҳорати намоён бўлади. Шу боис, кундалик дафтар амалиётчи фаолиятининг кўзгуси десак муболаға бўлмайди.

### **Талабанинг кундалик дафтарни юритишига қўйиладиган педагогик талаблар.**

Режалаштирилгаи ишлар фан ўқитувчилари, синф раҳбари, таълим муассасаси, жамоат-ташкilotлари томонидан белгиланган ўқув-тарбиявий тадбирлар йўналишида бўлиши керак;

– белгиланган тадбирлар таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи характерга эга бўлиши ва талабанинг касбий ўсишида муайян босқич вазифасини ўтамоғи лозим;

– ўтказилган тадбирларда иштирок этиш, уларни таҳлил қилиш талабаларда педагогик маҳорат сирларини эгаллашда ёрдам бериши, уларда касбий малака ва кўникмаларни шакллантириши керак;

– режалаштирилган ишлар талабаларда онгли интизом, ўз ишига, фаолиятига жавобгарлик ҳиссини таркиб топтириш, ўз-ўзини тарбиялаш, назорат қилиш, ўзаро мулоқот қилиш маданиятини тарбиялаши лозим;

– ўтказилган тадбирларни қайд этишда талаба уларнинг мазмунини, моҳиятини мантиқан, аниқ ифодалаши, фойдали бўлган йўналишларини белгилаши, ўзининг шахсий позициясини асослаши керак;

– режалаштирилган ишлар илғор педагогик тажрибани ўрганишга, ўз фани ва тарбиявий ишлар соҳасидаги янгиликлар билан мустақил танишишга имкон яратиши лозим;

- кундалик дафтар ҳар куни, талаблар доирасида тўлдириб борилиши керак;
- амалиётчи-талаба таълим муассасасидаги иши, фаолияти даврида кундалик дафтарни ҳамиша ўзи билан олиб юриши шарт;
- амалиётчи-талаба ҳафтада бир маротаба кундалик дафтардаги ёзувларни, ҳафталик режани услубшунос ўқитувчиларга текширтириши ва тасдиқлаштириш учун кўрсатиши шарт;
- кундалик саҳифаларида услубшунос, ўқитувчилар амалиётчининг дарсларини, тарбиявий тадбирларининг таҳлилларини қайд этишлари мумкин.

**Амалиётчининг кундалик дафтарда қуйидагилар қайд этилиши шарт:**

- а) синф(гурух) журналининг охирги бети шакли бўйича ўқувчиларнинг рўйхати, уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, ўтган чорак, ярим йиллик якуни бўйича натижалар ва ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;
- б) синф(гурух) ўқувчиларини жойлаштириш тартиби;
- в) таълим муассасасидаги кўнғироқлар жадвали; фан ўқитувчисининг ва бириктирилган синфдаги дарсларнинг жадвали;
- д) амалиётчи-талабанинг дарс жадвали;
- е) барча амалиётчи-талабаларнинг дарс жадвали;
- и) синф(гурух)дан ташқари белгиланган тарбиявий синов тадбирларининг жадвали;
- ж) ҳозирги чорак учун синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режасидан кўчирма;
- з) амалиётчи-талабанинг амалиётнинг бутун даври учун мўлжалланган ўқув-тарбиявий, услубий ишларининг шахсий режаси, ҳафталар бўйича ва ҳафтанинг ҳар бир кунига мўлжалланган ишлар режаси;
- к) фан ўқитувчилари ва амалиётчи-талабаларнинг дарслари, тарбиявий тадбирларини кузатиш ва таҳлил қилиш;
- л) ўз дарслари ва синфдан ташқари машғулотларни ўртоқлари билдирган фикр-мулоҳазалар билан қўшиб таҳлил қилиш;
- м) амалиёт раҳбарининг, педагогика, психология фанлари бўйича услубшуносларнинг топшириқлари;
- н) амалиёт даврида ўтказилаётган услубий ва педагогик семинарлар учун тўпланган материаллар.

**Амалиётчи юритадиган кундалик дафтарнинг биринчи саҳифасининг  
кўриниши**

Қарши давлат университети \_\_\_\_\_  
факультет \_\_\_\_\_ гуруҳи амалиётчи-  
талабаси \_\_\_\_\_ нинг

**КУНДАЛИК - ДАФТАРИ**

Педагогик амалиёт \_\_\_\_\_ шаҳар  
(туман)даги \_\_\_\_\_ синф (гуруҳ)да бўлиб ўтаяпти.

(таълим муассасасининг номи)

Бошланиш вақти: \_\_\_\_\_ Тугаш вақти: \_\_\_\_\_

Фан бўйича услубшунос: \_\_\_\_\_

Педагогика фани бўйича услубшунос: \_\_\_\_\_

Психология фани бўйича услубшунос: \_\_\_\_\_

Институт амалиёт бўлими бошлиғи: \_\_\_\_\_

Таълим муассасаси директори: \_\_\_\_\_

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари: \_\_\_\_\_

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари: \_\_\_\_\_

Бириктирилган синф ва синф раҳбари: \_\_\_\_\_

Бириктирилган фан ўқитувчиси: \_\_\_\_\_

Таълим муассасаси “Камалак” етакчиси: \_\_\_\_\_

Таълим муассасаси “Камолот” ЁИХ етакчиси: \_\_\_\_\_

Таълим муассасаси манзили: \_\_\_\_\_ Телефон: \_\_\_\_\_

**Амалиётчиларнинг навбатчилик рўйхати:**

№	Исми, шарифи	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							

10							
----	--	--	--	--	--	--	--

**Қўнғироқлар жадвали:**

Кириш	Чиқиш	Танаффус
-------	-------	----------

**Услугуноснонинг навбатчилик рўйхати:**

Душанба	
Сешанба	
Чоршанба	
Пайшанба	
Жума	
Шанба	

**Амалий топшириқлар:**

- ❖ Кундалик дафтарингизни барча педагогик талабларга риоя қилиб юритинг.
- ❖ “Амалиётчи бурчаги”ни тайёрланг.

**Талабанинг педагогик амалиётни ўтказганлиги тўғрисидаги  
ҳисоботининг тахминий мазмуни.**

Қарши \_\_\_\_\_ давлат \_\_\_\_\_ университети \_\_\_\_\_  
факультетининг \_\_\_\_\_ бўлими \_\_\_\_\_ гуруҳ  
талабаси \_\_\_\_\_ нинг  
200\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан 200\_\_ йил \_\_\_\_\_ гача

\_\_\_\_\_ (туман, шаҳар)даги

\_\_\_\_\_ (таълим муассасасининг тўлиқ номи)

олиб борган педагогик амалиёти бўйича

## ҲИСОБОТИ

1. Педагогик амалиёт режасини бажариш. Режадан қандай четга чиқишлар бўлди? Нима учун? Режадан ташқари қандай ишлар амалга оширилди, амалиётнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

2. Ўтилган дарслар ҳисоби, қандай дарслар, Сизнинг назарингизда муваффақиятлироқ ўтди, қандай камчиликлар юз берди? Нима учун?

3. Амалиёт даврида Сиз қандай асосий дидактик вазифаларни ҳал этдингиз ва қандай натижаларга эришдингиз?

4. Сиз ўз ишингизни ташкил этаётганда қандай ва қайси илғор педагогик тажрибаларга суянган ҳолда иш тутдингиз? Улардан қандай фойдаландингиз (муаммоли ўқитиш элементлари, ишнинг текшириш услублари, илғор тажрибадан фойдаланиш, ТТВ ва бошқалар). Ўз тажрибаларингиздан аниқ мисоллар келтиринг! Сиз бажарган ишингиздан қоникдингизми? Қандай назарий, услубий, ташкилий қийинчиликларга дуч келдингиз?

5. Сиз амалиёт мобайнида қандай асосий тарбиявий вазифаларни ҳал қилдингиз? “Камалак”, “КАМОЛОТ” ЁИҲ ташкилотлари билан тарбиявий ишларни олиб бориш тизимига қандай шакллар киритилган? Уларга ўз муносабатингизни билдиринг!

6. Таълим муассасаси шароитида ўқувчиларга индивидуал муносабат қандай амалга оширилади?

7. Сиз келажакда ўз олдингизга қандай ташкилий-тарбиявий вазифалар кўймоқчисиз? Сиз амалиёт жараёнида қандай маҳорат ва малакаларни эгалладингиз?

8. Амалиёт ҳақида Сизнинг хулосаларингиз. Педагогик фаолиятингизнинг шаклланишида ўтказилган амалиётнинг аҳамияти. Амалиётни ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва уни янада мазмунлироқ қилиш борасидаги фикрингиз?

Амалиётчи - талаба: \_\_\_\_\_

Ҳисобот ёзилган вақт: \_\_\_\_\_

### Амалий топшириқ:

❖ Ўтказилган педагогик амалиёт тўғрисида ҳисобот ёзинг.

**Педагогик амалиёт ўтганлиги тўғрисида бериладиган тавсифнома**

**Қарши Давлат Университети** \_\_\_\_\_  
факультетининг \_\_\_\_\_ бўлими \_\_\_\_\_ курс \_\_\_\_\_ гуруҳ  
талабаси \_\_\_\_\_ нинг \_\_\_\_\_  
(туман, шаҳар)даги

(таълим муассасасининг тўлиқ номи)

педагогик амалиёт ўтганлиги тўғрисидаги тавсифноманинг тахминий мазмуни.

Педагогик амалиёт давомида фан ўқитувчиси (қайси фан) ва синф раҳбари (қайси синфда) сифатида амалиёт дастури ва индивидуал топшириқларни тўлиқ бажарди (у ёки бу сабабга кўра амалиётнинг у ёки бу қисмини бажармади).

**Тавсифномада қуйидагилар қайд этилади:**

- педагогик амалиёт дастурида белгиланган иш турларини бажариш, ташкил этиш ва бошқариш малакаларининг шаклланганлиги;
- турли ёшдаги ўқув гуруҳи болалари билан дарсларни ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ўтказиш сифати;
- ўқув гуруҳини бошқара олиши, гуруҳда тартиб-интизомни назорат қилиш ва ҳисобга олиш малакасининг борлиги;
- амалиётчи-талабанинг ўз мутахассислиги бўйича тайёргарлик даражаси, унинг услубий малака ва кўникмалари, назорат билимларини амалиётда қўллай билиш даражаси;
- ўз ишида мустақилликка интилиш даражаси, ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, талабчанлиги ва ижрочилиги;
- таълим муассасасининг ички қоидаларига ва меҳнат интизомига нисбатан бўлган муносабати;
- талабанинг фаолияти тўғрисида хулоса ва унинг касбий тайёргарлигидаги хато-камчиликларни тузатиш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар.

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ: \_\_\_\_\_

ФАН ЎҚИТУВЧИСИ: \_\_\_\_\_

СИНФ РАҲБАРИ: \_\_\_\_\_

**4.5. Талабанинг педагогик амалиёт давридаги иш режаси, унинг асосий йўналишлари ва мазмуни**

№	Режалаштирилган ишнинг асосий йўналишлари.	Ўтказилган тадбирнинг тахминий мазмуни	Тадбирнинг ўтказиладиган вақти
I	Таълим муассасаси ўқитувчилар жамоасини ўқув-тарбиявий ишларни режалаштириш ва ташкил этиш билан таништириш.	1. Педагогик амалиётга чиқиш муносабати билан ташкил этилган услубий конференцияда иштирок этиш, зарур бўлган услубий топшириқларни олиш. Бириктирилган таълим муассасаси, услубшунослар, амалиёт ҳужжатларини юритиш тартиби билан танишиш. Амалиёт раҳбари билан танишиш.	Амалиётнинг бошланиши арафасида
		2. Таълим муассасаси директори, ўринбосарлари, “Камалак” ва “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилари билан учрашиш ва танишиш.	Амалиётнинг дастлабки кунда
		3. Қайси синфларга дарс бериш тақсимотида иштирок этиш, дарс жадвали, фан ўқитувчилари билан танишиш, синф раҳбари сифатида ишлайдиган синфини аниқлаш.	Амалиёт жараёнида
		4. Дарс берадиган фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари билан танишиш. Синф раҳбари билан суҳбатлашиш, синф тўғрисидаги дастлабки маълумотларни олиш.	Амалиётнинг дастлабки 4 кунда
		5. Бириктирилган синфдаги дарсларда қатнашиш ва уларни	Амалиётнинг дастлабки



		тахлил қилиш, ўқитувчиларнинг дарс бериш, вақтдан унумли фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш.	кунида
		6. Фан ўқитувчиларининг тажрибасини ўрганиш, ўқитувчилик, синфга раҳбарлик фаолиятига “кириб” бориш, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида синфларда ташкил этилаётган дарсларни, тарбиявий ишларни холисона таҳлил қилишга ўрганиш.	Амалиётнинг дастлабки кунида
		7. Услугунослар билан биргаликда фан ўқитувчилари томонидан ташкил этилган очик дарсларда иштирок этиш ва уларнинг муҳокамасида қатнашиш.	Амалиётнинг дастлабки учинчи ҳафтасида
		8. Фан ўқитувчиларининг ўқув иш режалари билан танишиш ва ўз синфига оид қисмларидан кўчирмалар тайёрлаш. Иш режасини фан бўйича услубуносга тасдиқлаш.	Амалиётнинг ҳафтаси давомида
		9. Синф(гурух) фаоллари билан танишиш, улар билан суҳбатлашиш.	Амалиётнинг дастлабки кунларида
		10. Синф (гурух) раҳбарининг тарбиявий ишлар режаси ва синф қайдномаси (журнали) билан танишиш.	Амалиётнинг дастлабки кунларида

		11. Синф (гурух) раҳбарининг тарбиявий ишлар режасидан кўчирма тайёрлаш, ўз мутахассислиги бўйича ўтказилиши керак бўлган мавзуларни режага киритишни синф раҳбари, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, педагогика кафедрасидан белгиланган услубшунос билан келишиб олиш ва тасдиқлатиш.	Амалиёт дастлабки ҳафтасининг охирида
		12. Синф(гурух) дан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларни кузатиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш.	Доимий
		13. Ўқувчиларни дарс ва тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнида кузатиб бориш, уларнинг фаолиятига баҳо бериш ва қайд этиш.	Доимий
		14. Таълим муассасаси ва ўқувчилар ҳужжатларини ўрганиш, уларни юритиш, сақлаш қоидаларини қайд этиш.	Амалиётнинг дастлабки 3 ҳафтасида
		15. Таълим муассасаси “Болалар” ва “Камолот” ташкилотларининг иш режалари билан танишиш, ўзи иштирок этадиган тадбирларни белгилаб қўйиш.	Амалиётнинг дастлабки ҳафтасида
		16. Психологик-педагогик жиҳатдан ўрганиш учун танланган ўқувчи билан	Амалиётнинг дастлабки кунларида ва

		чукурроқ танишиш, уни доимий кузатиб бориш.	амалиёт давомида
		17. Синф (гурух) раҳбари билан бириктирилган синфида олиб борилаётган тарбиявий ишларни режалаштириш, ташкил этиш услублари тўғрисида суҳбатлашиш. Тарбиявий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида аниқ маслаҳатлар олиш.	Амалиётнинг дастлабки ҳафтасида
		18. Педагогик амалиёт даврда ўтказиладиган дарслар, тарбиявий тадбирлар жадвалини тузиш ва уларни услубшуносларга тасдиқлатиш.	Амалиётнинг дастлабки ҳафтасида
		19. Педагогик амалиётга доир илмий-услубий адабиётлар, қўлланмалар, тавсиялар билан мунтазам танишиб бориш ва зарур бўлган маълумотларни кундалик дафтарга қайд этиш.	Амалиёт давомида
		20. Таълим муассасасининг, синф раҳбарининг муассаса ҳудудида олиб борадиган тарбиявий тадбирлар режаси билан танишиш.	Амалиётнинг дастлабки ҳафтасида
		21. Бириктирилган синф ўқувчиларининг ўзлаштириши ва тартиб-интизомини назорат қилиш ва ҳисобга олиш.	Доимий
		22. Ўз мутахассислиги бўйича фан ўқитувчиларидан, услубшуносларидан, шунингдек, педагогика ва психология	Доимий

		кафедраси ўқитувчиларидан дарс ва тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини, таъсир даражасини ошириш хусусида мунтазам маслаҳатлар олиб туриш.	
		23. Педагогик амалиёт ҳужжатларини ўз вақтида талаб даражасида тўлдириб бориш ва услубшуносларга тасдиқлатиш.	Доимий
		24. Тажриба алмашиш мақсадида бошқа таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган ўз курсдошларининг ўтказаетган дарсларига ва тарбиявий тадбирларига қатнашиш ва фикр алмашиш.	Белгиланган кунда
		25. Педагогик амалиётни ўтишнинг индивидуал режасини тузиш ва услубшуносларга тасдиқлатиш.	Амалиётнинг 1-ҳафтасида
		26. Ўтказилиши керак бўлган синов дарслари ва тарбиявий тадбирларнинг мавзуларини аниқлаш ва услубшуносларга тасдиқлатиш.	Амалиётнинг 1-ҳафта охирида
		27. Услубшунослардан, фан ўқитувчиларидан, синф раҳбарларидан мунтазам равишда маслаҳатлар олиш, қилинаётган ишлари тўғрисида уларга ҳисоботлар бериш.	Амалиёт давомида
		28. Амалиётчи-талабаларнинг	Амалиёт

		дарсларини кузатиш, таҳлил қилишда иштирок этиш, дўстларига холисона маслаҳатлар бериш.	давомида
		29. Мустақил дарс ўтиш учун тайёргарлик кўриш, дидактик материаллар йиғиш, мавзуга оид кўргазмали қуроллар тайёрлаш, услубий маслаҳатлар олиш.	Белгиланган кунларда
		30. Мустақил тарбиявий тадбир ўтказиш учун тайёргарлик кўриш, керакли материалларни, адабиётларни йиғиш, тадбир сценарийсини ёзиш, услубий кўрсатма ва маслаҳатлар олиш, меҳмонларни таклиф қилиш.	Белгиланган кунларда
		31. Таълим муассасаси маъмурияти томонидан ташкил этилаётган ўқув-тарбиявий тадбирларда иштирок этиш.	Амалиёт давомида
		32. Амалиёт раҳбарияти, услубшунослар, таълим муассасаси маъмурияти томонидан талабаларнинг бажараётган ўқув-тарбиявий ишларининг савиясини ошириш, мазмунан бойитиш, услубий ёрдам кўрсатишга қаратилган тадбирларда иштирок этиш ва у ерда билдирилган фикрларни мунтазам қайд этиб бориш.	Амалиёт давомида
		33. Дарс ва тарбиявий тадбирлар ўтказиладиган жойлар, жиҳозлар,	Амалиёт давомида

		ўқув дастгоҳларининг тайёрлик ҳолатини баҳолаш. Машғулотларнинг гигиеник талабларга жавоб берадиган хоналарда ўтишини ташкил қилиш.	
II	Синф раҳбари сифатида ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бориш.	1. Синф ўқувчилари мустақил олиб борадиган тарбиявий ишларга педагогик раҳбарлик қилиш:	Амалиёт давомида
		- ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш (синф ва таълим муассасасини озода сақлаш, ички тартиб-қоидага риоя қилиш, гулхоналардаги ва синф хоналардаги гулларга қараш. . .);	
		- ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятига жалб қилиш (таълим муассасаси жиҳозларини тайёрлаш ва таъмирлаш, қоғоз, темир-терсак йиғиш, муассаса худудини ободонлаштириш, халқ ҳашарлари, шанбалик ва якшанбаликларда иштирок этиш. . .);	Амалиёт давомида
		- ўқув юрти биносида ва синф хонасида навбатчилик қилишни йўлга қўйиш;	Белгиланган кунларда
		- “Болалар” ва “Камолот” ЁИХ аъзоларининг йиғилишини ташкил қилишда иштирок этиш;	Белгиланган кунларда
		- “Болалар” ва “Камолот” ЁИХ	Амалиёт

		ташкilotларининг фаолиятида иштирок этиш.	давомида
		2. Ўзбек халқининг шон-шуҳрати – меҳнат жасорати жойларини ва меъморчилик обидаларини зиёрат қилиш.	Белгиланган кунларда
		3. Турли мавзуларга оид тарбиявий тадбирлар (кечалар, учрашувлар, мунозаралар, мушоиралар, суҳбатлар) тайёрлаш ва ўтказиш.	Амалиёт давомида
		4. Республикамиз ҳудудида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида “Давра столи” суҳбатини ташкил қилиш.	Белгиланган кунларда
		5. Ўқувчиларни чуқурроқ билиш, уларнинг лаёқатини, у ёки бу касбга қизиқишини ўрганиш мақсадида кузатиш ва анкета сўровини ўтказиш, сўроқ анкеталарини таҳлил қилиш, олинган натижалар асосида ўқувчиларга маслаҳатлар бериш, зурур бўлган ҳолларда уларнинг келгуси режаларига ўзгартиришлар киритиш.	Амалиёт давомида
		6. Тарбиявий тадбирларни ўтказишда ўқувчилар жамоасига таяниш, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш. Оммавий, гуруҳий ва яккама-якка иш шаклларини чамбарчас боғлаб олиб бориш.	Амалиёт давомида
		7. Ўқувчилар, ўқитувчилар жамоасида, ота-оналар орасида	Амалиёт

		педагогик билимларни тарғиб қилиш.	давомида
		8. “Педагогик ҳамкорлик”ка кенг йўл очиш ва унинг ғояларини тарғиб қилиш.	Амалиёт давомида
III	Синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар.	1. Синфдан ташқари олиб бориладиган таълимий-тарбиявий ишларда иштирок этиш.	Амалиёт давомида
		2. Таълим муассасасида ва ундан ташқари тарбия муассасаларида фаолият кўрсатаётган фан тўғараклари, клублар, тадқиқотхоналарда иштирок этаётган ўқувчиларнинг ишлари билан танишиш ва уларга кўмак бериш.	Амалиёт давомида
		3. Мустақил равишда синфдан ташқари таълимий-тарбиявий тадбирлар (кеча, мунозара, мушоира, учрашув, саёҳат...) сценарийларини тайёрлаш ва ўтказиш.	Амалиёт давомида
		4. Синф(гурух) да паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билан махсус жадвал асосида яккама-якка тартибда ишлаш.	Белгиланган кунларда
		5. Тарбияси қийин бўлган ўқувчилар билан яккама-якка ишлаш, уларнинг тартиб-интизоми, ўзлаштиришини алоҳида назорат қилиб ҳисобга олиш.	Белгиланган кунларда
		6. Фан хонасини жиҳозлаш ишида иштирок этиш. Кўргазмаларни эсдалик учун топшириш.	Доимий



		7. Ўқувчилар билан биргаликда оталиқ ташкилотларига бориш, уларга ёрдам кўрсатиш.	Амалиёт давомида
		8. Таълим муассасаси ҳудудида ободонлаштириш, хашар, кўкаламзорлаштириш ишларида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш.	Белгиланган кунларда
IV	Ота-оналар билан ишлаш	1. Ўқувчиларнинг ота-онаси, оилавий аҳволи, яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида уларнинг уйларига бориш.	Амалиёт давомида
		2. Ота-оналарга болаларни тўғри тарбиялаш борасида услубий ёрдам кўрсатиш, ота-оналар учун тавсиялар тайёрлашда қатнашиш.	Амалиёт давомида
		3. Миллий тарбиянинг долзарб муаммоларига бағишланган мавзуларда ота-оналар учун суҳбат ва маърузалар уюштириш.	Амалиёт давомида
		4. Синфда (гурух) ўтказиладиган тарбиявий тадбирларда ота-оналар иштирокини таъминлаш ва уларнинг кўмагига суяниш.	Амалиёт давомида
		5. Синф(гурух) ота-оналар кўмитаси ишида иштирок этиш.	Амалиёт давомида
		6. Синф (гурух) ота-оналар йиғилишини тайёрлаш ва ўтказишда фаол қатнашиш. Муҳокама қилинаётган масала бўйича ўз фикрини баён қилиш, ота-оналарни қизиқтирган саволларига жавоб бериш.	Белгиланган кунларда
V	Услубий ва тадқиқот ишларида қатнашиш.	1. Синф (гурух) раҳбарлари	Белгиланган

		услугий семинарларида иштирок этиш ва маъруза қилиш.	кунда
		2. Фан ўқитувчиларининг услубий кенгашларининг ишида фаол иштирок этиш ва маъруза билан чиқиш.	Белгиланган кунда
		3. Педагогика ва психология кафедраси услубшунослари томонидан ташкил этилган илмий-услугий семинар ишида иштирок этиш ва танланган мавзу бўйича маъруза тайёрлаш.	Белгиланган кунда
		4. Фан ўқитувчилари, синф раҳбарларининг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўз фаолиятига жорий қилиш услублари устида ишлаш.	Амалиёт давомида
		5. Танланган курс ва диплом ишлари мавзусига оид материалларни тўплаш, фаразларни амалда синаб кўриш.	Амалиёт давомида

#### **Амалий топшириқлар:**

- ❖ Фан ўқитувчилари томонидан ташкил этилган очик дарсларда иштирок этинг.
- ❖ Ўтказилиши керак бўлган синов дарслар ва тарбиявий тадбирларнинг мавзуларини аниқланг.
- ❖ Ўқувчилар кундаликларини кўриб чиқинг.
- ❖ Ўқувчиларнинг яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш мақсадида уларнинг уйларига боринг.

#### **Педагогик амалиёт юзасидан тайёрланадиган ҳисобот ҳужжатлари.**

Педагогик амалиёт тугаганидан сўнг талабалар қуйидаги ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштирган ҳолда тақдим этадилар:

- 1) Амалиётчининг шахсий иш режаси.
- 2) Педагогик амалиёт кундалиги.
- 3) Амалиётчи талабанинг фан бўйича камида 20 та дарснинг таҳлили (йўналишлар бўйича 1 ойлик амалиёт даврида ).
- 4) Танланган йўналиш бўйича мутахассислик фанидан календар мавзули режа.
- 5) Тарбиявий иш режаси.
- 6) Тарбиявий соатлар таҳлили.
- 7) 2 та намунавий тарбиявий соатининг режа конспекти.
- 8) Фанлардан ташкил қилинган тўғарак ишлар режаси.
- 9) Тарбиявий тадбир сценарийси.
- 10) Педагогик-психологик тавсифнома:
  - а) 1 та гуруҳ учун; (4-курс талабалари учун). б) 2 та ўқувчи учун. (3-курс талабалари учун).
- 10) Мутахассислик бўйича талаба дарс ўтган фанидан 2 та намунавий дарснинг режа ва конспекти ишланмаси.
- 11) Намунавий дарс учун талаба томонидан тайёрланган ўқув-кўргазмалар курул, тарқатма материаллар.
- 12) Юқорида қайд этилган ҳужжатлар умумлаштирилган ҳисобот .
- 13) Амалиётдан лавҳалар ҳар гуруҳ альбоми.

Амалиётнинг умумий баҳоси талабанинг тарбиячи ва ўқитувчи сифатида бажарган иши, ўқувчига ёзилган педагогик тавсифнома, ҳамда ҳужжатларнинг ўз вақтида топширилиши ва сифатини ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими асосида қўйилади.

Педагогик амалиётни ўташда талаба педагогика, психология, умумтехник ва методик фанлардан эгалланган билимларига таянади.

Қуйида талабалар педагогик амалаёт даврида амалга ошириши керак бўлган тадбирлар ҳамда бу жараёнда юритиладиган ҳужжатлар мазмунига тўхталамиз.

Амалиёт тугагач, талаба 3 кун ичида ҳисобот топширади. Унга кундалик, тавсифнома, дарс режалари, очик дарслар муҳокамаси қарорларидан кўчирма, ўтказилган дарслар режаси ва конспекти, қатнашган дарслари таҳлили баёни, ўтказилган тарбиявий ишларнинг сценарийси (матни), 2 та ўқувчига психологик-педагогик тавсифнома, амалиётчининг иш дастури, амалиёт даврида гуруҳнинг ўқув-тарбия ишлари ойлик ва йиллик (семестр) иш дастурлари, касб-ҳунар коллежи ҳақида маълумот, келгусида касб - ҳунар коллежи ишини ривожлантириш, дарс сифатини оширишга оид фикрлари илова қилиниши керак.

## Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 2008.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т. 1994.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 1996.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 1996.
6. Каримов И.А. Миллий мафкурамиз, миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин. “Тафаккур” № 2. 1998.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998.
8. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1995.
9. Каримов И.А. “Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман”. Т. 2000.
10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. 1992.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т. 1997.
12. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т. 1997.
13. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг Концепцияси.
14. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 1992.
15. Махкамов У. И. Ахлоқ одоб сабоклари. Т. “Фан”, 1994.
16. Махкамов У. И. Ўқувчиларга ахлоқий маданиятни шакллантириш. Т. “Фан”, 1995.
17. Нишонова Р. Маънавият дарслари. Т. 1992.

18. Атоев А. Қ. Фарзандимиз соғлом бўлсин десангиз. Т. “Ўқитувчи”, 1992.
19. Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. Т. 1998.
20. Сафоев Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т. “Ўқитувчи”, 1998.
22. Юсуф Хос Хожиб. Кутадгу билиг. Т. “Юлдузча”, 1990.
23. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т. “Ўқитувчи”, 1996.
24. Ёўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий имкониятлари. Т. “Ўқитувчи”, 1992.
25. Ортиқов Н. Ёшларни тарбиялашдаги муаммолар ва ечимлар. Т. Ўз.М.У, 1994.
26. Шарипова Д. Мактаб ўқувчиларининг гигиеник таълим-тарбияси. Т. “Муқимий”, 1990.
27. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т. 1996.
28. Беруний. Рухият ва таълим — тарбия ҳақида. Т. 1992.
29. Кайковус. Қобуснома. Т. 1994.
30. Нишоналиев У., Турсунов И. Педагогика курси. Т. 1996.
31. Узоқов Ҳ., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. Т. 1992.
32. Ғайбуллаева Н. Р. Таълим — тарбиянинг амалий йўналиши. Т. 1986.
33. Ғозиев Э. Психология. Ўқув қўлланма. Т. 1994.
34. Ғозиев Э. Педагогик психология асослари. Т. 1997.
35. Болдирев Н.И. Синф раҳбари. Т., 1975.
36. Махмудов М.И. Современный урок. М., 1981.
37. Розов В. К. Педагогик амалиёт. Т., 1985.
38. Ғайбуллаев Н. Педагогика. Т., 1997.
39. Тўхтажўжаева ва бошқалар. Педагогика (дарслик). Т., 2010.

## М У Н Д А Р И Ж А.

КИРИШ.....	4
Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида Низом.....	4
1.Умумий қоидалар.....	5
2.Амалиётни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик.....	5
3.Амалиёт натижаларини якунлаш.....	6
Моддий таъминот.....	10
Оромгоҳларда мавсумий "Камалак" болалар ташкилотини ташкил қилиш Низоми.....	13
Ёзги педагогик амалиёт.....	14
Ёзги педагогик амалиётнинг вазифалари.....	15
Ёзги педагогик амалиёт даврида талабалар фаолиятининг мазмуни.....	15
Ёзги оромгоҳда гуруҳда амалга ошириладиган тадбирларнинг тахминий дастури.....	18
Сардорлар кенгаши аъзоларининг иш тақсимоти.	
Сардорлар Кенгаши раиси - "Камалак" сардори.....	21
Ахборот-таҳлил бўлими сардори.....	22
"Ватанпарвар" йўналиши Сардори.....	22
"Маънавий-маърифий" йўналиши Сардори.....	22
"Экосан" йўналиши Сардори.....	23
"Олтин мерос" йўналиши Сардори.....	23
"Меҳр-шафқат" йўналиши Сардори.....	23
Оромгоҳдаги мавсумий "Камалак" болалар ташкилотининг ахборот стенди.....	24

Оромгоҳ фаолиятини режалаштириш.....	24
Оромгоҳ кунлик иш тартиби.....	26
Оромгоҳларда амалга ошириладиган тадбирлар дастури.....	27
Ёшларга оид шиорлардан намуналар.....	28
Гуруҳ номи, шиори, шавқияси.....	28
Оромгоҳларда тантанали очилиш (ёпилиш) маросимини ўтказиш бўйича намунавий сценарий.....	29
Оромгоҳларда ўтказиладиган суҳбатлар мавзулари.....	31
Оромгоҳларда спорт мусобақаларини ўтказиш.....	39
Гуруҳларда ташкил этиладиган ўйинлар.....	42
Саёҳатни ташкил этиш.....	45
Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ходимларининг хизмат вазифалари ва малака таснифи.....	45
Ётакчининг кодекси.....	62
Кодекс вожатого.....	64
Суҳбатни интерфаол усулда ўтказишнинг намунаси.....	66
Кичик гуруҳларда ишлаш.....	68
Танишиш ва жамоани жипслаштириш учун қулай ўйинлар.....	71
Викториналар учун саволлар намунаси.....	72
I. Педагогик амалиёт ҳақида тушунча.....	75
1.1 Педагогик амалиётнинг мақсад ва вазифалари.....	76
1.2. Ўқитувчи касб маҳоротини шакллантиришда педагогик амалиётнинг ўрни.....	84
1.3. Педагогик амалиётда талабанинг бурч ва вазифалари.....	89
1.4. Педагогик амалиёт модели.....	92



1.5.Педагогик амалиёт даврида талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш индивидуал дастури .....	95
1.6. Педагогик амалиёт ва унинг вазифалари.....	96
1.7. Педагогик амалиёт мезонлари таснифи.....	97
1.8.Педагогик амалиётнинг мақсади ва мазмуни.....	100
1.9.Талабалар педагогик фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш.....	100
1.10.Мутахассислик бўйича синов дарсларини ўтказиш натижалари.....	102
II.Педагогик амалиётнинг мақсади, моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	106
2.1. Мактаб, академик лицей ёки касб-хунар коллежларининг ўқув-тарбиявий ишлари билан танишиш. Ўқувчиларни ўрганиш.....	108
2.2. Ўқувчи шахси ва синф ўқувчилар жамоасини ўрганиш. Ўқувчи шахсини ўрганишнинг намунавий дастури.....	110
2.3.Ўқувчи камолотининг умумий даражаси.....	110
2.3.Ўқувчи камолотининг умумий даражаси.....	111
III.Ўқувчини ўрганиш асосида синф раҳбари қўллайдиган педагогик тадбирлар.....	113
IV. Синф ва гуруҳ ўқувчилар жамоасини ўрганишнингнамунавий дастури.....	115
4.1.Синф (гуруҳ)ўқувчилар жамоасининг психологик-педагогик тавсифномасини тузиш.....	117
4.2.Педагогик консилиум ўтказиш тартиби.....	118
4.3.Педагогик амалиёт давридаги ўқув-тарбиявий ишларни режалаштириш.....	119
4.4.Педагогик амалиёт жараёнида касбий маҳоратни оширишга доир малакалар.....	120
V.Тарбиявий жараённи ташкил этишга доир малакалар. 5.1.Дидактик малакаларни ривожлантириш учун топшириқлар.....	124
VI.Индивидуаллик ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши учун топшириқлар.....	129
VII. ОТМ ёки мактаб ўқитувчиси томонидан талабанинг педагогик фаолияти тавсифномаси.....	131
7.1.Талабанинг ўз-ўзини бошқариш асосида тузилган педагогик фаолиятнинг умумлашгантавсифи.....	131

VIII. Педагогик амалиёт даврида ўқув жараёнини ташкил этиш. Замонавий дарс	
8.1. Дарс ва унга қўйиладиган талаблар.....	132
8.2. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблар.....	132
8.3. Дарсга қўйиладиган психологик талаблар.....	133
8.4. Дарсга қўйиладиган ахлоқий-этик талаблар.....	133
8.5. Дарсга қўйиладиган гигиеник талаблар.....	133
8.6. Дарсга қўйиладиган техник талаблар.....	134
8.7. Дарс типлари.....	134
8.8. Дарс типларининг қисқача тавсифномаси.....	134
8.9. Дарс типларининг тузилиши.....	135
8.10. Янги билимларни баён этиш дарсининг тузилиши.....	135
8.11. Аралаш дарсининг тузилиши.....	135
8.12. Умумлаштириш ёки такрорлаш дарсининг тузилиши.....	135
8.13. Ноанъанавий дарс турлари.....	135
IX. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида қўлланиладиган дарс турлари.....	136
X. Ўқитувчи (талаба) нинг дарсга тайёргарлик кўришининг асосий босқичлари.....	140
XI. Ролли ҳамда ишбоп ўйинлар асосида ўқув машғулотларини ташкил этиш.....	140
XII. Амалиётчи-талаба томонидан синов дарсларини режалаштириш ва ўтказиш.....	149
XIII. Дарсни кузатиш, таҳлил қилиш типлари, турлари ва уларнинг қисқача тавсифномаси.....	154
XIV. Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва тарбиявий ишларни амалга ошириш	
Педагогик амалиётда тарбиявий ишларни ўрганиш, ташкил этиш ва ўтказишнинг мақсад ва вазифалари.....	167
Қарши Давлат университетининг одоб-ахлоқ қоидалари.....	193
“Устоз- шогирд” мактаби низоми.....	207
Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳамда дастурни амалга оширишга оид фармонлар ва ҳукумат қарорлари.....	218

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.....	219
Иловалар.....	223
Фойдаланилган адабиётлар.....	285